

ISSN 2181-8738

ВОДАЙНОМА

АПРЕЛЬ-ИЮНЬ
2017 ЙИЛ
№3 (5) (МАХСУС СОН)



МУНДАРИЖА

«ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал
2017 йил №3 (5) (MAXSUS СОН)

Муассис: «Мерос» халқаро илмий-амалий
экспедиция жамоат фонди

Бош муҳаррир:

Рустамбек Шамсутдинов

Бош муҳаррир ўринбосари:
Абдулла Шаропов

Таҳир ҳайъати:

Абдулхамид Анорбоев

Екатерина Смесова

Махбуба Темирова

Мирсадик Исҳоқов

Музробжон Абдуллаев

Муҳаммаджон Исимиддинов

Наим Каримов

Пойн Равшанов

Ташманбет Кененсариеv

Шамсиддин Камолиддин

Шуҳрат Ризаев

Масъул котиб:

Маъмуржон Сайдхонов

Техник муҳаррир:

Аҳорробек Отаконов

Жамоатчилик кенгаси:

Бахтиёр Аминов

Дилмурод Куровон

Маҳмуд Ҳасанов

Мансур Ҳўжаев

Сойибжон Ҳошимов

Андижон вилояти Матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан 2016 йил 18 майда
№ 04-049 рақам билан рўйхатга олинган

Нашр индекси: 170112

Нашр учун масъул: Р.Т.Шамсутдинов

Таҳририят манзили: 170100, Андижон шаҳри
Университет кўчаси 129-йй.

Телефон: (99890) 253-26-32

Факс: (99874) 223-83-52.

Почта: vodiynoma@inbox.uz

Босишига рухсат этилди: 06.07.2017 й.

Қоғоз бичими 60x84 1/8. Босма тобоги: 13,5

Офсет босма. Офсет қоғози.

Адади: 1400 дона. Буюртма № 68

Баҳоси келишилган нархда.

Чоп этилган мақолаларда билдирилган
фикр-мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига
мос келмаслиги мумкин. Көлтирилган факт ва
рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайнни ва оригинал макет

«Akademnashr NNM» МЧЖ томонидан тайёланган
«Print Media» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Чилонзор тумани
20^а-мавзе 42-йй

БУЮК БОБУРИЙЛАР САЛТАНАТИ ВА УНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИДАГИ ЎРНИ

Рустамбек Шамсутдинов, Музробжон Абдуллаев

Бобур – буюк салтанат асосчиси.....2

Музробжон Абдуллаев

Таҳти Сулаймон ёки Бобурнинг Ўшдаги уйи.....13

ҚАДИМГИ ДАВР

Абдулҳамид Анорбоев

Фарғона антик ва илк ўрта асрлар даврида.....19

Ф.Э.Тошбоев, Ж.Э.Тошбоев

Уструшона ва Фарғона водийси қадим аҳолиси маданий алоқаларининг
дағн маросимларида акс этиши.....25

ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ

Ш.С.Камолиддин

Ўзбек дўпписи тарихидан.....30

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

Рустамбек Шамсутдинов, Музробжон Абдуллаев

Ўзбекистонда колективлаштириш, қулоқлаштириш ва дәхқонларни сур-
гун қилиш: мақсад, тажриба ва оқибатлар.....36

Музробжон Абдуллаев, Шамсутдин Темиров

Коллективлаштиришга қарши дәхқонлар кўзғолони.....50

КОММУНИЗМ ҚУРБОНЛАРИ

Рустамбек Шамсутдинов, Соибжон Ҳошимов

Ҳаққу Ҳусанбоевнинг фожиали қисматидан лавҳалар.....56

ЭСДАЛИКЛАР, РИВОЯТЛАР ВА ЁЗИШМАЛАР

Отрывки из воспоминаний Гафура Хайдарова.....71

ТАРИХИЙ ШАХСЛАР

Рустамбек Шамсутдинов

Абдуллаев Ҳабиб Муҳаммединич (1912 – 1962).....74

АБДУЛҲАМИД ЧҮЛПОН ТАВАЛЛУДИННИНГ 120 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Наим Каримов

Эрк ва ҳуррият куйчиси.....79

Рустамбек Шамсутдинов

Чўлпон – озодлик курашчиси.....83

Наим Каримов

Чўлпоннинг 1937 йил 7 – 8 апрелда Ўзбекистон ёзувчилари йифилишида
сўзлаган нутқи.....94

Рустамбек Шамсутдинов

Чўлпон асарларида тилга олинган тарихий шахслар.....98

ИЛМИЙ ҲАЁТ

Р.Ш.Холиқов

Коллективлаштириш ва унинг оқибатлари тўғрисида муҳим
тадқиқот105

Наим Каримов

Тақдимот.....107



БОБУР – БУЮК САЛТАНАТ АСОСЧИСИ

Рустамбек Шамсутдинов,
Мурзобжон Абдуллаев
(докторант)

Бобур 1504 йили кўлга киритган Кобул давлатининг йиллик даромади 800 минг шоҳрухий эди, лекин тоғлиқ жой бўлган бу ерлардан солиқларни тўплаш учун кўплаб юришлар қилиш керак эди. Бу ердаги аҳоли ҳам турли-туман бўлиб, турк, ўймоқ, араб, ўзбек, афғон, ҳазора каби уруглар яшарди. Бобур лашкари ҳам хилма-хил миллатлардан ташкил топган, улардаги жанго-варлик руҳи бир хил эмасди. Лашкардаги айрим уруг вакилларига ишонч йўқ эди. Бобур давлати ва лашкарининг эҳтиёжларини таъминлаш учун қўшни ҳудудларга босқин уюштириши ва янги-янги ерларни кўлга киритиши зарур эди.

1506 йили Ҳусайн Бойқаро Шайбонийхонга қарши жанг қилиш учун бутун лашкарини тўплаб ҳаракат бошлаганида Бобур ҳам Ҳиротга қараб отланади. Лекин у Ҳиротга этиб келмасидан бурун Ҳусайн Бойқаро вафот этиб, унинг ўғиллари ўртасида тожу тахт учун низо бошланди ва умумий душманга қарши муваффақият қозонилмади. Бунинг натижасида Бобур яна Кобулга қайтишга мажбур бўлди. У Кобулга келганида тоғаси Султон Маҳмуд мирzonинг ўғли Ҳон мирzonинг ҳужумига дуч келди ва икки ўргада бўлган жангда Ҳон мирзо қўшини мағлубиятга учради.

1507 йили Шайбонийхон Ҳиротни забт этади. Бу воқеадан кўп ўтмай Бобур Қандаҳорни аргунлардан тортиб олди. Ҳиротни забт этган

Шайбонийхон Қандаҳор томон ҳаракат бошлагач, Бобур Шайбонийхон сўнгги темурийлар давлати бўлган ўз давлатини ҳам забт этишга ният қилганини фаҳмлаб қаттиқ изтироб билан Кобулни ташлаб Ҳиндистон томон кўз тикиди. У шайбонийхонга қарши чиқадиган дараҷада қудратга эга эмас эди. Шайбонийхоннинг Қандаҳор шаҳрини забт қилиб, шаҳар аркини ололмай орқага қайтганидан хабар топган Бобур дарҳол Кобулга қайтади. Қандаҳор эса яна аргунлар қўлига ўтади (1507 – 1508 йиллар). Худди шу даврдан Бобур фармонларда ўзини «подшоҳ» унвони билан атая бошлади.

1509 – 1511 йилларда Шайбонийхон, Эрон шоҳи Исмоил Сафавий ва усмонийлар султони Ёвуз Салим каби ҳукмдорлар ўртасида ягона ҳукмронлик учун ўзаро кураш бошланган эди. Бобур бу курашда Шоҳ Исмоилнинг иттифоқчиси сифатида иштирок этди. 1510 йили Шоҳ Исмоил Марв яқинида Шайбонийхонни енгиб ўлдирганидан сўнг Бобур у билан ҳамкорлик қилиб, унинг ёрдамида тақороран Самарқандни эгаллайди.

Бобурнинг қуввати, яъни Кобул ўлкасидан келадиган фойда она юрт тахтини қайтариб олиш учун етарли бўлмаганлигидан у Шоҳ Исмоил билан ҳамкорлик қилишга мажбур бўлганди. Шоҳ Исмоил ҳам, ўз навбатида, бир темурий шаҳзоданинг обрўсидан фойдаланиб Туркистонни осонгина кўлга киритиш умидида эди. Шу тариқа Бобур 1511 йили Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона каби ҳудудларни шайбонийзодалардан олиб, бобоси Темур тахтига тақороран ўтиришга муваффақ бўлди.



Хирот

Аввалбошда Бобурни қувонч билан кутиб олган Мовароуннахр аҳолиси унинг Шоҳ Исмоил вакили эканлигини кўргаётганда қарши норозилик билдира бошлади. Чунки Бобур Шоҳ Исмоилнинг талабларига биноан Самарқандда баъзи бир шиа тартибларини жорий этишга мажбур бўлган эди. Сунний мазҳабида бўлган маҳаллий халқ, табиийки, бу тартибларга қарши чиқди. Бу ҳолатдан фойдаланган шайбонийзодалар Бобурга қарши ҳужумга ўтдилар ва уни Чўлмалик деган жойда 1512 йили мағлубиятта учратиб Туркистондан суринч қиқардилар.

Шоҳ Исмоил жўнатган янги ёрдамчи қўшин ҳам 1512 йил охирларида Гиждувонда кўчманчи ўзбеклардан мағлубиятга учраганидан сўнг Бобур аввал Ҳисорга, кейин Амударёнинг жанубига чекинишга мажбур бўлади.

1514 йили Шоҳ Исмоил Чалдиранда турк сultonни Ёвуз Салимдан мағлуб бўлгач, Бобур ота юртини шайбонийзодалардан қайтариб олиш умидидан воз кечиб Кобулга қайтади ва Ҳиндистонни забт этиш тадбирларини кўра бошлиайди.

1514 йил охирларида Бобур Кобулга қайтиб келади. У Кобулда анча кўпайиб қолган қўшин-

ни зарур маблағ билан таъминлаш, ўлкасини кенгайтириш учун бир қанча кичик жанглар олиб борди. Кўп ўтмай Шимолий Ҳиндистонда вужудга келган сиёсий танглик Бобурнинг ишини осонлаштириди. 1517 йили Шимолий Ҳиндистон сultonни Иброҳим Лўдига қарши афғон беклари исён бошладилар. Унинг амирларидан Давлатхон ва Оламхон Лўди Сulton Иброҳимга қарши қурашда Кобул ҳукмдори Бобурни ёрдамга чақиришни режалаштирилар. Бу билан Бобурда Ҳиндистон томон юриш қилиш учун имконият вужудга келади. Бундай имконият юзага келган пайтда Бобурни кўп қийинчиликларга дучор қилган укалари Жаҳонгири ва Носир Мирзо ўлган, бек-амирлар орасида ҳам унга қаршилар қолмаган эди.

Бобур Иброҳим Лўди давлатига қарши кескин ва ҳал қилувчи жангга киришишдан аввал давлатини шарқу ғарб томон кенгайтириш, бу билан Ҳиндистонни фатҳ этиш учун мустаҳкам пойdevor ҳозирлаш ниятида ҳаракатлар олиб борди. Панжобга уюштирган ҳарбий юришларидан ҳам шу ниятни кўзлаган.

1518 йили Бобур Кобулнинг шарқидаги тоғлик ўлка бўлган Сиват ва Бижапурда мустақил



ҳукм суроётган Юсуфзой афғонларини енгиб бу ҳудудларнинг бир қисмини қўлга киритди. Ўша жангда Бобур қўшинида биринчи бор ўт отувчи қуролдан фойдаланилди. Кўп ўтмай Бобур мазкур элат ҳукмдорларидан бирининг қизи Биби Муборак бегимга уйланиб, бу билан ҳам давлатининг мустаҳкамлигини таъминлади, ҳам кучли бир афғон қабиласини ўз давлатига қўшиб олди.

1519 – 1524 йиллар орасида Бобур гоҳ Панжоб, гоҳ Қандаҳор йўналишида жанглар олиб борди. 1520 йили Бобур учинчи Ҳиндистон юришини якунлаганида Сиёлкот ва Сайдидпур теварагига қадар етди. Ҳудди шу йили қўл остидаги Бадахшон ҳокими, тоғасининг ўғли Хон мирзо вафот этгач, Бобур бу ерга ўз ўғли Ҳумоюнни волий қилиб жўнатди.

1524 йили Бобур Кобулга келган Оламхон билан Султон Иброҳимга қарши биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида битим тузди. Шу вақтда Шоҳ Исмоил вафот этиб, сафавийлар таҳтига ўн ёшли Шоҳ Тахмаспнинг ўтириши билан фурсат кутиб турган шайбонийзодалар Балхни қамал қилдилар. Бобур ўз мамлакатининг бир четидаги бу шаҳарни қутқаришга эҳтиёж сезганлигидан дарҳол ҳаракат бошлади.

Оламхон ҳам Панжоб волийсига Бобурга ҳарбий ёрдам кўрсатиш юзасидан фармон юборди. Оламхоннинг ўзи озгина лашкар билан Султон Иброҳим устига юра олмас эди. У Бобур билан келишмасдан, Панжобни бериш шарти билан Давлатхон билан битим тузади ва унинг қўшини ёрдамида Деҳли устига юради. Улар бир кечалик босқинда осонликча муваффақият қозондилар, лекин саҳарлаб мағлубиятга учраб орқага қайтдilar.

Балхни қутқариб қолган Бобур мирзо яна ўз давлатини мустаҳкамлаш ҳақида қайғурди. Бу ўринда Эрон шоҳи Тахмаспнинг қудратли кучга эга эканлиги ва у Туркистондан бўладиган ҳужумларнинг олдини олиши мумкинлиги Бобурга бутун кучини Ҳиндистонга қарши йўналтириш имконини берди.

Бобур, аввало, Давлатхон ва Оламхоннинг сўзизда турмаганини кўриб, уларнинг ёрдамисиз ҳаракат бошлаши керак эди. 1524 йили Синд дарёси жанубидаги аргунлар унинг ҳукм-

ронлигини тан олдилар. Тобора куч-қудрати ошиб бораётган Бобур мирзо энди Иброҳим Лўдига қарши қатъий зарба бериш, бутун Ҳиндистонни эгаллаш учун ҳаракат қилади. Бу пайтда Бобур лашкарлари сони ҳам ортган, ўша даврнинг энг замонавий қуроллари билан таъминланган эди.

Бобур Иброҳим Лўдига аввал Амир Темур ҳукми остига кирмаган баъзи минтақаларни қолдирган экан, бу сафар «Хотирлаш мумкин бўлмаган замонлардан бўён бизга оид бўлган» ҳудудлар қайди билан бутун Шимолий Ҳиндистонни Иброҳим Лўдидан талаб қилмоқда эди.

Сиёсий ва ҳарбий тадбирларни етарли ҳисоблаган Бобур 1525 йил декабрининг ўн еттинчи куни ўзининг охирги – бешинчи Ҳиндистон юришини бошлади. Ўғли Ҳумоюн қўл остидаги Бадахшондан келадиган аскарлар ҳануз етиб келмаганлигидан ўн кун ўзи яратган Боги Вафода (ӯша вақтдаги Одинапур шаҳрида, ҳозирги Афғонистондаги Жалолобод шаҳри) кутиб турди. Лашкар тезлик билан Синд дарёси бўйига келтирилиб, қайиқлар ёрдамида дарёдан олиб ўтилди. Бобурнинг лашкари ўн икки минг кишидан иборат эди. Дарёни кечиб ўтган лашкар Лоҳур йўлидан айрилмасдан тоф этакларидан Сиёлкот томон ҳаракат қилди. Сабаби, лашкарни озиқ-овқат билан таъминлаш учун тоф этакларида имконият нисбатан яхши эди.

Илк мақсад мухолиф Давлатхонни мағлуб этиш бўлганлигидан Панжоб томон юрилади. Душман қочиб Лоҳурнинг 250 чақирим шарқидаги Миалват тоглари орасидаги мустаҳкам қалъага беркинади. Таъқиб қилиб қелган Бобур қалъани эгаллайди.

Бобур 1526 йил февраль ойи бошида кичик лашкари билан Деҳли устига юришга қарор қилди. Йўл давомида баъзи афғонbekлари унга ўз итоатини билдирилдilar. Амбалла шаҳри жангиз эгалланди. Ҳаракати давомида 650 чақирим илгарилаган Бобур Деҳли султонлиги ерларида ҳаракат қилмоқда эди.

Иброҳим Лўди ҳам Бобурга қарши жангга тайёргарлик кўрган, албатта. Унинг қўшини Бобур қўшининга нисбатан жуда кўп эди. Бобур, қўшини оз бўлишига қарамай, жангга киришга қарор қилади. Икки кун яна илгари юрган



Бобур чап томондан яқинлашган душманинг бир қисм аскарларини енгиб Панипат водийсига етиб келади. Бобур қўшини бу пайтда 15 минг кишидан иборат эди.

Бу вақтга келиб Бобурнинг ҳарбий билими, саркардалик малакаси, жанговар тажрибаси ортганди. Унга Шайбонийхон, Шоҳ Исмоил, Султон Ҳусайн Бойқаро ва бошқа йирик қўмондонларнинг жанг олиб бориш усуслари маълум эди. Иккинчи томондан, Бобур қўшини яхши қуролланганди.

1526 йил 29 апрель куни эрталаб Бобур қўшини душманга қарши ҳужумга ўтиш учун жанговар ҳолатга келтирилди. Душманинг юз минг кишилик лашкарига қарши мудофаани ҳозирлаш учун Бобур қулай плацдарм – жабҳа танлади. Бунда ўнг қанотни машҳур Панипат шахрининг уйларига тақаган, чап қаноти эса хандақ ва шоҳ-шаббалар билан ҳимояланган эди. Жабҳада бир-бирига боғланган 700 арава жойлаштирилади. Аравалар орасида бемалол ўқ отиш учун бўшлиқлар қолдирилди. Бу ерда



Панипат жангидан бир лавҳа

Панипат майдонидаги ҳал қилувчи жанг олдидан Иброҳим Лўди лашкари билан бирлашиб учун Ходимхон бошчилигидаги қўшин келаётганидан хабар топган Бобур бу қўшинга зарба беришни ўн саккиз ёшли ўғли Ҳумоюн мирзога топширди. Ҳумоюн мирзо бу топшириқни жуда ўринлатиб бажарди. Шунингдек, Миан Дубада Иброҳим Лўдининг Довудхон ва Ходимхон бошлиқ беш минг кишилик қўшини ҳам мағлуб этилади. Бу зафарлар Бобурни янада руҳлантириб юборди.

саккиз кун давомида душман кутиб турилди. Бобур ҳар бир бўлинма қўмондонинга ҳужум тактикаси ҳақида кўрсатма беради. Қўшинлар ўнг, чап қанотларга бўлинди ҳамда асосий куч ўртага қўйилди. Бобур мўғулларнинг машҳур «тўлғама» номли ҳужум тактикасини қўллашга қарор қилганди. Қўшиннинг ўнг қанотида Ҳўжа Калон, Султон Муҳаммад Дўлдор, Ҳиндубек, Вали Ҳазин, Пир Қули Сейистон, чап қанотда Муҳаммад Султон мирзо, Мехди Хожа, Одил Султон, Шоҳ Мир Ҳусайн, Султон Жунайид Бар-



лос, Қутлуг Қадам, Жони Бек, Муҳаммад Бахши, Шоҳ Ҳусайн ўз навкарлари билан жойлашди. Ўнг қанот марказида Чин Темур Султон, Муҳаммад Кўкалдош, Шоҳмансур Барлос, Юнус Али, Муҳаммад Сарбон, Абдулла Китобдор, чап қанот марказида эса Мир Али Халифа, Низомиддин Хўжа, Аҳмад Парвоначи, Турди Бек, Кўчи Бек, Муқим Али Халфа, Мирза Бек Тархон қўшинлари қўйилди.

Яқинлашиб келган Иброҳим Лўди лашкари Бобур мудофаасини кўриб тўхтади. Ниҳоят, биринчи бўлиб Султон Иброҳим қўшини ҳужумга ўтди. Қизгин жангда аскарлар аралашиб кетди. Бундан фойдаланган Бобур дарҳол оралиқдаги қўшин билан душманнинг ён ва орқа тарафларини ўраб олиб, қанот қўшинлари билан ҳужумга ўтди. Марказда Алиқули билан Мустафо Румийнинг тўплари яхши натижа берди. Шу билан бирга, ўқ-ёйчилар ва суворийлар ҳам муҳим вазифани уddeлалар эди.

Жанг давомида марказ қисми шикастланиб, ҳар тарафдан сиқувга олинган ҳинд-афон лашкари тор бир майдонга йиғилиб қолади. Бобур қўшини уларни ҳар тарафдан ўраб олиб кескин зарба берди. Кун ярмига бориб жанг Иброҳим Лўдининг мағлубияти билан тугади. Душман қўшинининг йигирма минг жасади орасида Иброҳим Лўди ҳам бор эди. Бобур мағлуб лашкарни шиддат билан таъқиб қилиб Агра ва Дехлига илғор қўшин жўнатади.

Жангнинг эртаси куни Бобур ҳам Дехлига кириб, турк султонлари Қутбиддин, Фиёсиддин, Алоуддин султоннинг мақбараларини зиёрат қилди. Дехлидаги масжидда жума хутбаси Бобур номига ўқилиб, у Ҳиндистон ҳукмдори деб эълон қилинди.

Бобур Дехлида идора ишларини юритиш учун масъуллар тайинлаб, ўзи Агра томон юради. Аграда ўғли Ҳумоюн эски Гвалиёр ҳукмдорларидан бирининг оиласини қутқарганлиги учун аввал Султон Алоуддинга тегишли бўлган ва унга тақдим этилган 279 карат оғирликдаги машҳур Кўхинур олмосини Бобурга тақдим этади. 11 майда қўлга киритилган хазина ва ўлжалар тақсимланади. Барча бек-амирларга ва аскарларга даражасига қараб мукофотлар берилади. Самарқанд, Хурросон, Кошғар, Ироқ

шайхлари, Макқа ва Мадина турбадорлари ҳам бу ўлжадан ўз улушларини олдилар. Кобул ҳукуматининг ҳар одамига кумуш пуллар тарқатилди.

Илк муваффақиятдан кўп ўтмай янги муаммолар чиқа бошлади. Фарбда Санбал, Дулпур, Рабарий, Этава, Бийана бекликлари, Аграга яқин бўлган Махабан ағфон беклиги Иброҳим Лўди укасини ҳукмдор деб эълон қилди. Шарқий сарҳадларда эса Иброҳим Лўдининг ўғли таҳтга даъво қилиб чиқди. Айрим ҳудудларда парокандалик бошланиб, қишлоқларда турли босқинчиликлар юзага келди, халқ орасида очлик бошланмоқда эди.

Бобурнинг лашкари ичида ҳам безовталиқ бошланган, айрим қўшин бошлиқлари орасида норозилик кучаймоқда эди. Ниҳоят, болалигидан Бобурга дўст бўлган ва бу жангда олти укасидан ажралган Содик Хожа Калон қўшиндаги умумий аҳвол ҳақидаги фикрларини баён қилади. Бобур узоқ йиллик тайёргарликдан кейин Ҳиндистонга олиб келган бекларини тинглашга мажбур бўлди. Бобур бутун бекларни тўплаб суҳбатлашди, баъзиларни Кобулга қайтиш фикридан қайтарди. Уларнинг қўпчилиги Ҳиндистонда қолишга рози бўлди. Фақат Хожа Калон кетишини жуда хоҳлаганлигидан уни Фазнага жўнатдилар.

Бобур Ҳиндистонга келган дастлабки кунлардан бу ерда ободончилик ишларини амалга ошира бошлади. Аграда катта бир қудук қаздириб, бутун шаҳарни сув билан таъминлади. Дехли ва Аграда ҳовузлар, ҳаммомлар ва бинолар қурдирди. Барпо қилинган боғлар гул ва дарахтлар билан безатилди. Айрим бек ва амирлар ҳам бу каби ишларга қўшилдилар.

Бобурнинг Ҳиндистонда қолишга қарор қилганидан бальзи ағfon беклари итоатсизлик кўрсата бошладилар. Шарқда исён кўтарган қабилалар Ганг ҳавзасини ишғол этдилар. Мевар рожаси (хони) Рано Санга ҳам пойттаҳт яқинларида таҳдид қилмоқда эди. Бобур августда ўғли Ҳумоюн қўл остидаги қўшинни шарқдаги исёнчиларга қарши жўнатди. Исёнчилар мағлуб бўлиб, Гогра ирмогининг шарқига чекинди. Текмил, Жавнпур ва Ад тевараги забт қилинди. Бу орада Бобур сиёсий тадбирлар билан мустақил



Жаҳонгир Маҳал. Амар Сингх дарвозаси. Агра қалъасига кириш

бўлган Рабарий, Этава, Бияна, Дилпур, Гвалиёр каби қалъаларни бўйсундириб, бу қалъа бекларига бошқа тарафлардан мулклар берди. Индус дарёси бўйидаги Мўлтонни ҳам қўлга киритди.

Бобур 1526 йил охиридан 1527 йил баҳорига қадар 1400 километр узунлиқдаги бутун Шимолий Ҳиндистон ҳукмдорига айланган эди. Бу пайтда Бобурга қарши 12 минг қўшинга эга бўлган, фарбда Султон Маҳмуд Лўди ҳукмронлигини тан олган афғонлар ва ражпутлар билан Ҳасан Меват ўртасида иттифоқ тузилади. Афғонлар муҳолифати маркази Меват эди.

Бобурнинг янги давлати учун жиддий душман афғонлар билан бирлашиб ҳаракат қилаётган Рано Санга эди. Бир вақтлар Читорнинг (Удайпурнинг) оддий бир рожаси бўлган бу зот маҳаллий ражпутлар ўртасида катта обрў қозонганди. Ўз халқининг душманларига қарши жангларда бир қўли ва бир кўзидан ажралган, бир оёғи синган ва саксон жойидан ярадор бўлган. Унинг амрида зо минг суворий, 7 рожа, 9 рао, 140 бек ва 500 фил ҳаракат қилган. Бундан ташқари, Билша ҳукмдори Салоҳиддиннинг зо минг, Ҳасанхон Меватнинг 12 минг, Чандор

ҳукмдори Медина Раунинг 10 минг, Султон Маҳмуд Лўдининг 10 минг кишилик қўшинларини ҳам бирлаштирган эди. Рано Санга Иброҳим Лўдига қарши курашда Бобур миззога ёрдам беришини билдириб Кобулга элчи жўнатганди. Бироқ кейинчалик у ўз аҳдини бузиб, жангда Бобурни ташлаб қетган. Бобур Ҳиндистонни ишғол қилганидан кейин унга қарши жангта тайёргарлик кўради.

Бобур ўзига иттифоқчи бўлган ражпутлар билан 1527 йил бошларида ҳарбий ҳаракатни бошлади. Худди шу вақтда Уста Алиқули ҳам ўқлари 1600 одимга етадиган катта бир тўп қуиган ва Бобурнинг шоҳона мукофотига сазовор бўлган.

Жангнинг бошланиши жуда ёмон бўлди. Илгари юрган Бобурнинг бир суворий қўшини мағлубиятга учради. Ҳар томонда исён бошланди. Рабарий, Чандивар, Коил, Самбал қалъалари душман қўлига ўтди. Гвалиёр қалъаси душман томонидан қуршаб олинди. Бунинг устига, Бобурга иттифоқчи бўлган хинд ражпутлари ҳам қоча бошладилар. Бобур қўшинида таҳлика бошланиб, айrim амирлар Панжобга чеки-



нишни таклиф қилдилар. Лекин Бобур аҳдида қатъий туриб, қўшиннинг маънавий руҳини кўтаришга эришди. Душманга қарши жанг қилар экан, ҳар бир аскарни жангдан қочмасликка каттаю кичикни аҳд қилдирди. Мусулмонлардан олинадиган тамға солиғини бекор қилди. Ўзи ҳам шароб ичишни бас қилди. Кўрилган бу тадбирлар Бобурга жуда катта мадад бўлди.

Бобур 1527 йил 16 марта ўз қўшинларини Рано Санга қўшинига қарши қайтадан жангга сафлади. Бобур ва Чин Темур Султон бошлиқ отлиқ аскарлар қўшин марказида турарди. Ўнг қанотга ўғли Ҳумоюн ва Нозим Ҳусайн Султон, Ҳиндубек, Хусрав Кўкалдош, чап қанотга эса Саид Меҳди Хожа, Муҳаммад Султон мирзо, Абдул Азиз, Муҳаммад Али ўз қўшинлари билан жойлашадилар.

Секри ёнида Панипатдагидан ҳам даҳшатлироқ жанг бўлиб ўtdи. Бобур қўшинларини беш қатор саф тортириб қўйди. Туркий қавм аскарларидан «тўлғама» учун маҳсус жанговар отряд тузди. Бобурнинг жанг тартиби Панипатдагининг айни ўзи эди. Қанотлар билан хужум, қанотлар орасидаги қучлар билан душманнинг ён ва орқа томонларини қуршаб олиш, марказдан тўпу тўғанглар билан ўққа тутиш. Бу каби тадбирлар ражпутларда йўқ эди. Шунинг учун улар матонат ва жасоратига қарамай мағлуб бўлдилар. Душман Рано Санга қочган, унинг лашкари эса Гужарат султонидан паноҳ топган эди. Бу жангда ғалаба қозонган Бобур «Гозий» унвонини олди.

Мазкур жангда қўлланган тактикани Бобур Шайбонийхон билан бўлган жангларда ва Панипатда ҳам моҳирона қўллаганди. Аммо бу галги жанг Бобур олиб борган жангларнинг энг машҳури «бриллианти» эди. Бу жангни Карл Маркс ҳам юксак баҳолаб, Бобурнинг саркардалик маҳоратини алоҳида таъкидлаган ва уни ўқ отадиган қуролдан ҳамда камонлардан кенг фойдаланганини ёзган.

Бу жанг Ҳиндистон учун кечган курашни Бобур фойдасига ҳал қилди. Панипатдаги ғалаба Ҳиндистонда бобурийлар салтанатини ўрнатган бўлса, Секридаги ғалаба уни мустаҳкамлади.

Бобур иссиқ ва сув танқислиги боис душманни тўла таъқиб эта олмади, фақатгина кўлдан



Бенгалия элчиси Бобур қабулида.

чиққан ҳудудларни ва Меватни эгаллади. Энди Ҳиндистонда Бобурга хавф соладиган жиддий рақиб қолмаган эди. Бу жангдан кейин Бобур Туркистонга кетмоқчи бўлган аскарларга рухсат берди. Бу ерда қолишга қарор қилган аскарлардан қўшин тузилиб, Ҳумоюн мирзо бошчилигига Бадахшонга жўнатилди. Бобур Фатҳпур-Секрини уч марта зиёрат қилиб, бу ерда Зафар боғи деб аталган боғ бунёд эттириди.

Бобур 1528 йили жуда баланд тоғ қоясида жойлашган ва мустаҳкам бўлган Шандемир қалъасини ҳам қўлга киритди. Шундан кейин у Ўрта Осиё ва Эрон масаласи билан шуғуллана бошлади. Кобул ва Бадахшон билан алоқани мустаҳкамлаш учун Аградан 1500 чақиримлик



йўл қурилишини бошлади. Бу пайтда Рано Санга ўлган, унинг икки ўғлидан кичиги Рано Бикермажид Бобурга итоаткорлигини билдирган эди.

Бобур 1529 йил февраль ойида шарқдаги Маҳмуд Лўди бошлиқ исёнчи афғон бекларига қарши ҳаракат бошлайди. Ҳарбий юриш пайтида у тўсатдан хасталанди. Бобур Ҳиндистонда фақатгина ҳарбий иш билангина машғул бўлмай, бир қанча ҳукуматга оид ва оиласвий ишлар билан шуғулланар, ижодий фаолиятини ҳам тўхтатмас эди.

Бобурнинг Оллоҳободни забт этиб, ўзларига қарши қўшин тортиб келаётганидан хабар топган афғонлар Чунор қалъаси қамалини тўхтатиб Банорасдан Бенгалия томон чекинадилар. Биҳарни ҳам қўлга киритган Бобур бу ерда маъмурий ишларни йўлга қўйганидан кейин Бенгалия томон юрди. Бу ердаги бир қатор маҳаллий беклар Бобурга ўз итоатини билдирилар.

Маҳмуд Лўди Бенгалиядан паноҳ топган ва Ганга дарёси бўйида Бобурга қарши жангга тайёрланганди. Бенгалия ҳокими Нусратшоҳ унга қарши тегишли чора кўрмаганди. Шу боис

Бобур Ганга дарёсини кечиб ўтиб Маҳмуд Лўди қўшинини мағлуб этади. 1529 йил май ойида Нусратшоҳ Бобур билан сулҳ тузиб, ўзидан паноҳ топган исёнкор афғон бекларини Бобурга тутиб беради. Шунингдек, бир вилоят ҳам Бобур тасарруфига берилади.

Бобур лўдиларга тегишли барча ҳудудларни эгаллаганидан ташқари бошқа айрим вилоятларни ҳам забт этди. Унинг мулки Ҳимолайдан Гвалиёр ва Чандейригача ёки Бенгалиягача чўзилган эди.

Лекин Бобур бу билан қаноатланмай, янги мэрраларга интиларди. Ҳиндистон катта мамлакат бўлса-да, Ҳирот бегоналар қўлида эди. Айни пайтда, жонажон Самарқанд ҳам Темурбек набирасини ўзига чорларди. Шоҳ Тахмаспнинг ёшлигидан фойдаланган шайбонийзодалар 1525 ва 1528 йилларда Марв, Машҳад, Тус, Астрободни забт этиб, Ҳирот қамалини бошлагандилар.

Бобур Ҳиндистон ишлари билан банд бўлиб Туркистон йўналишида ҳаракат бошлашга имкон топа олмаётганди. У Бадахшондаги ўғли Ҳумоюн мирзога вазиятта қараб Самарқанд,



Ҳиндистон. Агра. Боги Ором. Бобур биринчи бор тўғридаги иккинчи уйнинг ичига дафн қилинган.



Ҳисор ёки Ҳиротга юриш қилиш ҳақида кўрсатма беради. Ҳумоюн Самарқандга юриш қилиш учун Ҳисорни эгалласа-да, 1529 йили бу ерни ташлаб чиқишга мажбур бўлади.

Бобурнинг сўнгги ўн беш ойлик ҳаёти тафсилотлари «Бобурнома»да акс этмаган, бу даврдаги воқеаларни жияни Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг «Тарихи Рашидий» асари ва қизи Гулбаданбекимнинг «Ҳумоюннома» асаридан билиш мумкин. Бобур бу пайтда ўз ота юртига қайтиш орзусини мактуб орқали ўғли Ҳумоюнга ва Ҳожа Калонга ёзган, бунинг учун фурсат кутаётган бўлса-да, Ҳиндистондаги ишларни ҳам ташлаб қўймаган. У бутун қариндошлари ва яқинларини Ҳиндистонга чақириб катта-катта мулклар берган, пойтахтда осойишталикни таъминлаганидан кейин Кобулдан севикили рафиқаси Моҳимбекимни, опаси Хонзодабекимни, олти ёшли қизи Гулбаданбекимни ҳам Аграга чақиртирган.

Бобур 1526 йили Иброҳим Лўдининг одамлари томонидан заҳарланган бўлиб, бир ўлимдан қолган, лекин заҳарнинг асоратлари кетмаган эди. 1530 йилга келиб заҳарнинг таъсири жуда кучаяди. Бобур оғир хасталаниб, давлат бошқаруви ишларига соғлиғи йўл бермай қолади. Бобурнинг катта амирлари ўртасида Ҳиндистон таҳтига муносиб номзод топиш ҳаракати бошланади. Бобурнинг вазири, туркӣ қавм орасида жуда обрўли бўлган Низомиддин Барлос Бобурнинг опаси Хонзодабекимнинг эри Маҳмуд Меҳди Ҳожани таҳтга номзод сифатида кўрсатади. Эҳтимол, Бобур ҳам буни ҳеч бўлмаганда Ҳиндистон учун муносиб кўрмоқда эди. Моҳимбеким ўғли Ҳумоюннинг отаси таҳтига ўтиришини хоҳлар эди. У бу ҳақда Ҳумоюнга хабар юборади. 1529 йил август ойининг охирида Ҳумоюн Бадахшондан ружксатсиз қайтиб келади. Бундан норози бўлган Бобур уни Аградан 45 фарсах узоқликдаги Самбхалга жўнатади.

Ҳумоюннинг Бадахшондан кетиши ўз таъсирини кўрсатди. Бадахшон аҳолиси шайбонийлар таҳликаси олдида раҳнамосиз қолди. Жуда муҳим ва мушкул бўлган Бадахшон ҳукумати учун Бобур томонидан қилинган таклифга Ҳумоюн мирзо кўнмади ва Бобур бу ерга Сулаймон мирзони тайинлади. Бобур Бадахшонга

кўшин тортиб келган Сайдхонни таъқиб этиб ўз кўшини билан Лоҳургача келади. Бундан хабар топган Сайдхон ортга чекинади. Бобур 1530 йил мартағача Лоҳурда яшади.

Салтанат таҳтига номзод сифатида кўрсатилган Маҳмуд Меҳди Ҳожа тез орада кибрга берилиб, кўпчилик сарой амалдорларини ҳақорат қилиб уларда кескин норозилик уйғотади. Ҳатто унинг тарафдори бўлган вазир Низомиддин Барлос ҳам Бобурдан Меҳди Ҳожа ўрнига Ҳумоюннинг валияҳд этиб тайинлашини илтинос қилди. Шундан сўнг Бобур бутун бек-амирлар ва сарой амалдорларини тўплаб, улар олдидиа Ҳумоюнни валияҳд деб эълон қиласди.

Ҳумоюн ота меҳрини шунчалик қозонган эдикни, у ўлим тўшагида хасталаниб ётганида Бобур унинг учун ўзини қурбон қилишга онт ичади. Ҳумоюн Самбхалдалигига қаттиқ безгак тутади, уни Аграга олиб келишади. Ўша пайтда маълум бўлган деярли ҳамма даволаш усуллари қўлланилади, лекин унинг иситмаси тушмайди. Айримлар шифо учун қурбонлик қилиш кераклигини айтадилар. Шайхулислом қурбонлик сифатида Кўҳинур олмосини дин йўлига атаб юборишни маслаҳат беради. Бобур: «У қандай тош эканки менинг ўғлимга тенг келадиган? Яхшиси, шу қурбонлик учун ўз жонимни берай», – деб жигарбанди Ҳумоюннинг ҳаёти эвазига ўз ҳаётини қурбон қилишга бир руҳоний иштирокида онт ичади. Ҳумоюн ётган тўшак атрофини уч марта айланиб: «Эй Парвардигор, агар жон эвазига жон бўлса, мен Бобурнинг жонини олгину Ҳумоюннинг жонини баҳш эттил!» – деб илтижо қиласди.

Шундан кўп ўтмай Бобур танасида ҳарорат пайдо бўлади. У ўз илтижоси ижобат бўлганига ишониб: «Мен ўзимга олдим!» – дея хитоб қиласди. Шу кундан Бобур хасталикка чалинади, Ҳумоюн эса тез соғая бошлайди, бир оз вақт ўтиб Самбхалга қайтиб кетади.

Бобур фоний дунёдан кетиши фурсати келганини билиб, ўзига яқин кишиларни, сарой амалдорларини ҳузурига чорлаб уларга васият қиласди. Ўғли Ҳумоюнга ҳукмдор сифатида итоат этишни, унга садоқат билан хизмат қилишни сўрайди. Айни пайтда, Ҳумоюнни ҳам ўз ёнига чорлаб, тахтни адолат билан бошқариш,



укаларига меҳрибон бўлишни тайинлайди.

Бобур 1530 йил 26 декабрда Аграда вафот этди. Унинг жасади дастлаб Жамна дарёси бўйидаги Боғи Оромга дағн қилинди. Орадан бир неча йил ўтиб Бобур жасади васиятига биноан Кобулга олиб келиниб, тоғ тепасида жойлашган хушманзара боғларнинг бирига қўйилади.

Бобур ўз салтанатини мустаҳкамлаш учун фақат ҳарбий тадбирлар билангина чекланиб қолмади, кенг миқёсда бунёдкорлик ишларини ҳам олиб борди, салтанат иқтисодий ва маданий ҳаётини жонлантириди, тарқоқ ҳинд феодалларини бирлаштириди, турли дин ва мазҳабдаги кишиларни ўзаро муросага келтириди. Атрофига олиму фозиллар, шоиру мусаввирлар, меъмору санъаткорларни тўплаб, уларни маош ва уй-жой билан таъминлади. Бобур ободончиликка алоҳида эътибор берди, савдо-сотиқни ривожлантириди, шаҳар ва қишлоқларга оқар сувлар келтириб, боғ-роғлар яратди.

Бобур ҳукмронлиги даврида яратилган Аградаги Боғи Ҳашт Беҳишт, Хилватхона, Зарафшон боғи, Оромбоғ (ҳиндлар инглизлар келгач боғни сақлаб қолиш маъносида уни Рамбоғ деб ўзгартиришган), Секридаги Боғи Фатҳ, Дибалпурдаги Нилуфар боғи, Боғи Назаргоҳлар ҳозирда ҳам Ҳиндистоннинг энг хушманзара ва обод масканларидан ҳисобланади.

Бобур нафақат давлат арбоби ва моҳир саркарда, балки истеъододли шоир, олим, тарихчи сифатида ҳам машҳурдир. Унинг «Бобурнома»-дек шоҳ асари бугунги кунда дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган, қайта-қайта нашр этилмоқда.

Бобур фаолиятини ўз даври учун, айниқса, Ҳиндистон учун келтирган фойдаси нуқтаи назаридан баҳолашда бобуршунос Ҳамид Сулаймон иккита муҳим жиҳаттага алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлаганди. Улардан бири шуки, Бобур Ҳиндистонда бошқа жаҳонгирлар каби ўз мамлакатини бойитиш учун забт этилган ўлкани талон-торож айлашни мақсад қилиб қўймади. Иккинчидан, Ҳиндистондаги тарқоқ майда феодал давлатларни аста-секин ягона, кучли давлатга бирлаштира бориб, ички феодал урушлар ва диний низоларга чек қўйди. Шу хизматлари билан Захириддин Му-

ҳаммад Бобур Ҳиндистон тарихида янги, порлоқ даврга асос солди, мамлакат фаровонлиги, маданият ва иқтисодиётнинг юксалишига кенг йўл очди.

Ҳинд ҳалқининг миллий қаҳрамони, XX асрнинг улкан сиёсий арбоби Жавоҳарлаъл Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг қашф этилиши» китобида Андижон фарзанди Бобур ҳақида шундан ёзган: «Бобур уйғониш даврининг типик вакили, заковатли ва тадбиркор шахс бўлган. У санъатни, адабиётни севган, ҳаёт нафосатидан лаззатлана билган. Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъат ҳаётида, меъморчилик ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янгича тараққиёт юз берди».

Бобурга хос ибраторумуз хислатлардан яна бири унинг таърифсиз сахиyllигидир. Дехли таҳти ва Агра хазиналари соҳиби бўлган пайтда қўлга киритган беҳисоб бойликларни барчага тақсимлаб, Афғонистон, Мовароуннаҳр, Хурросон, Андижон бекларига қадар ҳадялар йўлланган, ўз аскарлари ва Кобул шаҳрининг ҳар бир аҳолисига улуш тарқатиб, ўзи учун ҳеч нарса олмаган эди. Аскарлар томонидан унга «Қаландар» деган ном берилиши бежиз эмас.

Бобур кибрисиз эди. У ўзининг ғалабаларини энг содда, камтарин ифодалар билан ёзади. Заварларини фақат Аллоҳнинг лутфу инояти деб билади. Бобур энг мураккаб вазиятларда ҳам қатъий қарорга кела олган ва уни амалга ошира билган. Шахсиятидаги бу каби жиҳатлари учун буюк даҳолар сафидан муносиб ўрин эгаллаган.

Бобурнинг ҳарбий даҳоси ва саркардалик санъати юксак эди. У ойлаб йўл босиб, бутунлай бегона шароитда ўзининг ўн беш минг кишилик қўшини билан юз мингдан ортиқ ҳинд-аффон қўшинларини мағлуб эта олган. Беҳисоб жангларда ўз душманларини тўғри ва муносиб баҳолаган, уларнинг жанг усулларини ўрганиб, ҳарбий соҳада катта тажриба ортирган.

Бобур ўз дўстлари ва оила аъзоларига, қариндошларига ўта меҳрибон бўлган. Вафот этган дўстлари учун кунлаб йиғлаган, уларнинг хизмати ва садоқатини ҳамиша ардоқлаган. Ўз волидасини эъзозлаб, муштипар она олдида



бош эгиб, нури чашмаси, жигарбанди Ҳумоюннинг энг оғир айбини рафиқаси ҳурматидан кечира олганди. Ҳатто Ҳумоюн ўлим тӯшагида хасталаниб ётганида унинг учун ўзини қурбон қилишдек буюк саҳоват, мардлик намойиш этган. Бобур ўзига қарши бир неча бор исён қутариб ҳаётини таҳликага солган укаларини доимо кечириб келган. Ҳурмат-эҳтиром кўрсатган ҳолда ўзини заҳарлаттирган Султон Иброҳим Лўдининг онасига ҳам ҳеч қандай жазо қўлламаган. Чунки Бобур унинг она сифатидаги дардларини яхши англарди. Бобур бирорга кек сақламас, айборларни кўпинчка кечирад, садоқатли инсонларни юқори баҳоларди.

Бобур жуда юксак маданият соҳиби эди. У аждодларининг шиддату қаҳрамонлигини илм ва маърифат билан безади. Айни пайтда, қилич чопишда, ўқ отишда ҳам моҳир эди. Чавандозлиқда ҳам фавқулодда чаққон бўлиб, узоқ ма-софаларга жуда тез етар, дарёлардан моҳирона сузуб ўтар, ҳар қандай заҳмат ва машаққатга бардошли эди. Жангларда навкарлари билан ёнма-ён қилич чопишган, қаҳратон қишида ан-ҳор музини синдириб сувга шўнғиган, Кобул юртида довондан ошиб ўтиш чоғида қулогигача қорга кўмилиб навкарлари учун йўл очган. У бу каби хислатлари билан бошқа подшолардан кескин фарқ қиласди.

Қолаверса, Бобур мусиқачи, бастакор, олим ва шоир бўлиб, туркча ва форсчада бирдек маҳорат билан гапиравар, ёзар эди. Бобур хотираларини чодирда битган, ғазалларини сафар асносида ва овларда вужудга келтирган. Унинг адабий фаолияти сиёсий ва ҳарбий фаолияти орасида ўзига фикран ҳордиқ берувчи машғулот кўринишида бўлиб, қолган ишларига зарар етказмасди.

Бобур шоир сифатида одамлар орасида меҳр-оқибат уругини сочишга, яхшиликка бутун вужуди билан интилди. Илм-маърифатни тарғиб қилиб, атрофига олимлар, санъаткорлар, шоирлар, хаттотларни тўплаб қизиқарли мунозаралар ўтказди. Бобур ғазаллари жозибадор, теран ва дардли, ғазалнависликда ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кейин энг иирик вакили сифатида тан олингани барчага маълум.

Бобур қолдирган адабий ёдгорликлар шу қадар сермазмун ва ёқимлики, ўқиган киши беихтиёр чукур ҳиссиётларга чўмади. Бобур ўзининг адабий фаолияти давомида «Мухтасар», «Аruz risolasi», «Ҳинд девони» номли шеърлар тўплами, «Ҳатти Бобурий» деб аталган янги алифбо, ҳуқуқшунослик ва солиқ тартиби баён этилган «Мубаййин» каби асарлар яратди. Бобурнинг мусиқа илми тўғрисида ва «Ҳарб иши» сингари рисолалари ҳам бўлган. У Ҳожа Аҳрорнинг «Рисолаи Волидия» асарини туркий тилга таржима қиласди.

Тарихий-биографик асар бўлган «Бобурнома» унинг шоҳ асаридир. «Бобурнома»да Фарғона, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон каби ўлкаларнинг жўғрофика ҳолати, иқлими, бу ерда яшаётган ҳалқлар, давлатлар, дин, урфодат ва анъаналар, наботот ва ҳайвонот дунёси ҳақида муфассал маълумотлар берилган. Асарнинг қимматли жиҳати шундаки, унда шахсан Бобур гувоҳи бўлган воқелар баён этилган. Бобур воқеаларни бўрттирмасдан, яширмасдан ёзишга ҳаракат қиласди. Шу жиҳатлари сабабли «Бобурнома» қимматли тарихий манба сифатида ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Бу асар дунёнинг жуда кўплаб тилларига таржима қиласди.

Бобур фақатгина моддиётта боғлиқ инсон эмасди. Унда чукур тасаввуфий тафаккур ҳам мавжуд эди. Оламда юз бераётган ҳодисаларни тамоман бошқа бир назар билан кўрарди. Агар у узоқ заҳмат чекиб барпо қиласди салтанатини бошқара оладиган кишини топганида таҳти тириклигигида ёқ тарқ этиб, руҳининг истакларига тобе бир дарвеш қиёфасига кирган бўларди. У ёзади: «Демангизки ҳукмдорликдан дарвешликка кетган йўл узоқдир. Подшоҳ бўлган мен дарвешларга хизмат қилиш билан ифтихор қиласман». Бу юксак тушунча, бу самимий туйғу уни доимо зулм ва шиддатдан узоқ тутиб, адолат ва шафқат сари чорлаган эди.


(Давоми келгуси сонда)



Водийнинг улуг қадамжолари

ТАХТИ СУЛАЙМОН ЁКИ БОБУРНИНГ ЎШДАГИ УЙИ

Абдураҳмон Исҳоқов



Заҳириддин Муҳаммад Бобур болалик чоғида, сўнгра Фарғона мулкига подшолик қилган кезларида водийнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида бўлган. Ёшлигида отаси Умар-

шайх мирзо ҳамда тоғаси Султон Маҳмудхон ҳамроҳлигига Андижондан унча узоқ бўлмаган Ўш шаҳрига бир неча бор келган. «Бобурнома»да бу шаҳар шундай таърифланади: «... Яна



бир Ўш қасабасидур. Андижондин түрт йигоч ийлдур. Ҳавоси хўб ва оқар суйи фаровондур. Баҳори бисёр яхши бўлур. Ўшнинг фазилатида хейли аҳодис ворид бўлубтур... Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб Андижонга борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур, тамом боғлари рудқа мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур... Фарвона вилоятида сафо ва ҳавода Ўш чоғлиқ қасаба йўқтур. Қўргоннинг (яъни Ўш шаҳрининг) шарқи-жанубий бир мавзун тоз тушуптур».¹

Қадимги замонлардаёқ муқаддас деб биллинган бу тоғ чўққилари ва ёнбагирлари зардуштийлик дини ҳукмрон бўлган пайтлардаёқ диний маросимлар ўтказиладиган жой ҳисобланган. Одамлар бу тоғдаги мавжуд горларга кириб олов ёқишган, унинг атрофида қўёшга сифиниш билан боғлиқ маросимларни ўтказишган. Бу ердаги Олов тош, Сув тош зиёратгоҳлари ана шундан дарак беради. Ислом дини тарқалганидан сўнг мусулмонлар зиёрат қиласидиган қадамжога айланади. Х асрлардан бу ерга яна зиёратчилар кела бошлиди.

Афсонада айтилишича, қадим замонда бу ерга ташриф буюрган ҳазрати Сулаймон алайҳиссалом мана шу тоққа чиқиб, Аллоҳга сажда қиласиди. Тошда пайғамбарнинг пешонаси ва тиззалари излари қолади. «Ушбу излар то ҳозирги замонгача сақланади», – дейилади афсонада. Чиндан ҳам, Сулаймон тоғининг биринчи чўққисида ана шунга ўшаш изларни кўришининг мумкин.

Мазкур тоғнинг Сулаймон тоғи деб аталиши билан боғлиқ афсона ва ривоятларга 1989 йили Сулаймон тоғидаги Бобур уйини қайта тиклаш пайтида Ўш шаҳрида умргузаронлик қиласан кекса кишилар оғзидан ёзиб олинган эсдаликларда дуч келиш мумкин. Қадим замонда Сулаймон подшоҳ ўз навкарлари билан шу томонларга саёҳатга келгани, бу ерда ўтиб бўлмас тоққа дуч келиб, қўшинига: «Хўш», – деб тўхташга ишора бергани қайд

¹ Захиридин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – 6.6.

этилган. Шу биргина сўз туфайли кишилар қўшин келиб тўхтаган тоғни буюк подшо Сулаймон номи билан атай бошлашган. Унинг пойида ястаниб ётган шаҳар эса Ўш деб юритилган.

Яна бир афсонада Сулаймон подшоҳ тоғнинг жануби-шарқий қисмига дағн қилинган дейилади. Айтилишича, ҳозиргача мавжуд бўлган Асаф ибн Бурхиё мақбараси кейинчалик унинг қабри устига қурилган экан.

Афсоналар бежизга яратилмайди, албатта. Уларнинг негизида қандайдир тарихий ҳақиқатга ишора яширинган бўлади. Ҳамма гап ана шу ҳақиқатни тўғри англай олишда.

Агар Андижондан йўлга чиқиб Ўш томон юзлансангиз жануби-шарқ томонда бўй кўрсатиб турган кўҳна Сулаймон тоғига кўзингиз тушади. Унинг паст-баланд чўққилари борган сари турли шакл-шамойилларга кира бошлиди. Бир қарашда уни харсангтошга ёнбошлаб ётган мўйсафидга ўхшатиб юборасиз. Сал ўтмай қаршингизда гўё бир-бирига бош қўйиб ётган уч оға-ини ботирлар намоён бўлади. Яқинлашганингиз сайин тоғ турли шакл-шамойилларга кириб сизни ўзига тортаверади.

Ўтмишда Сулаймон тоғи, Тахти Сулаймон, Барокӯҳ тоғи, Ўш тоғи номлари билан аталиб келган бу тоғ водийдаги энг йирик тарихий-археологик ёдгорлик ҳисобланади. Унинг узунлиги 1140, эни 500, баландлиги эса 150 метрдан иборат.

Тоғнинг бешта чўққиси мавжуд. Улар Барокӯҳ, Шўр тоғ (Оқ тузли чўққи), Равшан тоғ (энг баланд чўққи), Эгар тоғ (эгарга ўхшайди) ва Каклик учар тоғ деб номланади. Шунингдек, тоғнинг ушбу чўққиларида бир қанча форлар мавжуд. Уларнинг энг машҳурлари Чакка томар гори, Тепа ёки Тешиктош гори, Эшон гор, Ҳур қизлар гори ва бошқалардир.

Совет даврида Сулаймон тоғи ҳудудида кўплаб археологик қазиашма ишлари олиб борилган. Жумладан, 1956 йили Равшан тоғ чўққиси қаъридаги форда (ҳозир ушбу форда тарихий-маданий музей қўриқхонаси жой-



лашган) неолит даври охирига оид тошдан ясалган меҳнат қуроллари топилган. Улар ҳозирда мазкур музей қўриқхонасида сақланади.

Агар бу ердаги ғорларга синчиклаб назар ташласангиз уларнинг тош деворларига, харсанг плиталарга ўйиб туширилган қадимги суратларга қўзингиз тушади. Уларга қараб илгари одамлар ушбу ғорларда яшаганигини фараз қилиш қийин эмас. Петербург университети профессори, шарқшунос олим Н.И.Веселовский 1885 йили Сулаймон тоғидаги биринчи чўққининг жанубга қараган қисмида тошга ўйилган суратлардан ташқари қадимги ёзувлар борлигини ҳам аниқлайди ва уларни таржима қилишга муваффақ бўлади. Аниқланишича, тошга куфий ёзувида сомонийлар амири Наср ибн Аҳмад номи битилган экан. Унинг санаси хижрий 329 йилга, милодий 940 – 941 йилларга тўғри келади.²

Одамлар илгари Сулаймон тоғига фақат сифиниш, диний маросимларни адо этиш учун эмас, балки ўзини ўзи англаш, дардига шифо топиш учун чиқишиган. Улар (асосан аёллар) дастлаб Барокӯҳ деб аталган асосий чўққига кўтариливеришдаги Сирот кўпригидан ўтишган. Уни Қил кўприк деб ҳам аташади. Ишонилишича, ундан ўтган одам гуноҳлардан холи бўлиб, сўнгра асосий чўққига кўтарилиган.

Тахти Сулаймон деб аталган ушбу тепаликда Сулаймон пайғамбарнинг пешонаси ва тиззаси излари қолган бўлиб, зиёратчи шу ерда икки ракат намоз ўқиган. Жанубий чўққидаги «Она бешик» фарзандталаб бўлган аёлларнинг зиёратгоҳи ҳисобланади. Улар ва кўз оғригидан азият чеккан бошқа беморлар 8 метр чуқурликдаги Чакки томар горидан шифо излашган. Шунингдек, бу ерда Қўл тош, Бел тош, Бош тош каби зиёратгоҳлар ҳам мавжуд. Улар кишиларнинг бел, кўл, оёқ ва бош оғрикларидан халос бўлишига ёрдам берган.

Сулаймон тоғи ўта баҳаво бўлиб, илгари унинг этагидан оқиб ўтган Жаннат ва Жўпас ариқлари бу ердаги иқлим мўътадиллигини

бир хилда сақлаб туришга хизмат қилган. Йўқолиб кетиш арафасига қелиб қолган Жаннат ариғини қейинчалик қайта тиклашга ҳракатлар бўлган. Жўпас ариғи ҳозир ҳам тоғ этагидаги шу ном билан аталувчи қадимиий маҳаллани сув билан таъминлаб келмоқда.

Барокӯҳ тоғининг (кейинги ўринларда Сулаймон тоғи деб юритилади) муқаддас қадамжоларга бойлиги, бу ернинг мусаффо ҳавоси ислом динига, қолаверса, табиатга ихлоси ўта баланд бўлган дилбар шахс – Бобурни бефарқ қолдириши мумкин эмасди. У 1493 йили ихлос қилиб тоғ чўққисида бино барпо эттиради. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай ёзилган: «...*Бу тогнинг кулласида Султон Маҳмудхон бир ҳужра солибтур, ул ҳужрадин қуириоқ ушбу тогнинг тумшиугида тарих тўққиз юз иккida мен бир айвонлик ҳужра солдим. Агарчи ул ҳужра мундин муртафеъдур, валие бу ҳужра бисёр яшироқ воқе бўлубтур: тамом шаҳр ва маҳаллот оёг остидадур*».³

Бобур бу бинони тиклашга Фарғона миллий меъморчилик мактабининг таниқли намояндаси уста Фазлиддин бошлиқ меъморларни жалб этган. Унинг илк кўриниши қандай бўлганини тасаввур қилиш учун XIX аср сўнгида бу ерга келган француз сайёҳи Шарлем-Эжен де Уйфальви кундаликларидағи ёзувга эътибор бериш ўринлидир.

«Тогнинг (Сулаймон тоғи) биринчи чўққисига кўтарилиш анча қийин кечди. Чиқиб олгач фишт ётқизилган супачага дуч келдик. Бу ер зиёратчиларнинг нафас ростлаши учун мўлжалланган экан. Ёнидан девор ўтган, уни ёқалаб бориб кичик масжидга дуч келдик. Жуда шинам кўринишига эга экан. Айниқса, ичи. Остки қисмига ишлов берилган тош плиталар ётқизилган. Улар зиёратчиларнинг оёқлари остида худди мармарга ўшшаб силлиқланиб кетган. Масжид деворлари оқ тошдан тикланган, улар ҳам силлиқланиб кетибди. Мармардан тиклангандек таассурот қолдирди менда. Деворнинг кўп жойларига чиройли нақшлар ўйилган.

² Аманбаева Б., Девлет Е. Петрографи Сулейман тоо. – Бишкек, 1999.

³ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – Б.6.



Бино томи юмалоқ шаклда. Иккита кичик туйнуги бўлиб, ҳажми тўрт квадрат метрдан иборат кичкина хонага ниҳоятда мос тушган. Ичкарига эман дарахти ёғочидан ясалган икки равоқли эшикдан кирилади. У сунъий нақшлар билан безатилган. Масжиднинг энг тўрида, эшикка қарама-қарши жойда мулла ўтирибди».⁴

Халқ тилида Оқ уй деб аталган ушбу бино ўтмишда бир неча бор таъмирланган. Охирги таъмирлаш ишлари 1930, 1953 йилларда амалга оширилган.

Вақт ўтиши билан бино мусулмонлар орасида илоҳийлаштирила бошланади. Бунга шайхларнинг уйдирмалари ҳам сабаб бўлган. Улар Оқ уйни Сулаймон пайгамбар қурган деган даъвони ўртага ташлашади. Натижада пайгамбар уйини зиёрат қилиш учун ҳар иили ёзда Ўшга Андижон, Ўзган, Жалолобод, Наманган, Қўқон, Хўжанд, Самарқанд томонлардан минг-минглаб зиёратчилар оқиб кела бошлияди. Уларнинг кўпчилиги шифо излаган беморлар эди. Фарзандталаб аёллар ҳатто яланғоч бўлиб Оқ уйда тунаб чиқишгани хақида маълумотлар бор.

Ўтган асрнинг 50 – 60-йилларида ҳаддан зиёд ошиб бораётган зиёратчилар оқимини тўхтатишининг имкони қолмайди. Маҳаллий газеталарда унинг илоҳий эмаслиги ҳақида қатор мақолалар чоп этилади. 1958 иили Ўшдаги барча масжидларда Ўрта Осиё ва Қозогистон диний идорасининг фатвоси ўқиб эшиттирилади. Фатвода мусулмонларга мурожаат қилиниб, Оқ уй ёки оми кишилар томонидан Сулаймон уйи деб аталаётган ушбу бино илоҳий эмаслиги ҳақида айтилган эди.

Совет тузумининг, атеистларнинг диний хурофот олдида нақадар ожиз бўлганликлари барчага аён. Улар хурофотга қарши аниқ тарихий далиллар асосида кураш олиб бориш ўрнига ўzlари учун осон йўлни танлашади. 1963 иили Ўш шаҳар ижроия комитети «Диний фанатизмнинг рамзи бўлиб турган бу ёдгорлик бузиб ташлансин» деган қарор чиқарди.

Орадан кўп ўтмай Бобур уйи жойлашган чўққи портлатилади. Ваҳоланки, бу бино

юқоридаги қарорда ёзилганидек, «диний фанатизмнинг кўриниши эмас» эди. У Мирзо Бобур томонидан ўз Ватани – Фарғона мулкида қолдириб кетилган яккаю ягона ёдгорлик эди. Ҳайратланарли томони, портлаш кучи катта бўлишига қарамай, у Оқ уйни йўқ қила олмайди. Шунда қўл кучидан фойдаланишади. Шу ерда яшовчи одамлар бинонинг ҳар жойга сочилиб кетган эшиги ва ғиштларини авайлаб йигиб олишади ва яхши қунлар илинжида уларни ўз уйларига яшириб қўйишади.

Шу тариқа тарих силсилаларидан ўтган, кўхна Барокӯҳ тоғига янада улуғворлик бағишилаб, водийликларнинг чинакам фахри бўлиб келган Бобур уйи ер билан яксон қилинади. Бироқ бу билан зиёратчилар оқими тўхтаб қолмайди. Улар, Бобур таърифлаганидек, тоғнинг шифобаҳш сафосидан ва ҳавосидан баҳраманд бўлиб, чигал кўнгилларини ёзиш учун ҳам бу ерга келар эдилар.

1963 йил воқеаси кишилар қалбига шунчалар изтироб солдики, орадан ўнлаб йиллар ўтса-да, буни сира унута олишмади. Ҳамманинг кўнглида бинони қайта тиклаш илинжи бўлса-да, турғунлик даври бунга сира йўл бермасди. Шунга қарамай, вилоятда ўзбек тилида чиқадиган «Ўш садоси» газетасининг 1988 йил 24 июнь сонида бир гуруҳ фаолларнинг халққа мурожаати чоп этилади. Унда, жумладан, шундай сатрлар бор эди: «Маълумки, яқин-яқинларгача Сулаймон тоги чўққисида мўъжазгина ҳужра бўлиб, уни халқ Оқ уй деб атарди. Халқимизнинг маданий ва тарихий ёдгорлиги бўлган бу уй олтмишинчи йилларда нотўғри талқин қилиниб, бузиб юборилган. Маълумотларга қараганда, бу ҳужра тарихий ёдгорлик бўлиб, XV асрда шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан қурилган».

Мурожаатда Оқ уйни тиклаш мумкин ва зарур деган муҳим масала ўртага ташланади. Буни халқ усталарини жалб қилган ҳолда ҳашар йўли билан амалга ошириш мумкинлиги қайд этилади. «Бобур уйини тиклайлик» сарлавҳаси билан эълон қилинган бу муро-

⁴ tourkg.com/2014/03/mechet-taht-sulayman



жаатга турли миллат вакилларидан иборат бўлган О.Сунчалиев, Р.Мираҳмедов, С.Пушнякова каби 40 нафардан зиёд меҳнат ва уруш фахрийлари имзо чеккан эди.

Эртаси куниёқ мазкур ташаббус оғиздан оғизга ўтиб, бутун водийга тарқалди. Буни «Ўш садоси» газетасига келаётган хатлардан ҳам кўриш мумкин эди. Новқатлик мактаб ўқитувчиси Э.Маматов, ўзганлик пенсионер И.Садабоев, ўшлиқ С.Каримова, А.Рустамов, Т.Араббоев, И.Мирзакаримов ва бошқалар Бобур уйини тиклашга сарфланадиган харжатлар учун банкда маҳсус ҳисобрақам очиб, маблағ тўплашни таклиф қилишади. Уруш ва меҳнат фахрийлари С.Исҳоқов, Х.Азимов ва А.Валиев эса Оқ уйни ҳашар йўли билан тиклаш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлашган. Улар Оқ уйнинг эшиги, мураббаси, яъни тўртбурчак шаклидаги фиштлари тоқقا яқин хонадонларда авайлаб сақланаётганини маълум қилишган. Бобур уйини тиклаш учун ўзининг беминнат хизматини таклиф қилувчи усталар ҳам топилди.

Халқнинг талаб-истакларидан келиб чиқиб Ўш шаҳар ижроия қўмитасининг 440-сонли қарори чиқарилди. Унга асосан бинони қайта тиклаш бўйича маҳсус кенгаш тузилди. Кенгашнинг ўттиз кишилик аъзолари орасида корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, маданият ходимлари, зиёлилар ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари бор эди.

Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳридаги «Киргизреставрация» илмий лойиҳалаш бюросида Оқ уйнинг ўлчам лойиҳалари ва суратлари сақланиб қолгани қўл келган. Халқ усталари, бино тарихидан хабардор бўлган кишилар билан маслаҳатлашилган. Бобур уйини қайта тиклаш учун банкда маҳсус ҳисобрақам очилган. Бу рақамга дастлабки пул маблағлари келиб туша бошлаган.

Халқ ташаббуси билан бошланган эзгу ишнинг бошида кўпни кўрган оқсоқоллар, шаҳарнинг обрў-эътиборли кишилари туришган. Улар ёдгорликни тиклаш бўйича қўнгилли жамият ташкил этиб, унга шаҳар озиқ-овқат савдоси директори Маҳаммадамин Эшматов-

ни раис этиб сайлашиди. Меҳнат фахрийлари Умаржон Қосимов, Каримжон Олимжонов, соатсоз уста Рустамжон Мираҳмедов унинг энг яқин маслаҳатчилари бўлиб қолишиди. Улар қурилиш билан боғлиқ ташкилий ишлар учун елиб-югуришга вақт ҳам, имконият ҳам, журъат ҳам топа билишиди.

Бобур уйини қайта тиклаш кўнгилли жамияти фаоллари ишга шу қадар шўнғиб кетдиларки, 1988 йилнинг қандай ўтганини сезмай ҳам қолишиди. Штаб бошлиғи Муҳаммадамин аканинг қўли қўлига тегмасди. У гоҳ Тошкентга, гоҳ Хивага қатнар, у ерлардаги таниқли меъмор ва усталарни янги қурилишга жалб қилишга интиларди. Унинг ўринбосари Умаржон ака эса маҳаллама-маҳалла юриб фаолларни уюштириш билан банд эди. Штаб аъзолари Р.Мираҳмедов ва К.Олимжоновнинг ўй-хаёли маблағ тўплашдан иборат бўлиб қолди. Уларнинг саъй-ҳаракати ўз натижасини бера бошлади. Қисқа вақт ичida банк ҳисобрақамига 100 минг рубль маблағ келиб тушди. Саховатпеша инсонлар орасида бир амаллаб тирикчилигини ўтказаётган оддий пенсионерлардан тортиб ёзувчилар, санъат арбобларигача бор эди. Ўзининг Бобур ҳақидаги «Юлдузли тунлар» романи билан эл оғзига тушган Пиримқўл Қодиров бу хабарни эшитгани заҳоти Тошкентдан 500 рубль пул юборди. Бу вақт ичida ўшликларнинг эзгу ҳаракати ҳақида «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида ҳам хабар беришга улгурган эдик. Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларидан жамғарманинг ҳисобрақамини сўраб ёзилган хат ва телеграммалар кела бошлади.

1989 йилнинг эрта баҳорида қурилишнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари таҳт қилиб қўйилганди. Муҳаммадамин ака Хивадаги илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонаси билан келишиб олган экан. Кўп ўтмай уста Сафар бошчилигидаги таъмирловчилар Ўшга этиб келишиди. Уларнинг тавсиясига кўра шаҳардаги 2-фишт заводида маҳсус андозадаги фиштларни пиширишга киришилди. Мураккаб кошинлар эса Хиванинг ўзидан та-



шиб келтирадиган бўлди. 1989 йилнинг июнь ойида барча тайёргарлик ишлари ниҳоясига етди. Штаб аъзолари йиғилиб, ҳашар ўтказиладиган кунни белгилашди.

Ўша қуни ўшликлар тонг-саҳарда тоғ чўққисида янграган карнай-сурнай садосидан уйғонишиди. Бу пайтда яқин қишлоқларда яшовчилар шаҳарга кириб келишган эди. Оломон тоғ этагидаги штаб жойлашган майдонга оқиб кела бошлади. Санъаткорлар бири олиб, бири қўйиб қўшиқ айтишмоқда. Йўлнинг икки четини эгаллаган савдо расталари қўзни қамаштиради. Бир четга қўйилган самоварлардан кўтарилаётган бүф тоғ томонга ўрлаяпти.

Ҳашарчилар йигилгач, митинг ўтказилди. Маҳаммадамин ақа халойиқ олдида сўзга чиқди:

– Азиз биродарларим, бугун ҳаммамиз муҳим тарихий воқеанинг иштирокчиси бўлиб турибмиз. Фарзандлик бурчимизни адо этиб буюк бобокалонимиз қуриб қолдирган муқаддас қадамжони қайта тиклаш учун бу ерга йигилдик. Бугун атрофимизда унинг порлоқ руҳи кезиб юрган бўлса ажаб эмас. Илоҳим, унинг руҳи қўлласин. Бошлиётган хайрли ишимиз барокатли келсин.

Кўпни кўрган табаррук оқсоқоллар дуога қўл очишиди. Шундан сўнг ҳамма ҳашарга киришиди. Тоқ чўққисига чиқиш фоятда мушкул. Бунинг учун узунлиги 300 метрдан иборат бўлган тик қиялиқдан кўтарилиб бориш керак. Ана шу оралиқда бир зумда ҳашарчилардан ташкил топган тўрт қаторли жонли занжир пайдо бўлди. Гиштлар қўлма-қўл бўлиб чўққига кўтарилиб бораради. Ҳар бир қаторда мактаб ўқувчилари, Ўш педагогика институти талабаларидан тортиб аср юзини кўрган табаррук отахонларгача учратиш мумкин эди.

Ҳашар авжига чиқсан бир пайтда хивалик усталар етиб келишиди. Ҳашарчилар тоғ этагига келтирилган қурилиш материалларининг ҳаммасини пешинга қолмай чўққига чиқариб бўлишиди. Ишни эрта тутатганлар дарадаги сўқмоқ йўлдан бирин-кетин пастга тушиб келишарди.

Кечга яқин Бобур уйини қайта тиклаш кўнгилли жамиятининг йиғилиши ўтказилди.

Ҳашарда фаол қатнашган Ўш педагогика институти, шаҳардаги ўрта маҳсус, ҳунартехника билим юртларининг талабалари, корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари, маҳалла фаоллари шаънига илиқ гаплар айтилди. Уларнинг ёрдами билан зарур қурилиш материаллари техника ёрдамилиз токқа ташиб чиқилганди. Бу эзгу ишга ўзбек, қирғиз, рус, украин, татар, тожик, турк, бошқирд, қўйингки, шу гўзал заминни тавоғ айлайдиган барча миллат вакиллари баҳоли қудрат ҳисса қўшганликлари қайд этилган.

Ҳашарнинг эртаси қуниёқ тоғ тумшуғида мўъжазгина чодир пайдо бўлди. Бу хивалик усталарнинг манзилгоҳи эди. Улар бундай ишларнинг ҳадисини олган эмасми?! 12 ойга мўлжалланган ишни 1 ойда бажаришнинг режасини тузишиди. Шунинг учун икки гуруҳга бўлинган ҳолда иш бошлаб юборишиди. Биринчи гуруҳ кундузи ишласа, иккинчи гуруҳ тунда меҳнат қиласди...

Қирғизистон Республикаси мустақилликка эришгач, миллий қадриятларга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Бобур уйи, Асаф ибн Бурхия мақбараси, Работи Абдуллахон масжиди каби меъморий обидаларни, археологик ёдгорликларни, муқаддас қадамжоларни ўзида бирлаштирган Сулаймон тоғи 2009 йилнинг 29 июнида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. Агар қирғиз сомининг қиймати 1000 сўмга teng бўлган банкнотаси орқа томонига қарасангиз унга Бобур уйининг тасвири туширилганини кўришингиз мумкин. Ҳар йили Қирғизистонда Сулаймон тоғи тарихий-археологик ёдгорлик мажмуасининг ўтмиши ва бугунига бағишлиланган симпозиумлар, илмий конференциялар, кўргазмалар ташкил қилинмоқда.

Сулаймон тоғи тарихий-археологик ёдгорлик мажмуаси, ундан асосий ўрин эгаллаган Бобур уйи шу заминда яшаётган миллат ва элатларнинг ўтмиши ҳам, бугуни ҳам бир эканлигини, улар бир дарёдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олиб келишганини исботлайди. Зероки, ўз тарихини, маданиятини, аждодларини унутмаган, уларни ҳурмат қилган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.



ФАРГОНА АНТИК ВА ЎРТА ИЛК АСРЛАР ДАВРИДА

Абдулҳамид Анорбоев

Хитойда Фарғона ҳақидаги илк маълумотлар машҳур дипломат Чжан Цзяннинг милоддан аввалги 128 – 127 йилларда, хунларга асириқдан қутулгач, ғарбий мамлакатларга қилган саёҳатидан сўнг пайдо бўлади. Милоддан аввалги 126 йили Чжан Цян ўзининг гарбга қилган саёҳати ҳақида тўлиқ ҳисоботни Хитой императори У-Дига топширади. Ҳисобот билан танишгач император гарбдаги давлатлар билан яқиндан алоқа ўрнатиш ниятида бир неча элчилар юборади. Элчиларнинг ҳисоботи асосида дастлаб «Шицзи», сўнг «Ханъшу» каби ийлномалар вужудга келади.

Ушбу ийлномаларда Фарғона давлати, Фарғона шаҳри ва унинг халқи тўғрисида аниқ ва бой маълумотлар мавжуд (Бичурин, 1950. Т.II. – С.147 – 168, 186 – 188; Хўжаев, 2013. – Б.20 – 82). Хусусан, милоддан аввалги II – милодий I асрлардаги Фарғонанинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти хақида бебаҳо хабарлар берилган. Маълум бўлишича, Қадимги Фарғонада давлат ҳукмдор (подшо) томонидан бошқарилиган. Унинг 2 та ёрдамчиси бўлиб, улар давлатни бошқаришда бевосита иштирок этган. Сиёсий ҳаётда «Оқсоқоллар кенгаши» катта роль ўйнаган. Унда давлат аҳамиятига эга масалалар муҳокама қилинган, жумладан, уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш, зарур бўлганида ҳукмдор тақдири ҳам ҳал этилган. Масалан, Хитой билан Фарғона ўртасидаги урушнинг охирида ҳукмдор Муғуа фарғоналикларнинг мағлубиятида асосий айбор деб топилиб, ўлимга маҳкум қилинади. Оқсоқоллар кенгашининг қарори билан хитойликларнинг сулҳ тўғрисидаги таклифи қабул қилинади, яъни Хитой ва Фарғона орасида тинчлик сулҳи тузилади. Бунга биноан хитойликлар маълум миқдорда самовий тулпорларни олиб, Фарғонага кекса Моңайни

ҳукмдор қилиб ортга қайтадилар. Хитойликларнинг бу қилмиши Оқсоқоллар кенгашига ёқмайди ва улар Моңайни таҳтдан тушириб, уни ўлдиришади ва аввалги ҳукмдор Муғуанинг укаси Чан Финни таҳтга кўтаришади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибиди, Фарғонада ҳукмдор яккаҳоқим бўлмаган, у Оқсоқоллар кенгаши назорати остида фаолият юритган. Бу ҳукмдор тўлиқ Оқсоқоллар кенгашига бўйсунган дегани эмас, балки у мустақил давлатни бошқарган. Лекин ички ва ташқи сиёсатда қонун доирасида иш юритиши керак бўлган. Агарда ҳукмдор қонунга зид ишлар қиласа, дарҳол Оқсоқоллар кенгаши томонидан тартибга чақирилиб, давлатни қонунга мувофиқ бошқаришга мажбур қилинган. Ҳукмдордан давлат бошқарувида ўрнатилган қонун-қоида нормаларидан ташқарига чиқмаслик талаб этилган.

Умуман олганда, бу даврда Фарғона худудий давлатлар уюшмасидан, яъни конфедерациядан иборат бўлган (Gorbunova, 1986. – Р.180 – 182; Матбабаев, 2009. – С.188; Анарабаев, 2013. – С.508 – 513). Оқсоқоллар кенгаши шу уюшма номидан иш юритган.

«Шицзи»да берилган маълумотларга қарандан, Фарғонада 70 га яқин шаҳар бўлган (Бичурин, 1950. Т.II. – С.149). Иккинчи манба – «Ханъшу»да шаҳарлар сони 70 дан зиёд деб кўрсатилган (Бичурин, 1950. Т.II. – С.187). Кўриниб турибиди, орадан салкам юз йил ўтгач Фарғонада шаҳарлар сони кўпаяди. Ушбу шаҳарлардан фақат 4 тасининг номи тилга олинган, холос (Юан, Ючен, Эрши, Гуйшуан).

Археологик тадқиқотларга қараганда, Хитой дипломати Чжан Цяннинг саёҳатидан анча аввал, милоддан аввалги V – III асрларда Говайнинг ирмоги Олмоссойнинг дельта қисмida



Қирқхўжра (қадимги Поп), Майлисувнинг дельта қисмида Эйлатан, Марғилонсойнинг адирорти қисмида Симтепа, Исфайрамсой ҳавзасида Қува ҳамда Сўфон каби ёдгорликлар ўрнида шаҳар ва шаҳар типидаги қароргоҳлар пайдо бўлган. Милоддан аввалги III асрнинг иккинчи ярмида Фарғона давлатининг бош пойтахти Фарғона (Юан) шаҳри Косонсой ҳавзасининг қўйи қисмида ҳозирги Эски Аҳси ёдгорлиги ўрнида қўрилади.

Ижтимоий-иктисодий ҳаётни ҳам Хитой йилномаларидағи маълумотларга асосланиб илмий таҳлил қилиш ва маълум бир хulosага келиш мумкин. Хусусан, «Шицзи» ва «Ханьшу»даги маълумотларга қараганда, Фарғонада хўжаликнинг асосини деҳқончилик ташкил қилиб, унда кўпроқ шоли ва буғдој экилган. Узумчилик кенг тарқалган бўлиб, ундан май (вино) тайёрланган. Баъзи бир бой-бадавлат оилалар уйларида бир неча тонна май сақлаган. Фарғона ўзининг самовий тулпорлари билан ҳам машҳур бўлган. Бу ерда от етишириш хўжаликнинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланган. Фарғона отларининг яхши кўрган емиси беда бўлиб, у дарё ва сой ҳавзаларида кенг кўламда етиширилган. Хитой йилномаларида ёзилишича, фарғоналиклар майни қанчалик яхши кўриб ичишса, уларнинг самовий тулпорлари ҳам шунчалик бедани («му су») яхши кўриб еган (Бичурин, 1950. Т.II. – С.161; Хўжаев, 2013. – Б.54 – 55). Маълум бўлишича, хитойликлар узум ва бедани Фарғонадан олиб бориб император саройига экишган.

Археологик-географик тадқиқотларга қараганда, Фарғонадаги баъзи бир ҳудудларнинг дарё ва сой бўйларида ёввойи бедани ҳозир ҳам кўриш мумкин. Айниқса, Оқбура ва Аравонсойнинг тоголди ва адирорти ҳавзаларида ёввойи беда кенг тарқалган. Қадимда ушбу дарёлар ҳавзаларида бир неча юзлаб гектар ерлар беда майдонлари билан банд бўлганига шубҳа йўқ. Шундай экан, Андижон вилоятининг шарқий, жануби-шарқий қисмлари ва Ўш вилояти узоқ ўтмишда Фарғонанинг дунёга машҳур самовий тулпорларини етиширирадиган жой бўлган дейишга асос бор. Шу билан бирга, Аравон ва Ўш тогларидаги қоятош расмлар ҳам юқори-

даги фикрларни тасдиқлайди. Ушбу тадқиқотлар хитойшунос олим А.Хўжаевнинг «Эрши» топоними ва унинг локализацияси ҳақидаги фикрини тасдиқлабгина қолмай, балки унга аниқлик киритади. А.Хўжаев фикрича, «Эрши» топоними Ўш шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудуд билан боғлиқ (Хўжаев, 2013. – С.140 – 143). Бизнинг тадқиқотларимизга кўра, Эрши ўлкаси Ўш ва Андижон вилоятининг маълум бир қисмини қамраб олиб, Фарғона конфедератив давлати таркибида кирган давлат ҳисобланган. Хитой манбаларида тилга олинган Эрши шаҳри ушбу давлатнинг пойтахти бўлиб (Анарбаев, 2013. – С.513), уни Ўш шаҳри ҳаробаси саналмиш Оқбўра эмас, балки А.Н.Бернштам фикрига қўшилган ҳолда ҳозирги Марҳамат туманидаги Мингтепа ёдгорлиги билан локализация қилиш мумкин.

Қадимги фарғоналиклар ўз мамлакати ва унинг бош пойтахтини Фарғона деб бир топоним билан атashган. А.Хўжаевнинг ёзишича, Хитой йилномаларида Фарғона давлати Дайюан, Фарғона шаҳри Юан ва Юан чэнг деб берилган (Хўжаев, 2013. – С.124 – 139). Фарғона давлатининг бош пойтахти Фарғона («Юан») шаҳри Эски Аҳси ёдгорлиги ўрнида бўлганлиги ва унинг тарихий тараққиёти аввалги ишларимизда берилган. Ючен шаҳри эса Эйлатан ёдгорлиги ўрнида локализация қилинган (Анарбаев, 2013. – С.505 – 508; Анарбаев, 2016. – С.37).

Бизга маълумки, милоддан аввалги II асрнинг биринчи ярмида Шарқий Туркистондан катта юечжи қабилалари хунларнинг тазиқидан қочиб Фарғона орқали гарб ва жануби-гарб томонга кўчишади. Улар билан бирга бошқа қабилаларнинг миграцияси ҳам юз беради. Ушбу қабилаларнинг маълум бир қисми йўл-йўлакай Фарғонада қолиб, маҳаллий халқ билан ёнмаён яшай бошлайдилар (Gorbunova, 1986). Милоддан аввалги I аср охирлари – милодий I аср бошларида Фарғонанинг сиёсий ҳаётида ўзгаришлар юз бериб, ҳокимият тепасига юечжи қабилаларининг вакили ўтиради. Сиёсий пойтахт янги жойга – Муғтепага (Косон) кўчирилди, яъни Фарғонанинг янги ҳукмдори ҳозирги Косонсой шаҳрининг шимолида, Косонсойнинг ўнг соҳилидаги стратегик жиҳатдан қулай бўл-



ган тепалиқда ўз қароргоҳини қуради. Хитой йилномаси «Ханьшу»да ушбу янги пойтахт Гүйшуан (Гушан-Кушан) деб аталған. V асрға келиб Хитой манбаларыда Фарғона Лона, кейинроқ Бохан, Баханна, Полона деб тилга олиниб, бу ерда симоб, олтин ва темир күплиги таъкидланған. Ҳукмдор олтин құйғындағы қароргоҳлардың тақтада үтириб, яғын номи билан давлатни бошқаради. Унинг хотинининг бошида олтиндән ясалған тожи бор деган маълумоттарни күриш мүмкін. Бундай ҳолат VII аср бошларигача давом этиб, Гүйшуан водийнинг сиёсий маркази бўлиб қолаверган күринади. Фарғона шаҳри эса ушбу даврда ҳам минтақанинг иирик иқтисодий ва маданий марказларидан бири бўлғанligiga шубҳа йўқ (Анарбаев, 2013. – С.509 – 510).

Археологик тадқиқотларга қараганда, милоддан аввалги II – I асрларда Фарғонанинг дарё ва сой ҳавзаларида бир неча ўнлаб шаҳарлар ва шаҳар типидаги қароргоҳлар пайдо бўлади. Бунга мисол қилиб Шўрабашат, Мингтепа («Эрши»), Сарвонтепа (Андижон), Машъад (Марғилон), Мўйи Муборак, Тепақўргон (Кўқон) ва бошқа бир неча ёдгорликларни келтириш мүмкін.

Аста-секин жамият тараққиётіда урбанизация муҳим роль ўйнай бошлайди. Милодий I асрларда бу жараён давом этади ва аҳоли кўпайишига олиб келади. Натижада водий дарё ва сой ҳавзаларининг қуий ҳамда тепа қисмларидаги унумдор ерларнинг асосий қисми ўзлаштирилади. Янги-янги шаҳарлар ва шаҳар типидаги қароргоҳлар вужудга келади. Бунга Исфайрамсой ҳавзасининг юкори қисмидаги Миқтиқўргон, Майдатепа, Чунтепа каби ёдгорликлар, Шоҳимардон-Марғилонсой ҳавзасининг адирорти қисмидаги Хўжампошо, Оқтепа, Мозортепа, Муғпошо ёдгорликлари ва Марғилонсой-Исфайрамсой¹ ҳавзасидаги Шаҳартепа, Усмонтепа, Оқтепа, Лангармозортепа, Қамиштепа, Қоратепа, Каламиштепа, Гўртепа ўрнидаги шаҳарлар ва шаҳар типидаги урбанизациялашган қароргоҳлар яққол мисол бўла олади. Шимолий Фарғонанинг Косонсой ҳавзаси ўрта қисмida Пилолтепа ва қуий қисмida

Мунҷоқтепа² сингари ёдгорликлар ўрнида ҳам урбанизациялашган қароргоҳлар пайдо бўлади. Милодий IV аср охирларида Ғовасойнинг қуий қисмидаги Қирқхужра ёдгорлиги ўрнида жойлашган қадимги Поп шаҳри Баландтепа ёдгорлиги ўрнига кўчади. Шарқий Фарғонадаги Оқбура ва Аравонсой ҳавзаларида ҳам янги ерлар ўзлаштирилиб, бир неча урбанизациялашган қароргоҳлар қурилади. Умуман олганда, археологик тадқиқотларнинг гувоҳлик берисича, милодий I асрларда шаҳарлар ва урбанизациялашган қароргоҳлар сони Чжан Цян даврига нисбатан кўпаяди. Фарғонанинг тоголди ҳудудларида эса яйлов чорвачилиги ривожланади. Ёз ойларида минглаб чорва моллари яssi тоғликлар ва тоғ ораларидаги воҳаларда қўним топган. Қишида эса улар қишлоғ учун пастга тушиб, адирорти воҳаларга жойлашган. Чорвачилиқда йилқичиликка катта эътибор берилган.

Археологик тадқиқотларга асосланиб фарғоналикларнинг дунёқараси ва диний эътиқодлари ҳақида ҳам маълум бир фикрларни айтиш мүмкін. Фарғоналиклар қуёш, олов, ер, сув ва осмонни муқаддас билиб, уларга сиғинганлар. Хусусан, моддий маданият қолдиқларидан ҳисобланган сопол идишлардаги нақшлар диққатга сазовордир. Бизга маълумки, бу даврдаги сопол идишлар маҳсус қизил рангли ангоб билан қопланган бўлиб, унинг устидан яхшилаб пардозланган. Бундай идишларнинг маълум бир қисми маҳсус солинган ҳар хил геометрик ва бошқа кўринишдаги нақшларга эга. Уларда қуёш, осмонга яқин ҳисобланган булуғлар, ёмғир ва тоғлар, оби ҳаёт манбай дарёлар, экинзорлар ва ҳар хил ўсимликлар акс эттирилган. Туркий халқлардаги тангри образи ҳам осмон билан боғлиқ. Баланд тоғлар ҳам осмонга яқинлиги учун улуғланган ва кўп жойларда унга сиғинганлар. Масалан, Андижон вилоятининг Марҳамат тумани ва Ўш вилоятининг Аравон туманида Туркистан-Олой тизма тоғларига мансуб Улуғтоғ муқаддас ҳисобланган. 50-йиллар охири – 60-йилларда Андижон вилояти Марҳамат тумани Қорабагиши қишлоғи

¹ Марғилонсой билан Исфайрамсой ирмоқлари Шаҳартепа ёдгорлиги атрофида қўшилиб бир ҳавзага айланади.

² Мунҷоқтепа ёдгорлиги Косонсойнинг дельта қисмida жойлашган бўлиб, 1960 – 1970 йилларда пахта майдонларини кенгайтириш даврида бузилиб кетган.



адиролди ҳудудида Улуфтотга атаб ҳар хил молосимлар ўтказилганининг шахсан гувоҳи бўлганман. Шу билан бирга, Ўш шаҳри ўртасидаги Сулаймон тоф ва Фарғонанинг самовий тулпорлари расми туширилган Аравон тоги ҳам ҳалқ орасида муқаддас саналади.

Қадимги Марғилон ҳаробаларининг бир қисми бўлган Қизлартепа ёдгорлигига милодий I асрларга оид оташпарастрлар ибодатхонаси қолдиқлари ўрганилган. Маълум бўлишича, бинонинг ўртасидаги хонада маҳсус икки қисмдан иборат ўчоқда юз йиллар давомида муқаддас олов ёниб турган (Анарбаев, Максудов, 2007. – С.135). Бунга ўхшаш ҳолатни Фарғонанинг шарқий қисмida жойлашган Султонобод ёдгорлигига ҳам кўришимиз мумкин (Абдулгазиева, 1994. – С.27).

VI аср ўрталаридан то VIII аср бошигача Фарғона конфедератив давлати қўшни давлатлар сингари Турк хоқонлигининг сиёсий ҳимоясида бўлади. Амалда улар мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб борган. Ушбу давр оралиғида Ўрта Осиёда тинчлик ва барқарорлик хукм суради Бу, ўз навбатида, дәҳқончилик ва ишлаб чиқариш ривожига, ички ва ташқи савдонинг юқори чўққиларга кўтарилишига олиб келади. Хитой йилномаси «Таншу»да берилган маълумотга қараганда, бу даврга келиб Фарғонада юзга яқин шаҳар бўлган, 6 таси иирик шаҳарлар хисобланган. Улар ичида Сигян шаҳри пойтахт сифатида тилга олинади. А.Н.Бернштам Хитой йилномаси «Таньшу»да (VII аср) берилган маълумотга асосланиб Сигян шаҳри Эски Аҳси (Ахсикет) ёдгорлиги ўрнида бўлган деган хulosага келади (Бернштам, 1952. – С.244). Агар А.Н.Бернштамнинг бу хulosасини тўғри деб хисобласак, унда бу даврда Хитой йилномаларида Фарғона шаҳри Сигян деб номланган бўлади. Шу билан бирга, манбада яна 2 шаҳар номи тилга олинади: Гесай ва Хумин. Гесай аввалги Гуйшуан шаҳри ўрнида, Хумин жанубда Қубо (Құва) шаҳри ўрнида бўлган.

Араб тарихчиси Табарий Фарғонанинг 5 шаҳрини тилга олади: Хўжанд, Боб (Поп), Косон, Фарғона, Құва. Кўриниб турибдики, бу даврда Хўжанд (Хўжант) Фарғона конфедератив давлати таркибиға кирган. Фарғона шаҳри эса та-

рих саҳифасидан ўчиб кетмаган, балки у сиёсий пойтахт бўлмаган даврда ҳам Фарғона давлати ва ҳалқи ҳаётида муҳим аҳамият касб этган.

VIII асрнинг биринчи чорагида дастлаб Фарғонани кучли ҳукмдор Алутар, кейинчалик, 739 йилдан Турк хоқонлигининг Ашина авлодига мансуб Арслон Тархон бошқарган. Бу даврда Фарғона кучли давлат бўлиб, Марказий Осиё сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Бир томондан, араб-тибет иттифоқи, иккинчи томондан, Хитойнинг сиёсий тазиикига қарамай, Фарғона мустақил давлат сифатида қолаверган (Малявин, 1992. – С.125 – 130). Фарғона дастлаб Хитой империяси, кейинчалик Араб халифалигининг сиёсий таъсирида бўлса ҳам, мустақил ички ва ташқи сиёсат юргизган. Лекин Турк хоқонлиги Фарғонанинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатган.

Илк ўрта асрларда ҳам Фарғонанинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти қўшни ҳудудларга яқин бўлган. Бизга маълумки, Муг тогидан топилган суғд ҳужжатларига қараганда, жамиятнинг юқори табақаси бир хил бўлмаган. Хусусан, энг юқори табақа ҳукмдор қатлам бўлиб, юқорида айтилганидек, уларнинг келиб чиқиши юечжи қабилаларига бориб тақалади (Бичурин, 1952. Т.2. – С.271 – 285). О.И.Смирнованинг фикрича, ушбу қатлам узоқ вақт эронийлар таъсирида бўлган (Смирнова, 1970. – С.25). Кейинги қатлам катта ер эгаси – дәҳқонзодалар хисобланган. Араб манбаларида улар малик ва соҳиблар деб ҳам тилга олинган. Масалан, Самарқанд подшоси Гурак ва Панжикент ҳукмдори Диваштич дәҳқон ёки азим деб аталган. Шу билан бирга, ўртаҳол ер эгалари ҳам дәҳқон деб юритилган. Асосан ушбу дәҳқонларнинг болалари ҳукмдор иирик ер эгаси – дәҳқонзода-азимларнинг хизматида бўлишган (Смирнова, 1970. – С.38 – 45). Бундан ташқари, Муг тогидан топилган ҳужжатларнинг бираиди аҳолининг ижтимоий гурӯҳларидан маълум бир қисми тилга олинниб, унда аслзода ва савдогар (азат), оддий ҳалқ (ишчи) ва диний хизмат вакиллари (бахши) кўрсатилган. Ижтимоий табақаланишнинг охирги поғонасида ҳар хил хизматкорлар турган (Смирнова, 1970. – С.69 – 70, 85). Бу ҳолат



Панжикентнинг деворий расмларида ҳам ўз аксини топган, яъни бу ерда ҳар хил рангли қимматбаҳо кийимлардаги аслзодалар билан бирга оддий уст-бошларда бўлган хизматкорларни ҳам кўриш мумкин (Беленицкий, 1973. Рис. №3 – 36).

Археологик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, илк ўрта асрларда антик даврдаги шаҳар ва шаҳар типидаги урбанизациялашган қароргоҳларнинг асосий қисми ўз фаолиятини давом эттиради. Пойтахт шаҳарлар – Фарғона (Ахсикет) ва Қубо (Кува) кенгаяди, Боб (Поп) Қирқхўжрадан Баландтепа ҳудудига кўчади. Шаҳар қурилишида ижобий ўзгаришлар содир бўлади. Қурилиш техникаси ва технологиясида маҳаллий анъаналар билан бирга инновацион янгиликлар қўлланилади, яъни, биринчидан, пахса ва хом гиштларни тайёрлашда лойга ишлов бериш яхшиланади; иккинчидан, қурилишда пахса ва хом гиштларни ишлатиш маълум бир тартибга солинади. Юқоридагиларнинг ҳаммаси тураржойлар қурилишида ўз аксини топган. Масалан, пойтахт шаҳар Фарғонада (Ахсикетда) очилган тураржой қолдиғи милодий VI – VIII аср бошларига оид бўлиб, қазарма вазифасини бажарган. Бу ерда баъзи бир хоналарнинг 50 – 60 см баландликда сақланган деворларида қизил ва кўнгир ранг қолдиқлари аниқланган. Марказий Фарғонадаги Каламиштепа ёдгорлиги ўрнида жойлашган шаҳар ва Гўртепа ёдгорлигидаги урбанизациялашган қароргоҳ илк ўрта асрлар охирида вайронага айланади. Бунга асосий сабаб еrostи сувларининг кўтарилиши ва тупроқнинг шўрланиши эди. Бу даврда янги каналлар қазиб юзлаб гектар кўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилган бўлса ҳам, мелиорациянинг нозик томонлари ҳали кашф этилмаган эди. Марказий Фарғонанинг рельефи ва тупроғи еrostи сувининг тез кўтарилишига мойил. Шунинг учун орадан маълум вақт ўтгач доимий сугоришлар туфайли ерости суви кўтарилиб, тупроқ шўрлашади. Оқибатда дехқончилик қилинаётган юзлаб гектар ерлар ишдан чиқиб, шаҳар ва қишлоқлар вайронага айланади. Бундай воқеа собиқ советлар даврида ҳам юз берган. Пахта яккаҳокимлиги даврида Фарғона водийсидаги жуда кўп адир-

лар ўзлаштирилиб пахта экилган. Адирлардаги пахтазорларни доимий сугориш туфайли адиролди пасттекисликлардаги бир неча ўнлаб гектар ерларда еости сувлари кўтарилиб, тупроқ шўрлашади. Натижада унумдор ерлар яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ҳозирги кунларда бу камчиликлар аста-секин тузатилмоқда, яъни адирлардаги пахтазорлар мевазорлар билан алмаштирилиб, томчилаб сугориш системасига ўтилмоқда.

Хулоса

Хулоса ўрнида қуйидагиларни алоҳида тақидлаш лозим. Бизга маълумки, Александр Фарғонани тўлиқ ўзига бўйсундира олмагач ҳозирги Хўжанд шаҳри ўрнида шаҳар (қалъа) қуриб, у ерга грекларни жойлаштиради. Маҳаллий ҳалқ билан тинчлик сулҳи тузилгач, уларнинг вакиллари ҳам янги қурилган шаҳарга жойлашади. Шундан сўнг Фарғонанинг жанубий ва жануби-ғарбий ҳалқлар билан бўлган ўзаро алоқалари янги поғонага кўтарилади. Бу моддий маданиятда ўз аксини топган.

Фарғонанинг антик ва илк ўрта аслардаги сиёсий, ижтимоий-иктисодий ҳаёти, баъзи бир сиёсий ўзгаришларга қарамай, бир меъерда давом этади. Аниқроқ қилиб айтганда, хунларнинг таъсири, юечжи қабилалари бошлиқ бир неча ҳалқларнинг Фарғона орқали жануб ва жануби-ғарбга юриши, хионийлар, кидарийлар ва эфталларнинг юришлари ҳамда Турк хоқонлигининг ташкил топиши Фарғона давлатининг сиёсий тузуми ва унинг ижтимоий-иктисодий ҳаётини ўзгартирмайди, балки мустаҳкамлайди. Фарғона бу даврда бир неча кичик-кичик давлатлар уюшмасидан иборат бўлган, яъни конфедератив давлат ҳисобланган. Уни Оқсоқоллар кенгаши томонидан сайланган подшо бошқарган. Ҳукмдорнинг ички ва ташқи сиёсати Оқсоқоллар кенгаши томонидан доимий назоратда бўлган. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги муҳим воқеалар Оқсоқоллар кенгашининг бевосита иштирокида ҳал қилинган. Оиладаги аёлларнинг ўрни алоҳида эътиборга лойик. Аёллар давлат ва жамоа ишларида бевосита иштирок этишган.



Жамият тараққиётида шаҳарнинг ўрни юқори даражада бўлиб, қишлоқларда ҳам бойбадавлат оилалар шаҳардаги уйларга тақлидан туаржойлар қуришган. Хусусан, илк ўрта асрларда шаҳар аҳолисининг асосий қисмини ўзига тўқ оилалар ташкил қилган. Бу ҳолат туаржойларда ўз аксини топган. Масалан, Суғд подшолигига қарашли Панжикент ҳокимлигининг маркази Панжикент шаҳрида очилган туаржойларнинг 70% га яқини бойбадавлат оилаларга тегишли бўлиб, улар икки қаватли, камида 17 – 18 хонали эди. Туаржойлар юқори даражадаги меъморий ечимга эга бўлиб, уларнинг ички интерьери ҳукмдор саройидан қолишмаган. Ўзига тўқ оилаларга тегишли ушбу уйларнинг ҳаммаси ҳукмдор саройига ўхшаш деворий расмлар билан безатилган. Умуман олганда, шаҳар ҳаёти жамият тараққиётининг асосий мезонига айланади.

Қишлоқ хўжалигига бошоқли ўсимликлар, пахта ва хилма-хил мева-сабзавотлар экилган. Уларнинг баъзи бирлари қайта ишланиб чет давлатларга экспорт қилинган. Жумладан, Хитойга самовий тулпорлар билан бирга пахта ва узум маҳсулотлари етказиб берилган. Шуни такидлаш жоизки, аҳолининг кўпайиши муносабати билан юзлаб гектар янги ерлар ўзлаштирилади. Ёзning иссиқ кунлари баъзи бир сой ҳавзаларида сув танқислиги юз бера бошлайди. Бу эса, ўз навбатида, сувни тўғри тақсимлаш ва унинг устидан назорат қилишни тақозо этади. Натижада дарё ва сойлар ҳавзасининг юқори қисмида сувдан фойдаланишни назорат қилиш жойлари пайдо бўлади. Масалан, Сўх ҳавзасида Сариқўрон, Марғilonсойда Сурғтепа, Исфайрамсойнинг ирмоғи ҳисобланган Қувасойнинг юқори қисмида Юқори Муян ва Қоровултепа каби кузатув қалъя қўргонлари қурилади. Бундай ҳолатни водийнинг қолган дарё ва сой ҳавзаларида ҳам кузатиш мумкин. Марказий Фарғонада сугориш натижасида еости сувларининг кўтарилиши ва тупроқнинг шўрланиши билан боғлиқ экологик ўзгаришлар содир бўлади. Бу, ўз навбатида, жамият тараққиётига салбий таъсир қилиб, бир неча шаҳар ва шаҳар типидаги қароргоҳларнинг вайронага айланishiiga сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулгазиева Б. Стратиграфические исследования памятников шурабашатской культуры // Фергана в древности и средневековье. – Самарканд, 1994. – С.26 – 30.
2. Анарбаев А. Ахсикет – столица древней Ферганы. – Ташкент, 2013.
3. Анорбоев А. Қадимги Фарғона давлати ва унинг пойтахти тарихидан лавҳалар // Водийнома. 2016. – С.36 – 41.
4. Анарбаев, Максудов, 2007. Древний Маргилан. – Ташкент, 2007.
5. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня Памир-Алая // МИА. №26. – М.-Л., 1952.
6. Беленицкий А.М. Монументальное искусство Пенджикента. – М., 1973.
7. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.-Л., 1950. Т.II.
8. Gorbunova N.G. The Culture of Ancient Ferghana (VI century BC – VI century AD) // BAR International Series 281. – Oxford, 1986. – №248. Pl. LXXXV.
9. Маявин А.Г. Борьба Тибета с Танским государством за Кашгарию. – Новосибирск, 1992.
10. Матбабаев Б.Х. Ферганское государство Давань // История государственности Узбекистана. Т.1. – С.188 – 192.
11. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М., 1970.
12. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. – Фарғона, 2013.



УСТРУШОНА ВА ФАРГОНА ВОДИЙСИ ҚАДИМ АҲОЛИСИ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ ДАФН МАРОСИМЛАРИДА АКС ЭТИШИ

Ф.Э.Тошбоев, Ж.Э.Тошбоев,
Жиззах давлат педагогика
институти ўқитувчилари

Резюме: Муаллифлар «Уструшона ва Фаргона водийси қадим аҳолиси маданий алоқаларининг дағн маросимларида акс этиши» деб номланган ушбу мақоласида қадимги Уструшона ва Фаргона водийсида ўрганилган чорвадорларга оид дағн маросимлари ва мозоркўргонлардаги археологик топилмаларга асосланиб икки ўлка аҳолисининг маданий алоқаларини ёритишга ҳаракат қилган.

Калит сўзлар: Эйлатон, Гулбо, Кўгай-Қорабулок, ўра қабр, ёрма қабр, лаҳадли қабр, маданий алоқалар, Мунчоқтепа, Саганоқ, қамишили тўшама.

Резюме: Авторы в данной статье, по теме «Отражение культурных связей древней нации Уструшаны и Ферганской долины в похоронных обрядах», на основе погребальных обрядов и археологических находок на территории Уструшаны и Ферганской долины, анализировали культурные взаимосвязи народов двух исторических областей.

Ключевые слова: Эйлатан, Гулбо, Кугай-Карабулак, ямные погребения, подбойные погребения, катакомбные погребения, культурные связи, Мунчактепа, Саганок, камышовой подстилка.

Annotation theme: «*Ustrushona and Fergana valley's ancient population of the cultural connection reflects in burial ceremonies*».

Authors of the article tried to illuminate funeral ceremonies about cattle raiser learnt in Ustrushona and the valley of Fergana and based on archeological findings two country populations cultural connections.

Key words: Eylatan, Gulba, Kugay-Karabulak, pit grave, great grave, grave tomb, cultural connections, Munchaktepa, Saganak, reedly spread.

Ўрта Осиё аҳолисининг хўжалиги қадимдан табиий-географик шароит ва турли ижтимоий омиллар асосида икки хил – ўтроқ дехқон ва кўчманчи чорвачилик тарзида ривожланган. Фаргона водийси ва Уструшонанинг географик шароити сувли воҳаларда дехқончилик, унинг атрофидаги дашт, чўл ва тоғлик ҳудудларда чорвачилик хўжалигини тараққий эттириш учун қулай бўлган. Бу ҳолат воҳаларда чорвачиликнинг ўтроқ дехқончилик хўжалиги билан ёнма-ён ривожланишини таъминлаган.

Бу тарихий-маданий воҳаларга бронза давридан бўён Евроосиё чўллари бўйлаб кўчиб юрувчи чорвадор аҳоли жамоаларининг кириб келиши ва дехқончилик учун қулай жойларда ўтроқлаша бориши ўзининг катта таъсирини кўрсатган. Бронза даври охирларига келиб Фаргона водийсида маҳаллий дехқончилик илдизлари асосида вужудга келган Чуст ва кўпроқ чорвадорлар таъсирида шаклланган Қайроқкум типидаги маданиятга асос солинган [5.97]. Кейинги Эйлатон-Оқтот маданиятининг



шакланишида маҳаллий Чуст маданияти билан биргаликда жануби-ғарбий (Суғд, Бақтрия) дәхқончилик воҳалари ва кўчманчи чорвадорлар таъсири сезилади.

Антик даврда, айниқса, милоддан аввалги I мингийилликнинг сўнгти чорагида даштдан кўп сонли аҳоли кириб келишининг энг иирик тўлқинларидан бири кузатилган. Бу пайтда Шарқий Туркистондан чиқсан юечжилар билан бирга жуда кўплаб чорвадор аҳоли оммавий тарзда Фарғона, Шош, Уструшона ва Суғдиёна вилоятлари оралаб дастлаб Шимолий Бақтрия, сўнг Шимолий Ҳиндистонгача кириб боргандар [3.277]. Ушбу қабилаларнинг баъзи гуруҳлари жанубга ўтиб кетмасдан, Ўрта Осиёning Фарғона, Шош, Уструшона каби дәхқончилик воҳалари атрофидаги чорва учун қулай жойларда қолиб кетган ва бу ерларни макон тутган. Айнан шу пайтда чорвадорларнинг водий орқали жанубга ёки Сирдарё орқали водийга кириб келишлари кўп кузатилган. Узлусиз кечган бу жараёнлар маданий алоқаларни фаоллаштирган. Бу даврга оид археологик материаллар Ўрта Сирдарё бўйининг турли маданият вакиллари учун макон вазифасини ўтаганлигини кўрсатади [10.208]. Тез-тез содир бўлиб турадиган бу жараёнлар Уструшона ва Фарғона водийси халқлари маданиятида ўхшашликлар пайдо бўлишига олиб келган.

Қанғ конфедерациясининг марказий қисмida жойлашган Уструшонада кириб келган янги халқлар таъсирида Қовунчи маданияти ёйила бошлигар бир пайтда Фарғона водийсидаги моддий маданият намуналарида ҳам милоддан аввалги II асрдан ўзгаришлар кузатилади. Хусусан, бу пайтда кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг оммавий ўтроқлашуви туфайли Фарғона водийсининг дарё ва сой ҳавзаларида бир неча ўнлаб шаҳар ва шаҳар типидаги қароргоҳлар пайдо бўлади. Милоддан аввалги I асрнинг иккинчи ярмига келиб Фарғона сиёсий ҳокимиюти тепасига юечжи қабилалари вакиллари ўтиради [2.488-489]. Шу даврдан Фарғона – Уструшона алоқалари кенгая боради. Фарғонада Қўғай-Қорабулоқ маданияти шакллана бошлиди ва кейинчалик у бир-биридан фарқ қилувчи уч босқични ўзида намоён этади. Қў-

ғай-Қорабулоқ маданиятига оид археологик материалларда маҳаллий чорвадорлар, айниқса, Ўрта Сирдарёбўйи, жумладан, Қанғ давлати билан кечган ўзаро алоқалар алоҳида аҳамиятга молик.

Н.Г.Горбунова бу пайтда вужудга келган мозорқўргонларни бир-биридан фарқига қараб 5 та маҳаллий типларга ажратиб, водийнинг тоголди минтақаларида (ер устида тошли иншоотлари мавжуд бўлган) курум ва ўра қабрлар, тоб билан чегара ҳудудларда лаҳадли, текис қир-адир мавзеларида ёрма қабрлар кўп учрашини аниқлаган [6.94]. Шу даврга оид Уструшонадаги мозорларнинг қазилиш шакли ва қабрлар устига уюм (қўргон) кўтаришда ҳам юқоридаги каби қонуният устувор бўлганлиги сезилади. Хусусан, тоголди жойларда қабр ва мозорқўргон устига тош ёки шагалдан уюм кўтариш (масалан, Кўрпа, Қоратош, Беккелди ва Қулписар), тоголди, текисликка туташ ҳудудларда эса тупроқдан кўтариш (Ширинсой, Саганоқ, Учтепа, Фулбо) кузатилади. Демак, Уструшонада ҳам қабрлар тузилиши ўша ернинг табиий шароитига (рельефига) боғлиқ бўлган [22.61].

Тадқиқотлар Уструшонада уч хил ўра, ёрма ва лаҳадли қабрларга эга мозорқўргонлар кенг тарқалганини кўрсатмоқда.¹ Уструшонада ўрганилган ўра қабрлар ўз тузилишига кўра ердан тўғри, ўра тарзида қазиб тушилган ва ён томонларга ўйиб кирилмаган бўлиб, улар тош яшик, аралаш ҳолда учрайди. Бу қабрларнинг барчасида ўра мавжуд, уларнинг устки – тела қисми ёпилиши Фарғона водийсида ўрганилган қабрлар билан деярли бир хил [6.86]. Уструшонанинг шарқий ва жанубий қисмларида (Тожикистан) бу хилдаги қабрлар шу пайтгача

¹ Ушбу атамалар шу пайтгача археологик адбиётларда кўлланган русча сўзлар бўлиб, уларнинг ўзбекча шаклини тарих фанлари доктори Б.Х.Матбабаевнинг «Археологик атамаларнинг ўзбекча шаклини беришда ҳозирги кундаги терминлар, ёзма ва тарихий-этнографик маълумотларга таяндиц. Чунки урф-одатлар узоқ вақт сақланади ва авлоддан авлодга ўтади. Асосан ўзбеклар, тоҷиклар, қирғизларда кўлланиладиган дағн маросимлари билан боғлиқ атамалар олинди. Яъни грунтовое погребение (базида ямное) гўр ёки ўра гўр, подвойное погребение ёрма гўр, катакомбное захоронение лаҳадли гўр қабилида олинди. Қолган атамалар ҳам шу тартибда қабул қилинди» деган фикрларига таяниб шу тарзда қўллашни маъқул топганмиз. Бу ҳақда қаранг: Матбабаев Б.Х. Шимолий Фарғонанинг қадимги мозорларини ўрганишга доир (Фовасой ва Косонсой ҳавзалари) // ОНУ. – Тошкент, 1993. №6. – Б.19.



кўплаб ўрганилган [16.68]; [20. 253-255].

Н.Г.Горбунова ўра қабрлар кўпроқ сак ва усунлар даврига хос бўлган деб таъкидлайди [6.97]. Бироқ ушбу мавзуга оид манбаларда ўра қабрлар усунлардан анча олдинги (саклар) даврлардан бошлиб кузатилиши ёритилмоқда. Улардан фойдаланиш хронологик жиҳатдан узоқ муддат, саклар давридан то ўрта асрларгача (этнографик жиҳатдан тарқалган кўплаб ҳудудлар, жумладан, Уструшонанинг Фориш воҳасида ҳозирги пайтда ҳам) кузатилади.

Антик даврда Уструшонада ёрма қабрлар ҳам кенг оммалашган. Уларни айвонга параллел қабр хилхонасининг қайси томонида бўлиши, йўналиши ва шаклига кўра бир-биридан ажратиш мумкин. Археологик таҳлилларга кўра, Ўрта Осиёда ёрма қабрларнинг 10 дан ортиқ тури мавжуд [6.86]. Бу пайтда Фаргона водийсида ҳам ёрма қабрлар кенг оммалашган. Б.Х.Матбабаевнинг таъкидлашича, «Ёрма гўрларнинг ўра гўрлардан фарқи, уларнинг ўраси (айвон) узун томонидан ўликни қўйиш учун узунасига «ёрма» қилинади. Яъни ўзига хос «айвонли ўра уй (ёрма)» деган тушунча билан ковланади. Ёрма гўрларда «айвон» (ўра) қисми тухумсимон ёки ўшанга яқин шаклларга эга, чуқурлиги 1 метрдан ортади. Унга параллел қилиб ўликни қўйиш учун ёрма («уй») ковланган. Одатда, у ўра («айвон») полидан чуқурроқ жойлашиб, ҳажми бир оз кичикроқ бўлади» [12.21].

Ю.А.Заднепровский ёрма қабрларни юзчилар билан боғлиқ деб таъкидлайди [8.98]. Б.А.Литвинский ёрма ва айвонли-лаҳад қабрларнинг Ўрта Осиёда тарқалиши умумий илдизга эга бўлиб, ёрма қабрлар ўра қабрлардаги тик қазиб тушишнинг (контур) оғиши натижасида вужудга келганинг таъкидлайди [9.19-20]. Бизнингча, ёрма қабрларнинг кенг ўйилиши кишилар диний тасаввурларидаги ўзгаришлар ҳамда улардан кенг фойдаланган қабилаларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлиқ. Марҳумни дафн этишда унинг нариги дунёда фойдаланиши учун қўйилаётган буюмлар ўра қабрдан кўра ёрма қабрда бемалол жойлашар эди.

Тадқиқотлар, ёрма қабрлар илк ўрта асрларда ҳам кенг ўйилганлигини кўрсатади. Фаргона

водийсидаги Мунчоқтепа кўҳна мозорларида ёрма қабрлар билан биргаликда ўра қабрлар ҳам учрайди. Уларни ўрганган Б.Х.Матбабаев: «Бу қабрлар турли дафн одатларига эга халқлар томонидан қолдирилган», – дея таъкидлайди [13.74]. Шунга ўхшаш ҳолат Уструшонадаги Гулбонинг 5-мозорқўрғонида ҳам кузатилади. Унда ёрма қабр билан ёнма-ён жойлашган ўра қабр ҳам ўрганилди. Бу ҳолат ушбу жамоаларнинг қабр қазишида ягона тартиб бўлмай, уларнинг сақланиб қолган анъаналар ва четдан кириб келган таъсиrlар натижасида оммалашиб борганигини кўрсатади.

Айвонли лаҳад қабрлар Уструшонадаги Гулбо, Ширинсой ва Саганоқ мозорқўрғонларида кўпчиликни ташкил этади. Бу каби айвони жанубдан шимолга қараб ясалган ва шимолида шарқ-тарб йўналишида перпендикуляр тарздаги лаҳади бўлган мозорқўрғонлар Фаргона водийсидаги Кўғай-Қорабулоқ маданиятига мансуб мозорқўрғонларда кўп кузатилган [5.102]. Айниқса, Гўрмирон II мозорқўрғонларидағи айвон ва лаҳаднинг жойлашиши, жасаднинг дафн этилиш ҳолати, дафн буюмлари ва уларнинг қўйилиши [11.20] Гулбо мозорқўрғонларидағи дафн одатларига жуда ўхшаш.

Гулбо мозорқўрғонларининг деярли барчасида (2, 3, 4, 5, 6) кучли олов излари мавжуд. Баъзи қабрлардаги жасадлар кучли ёндирилган бўлиб, уларнинг тагида (ёғоч ёки қамиш тўшаманинг) кул қолдиқлари бор. Ёнгин ҳатто мозорқўрғон тупроқ уюмida ҳам ўз изини қолдирган [21.29]. Саганоқ мозорқўрғонларида эса қурбонлик қилинаётган ҳайвон суякларини ёкиш кузатилади [7.77-78]. Юқоридаги ҳолатлар Уструшонада яшаган бу жамоаларнинг дафн маросимларида олов билан боғлиқ удумлар кенг талқалганлигини кўрсатади. Фаргона водийсидаги мозорқўрғонларда ҳам марҳумларни (қабрда ёки унгача) ёкиш одатлари кўп кузатилади. Уларнинг пайдо бўлиш илдизларини таҳлил қилган Б.Х.Матбабаев «Бу урф-одатлар маҳаллий илдизларга эга эмас» деган холосага келади [15.56].

Уструшонадаги барча мозорқўрғонларда жасадларни асосан ерга ётқизилган ҳолда дафн этиш оммалашган бўлса-да, майитлар



тагига қамиш ёки ёғоч түшама қўйиб (Саганоқ 2 ва Гулбо 2, 3-мозорқўрғонларида) ёки қамишдан тўқилган бўйрага (саватга) (Гулбо 5-мозорқўрғони) ва маҳсус тобутга солиб (Учтепа мозорқўрғони) дафн этиш ҳолатлари ҳам учрайди. Фарғона водийсидаги илк ўрта асрларга оид Мунҷоқтепа мозорқўрғонларини ўрганган Б.Х.Матбабаевнинг таъкидлашича, «Мунҷоқтепа мозорларидаги сағаналар полига марҳумлар уч хил усул билан дафн килинган, булар: ерга ва маҳсус түшама устига дафн этиш; жасадни саватга солиб кўмиш; қамиш тобутга солиб дафн этиш» [14.157]. Ушбу қиёслашдан икки хил фикр ойдинлашади, биринчиси Фарғона ва Уструшона ҳудудидаги дафн маросимларининг ўҳшашлиги, иккинчиси эса антик даврдаги дафн удумларининг илк ўрта асрларда ҳам бир оз сайқалланган кўринишда учраши. Олимларнинг таъкидлашича, дафн этишда уларнинг тагига тўшалган қамишлар ва ероғи сағаналари Шимолий Фарғонага Қовунчи ва Жетиасар маданияти таъсирида кириб келган. Бундай сағаналар Чоч, Уструшона, Оролбўйида топиб ўрганилган сағаналар билан ўхшаш. Уларнинг Жетиасар-Чоч-Фарғона тарзида бир-бирига яқинлиги Фарғона водийсидаги маданий алоқалар ҳақида яна бир маълумот беради [11.17].

Гулбодаги учинчи мозорқўрғонда айвон ва лаҳад туташган жойда иккита бир хил, бир-биридан 17 см узоқлиқдаги масофада айланана шаклидаги, диаметри 6 см, чуқурлиги 3,5 см кавакчалар мавжуд. Қабрларни ясашдаги бунга ўхшаш ҳолат Гулбонинг 2-мозорқўрғонида ҳам қайд этилган [18.137]. Бундай чуқурчалар Тошкент воҳасидаги Ачамойли ва Уструшона ҳудудидаги Саганоқ мозорқўрғонларида ҳам кузатилган [7.77]; [1.168]. Бу каби магик удумлар этнографлар томонидан илмий таҳлил қилинган. Элшунос олим А.Аширов Фарғона водийсидаги дафн удумларида шунга ўхшаш ҳолат, яъни марҳум вафот этган уйда чуқурчалар қилиб қўйилиши ҳақида маълумот беради. Олим мазкур ҳолатни илмий ўрганиб, «бундай одат марҳум дафнига уч кун тўлганда жаги тушади, еттинчи кундан шиша бошлайди, йиғирманчи кундан маддаси ортади ва қирқ кун

ўтганда жасад ёрилади деган тасаввурга таяниб марҳум ёрилишида оёғидан ёрилсин, яъни азоб чекмасин деган мақсадда қўлланилганлиги»ни ёзди [4.125]. Демак, қабрлардаги бу чуқурчалар марҳумнинг «нариги дунё»га кетишида қийналмасин деган мақсадда қўлланган. Фарғона водийси халқларида учрайдиган юқоридаги каби удумлар моҳияттан қадимги дафн маросимларида қўлланилган (қабрларга чуқурчалар ясаш) удумларнинг даврлар мобайнида ўзгаришга учраган ҳолда сақланиб қолган кўринишидир.

Уструшона билан Фарғона водийси халқлари маданий алоқалари уй-рўзгор буюмлари, жумладан, сопол идишларда ҳам яхши сезилади [17.78]. Уструшона мозорқўрғонларида ўрганилган сопол идишлар Фарғона водийсидаги милодий I мингийилликнинг биринчи ярмига оид Бор-Корбаз, Қорабулоқ, Жантайл, Гўрмиров, Исфара каби мозорқўрғонларда [19.131-147], милодий I – II асрларга оид водийда учрайдиган қурум ва муғхоналарда, Кўғай-Қорабулоқ маданияти ўрта ва сўнгти босқичларига тааллуқли, милодий I мингийилликнинг биринчи ярмига оид Қорабулоқ, Жантайл, Исфара каби ёдгорликларда [5.101] ўрганилган кулолчилик идишларига жуда ўхшаш.

Шундай қилиб, антик даврда етмишдан ортиқ шаҳарлари бўлган (Чжан Цзян) Фарғона водийсида ўтроқлашган чорвадорлар аҳолининг маълум бир қисмини ташкил этарди. Бу даврда «халқларнинг буюк кўчиши» туфайли чорвадорларнинг кўплаб кириб келиши ва жанубий минтақаларга ўтиб бориши Фарғонанинг Уструшона, у орқали жанубий минтақалар билан маданий алоқаларини янада мустаҳкамлаган. Антик ва илк ўрта асрлардаги чорвадорлар моддий маданиятига тегишли мозорқўрғонлар Фарғона водийсида анча мукаммал ўрганилган. Уструшонада бу борадаги тадқиқотлар кўлами унчалик катта бўлмаса-да, ўрганилган ашёларни Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида топилган манбалар билан солишириб кўриш кўпгина масалаларга ойдинлик киритмоқда. Қиёслаш ва улардаги ўхшаш хусусиятлар, биринчи навбатда, ёнма-ён жойлашган тарихий-маданий воҳалар аҳолисининг ўзаро



алоқалари билан боғлиқ. Бу маданий алоқалар ҳақида Уструшона ва Фарғона водийсида ўрганилган кўплаб ёдгорликлар, жумладан, мозорқўрғонлар, уларда қайд этилган археологик топилмалар, илоҳий топинч буюмлари, қўлланилган дафн маросимлари кенг қамровли тасвур беради.

Тақризчилар:
М.Исомиддинов, А.Анорбоев

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алимов К.А., Богомолов Г.И. К вопросу об этнокультурных связях кочевников Бухары и Чача // ИМКУ. – Самарқанд, 2000. №32.
2. Анарбаев А. Ахсикет – столица древней Ферганы. – Ташкент, 2013.
3. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. – Тошкент: O'zbekiston, 2015.
4. Аширов А.А.Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент, 2007
5. Горбунова Н.Г. Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы // АСГЭ. – Л., 1984. №25.
6. Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины 1-тысячелетия н.э. // АСГЭ. – Л., 1981. №22.
7. Грицина А.А. Изучение курганов в Сырдарьинской области // ИМКУ. – Самарқанд, 1997. №28.
8. Заднепровский Ю.А. К истокам кочевников Средней Азии кушанского периода // СА. – М., 1956.
9. Литвинский Б.А. Курганы и курумы западной Ферганы. – М., 1968.
10. Массон В.М. Культурогенез древней Центральной Азии. – СПб., 2006.
11. Матбабаев Б.Х. Қадимги Фарғонадаги дафн маросимлари // ОНУ. – Ташкент, 1994.
12. Матбабаев Б.Х. Шимолий Фарғонанинг қадимги мозорларини ўрганишга доир (Фовасой ва Косонсою ҳавзалари) // ЎИФ. – Ташкент, 1993. №6.
13. Матбабаев Б.Х. Одиночные погребения могильника Мунчактепа (К вопросу изучения погребальных сооружений Северной Ферганы первой половины – середины I тысячелетие н.э.) // ИМКУ. – Самарқанд, 1996. №27.

14. Матбабаев Б.Х. Фарғона водийси аҳолиси-нинг илк ўрта асрлар даври диний қарашларининг дафн маросимларида акс этиши (Мунчактепа мисолида) // ЎММТ. – Тошкент, 2006. №35.

15. Матбабаев Б.Х. К истории культуры Фергены в эпоху раннего средневековья. – Ташкент: Тифаккур, 2009.

16. Мирбобоев А.К. О работах Чоркуйского хоздоговорного отряда в 1981 г. // АРТ. – Душанбе, 1988. №XXI.

17. Пардаев М., Пардаев А. Жиззах воҳасининг IV – VI асрларда кулошлик идишлари // ЎММТ. – Самарқанд, 1998. №29.

18. Пардаев М.Х., Тошбоев Ф.Э. 2008 – 2009 йилларда ўтказилган археологик тадқиқотлар хусусида // Археологические исследования в Узбекистане 2008 – 2009 года. – Самарқанд, 2012.

19. Сорокин С.С. Некоторые вопросы происхождение керамики катакомбных могил Ферганы // СА. – М., 1954. №XX.

20. Салтовская Е.Д. О раскопках могильника Дашиби Ашт в 1976 // АРТ. – Душанбе, 1982. №XVI. – С.253 – 255.

21. Тошбоев Ф.Э. Олов билан боғлиқ удумлар ҳақида батзи мулоҳазалар // СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – Самарқанд, 2010. №4 (62).

22. Toshboev F.E. Ustrushona chorvadorlarining antik davrdagi madaniyati. – Toshkent: Tafakkur qanoti, 2014.

Қисқартмалар

АРТ – Археологические работы в Таджикистане. Душанбе.

АСГЭ – Археологический сборник Государственный Эрмитаж. Ленинград.

ИМКУ – История материальной культуры Узбекистана. Ташкент – Самарқанд.

ОНУ – Общественные науки в Узбекистане. Ташкент.

СА – Советская археология. Москва.

ЎИФ – Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Ташкент.

ЎММТ – Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. Ташкент – Самарқанд.



ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ

ЎЗБЕК ДЎППИСИ ТАРИХИДАН

Ш.С.Камолиддин





1. Ўзбек дўпписи




2. Қуёш билан боғлиқ рамзлар



3. Қоятошдаги м.а. I мингийилликка мансуб сурат,
Шимолий Америка




4. Сопол лаган, Ахсикат, X аср



5. Самарқанддаги сомонийлар саройи деворидаги нақшлар
(X аср)



6. Боласоундаги Бурана минарасининг фиштдан терилган
нақшлари (XI – XII асрлар)



6. Боласоундаги Бурана минарасининг фиштдан терилган
нақшлари (XI – XII асрлар)



8. Хивадаги устун тагидаги тош асос (XVIII аср)







Фойдаланилган адабиётлар

Манбалар

1. Ал-Джахиз – Абу Усман Амр ибн Бахр ал-Джахиз. Послание Ал-Фатху ибн Хакану «О достоинствах тюроков и остального халифского войска» / Пер. с араб. Ф.М.Асадова // Асадов Ф.М. Арабские источники о тюрках в раннее средневековье. – Баку: Элм, 1993. – С.56 – 103.
2. Ибн аз-Зубайр – ал-Кади ар-Рашид Ибн аз-Зубайр. Китаб аз-заха'ир ва-т-тухаф / Изд. Мухаммад Хамид Аллах и Салах ад-Дин ал-Мунджиид. – Ал-Кувайт, 1959.
3. Ас-Саолибий – Абу Мансур ас-Саолибий. Ажойиб маълумотлар / Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва көрсаткичлар тузувчи И.Абдуллаев. – Тошкент: Мерос, 1995.
4. Сиасет-намэ – Сиасет-намэ. Книга о правлении вазира XI столетия Низам ал-Мулька / Перевод, введение в изучение памятника и примечания Б.Н.Заходера. – М.-Л., 1949.
5. Ас-Сули – Абу Бакр Мухаммад ас-Сули. Китаб ал-аврак (Книга листов) / Критический текст и перевод на русский язык В.И.Беляева и А.Б.Халидова. Предисловие, примечания и указатели А.Б.Халидова. – СПб., 1998.
6. Таржумон – Таржумон. XIV аср ёзма обидаси. – Тошкент: Фан, 1980.
7. Al-Djahiz – Abu Othman Amr ibn Bahr Basrensi al-Djahiz. Tria opuscula / Ed. G. van Vloten (edition photomechanice iterate). – Lugduni Batavorum: E.J.Brill, 1968.
8. Al-Jakubi – Ahmad ibn Abu Jakub ibn Wadhih al-Jakubi. Kitab al-buldan / Ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 7. – Lugduni Batavorum: E.J.Brill, 1967.
9. Macoudi – Macoudi. Les prairies d'or / Text et traduction C.Barbier de Meynard, t. I – IX. – Paris: Societe Asiatique, 1861 – 1877.
10. Al-Masudi – al-Masudi. Kitab at-tanbih wa-l-ishraf / Ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 8. – Lugduni Batavorum: E.J.Brill, 1967.
11. At-Tabari – at-Tabari, Abu Djafar Mohammed ibn Djarir, Annales / Ed. M.J. de Goeje, I – III series. – Lugduni Batavorum: E.J.Brill, 1964.
12. Al-Tha‘alibi – al-Tha‘alibi. The Lata‘if alma‘arif, The Book of curious and entertaining information / Translated with introduction and notes by C.E.Bosworth. – Edinburgh: The University Press, 1968.
13. Al-Ya’qubi – al-Ya’qubi Mushkalat al-nas li-zamanihim (The Adaption of Men to their Time) / Ed. by William Millward. – Beirut: The New Book Publishing House, 1962.

Илмий адабиётлар

1. Акишев 1978 – Акишев К.А. Курган Иссык. Искусство саков Казахстана. – М.: Искусство, 1978.
2. АРС – Арабско-русский словарь (около 33 000 слов) / Составил Х.К.Баранов. Изд. 4-е стереотипное (в 2-х книгах). – М.: Советская энциклопедия, 1970.
3. Ахундова 2004 – Ахундова Н. Тюрки в системе государственного управления Арабского халифата (VIII – сер. X вв.). – Баку: Элм, 2004.
4. Булатов 2009 – Булатов М.С. Космос и архитектура. – Ташкент: SMI-ASIA, 2009.
5. Булатов 2005 – Булатов М.С. Храмы Солнца в древней Трансоксиаи // Архитектура и строительство Узбекистана. 2005. №2 – 4.
6. Гиргас 1881 – Словарь к арабской хрестоматии и Корану / Составил проф. В.Гиргас. – Казань: Типография императорского университета, 1881.
7. Горелик 1979 – Горелик М.В. Среднеазиатский мужской костюм на миниатюрах XV – XIX вв.// Костюм народов Средней Азии. Историко-этнографические очерки. – М.: Наука, 1979. – С.49 – 69.
8. ДТС – Древнетюркский словарь / Отв. ред. В.М.Наделяев, Д.М.Насилов, Э.Р.Тенишев и А.М.Щербак. – Л.: Наука, 1969.
9. Дьяконов 1956 – Дьяконов М.М. История Мидии (от древнейших времен до конца IV в. до н.э.). – М.-Л., 1956.
10. Курышджанов 1970 – Курышджанов А.К. Исследование по лексике старокыпчакского письменного памятника XIII в. – «туркско-арабского» словаря. – Алма-Ата, 1970.
11. Мукминова 1979 – Мукминова Р.Г. Костюм народов Средней Азии по письменным источникам XVI в. // Костюм народов Средней Азии. Историко-этнографические очерки. – М.: Наука, 1979. – С.70 – 77.
12. Памятники 1983 – Памятники культуры и искусства Киргизии (древность и средневековье). Каталог выставки. – Л.: Искусство, 1983.
13. ПРС – Персидско-русский словарь (свыше 60 тыс. слов), в 2-х томах / Под ред. Ю.А.Рубинчика. Изд. 3-е стереотипное, с приложением грамматического очерка персидского языка. – М.: Русский язык, 1985.
14. Расулова 1969 – Расулова Н.А. Исследование языка «Китаб ал-идрак ли лисан ал-атрак» Абу-Хайяна (морфология, лексика и глоссарий) /



ЎЗБЕКИСТОНДА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ, ҚУЛОҚЛАШТИРИШ ВА ДЕҲҚОНЛАРНИ СУРГУН ҚИЛИШ: МАҚСАД, ТАЖРИБА ВА ОҚИБАТЛАР

Рустамбек Шамсутдинов, тарих фанлари доктори, профессор,

Музробжон Абдуллаев, тарих фанлари номзоди, доцент (докторант)

Резюме: Мақолада қишлоқ хўжалигини колективлаштириши, қулоқлаштириши, қулоқ хўжаликларини тугатиши сиёсатининг мақсадлари, дехқон хўжаликлари аъзоларини қатагон қилиши жараёни ва унинг оқибатлари масаласи бирламчи манбалар асосида ёритилган. Унда Ўрта Осиё бўйича қулоқ қилиши кўлами, биринчи тоифа бўйича жазога тортилиб, сургун қилингандан қулоқлар, колективлаштиришига қарши норозилик ҳаракатлари, «аксисловет» ташкилотлар фаолиятига доир маълумотлар жамланган.

Калит сўзлар: колективлаштириши, қулоқ қилиши, «қишлоқ аксиликлоби», қулоқлар сургуни, қулоқ тоифалари, маҳсус посёлкалар, ОГПУ, ГУЛАГ.

Резюме: В статье освещены на основе первичных документов процессы и последствия раскулачивания дехканских поселений, в ней показана цель репрессий их и участие в ГУЛАГе. Освещена деятельность «антисоветских» организаций и движений против коллективизации и ход репрессии раскулаченных кулацких хозяйств.

Ключевые слова: коллективизация, раскулачивание, «кишлачная контрреволюция», кулацкая ссылка, кулацкая категория, спецпосёлка, ОГПУ, ГУЛАГ.

Annotation: In article lit on base primary sources, the process and effect of repressions peasants facilities at initial period's politicians to utter collectivization of the agriculture. It is illuminated track record dispossession of kulaks the first category, are brought given about amount subjected to repression «anti-soviet» organization, groups and participant on republic of the Central Asia.

Key words: collectivization, repression realizable, «counter-revolution of village», kulak exile, special village, OGPU, GULAG.

Уч қисмли (индустрлаштириш, колективлаштириш, маданий инқилоб) социализм қуриш дастурининг муҳим узви бўлган колективлаштиришнинг амалга оширилиши совет даври тарихидаги энг зиддиятли воқеалардан биридир. Аммо у ҳақдаги бор ҳақиқатни айтиш, ёзиш, моҳиятини очиб бериш имкони совет даврида йўқ эди. Колективлаштириш жуда катта жисмоний,

маънавий-рухий йўқотишларга олиб келди. Бу жараёнда мислсиз кенг қўламда қатагон сиёсати олиб борилди, қабул қилингандан қарорларни ҳаётга татбиқ этиш муддати, суръат ва услубларида бузилишлар юз берди. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигини юритишининг вақт синовидан ўтган анъанавий тизими бузилиб, дехқон батамом давлатга қарам бўлиб, хўжалик юритиш жараёнида



ижодий иштирок этиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолди. Бу ҳақда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов мустақиллик арафасидаёқ: «**Асоссиз равиша қилинган оммавий қатагонларни, колективлаштириш ва саноатлаштириш даврида турмушнинг асосий негизлари шафқатсизлик билан барбод қилингани, халқларнинг маънавий қадрият ва анъаналари қалбакилаштирилгани ҳақида... тобора янги-янги даҳшатли мисоллар ҳозир маълум бўлиб қолмоқда»¹, – деб ёзган ва ўтмиш ҳодисаларига муносабатнинг методологик асосини шундай белгилаб берганди: «**Биз босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, коллективлаштириш, репресиялар, тургунлик даврига оид бузилишлар ҳақида бўлсин – «оқ доғ»ларнинг бутунлай тугатилиши тарафдоримиз. Аммо, албатта, ҳар бир воқеани, аниқ тарихий шароитни ҳисобга олиб, бизнинг тарихимиз, ундаги ҳар бир қадам кекса авлодларнинг пешона тери билан ва қони билан сугорилганини назарда тутиб шундай қилишимиз керак. Ўтмishimizni бошдан-оёқ қоралаш ота-боболаримиз хотираси олдида, фарзандларимиз ва набираларимизнинг маънавий тарбияси олдида кечирилмас хато бўлур эди».²****

Колективлаштириш жараёнида ғоят кенг кўламдаги қатагон сиёсати қўлланилди. Моҳият эътибори билан у қишлоқдаги моддий жиҳатдан анча дуруст таъминланган, тадбиркорлик кўнікмаларига эга ва буни дехқончиликда қўллашга қобил бўлган одамларга қаратилди. Зоро, совет ҳокимияти қишлоқдаги камбағал дехқонларга суюниб иш олиб боришни кўзлаган.

Мавзу тарихшунослигида учта босқич фарқланади: 1) совет даври; 2) «қайта қуриш ва ошкоралик» даври; 3) мустақиллик даври.

Совет даврида мустабид тузум ва ком-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б.165 – 166.

² Кўрсатилган манба. – Б.166.

партиянинг ҳукмрон мафкураси мавзуни илмий холис ёритишга йўл бермаган. Аксинча, уни синфиийлик, партиявиийлик руҳида тадқиқ этувчи кўплаб тарихий ва бадиий асарлар нашр этилди, диссертациялар ҳимоя қилинди. Уларнинг ҳаммасида Ўзбекистондаги коллективлаштириш, қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ барча тадбирлар, воқеалар, советларнинг агарар сиёсати ижобий баҳоланган, ҳатто ўзга мамлакатларга намуна, андоза дея тавсия этилган.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда³, сабиқ Иттифоқ ҳудудларида⁴ ва ҳорижда⁵ эълон қилинган асарларда коллективлаштириш мажбурлаб, оммавий қирғин ва сургун усуслари

³ Аминова Р.Х. Из истории коллективизации в Узбекистане // История СССР. 1991. №4; шу муаллиф. Коллективизация в Узбекистане: как это было? // Коммунист Узбекистана. 1989. №9; шу муаллиф. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1995; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакалиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000; Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2001; Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Тошкент: Шарқ, 2003; Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. – Тошкент: Шарқ, 2005; Шамсутдинов Р. ва бошқалар. Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. – Тошкент: Шарқ, 2006; Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929 – 1955 гг. Документы и материалы. В 3-томах / Сост. Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов. Под редакцией д.и.н., проф. Д.А.Алимовой. – Ташкент: Шарқ, 2006; Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозогистон сургунидаги юртдошлар қисмати. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б.221; Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қатагон сиёсати ва унинг оқибатлари (Биринчи китоб). – Тошкент: Шарқ, 2012; Расулов Б. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатагонлар ва сургун қилинган дехқонлар аҳволи (1929 – 1959 йиллар). – Тошкент: Шарқ, 2012.

⁴ Бердинских В. Крестьянская цивилизация в России. – М., 2001; Земсков В.Н. Спецпоселены в СССР 1930 – 1960. – М.: Наука, 2003; Козенков Ю. Голгофа России. Схватка за власть. Краткая хроника преступлений мирового сионизма, масонства и Запада против России от Сталина до Ельцина. – М., 2003; Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: Собрание, 2004; Есиков С.А. Коллективизация в Центральном Черноземье: предпосылки и осуществление (1929 – 1933 гг.). – Тамбов, 2005; Зеленин И.Е. Сталинская «революция сверху» после «великого перелома». – М., 2006; Карпов В. Генералиссимус. Книга первая. Третье издание, исправленное и дополненное. – М.: Вече, 2009; Линн В. Крестьянский бунт в эпоху Сталина: Коллективизация и культура крестьянского сопротивления. – М., 2010; шу муаллиф. Крестьянский ГУЛАГ: Мир Сталинских спецпоселений. – М., 2010.

⁵ Шитц И.И. Дневник «Великого перелома» (март 1928 – август 1931). – Париж, 1991; Dahlman D., Hirschfeld G. Lager, Zwangsarbeit, Vertreibung und Deportation: Dimensionen der Massenverbrechen in der Sowjetunion und in Deutschland 1933 bis 1945. – Essen: Klartextverlag, 1999. – 600 s.; Eisfeld A., Herdt V. Deportation, Sondersiedlung, Arbeitsarmee: Deutsche in der Sowjetunion 1941 bis 1956. – K In: Verlag Wissenschaft und Politik, 1996. – 556 s.; Gelb M. The Westerns Finnic Minorities and the Origins of the Stalinist Nationalities Deportations // Nationalities Papers. 1996. Vol. 24. №2. – P.237 – 267.



орқали амалга оширилгани, сургун, лагерлар ва қулоқ посёлкаларида мислсиз азоб-уқубатлар тортганлар тақдири очик-ойдин ёритилиб, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик таназзулга учрагани таъкидланмоқда. Шу билан бирга, фожиали оқибатларга кўз юммаган ҳолда тарихий шароит коллективлаштириш сиёсатини ўтказишни заруратга айлантириб қўйгани ҳам асосланмоқда. Зоро, атиги 10 – 15 йил ичидага вайрон қилинган ҳалқ хўжалигини тиклаш ва оғир саноатни яратиш вазифасини уddyалаш зарур эди, акс ҳолда, СССР парчаланиб, ўнлаб хомашё мустамлакаларига бўлиб юборилиши мумкин эди. Майдага товар дехқон хўжалиги мамлакат иқтисодиётини орқага тортиб, дехқончиликда ҳануз примитив инвентарлар ишлатилаётган, ҳаёт эса қишлоқ хўжалигига янги техникини татбиқ қилиш, ялпи маҳсулотни кўпайтириш, ҳосилдорликни кўтариш ва қўриқ ерларни ўзлаштиришни талаб этаётганди. Айни шу шароит коллективлаштиришни заруратга айлантирган.

Колхозларни маъмурий-буйруқбозлиқ, куч ишлатиш йўли билан қуриб бўлмаслиги, коллективлаштириш гоясини йўққа чиқарувчи бу йўл фақат душманга кераклиги совет раҳбариятига маълум эди. Бу ўринда Сталиннинг қишлоқ хўжалик артелларини ташкил этишини черков қўнғироқларини олиб ташлашдан бошлилаётган ҳайбаракаллачиларни кескин танқид остига олганини эслаш жоиз. Сталин дехқон колхоздан қўрқмасин, уни колхознинг афзал эканига ишонтириш керак, дехқоннинг ўз ихтиёри билан колхозга киришига эришиш зарур, аммо бу жуда жиддий иш ва у маълум вақтни талаб қиласди, бунда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди деган эди.⁶

Бироқ ҳақиқатда коллективлаштиришда ихтиёрийликка мутлақо амал қилинмади, бу жараёнда зўрлаш, қулоққа тортиш, солиқ солиш, сургун, қатағон қилиш амалиёти қўлланилди. Кўпинча коллектив хўжаликка киришни истамаган камбағал ва ўртаҳол дехқонлар жабр кўрди.

Қишлоқ кооперацияси артель шаклида амалга оширилади деб ёзилган биринчи Наму-

нали Низомда (1930 йил 6 февралда қабул қилинган) қатор нуқсон ва қусурлар бор эди. Унда мулкни умумлаштириш тартиби, коллектив хўжаликларнинг бўлинмас фонdlари каби масалалар аниқ ёритилмаган. Натижада уй-жойлар, қорамолу қўй-эчклиаргина эмас, ҳатто паррандалар ҳам жамоа мулкига айлантирилди. Буни Фарғона, Тошкент, Самарқанд ва бошқа вилоятлар мисолида кўриш мумкин. Коллективлаштириш сиёсати оммани қўрқув ва ваҳимага солди: кўпчилик ўз хўжалигини қаровсиз ташлаб қочди, чорва моллари сўйилди ёки арzon-гаров сотилди.

Коллективлаштиришга мутасадди идора ходимларининг маърузаларида жойлардаги ҳукумат органларига дехқонлар ишончи йўқолиб бораётгани таъкидланади. Жумладан, Бухоро вилояти Қоракўл тумани бўйича вакил И.Рубенштейн шундай хабар беради: «Ҳокимият деярли ўзгармади деб ҳисобловчи одамлар орасида совет маъмуриятининг мутлақо обрўси йўқ».⁷ Коллективлаштириш давомида амалга оширилган адолатсиз, зўрлик, инсон қадрини оёқости қилишга асосланган сиёсат оммада ҳукуматдан норозилик мислсиз даражада кучайишига сабаб бўлди ва 1930 йил бошлирида Ўзбекистонда дехқонлар уруши келиб чиқиши хавфини туғдириди.

Коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун қилишга қарши қаратилган норозилик ҳаракатлари ва қўзғолонлар. Совет тузумининг сиёсати ва амалиётига қарши қишлоқ аҳолиси норозилик билдириди, исёнлар, галаёнлар кўтарди. Большевиклар «қишлоқ аксилинқилоби» деб атаган бу ҳаракатлар, аслида, большевиклар тажовузи, коллективлаштириш, қулоққа тортиш, сургун қилиш, қамоққа олиш, ҳатто отуввлардан иборат асоссиз қатағон сиёсатига қарши кўтарилиган дехқонлар инқилоби эди. Бироқ уни қизил армия қўшинлари, ГПУ-чилар шафқатсизлик билан бостира борди.

Марказнинг директив кўрсатма ва йўриқномаларига асосланиб маҳаллий раҳбарлар коллективлаштириш ва қулоқлаштиришни ўтказишида кўпдан-кўп хато ва камчиликларга йўл қўйдилар. Бунда Марказдан келган ботиний йўл билан шу

⁶ Дьяков Ю. Пятая колонна России. – М., 1995. – С.49.

⁷ Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1992. №12. – Б.184 – 185.



сиёсатга қарши турган сионист, масончи раҳбар унсурларнинг ҳам роли катта бўлган. Улар Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни кескинлаштириб, маҳаллий аҳолида партияга, давлатга, Сталинга қарши ғазаб-нафрат уйғотиш учун бор имкониятларини ишга солгандар. Оқибатда шусиз ҳам таранг вазият янада кескинлашиб, қишлоқ аҳолиси жунбишга келдики, бу расмий ҳукуматни саросимага солди.

ОГПУнинг (Организация государственного политического управления – Давлат сиёсий бошқаруви ташкилоти) Ўрта Осиёдаги доимий вакиллiği тезкор маълумотларида шу жараён акс этган. 1930 йил 1 – 20 февралда Фарғона оқругида аҳвол кескинлашиб, қаршилик ҳаракати қуролли қўзғолон даражасига етган. Боғдод районида 1 – 20 февраль кунлари 7 та чиқиш бўлиб, уларда 3850 киши, Риштон районидаги 2 та чиқишида 3000, Бувайда районидаги 2 та чиқишида 1400, Олтиариқ районидаги 2 та чиқишида 600 киши иштирок этган.⁸ 20 февралда Чуст райони Мозор қишлоғидан зоо, Хонобод қишлоғидан 100 киши биргалашиб Furum saroy қишлоғига келадилар. Бу ерда 500 кишилик оломон «аввал савод чиқариб, сўнгра колхоз қуриш керак», «эски усул мактаблари тиклансин», «ҳақсизлар ҳуқуқи тиклансан», «қамалганлар озод қилинсан», «коллективлаштириш бекор қилинсан», «колхозга кириш рўйхатлари йўқ қилинсан» каби талабларни илгари сурган. Комиссия рўйхатни беришга мажбур бўлган, рўйхат оломон томонидан йўқ қилинган. Қамал ҳолатида қолган комиссия қийинчилик билан қочиб қутулган. Бундай аҳвол ЎЗК(б)П МК котиби А.К.Лепа, ЎзССР ХКС раиси Ф.Хўжаев ва Ўзбекистон ГПУси раиси П.Ю.Перконнинг Фарғонага келишига сабаб бўлди. 22 февралда улар Чуст-Поп районига етиб келганида аҳвол қўзғолонга айланадиган даражада кескин эди. Шу боис ҳукумат вакиллари дарҳол қуролли куч чақирирганлар. Уларнинг тушунтиришлари, ҳарбий взвод етиб келгани, ғалаён ташаббускорларининг қўлга олиниши оломондагиларни бир оз тинчлантириб, ўз қишлоқларига тарқаб кетишларига сабаб бўлган.⁹

⁸ РИСТТДА. 62-фонд, 2-рўйхат, 87-варақ.

⁹ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси... – Б.133 – 134.

1930 йилнинг 15 – 20 февраль кунлари Фарғона, Бухоро, Қашқадарё, Андижон, Хоразм, Сурхондарё округларида 18 та чиқиш бўлиб, уларда 11290 киши иштирок этган.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ижроия комиссияси 1930 йил 10 марта қабул қилган «Қулоқлаштиришни ўтказишида йўл кўйилган хатоларни тузатиш тўғрисида»ги қарорнинг 8-пунктида коллективлаштиришга қарши оммавий чиқишлилар бўлаётган районларда тушунтириш ишларидан сўнг камбағаллар мажлислиари, қишлоқ үйфинлари ўтказилиб, уларда советларга қарши чиқишлиларни сиёсий жиҳатдан қоралаш, бундай чиқишлилар ташкилотчилирини сургун қилиш зарурлиги кўрсатилди.¹⁰

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги Москвага йўллаган маълумотларда норозилик чиқишлилари қонли тўқнашувларга бориб етганини маълум қилган. Масалан, 1930 йил 15 июнда Андижон райони Исковот қишлоқ совети аҳолиси қўлларига кетмон, белкурак олиб район марказига йўл олади. Уларга район партия комитети котиби С.Бадалбоев, ижроқўм раиси Ҳайитбоев, Исковот қишлоқ совети бўйича масъул вакил Раҳимбоев пешвоз чиқишиди. Раҳбарлар исёнкор дәхқонлар билан тинч мулоқот олиб боролмагач оломонга қаратса ўқ узишга буйруқ берадилар. 20 дан ортиқ киши яраланади, улар орасида аёллар ҳам бор эди.¹¹ Маълумотлардан норозилик ҳаракатида турли ёш, жинс ва ижтимоий қатлам вакиллари иштирок этгани аён бўладики, бу ҳаракат оммавий тус олганини кўрсатади.¹²

Колхозлар тузилиши уч шаклда олиб борилди: **биринчиси** – қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ширкати, унда барча қишлоқ хўжалик инвентарлари, от-улов, тортув кучлари ва ерни биргалашиб ишловчилар умумлаштирилган; **иккинчиси** – қишлоқ хўжалиги артели, унда барча ишлаб чиқариш воситалари, ер ва ишлаб чиқариш жараёни умумлаштирилган; **учинчи-си** – қишлоқ хўжалик коммунаси, у ижтимоий ишлаб чиқариш ва тақсимотдан иборат бўлган.

¹⁰ ЎЗР ПДА. 58-фонд, 6-рўйхат, 755-иш, 31 – 32-варақлар.

¹¹ Аминова Р. Коллективлаштириш – қашшоқлаштириш демак // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1992. №12. – Б.186.

¹² ОГПУ раҳбарияти И.В.Сталинга ёзган маърузаномадан: РФХХМА. 2-фонд, 8-рўйхат, 3-иш, 181-варақ.



Юқорида қайд этилган қарорнинг VI бўлимида қулоқларни синф сифатида тугатиш учун амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб берилган. Қулоқ-бой «эксплуататор унсурлар»ни ер, меҳнат қуроллари ва ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилиш вазифаси қўйилди. Қарорда барча қулоқ хўжаликлари, якка солиқ тўловчилар, эксплуататорларни хўжалик белгиси бўйича сайлов ҳукуқидан маҳрум қилиш, уларнинг супориладиган ерлари, ҳовли-жойи, далалардаги дов-дараҳтлари, ишчи ҳайвони, озиқ-овқат, мураккаб қишлоқ хўжалик инвентари, қайта ишлаш корхоналари тортиб олиниб, колхозлар бўлинмас фондларига берилиши, қулоқ хўжаликлари бўйича чоракорлик билан боғлиқ барча битимлар, қарз мажбуриятлари, шунингдек, судхўрлик мажбуриятларини бекор қилиш, чек ерлар ва ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум этилган қулоқ хўжаликларини ёппасига колективлаштириш районларидан кўчириш, колхозлаштиришга қарши фаол кураш олиб борувчи ашаддий қулоқларни жиноий жавобгарликка тортиш кўрсатилди.

Ниқобдаги душман кучларнинг колективлаштиришни сохталаштириш ҳаракати айни шу нуқтага йўналтирилиб, бу тадбирни қурол кучи, қатағон, зўравонлик йўли билан амалга ошиromoқчи бўлганлар. Фуқаролар урушидан чиққан мамлакатни боқиб турган, ўзига тўқ, меҳнаткаш дехқонларга қилинган тажовуз масалани янада кескинлаштириб юборган. ОГПУ ва унинг жойлардаги органлари Ўзбекистоннинг колективлаштирилайдиган барча қишлоқларига ўз агентларини юбориб, хуфёна материаллар тўплаб, шулар асосида у ёки бу хўжаликни қулоқ қилганлар. Ясама маълумотларга таяниб қулоқ хўжалиги бўлмаган кўплаб камбағал ва ўртаҳол дехқонлар ҳам қулоққа тортилган. Биргина Андикон округининг Асака, Норин, Шахрихон, Кўргонтепа районларида 1932 йили 808 кишига агенттура маълумотномаси тайёрланган. Бу маълумотларнинг муваллифлари «Олма», «Тўлқин», «Акмал», «Гул», «Трактор», «Искабтопар» каби хуфёна номлар билан аталган.¹³

¹³ Асака, Шахрихон районлари бўйича қулоқ қилинганлар рўйхати. Андикон вилояти ИИБ архиви.

Колективлаштиришдаги бузилишлар ва қатағонлар, фожиаларнинг юз беришида Марказ томонидан Ўзбекистонга юборилган десантчилар ва республика миллий раҳбар ходимларининг ҳам улуши катта. Сталин 1930 йил зо январда ўлка ва вилоятлар партия комитетларига йўллаган директив хатда маҳаллий ходимларнинг бир қатор районларда колективлаштириш ўрнига бор кучларини қулоқ қилишга сарфлаётгандари кескин танқид остига олинган. Хатда партия сиёсати қулоқлаштиришдан иборат эмаслиги, қулоқ қилиш колективлаштиришнинг бир қисми эканлиги, у колективлаштириш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилмаслиги кераклиги уқтирилган. Stalin коллективлаштиришнинг оғирлик марказини камбағал ва ўртаҳол дехқонларнинг оммавий ҳаракатига таянувчи янги колхозлар курилишига кўчиришни талаб қилган.¹⁴

В.Карпов коллективлаштиришга бош бўлган коммунистлар орасида иккюзламачи ва мунофиқлар ҳам, назарий ва сиёсий билими, ҳаётӣ тажрибаси етарли бўлмаганлари ҳам кўплиги, улар колхоз тузишга қаратилган тарғибот ишларини ўз билганича олиб бориб, кўплаб сиёсий, мағкуравий, ташкилий, амалий хатоларга йўл қўйгани, бундан партиядаги мухолифатчилар усталик билан фойдаланганларини ёзади. Мухолифатчилар большевикларни колективлаштиришга оид қарорлари тутуриқсиз дея бадном қилиш тактикасини қўллаб, «колхозларда ҳамма нарса умумий бўлади, унда ҳатто аёллар ҳам умумий, улардан карточка ёки талон билан вақтинчалик фойдаланилади», «колхозчилар умумий кўргпада ухлайди», «умумлаштириш ҳатто товуқлар ва майда ҳайвонларгача қўлланилади» қабилида тарғибот олиб бориб омма ичиди қўрқув, саросима туғдиргандар. Бу одамларда колективлаштиришга нисбатан нафрат уйғотиш, колхозга киришдан бош тортиш, унга қарши курашга кўтаришга қаратилган эди. Мухолифат коллективлаштириш вақтида фаол аксилинқилобий ҳаракатга ўтган қулоқлар ва қисман ўртаҳоллар норозилигидан фойдаланиб қўзғолонлар ўюштириш йўли билан фуқаролар урушини

¹⁴ Карпов В. Генералиссимус... – С.106 – 107.



келтириб чиқаришга умид боғлаган.

Марказ директивасини рўйиҳа қилиб яхудий миллатига мансуб большевиклар ўрнашиб олган маҳаллий партия ва ГПУ органлари ходимлари жойларда қулоқларнигина эмас, балки ўз ерида тонг-саҳардан кеч шомгача меҳнат қиласидиган ўртаҳол, ўзига тўқ дехқонларни ҳам таладилар, йўқ қилдилар. Айрим минтақаларда коллективлаштириш билан боғлиқ бўлмаган қулоққа тортиш амалиёти қўлланилган. Қулоқлаштириш 6 фоиздан 87 фоизга кўтарилиб кетган, қулоқ қилингандарнинг 60 фоизини ўртаҳол дехқонлар ташкил этган районлар ҳам бўлган.

Қулоқлардан нафақат чорва, инвентарь, ҳатто ургулук дон, озиқ-овқат ва бошқа мулклар тортиб олинниб, онадан янги туғилгандек яланғоч қилиб қўйилаётгани ҳақидаги ахборотлар Марказга юбориб турилган. Бу иш очликдан қирилишни тайёрлаш мақсадида қилинган. Очарчиликдан бутун-бутун оила, маҳалла, қишлоқлар аҳолиси қирилиб кетган. Ўлим шу қадар катта кўламда бўлганки, мурдаларни кўмиш катта муаммога айланган. Ҳатто ўлик кўмишга сафарбар этилганларга паёк берилгани боис паёк илинжида чала тирикларни ҳам кўмиб юбориш, одамларнинг очликка бардош беролмай бир-бирини еб қўйиши каби ҳолатлар расмий ҳужжатларда қайд этилган.

1932 йил августида колхоз мулкини ўғирланларга ўлим жазоси жорий қилинади. Халқда бу «уч бошоқ қонун»и деган кинояли ном олган, чунки унга кўра, ҳатто бошоқ терган болалар ҳам ўлимга ҳукм этилган. Мамлакат бўйича беш ойдан қамроқ муддатда ўшандай дехқонлар, болалардан 54645 киши судланиб, шундан 2110 киши отувга ҳукм қилинган.¹⁵

1932 йил декабрда кучга кирган янги паспорт тизими дехқонларни ўзлари яшаб турган жойларга крепостной сифатида бириткириб қўйди, уларнинг бошқа жойга кўчуб кетиши ман этилди. Колхозчиларга паспорт берилмай, завод-фабрикаларда ишлашлари ман этилди. Чегара ҳудудларига ОГПУ қисмлари қўйилиб, очарчиликдан, ҳар хил таловлардан қочиб кетаётган дехқонлар отила бошланди.

Хуллас, зўравонлик билан ўтказилган колективлаштириш, қулоққа тортиш ва сургун қилиш фожеаларининг сабабчиси совет режими билан мухолифат ўртасидаги беаёв ботиний кураш эди. Бу сиёсий кураш бутун мамлакатни қамраб олган, бундан Ўзбекистон ҳам мустасно эмас эди. Қолаверса, Марказнинг Ўрта Осиёдаги ваколатли органлари – ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси, ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги штаб-квартираси Тошкентда жойлашганди.

Колективлаштиришни сунъий тезлаштириш ва бу борада «пойга»нинг авж олишида ВКП(б) МКнинг 1930 йил 5 январдаги «Колективлаштириш суръати ва колхоз қурилишига давлат ёрдами бериш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳал қилувчи роль ўйнади. Қарорда собиқ СССР ҳудуди 3 районга бўлиниб, ҳар бирида коллективлаштириш қачон тугалланиши белгиланди. Учинчи гуруҳга киритилган Ўзбекистонда бу иш 1933 йил баҳорида тугалланиши керак эди. Бироқ ВКП(б) МКнинг Сиёсий бюроси коллективлаштириш ҳолатини ўрганиб, Ўзбекистон коллективлаштириш жуда суст кетаётган ҳудудлар қаторида танқид қилинди. Бу ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросига коллективлаштириш, қулоққа тортиш кампаниясини ҳаддан ташқари авж олдириш учун дастак бўлди.

Мамлакат бўйича қулоқ қилиш кампанияси Сиёсий бюронинг «Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ ҳўжаликларини тутгатиш тадбирлари тўғрисида»ги 1930 йил 30 январь қароридан сўнг бошланиши керак эди. Бироқ Ўрта Осиё бюроси ташаббуси билан Ўзбекистонда кампания бундан аввалроқ бошланди. 26 январда Ўрта Осиё бюроси «Қулоқларни синф сифатида тутгатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида»ги масалани қўриб чиқиб, 28 январда «Ёппасига коллективлаштириши ўтказиш ва қулоқларни синф сифатида тутгатишда Ўрта Осиё партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги» қарор билан 36 районни ёппасига коллективлаштириш райони деб эълон қилди. Унга кўра, 1930 йил баҳорида коллективлаштириш ва қулоқ ҳўжаликларини тутгатиш 70 – 75 фоиз бажарилиши, якка тартибда қишлоқ ҳўжалиги солиғи тўлайдиган барча ҳўжаликлар

¹⁵ Правда. 1988 г. 16 сентябрь.



қулоқ қилиниши керак эди.¹⁶ И.А.Зеленский бу қарорни тасдиқлашни ВКП(б) МҚдан сўрайди. Бироқ Сталин бундай шошма-шошарлиқдан безовталаради. Чунки жойлардаги «ташаббуслар» Сиёсий бюро ишлаб чиқсан асосий тадбирларни амалга оширишни барбод қилиши мумкин эди. Шунинг учун 1930 йил зо январда Сталин барча партия ташкилотларига хат йўллаб, коллективлаштириш зиёнига қулоқ қилишга берилиб кетишга йўл қўймасликни талаб этган. Сталин ва Молотов имзолари билан Зеленскийга йўлланган телеграмма эса Ўрта Осиёда коллективлаштиришни жадаллаштиришдан огоҳлантиради: «Сизнинг зо январдаги телеграммангизни олдик. Коллективлаштиришнинг тезкор суръатини СССР марказидан Ўрта Осиё районларига кўчиришни асоссиз деб ҳисоблаймиз. Бу районларнинг, айниқса, Тоҷикистоннинг ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олиш талаб қилинади. Бу огоҳлантиришга жиддий қаранг ва коллективлаштиришишини оммани ҳақиқий жалб этиш орқали ҳаракатлантириңг. Сталин, Молотов».¹⁷ Аммо Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида кампания бошланиб кетганди. Масалан, ЎзК(б)П Тошкент округ партия комитети бюросида 1930 йил 28 январда «Қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ яқин орадаги тадбирлар тўғрисида»ги масала кўриб чиқилади. Қулоқларни тугатиш учун батрак фаолларни ташкил қилиш, ахборот ва тайёрлов ишларини ўтказиш учун жойларга вакиллар юбориш, шунингдек, қулоқлар мол-мулкини мусодара қилиш, қамоқقا олиш ва бошқа тадбирларни ўтказиша қишлоқ советларига ёрдам бериш учун шаҳарлардан 200 киши ажратиш ва уларни дарҳол жўнатишга қарор қилинади.¹⁸

Сиёсий бюронинг зо январдаги қарорида қулоқларнинг уч тоифаси ажратилган: **биринчиси** – «аксилинқилобий фаол» қулоқлар, уларни концлагерларга, террорчилик акти ёки қўзғлон ташкилотчиларини эса отувга ҳукм этиш кўрсатилган; **иккинчиси** – қулоқ фаоллари унсурлари, айниқса, энг бой ва яrim помешчик

қулоқларни муайян ўлқадан узоққа сургун қилиш белгиланган; **учинчиси** – муайян район худудидаги колхозлардан ташқаридаги янги участкаларга жойлаштириладиган қулоқлар.

Қарорда тугатиладиган қулоқ хўжаликлари жами дехқон хўжаликларининг 3 – 5 фоизини ташкил этиши кўрсатилган. Ҳақиқатда эса айрим жойларда, жумладан, Ўзбекистонда қулоқ қилинганлар 10 – 15 фоизни ташкил этган.¹⁹

Қулоқлаштириш коллективлаштиришини тезлаштирувчи ўзига хос восита бўлди: 1930 йил мартаига келиб мамлакат бўйича унинг даражаси 56 фоизга, РСФСР бўйича эса 57,6 фоизга кўтарилган.²⁰

Ўзбекистонда Марказнинг қулоқлаштириш масаласидаги директив кўрсатмаларига асосан қулоқ хўжаликларини аниқлашга ҳаракат қилинган. ЎзССР ХҚСнинг 1930 йил 6 апрелдаги қарорида қулоқ хўжалиги деб топиш учун қуидаги белгилар кўрсатилган: 1. Қишлоқ хўжалик ишларида, касб-хунармандчиликда, корхоналарда мунтазам равишда ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи дехқон хўжаликлари. 2. Ўз ерининг ярмидан кам бўлмаган қисмига пахта экадиган, боғдорчилик, узумчилик ва полизчилик хўжаликлирида бир мавсумда 150 кун, бошқаларида 120 кундан ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган хўжаликлар. 3. Чорвачилик хўжаликлирида бир йилда 2 ёлланма ходимни ишлатган хўжаликлар. 4. Меҳнатга яроқли эркаклар бўлмаган тул хотинлар оиласи, етим-есирлар, ногиронлар ва ҳарбий хизматчилар оиласлари хўжаликлирида қишлоқ хўжалик ишлари учун битта доимий ёлланма ишсидан фойдаланган хўжаликлар. 5. Тегирмон, обжувоз, турли дон ва меваларни қуритгич ва тозалагичлар, бошқа саноат корхоналарига эга бўлган хўжаликлар. 6. Алоҳида жиҳозланган биноларини яшаш учун ёки корхона учун доимий ё мавсумий фойдаланиш мақсадида ижарага берадиган хўжаликлар. 7. Механик двигателларга эга бўлган мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарини мунтазам равишда фойдаланиш учун бе-

¹⁶ РИСТТДА. 62-фонд. 1-рўйхат. 2384-иш, 16 – 17-варажлар.

¹⁷ Трагедия советской деревни... Т.2. – С.131.

¹⁸ РИСТТДА. 62-фонд. 1-рўйхат. 649-иш, 72 – 81-варажлар.

¹⁹ Ивицкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: Собрание, 2004. – С.14.

²⁰ Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. 1930 – 1960. – М.: Наука, 2003. – С.16.



радиган ёки бошқа хўжаликлар учун пулга ана шу машиналар билан муайян ишларни амалга оширадиган хўжаликлар. **8.** Ижарага топширадиган дәҳқон учун асоратли шартлар билан ерни оловчи хўжаликлар. **9.** Оиласида меҳнатта яроқли эркаклар ва ўз ерига ишлов бериш учун хўжалик имкониятлари бўла туриб, ўзининг ерини ижарага берувчи ёки унга чоракорлар орқали ишлов берувчи хўжаликлар. **10.** Савдо ва саноат йўли билан эксплуатация қилиш мақсадида боғ, узумзор ва шунга ўхшашларни ижарага оловчи хўжаликлар. **11.** Аъзолари савдо, судхўрлик билан шуғулланувчи хўжаликлар ёки меҳнат қилмай бошқа даромад оладиган хўжаликлар, жумладан, руҳонийлар.²¹ 1932 йил 21 майда ЎзССР ХКС қабул қилган «Қулоқ хўжаликларининг белгилари тўғрисида»ги қарорда қулоқ қилинадиганлар доираси анча кенгайтирилди.

Ёппасига колективлаштириш районларида қулоққа тортиладиган 2- ва 3- тоифадаги қулоқ хўжаликлари рўйхатлари районлардаги учликлар, ГПУ ходимлари билан бирга аниқланган ва тасдиқланган. Биринчи тоифадагилар ОГПУнинг юқори органлари томонидан кўрилган. Қулоқ қилинадиганлар рўйхатлари партия, комсомол ячейкаларида, колхозчилар ва камбагаллар мажлисларида юзаки муҳокама қилинган. Район учликларининг қулоқлаштириш бўйича қабул қилган қарорларигина у ёки бу хўжаликни қулоққа тортиш масаласини узил-кесил ҳал этган.

1930 йил 2 марта И.Сталиннинг «Ютуқлардан эсанкираш» мақоласи «Правда»да босилиб чиқди. 14 марта ВКП(б) МК «Колективлаштириш ҳаракатида фирмә йўлини бузишларга қарши кураш тўғрисида» қарор қабул қилди. 2 апрелда ВКП(б) МК жойларга махфий хат юборди. Буларнинг ҳаммасида колективлаштиришда йўл кўйилган хатолар, ихтиёрийликнинг бузилиши, маъмуриятчилик ва декретлаштириш қораланди. Қишлоқ хўжалик артелининг намунавий низомига ўзгартиришлар киритилди ва у 1930 йил 2 марта матбуотда эълон қилинди. Унда ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштиришнинг аниқ миқдори, колхозга кираётган

дәҳқонларда қолиши лозим бўлган таморқа ер, чорва моллари ва паррандаларнинг миқдори аниқ кўрсатилди. Аммо бу тадбирларга қарамай, дәҳқонлар оммасининг советлар ва коммунистик партияга ишончи сўниб борди, улар коллектив хўжаликларидан чиқиб кета бошладилар, ҳатто айrim колхозлар тарқалиб ҳам кетди. Масалан, 1930 йил 25 март ҳолатига Ўрта Осиёда 535 та колхоз бузилиб, 11945 хўжаликка, 39 та эски колхоз 1698 хўжаликка бўлиниб кетди. Фақат 27 – 30 марта 3 кун ичида Андижон, Бухоро, Зарафшон, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм округларида 270 янги колхоз, 24 эски колхоз тарқалиб кетган.²²

1930 йил 25 марта Кўёндан йўлланган телеграммада округдаги 5 та ёппасига коллективлаштириш районидан 1 та 75 фоиз коллективлаштирилган район қолгани, колхозларнинг деярли ярми тарқалиб кетгани хабар қилиниб, бунинг сабаби сифатида ҳаддан ошишлар қулоқлар таъсирини кучайтириб юборгани, ўртаҳолларнинг норозилиги, эски колхозларнинг ёмон ишлаётгани ва коллективлаштиришга етарли тайёргарлик кўрилмагани кўрсатилган.²³

Натижада республика бўйича 1930 йил марта тида колективлашган хўжаликлар 47 фоиз бўлса, май ойига келиб бу кўрсаткич 29 фоизга тушиб қолди. Аммо советлар қисқа муддатли чекинишдан сўнг, 1930 йил кузидан якка хўжалик секторини иқтисодий жиҳатдан бўғиб кўйиш сиёсатини юргизди: уларга қишлоқ хўжалик солиги кескин оширилди, фақат улардан олинидиган бир марталик солиқлар жорий қилинди, мажбурий тус олган давлат тайёрловлари ҳажми ортиб борди. Иқтисодий террор «колхоз қурилиши» режаларини сезиларли ошириб бажариш имконини берди.²⁴

Қулоқларни синф сифатида тутатиш асосида колективлаштириш тез суръатда ўсади. 1930 йил ёзига келиб Ўзбекистонда дәҳқон хўжаликларининг 56,7 фоизи коллективлаштирилган бўлса, 1932 йили бу кўрсаткич 74,9 фоизга яқин,

²² Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.1. – С.224 – 225.

²³ Советская деревня глазами ВЧК – ОГПУ – НКВД. Т.3. Кн.1. – М.: РОССПЭН, 2003. – С.259.

²⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Б.354.

²¹ ЎзР МДА. 837-фонд, 8-рўйхат, 311-иш, 80 – 82-варақлар.



1933 йили 91,7 фоиз, 1939 йили 99,5 фоизни ташкил этди.²⁵

Ўзбекистон советларининг IV қурултойи арафасида, 1931 йил 15 февралгача республиканинг 45 районидаги колхозлардан 2648 бой қулоқ ҳайдалган. Бироқ «колхоз тузуми» мустаҳкамланиб бориши баробарида уни «ғоявий-ташкилий» жиҳатдан мустаҳкамлаш шиори остида «дushman ва синфий жиҳатдан ёт унсурлардан тозалаш» кампанияси кучайди, бу тозалов бадавлат қатламлардан чиққанлар, савдогарлар, ҳунармандлар, диндорларга қаратилди. 1932 йилнинг ўзида «тозалаш» кампанияси жараёнида республика колхозларидан 3550 қулоқ ҳайдалди, улардан зоб нафари колхоз раислари, 756 нафари бошқарув аъзолари, 425 нафари бошқарув котиблари эди.²⁶

1933 – 1934 йилларда Ўзбекистон партия ташкилотининг қишлоқдаги фавқулодда органи бўлган МТСнинг (Машина-трактор станциялари) сиёсий бўлимлари томонидан зо мингдан ортиқ киши «суқилиб кириб олган» қулоқ ва «ёт унсур» сифатида колхозлардан ҳайдалди.²⁷ Буларнинг аксариятига ёпиштирилган «коллективлаштиришга қарши фаол чиққан» тамғаси мудҳиш 1937 – 1938 йилларда «Катта террор», «Қулоқлар операцияси» домига тортиш, сиёсий қатағон қурбони этишга замин, баҳона, асос бўлган.

Муҳожирлик. Юқоридаги каби репрессив чоралар, зўравонлигу таҳқирлашлар кўплаб дехқонлар, шунингдек, шаҳардаги савдогар, ҳунарманд ва диндорларнинг юртни тарк этиб, муҳожир бўлиб чиқиб кетишларига сабаб бўлди. Муҳожирликка чиқиб кетиш тенденцияси 1930 йил март ойидан, яъни коллективлаштириш авжига минган бир пайтдан кучаяди. Афғонистонга чиқиб кетиш, айниқса, кўп бўлган. ОГПУ ахборот бўлими шарҳларида бу юртга ҳатто рус аҳолисининг бир қисми кўчиб келаётгани қайд қилинган. ОГПУ вакиллари Москвага йўллаган маълумотларда Сурхондарё округи Кўшсарой райони бўйича мол-мулк, уй ҳайвонларини сотган бойларнинг етти марта Афғонистонга ўтиб

²⁵ Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi (O'zbekiston sovet mustam-lakachiligi davrida). Uchinchili kitob. – Toshkent: Sharq, 2010. – B.272.

²⁶ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – B.355.

²⁷ Ўша жойда.

кетишга ҳаракат қилгани, улардан з таси муҳожирликка чиқиб кетиб, 1 кишининг чегарада ушлаб қолингани; 9 март куни Паттакесар райони Учтут қишлоғида 10 та бой хўжалиги ва собиқ босмачилар советларга қарши кураш олиб бориш мақсадида Афғонистонга қочиб ўтгани қайд қилинган.

1930 йил 5 апрелгача бўлган тезкор ишлар якунлари ҳақидаги хабарда 19 бой, 12 ўртаҳол, 4 камбағал, 6 руҳоний, 31 савдогар, 11 ҳунарманд, 19 хизматчи, 1 ҳарбий, юмуши аниқланмаган 112 киши, жами 214 киши чегарадан ноқонуний ўтиб кетгани айтилади.²⁸

Тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, Эронга 1073 нафар, Афғонистонга 1218 нафар, Хитойга 40 га яқин хўжалик ўтиб кетган, 1867 хўжалик чегарада тутиб қолинган.²⁹ Ҳақиқатдан, хорижга чиқиб кетганлар жуда кўп эди. Бу жараён мислсиз оғир кечган, бир қисм қочоқлар чегарачилар ўқидан ажал топса, айримлари Амударёдан қўлбола қайиқларда ўтиш жараёнида сувга чўкиб кетганлар.³⁰ Кўплаб оиласларни чегаралар бўлиб қўйган, қатагон сиёсати жигарларидан тириклайин айирганлар саноғи ҳам ҳали тўла аниқланган эмас.³¹

Сургун. 1930 йил зо январда ёк СССР ОГПУ коллегияси кенгашида қулоқлар операцияси даврида 2-тоифали қулоқларни кўчириш ҳақида қарор қабул қилинди ва ОГПУнинг 2 февралдаги 44/21-сонли буйруғи асосида Ўзбекистонда ёппасига коллективлаштириш районларидан сургун қилиш амалга оширила бошланди. Бунинг учун тезкор «учлик»лар тузилди, сургундагиларни қабул қилиб олиш, ҳисобга олиш, узлуксиз жўнатиб туриш учун комендантлар бошлиқ йигув пунктлари ташкил этилди. Сургун қилинаётган оиласларга ўзлари билан болта, арра, белкурак, дурадгорлик асбоблари ва икки ойга етарли озиқ-овқат олишга рухсат берилган. Йигув пунктларида соқчилик, сургун

²⁸ РИСТТДА. 62-фонд, 2-рўйхат, 2141-иш, 13-, 104 – 106-вараклар; ЎЗР МДА. 95-фонд, 1-рўйхат, 2219-иш, 244-варак; Советская деревня глазами ВЧК – ОГПУ – НКВД. Т.3. Кн. 1. – С.306.

²⁹ Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах. Т.3. – М: РОССПЕН, 2001. – С.332.

³⁰ 2002 йили Үмра зиёрати вақтида Р.Шамсутдинов Абдуҳалил Абду-саломдан ёзиб олган эсдалиқдан.

³¹ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси... – Б.142 – 143.



қилинаётганларни қайнатилған сув билан таъминлаш, станцияларда овқатланиш, тиббий хизмат күрсатиши пунктлари тузилған.

Йигув пунктларини ОГПУ ходимларидан тайинланған комендант бошқарған. Комендант қўриқлаш, овқатланиш, тиббий-санитария хизмати күрсатиши, сургун қилинаётганлар ҳисобини олиб бориши, ОГПУ тезкор гуруҳи билан алоқада бўлиш каби ишларни бажарған. Йигув пунктларида ОГПУ ходимлари бошчилигидага ҳисоб-тергов гурухлари тузилған, улар йигув пункти комендантига бўйсунганд. Тергов гуруҳи сургун қилинаётганларни текшириш билан шуғулланған, 30 – 50 нафар сургун қилинаётганлар орасига биттадан яширин айғоқчи қўйилиб, улар эшелон бошлиғи ихтиёрида бўлған.

Ҳар бир эшелонда 44 та вагон бўлиб, ҳар бир вагонга 40 тадан киши жойлаштирилған. Ҳар бир оила 30 пуддан кўп бўлмаган юк олиши мумкин эди. Юклар учун 8 та товар вагони ажратилған, битта вагонда эшелонни кузатиб борувчи ОГПУ коменданти жойлашган. Комендант жисмоний қаршилик күрсатишга восита бўлиши мумкин предметлар, алкоголь ичимлик ва бошқа нарсаларни топиш мақсадида исталған вагонда тинтуб ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган.

ОГПУ раиси ўринбосари С.А.Мессинг 1930 йил 6 февралда Ўрта Осиёдаги доимий вакилликка йўллаган директивада 1- ва 2-тоифали қулоқлар бўйича операцияни ўтказиш тартиби күрсатилған. Унга кўра, қулоқларни қўчириш уч ойда (февраль, март, апрель) амалга оширилиши, синфийликка қатъий амал қилиниши, асосий зарбани аксилинқилобий қулоқ унсурларга қаратиш, 1-тоифали қулоқларни қамоққа олишида қуруқ миқдор орқасидан қувмаслик, «учлиқ»лар ишида, айниқса, олий жазо чорасини қўллашда ўйлаб иш тутиш, бунда тузатиб бўлмайдиган аксилинқилобий фаол қулоқларга зарба бериш мақсадидан келиб чиқиши, операция муддати чўзиладиган тақдирда кўриладиган ишлар терговини ҳар томонлама қунт билан олиб бориши, зудлик билан ҳисоб-китоб қилиб, қўчириладиган хўжаликларни ташиш режасини юбориши, жойлардаги сиёсий ҳолат

тўғрисида аниқ ва тўлиқ ахборот бериб туриш, ўтказилажак операциялар, кўчирилаётганлар ва фаол қулоқларнинг хатти-ҳаракатлари, районлардаги сиёсий ҳолатни ушлаб туришга ОГПУ доимий вакиллари шахсан масъул эканлиги кўрсатилған.³² Шунингдек, унда аксилинқилобий бой-кулоқ фаолларни концлагерларга қамаш, алоҳида ашаддий унсурлар ва уларнинг гумашталарига нисбатан олий жазо чорасини (1-тоифадаги қулоқлар) кўллаш, 2 – 3-тоифадаги қулоқ-бойларни коллективлаштириш районларидан ташқарига, чегарадан узок, лекин миллий республика ҳудуди доирасидаги энг ёмон ерларга қўчириб жойлаштириш белгилаб қўйилган.

1930 йили Ўрта Осиёдан 2-тоифа бўйича 349 оила (1764 киши), 3-тоифа бўйича 159 оила (197 киши), жами 508 оила (1961 киши) сургун қилинди, 240 оила эса қулоқ қилингани ҳолда сургун қилинмай қолган.³³ Бу **биринчи бочқич** бўлиб, унда қулоқлар якка ҳолда ҳукмга тортилиб сургун қилинган. 1930 йил охири – 1931 йил қўқламидан бошланиб, йил охиригача давом этган **иккинчи босқичда** оммавий сургун қилиш амалга оширилган.

Ўрта Осиё бюросининг 1930 йил 9 ноябрдаги «Қузги экиш кампаниясининг ва баҳорги пахта экиш кампаниясининг бориши ва баҳорги пахта экиш кампаниясига тайёргарлик қўриш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ғалла экин майдонларини яшираётган, ғалла экинларининг сиқиб чиқарилишга қаршилик кўрсатаётган бойларга қарши қатъий қатағон қўлланған. Улар қамоққа олиниб, пахтачилик районларидан қўчирилган. ерлари тортиб олиниб, колхозларга, айрим ҳолларда камбағал ва ўртаҳол дәжқонларга бериб юборилган, пахта экиладиган ерлар ғалла экинлари билан банд қилинган.³⁴

ВКП(б) МК Сиёсий бюроси 1931 йил 25 февраль йиғилишида ОГПУга бир ой муддатда 200 – 300 минг қулоқ жойлаштириладиган посёлкаларни аниқлаш ва жойлаштиришга тайёрлаб

³² Советская деревня глазами ВЧК – ОГПУ – НКВД. Т.3. Кн. 1. – С.150 – 151.

³³ Кўрсатилған манба. – С.533.

³⁴ РИСТТДА. 62-фонд. 1-рўйхат, 654-иш, 105-варак.



қўйиш вазифасини юклаган.³⁵

ОГПУ раиси ўринбосари Л.Г.Миронов 1931 йил 25 марта Тошкентта Е.Г.Евдокимовга (ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича доимий вакили) йўллаган телеграммасида Ўрта Осиё бюроси 6 марта куни икки тоифадаги бойларнинг биринчисини қатағон қилиш, иккинчисини колхоз массивларидан ташқарига кўчиришга қарор қабул қилгани, 17 марта Е.Г.Евдокимовга бу ҳақда хабар қилингани, Ўрта Осиё бюроси бойларнинг Украина ва Шимолий Кавказнинг пахтацилик районларига кўчирилишига қарши эмаслиги қайд этилган.³⁶

Ўрта Осиё бюроси 1931 йил 10 марта қабул қилган қарорнинг 3-пунктида: «Ўрта Осиё республикаларида кўчириш бўйича ишларга раҳбарлик қилиш шахсан ўртоқ Серғозиевга (Ўрта Осиё бюроси ходимларидан бири – Р.Ш., М.А.) юклатилсин, 5 кун ичida бу ҳақда Ўрта Осиё бюросига ахборот тайёрлаш ундан талаб қилинсин»³⁷, – деб кўрсатилган.

ОГПУ раиси ўринбосари Г.Г.Ягода ва махсус бўлим бошлиғи Е.Г.Евдокимов 1931 йил 27 майда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили раис ўринбосари В.А.Каруцкийга йўллаган меморандумда Ўрта Осиёда тўпланиб қолган қочоқ қулоқлар ишини жўнгина расмийлаштиришга рухсат берилгани, аниқланган ҳақиқий қулоқларни аввалги жойига, қулоқлар посёлкаларига қайташишга ҳам розилик билдирилгани қайд этилган.³⁸

ВКП(б) МК Сиёсий бюроси 1931 йил 20 июнда «Ўрта Осиёдан қулоқларни кўчириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ўрта Осиё бюроси котиби К.Я.Баumannнинг Ўрта Осиёдан з минг қулоқ хўжалигини Украина, з мингини Шимолий Кавказга кўчириш ҳақида С.Косиор (Украина К(б)П МК биринчи котиби) ва Б.П.Шеболдиев (Шимолий Кавказ ўлка партия комитети биринчи котиби) билан келишилган таклифини мъқуллайди. Қулоқ хўжаликларини Украина ва Шимолий Кавказга жойлаштириш ОГПУ раиси

ўринбосари Е.Г.Евдокимовга топширилган.³⁹

Сиёсий бюро 1931 йил 13 июлдаги йиғилишида Ўзбекистон ва Тожикистондан Шимолий Кавказ ва Украина кўчирилаётганлардан пахта етиширишда фойдаланишга қарор қилиб, мазкур ҳудудлар бўйича қулоқ хўжаликлири тақсимотини белгилайди.⁴⁰

ЎзК(б)П МК, республика ҳукумати ва ГПУси 28 та шаҳар ва районнинг ҳар бирига биттадан масъул ходимни вакил қилиб юборди⁴¹: Денов, Кува, Кўқонга шу районлар партия комитетлари котиблари масъул вакил қилиб тайинланди.⁴² Вакиллар жойларда райком котиблари ва ижроқўм раислари таркибида «учлик»лар ташкил этишлари, қулоқларни пахта йигимтерими бошлангунга қадар қўлга олиб, сургун қилишлари белгиланган.

Ўрта Осиёдан қулоқларни сургун қилишга Е.Г.Евдокимов умумий раҳбарлик қилган, Ўзбекистонда бу тадбир ЎзССР ГПУсига раҳбар бўлган Р.А.Пиляр, В.М.Круковский бошчилигида ўтказилган.

В.А.Каруцкий 1931 йил 28 августда ЎзК(б) П МК котиби А.К.Лепа ва МК аъзоларига берган қисқача ахборотида Андижон, Наманган, Сариосиё, Шаҳриҳон, Марғилон, Эски Бухоро, Тошкентнинг Қиброй қишлоғида қулоққа тортиш ва сургунга қарши норозилик ҳаракатлари, террорчилик актлари содир этилгани ҳақида батафсил маълумот келтирилган. Унда республика бўйича 3500 хўжалик (18672 киши) сургун учун темир йўл станцияларидаги йигув пунктларида тургани қайд этилган.⁴³

Кулоқ хўжаликларини вагонларга жойлаш 24 августдан бошланиб, 25 августда эшелонлар йўлга чиққан. Ҳар куни иккитадан эшелон жўнатилган, улардан бири Каспий денгизи орқали Шимолий Кавказ ўлкасига, иккинчиси Казалинск орқали Украинага йўл олган. Шимолий Кавказга сургун қилингандар Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидан, Ук-

³⁹ Трагедия советской деревни... Т.3. – С.146.

⁴⁰ Кўрсатилган манба. – С.149 – 151.

⁴¹ ЎЗРПДА. 58-фонд. 7-рўйхат, 250-иш, 48-варақ; Трагедия Среднеазиатского кишлака... Т.2. – С.16 – 17.

⁴² Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.2. – С.17.

⁴³ РИСТТДА. 62-фонд, 1-рўйхат, 2138-иш, 95 – 96-варақлар; 2520-иш, 93-варақ.



раинага сургун қилингандар Тошкент, Фарғона вилоятларидан бўлган.

Сургун қилинаётганлар қулоқ қилишда тортиб олинган мол-мулк ва қисман маҳаллий ресурслардан 2-3 ойга етарли озиқ-овқат, ўртacha 60 – 70 фоизи асбоб-ускуна, от, қишлоқ хўжалик инвентарлари, қишилик кийим-кечак, оёқ кийим, ёзги уст-бош билан таъминланган.

Шимолий Кавказга сургун қилинаётганлар ўзлари билан 67477 пуд буғдой ва ун, 6791 дона тандирда ёпилган нон, 11387 та болта, 6962 та лопатка, 13216 та арра, 1000 та лом олиб кетганлар. Украина сургун қилингандар ўрнашадиган жойларига 900 бош от, 920 та арава, 505 та плут, 505 та сихмола, 11940 килограм буғдой, ем ва дағал ҳашак етказилган.⁴⁴

Сургун қилингандар Украина ва Шимолий Кавказ районларидаги маҳсус меҳнат посёлкаларига жойлаштирилади. Улар бу ерлардаги пахтачилик совхозлари ва қишлоқ хўжалик артелларида маҳсус кўчкиндилар сифатида мислсиз оғир шароитларда ҳаёт кечирадилар.

Сургун қилишнинг **учинчи босқичи** 1932 йилга тўғри келади.

Ўрта Осиё бюроси 1932 йил январида Фарғона водийси пахтакор районларидан 1000 хўжаликни ихтиёрийлик тамойили асосида Тожикистон ССРга кўчиришга қарор қиласди. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги коллегияси ушбу қарорга кўра Тожикистонга Асака районидан 700, Риштон районидан 300 хўжаликни кўчириш мақсадга мувофиқ деб топади. Тадбирни амалга ошириш комиссияларида Тожикистондан масъул вакиллар иштирок этадилар, кўчирилаётганларни расмийлаштириш, уларни олиб келиш учун кетадиган барча куч ва маблағ Тожикистон ҳисобидан бўлиши кўрсатилган. Кўчирилаётганларнинг озиқ-овқат ва йўл харажатлари ҳам Тожикистонга юклатилган.⁴⁵ Номига ихтиёрийлик, аслида, зўравонлик билан кўплаб дехқонлар водийдан Тожикистонга кўчирилган. Шунингдек, водийдан Озарбайжонга ҳам дехқонлар ихтиёрий-мажбурий тарзда кўчирилган. Улар пахтачилик соҳасида тажрибакорлар деб аталган.

⁴⁴ РФ ФХМА. 2-фонд, 9-рўйхат, 539-иш, 243 – 244-варақлар.

⁴⁵ ЎзР МДА. 90-фонд, 4-рўйхат, 90-иш, 2 – 3-варақлар.

1932 йили ҳам Ўзбекистон Республикасининг ички ҳудудларига қулоқ хўжаликлари сургун қилинди. ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1932 йил 10 апрелдаги «Қулоқларни сургун қилиш ҳақида»ги қарори асосида сургун май ойидаги ўтказилди. Сургун қилингандар миқдори республика бўйича 6145 хўжалик (24778 киши) бўлган.⁴⁶

1933 йили Ўзбекистондан Бошқирдистон, Татаристон, Чувашистон ва Шимолий Қозогистонга учинчи тоифали қулоқ хўжаликлари якка, оилавий ҳамда оммавий тарзда сургун қилинди. Бу сургуннинг **тўртинчи босқичи** эди. 1933 йил 8 майда ВКП(б) МК ва совет ҳукумати «Дехқонларни оммавий кўчиришни тўхтатиш, қамоқقا олиш ва қамоқхона жойларни камайтириш тўғрисида» маҳфий директив йўриқнома чиқарди. Унда мамлакатнинг 14 та минтақасидан 12 минг, жумладан, Ўрта Осиёдан 500 хўжалик сургун қилиниши кўрсатилган. Йўриқнома Сталин ва Молотов имзолари билан Ўзбекистонга ҳам юборилган. Унга кўра Ўзбекистонда ҳам қулоқ қилиш, сургун 1933 йили давом этади.

ОГПУнинг маҳфий-сиёсий бўлим бошлиғи Г.А.Молчанов 1933 йил 23 марта ОГПУ раиси ўринбосари Г.Г.Ягодага йўллаган мутлақо маҳфий билдиргида Ўрта Осиё ва Бошқирдистонда жойлаштирилган 3-тоифали қулоқларни Қозогистонга сургун қилиш ҳақида таклифлар тушаётгани муносабати билан Ўрта Осиёдаги 3-тоифали маҳсус посёлкаларни тугатиш мақсадга мувофиқ эмаслиги айтилган. 1933 йил 22 майдаги маҳбусларни якка тартибда Қозогистон меҳнат посёлкаларига жўнатиш режасида Ўрта Осиёдан 1933 йил июнь – июль ойларида 3 минг киши Акмолинскнинг Шортандин районига жойлаштирилиши кўрсатилган.⁴⁷ ГУЛАГ бошлиғи М.Д.Берман 1933 йил 23 майда тасдиқлаган сургун қилингандарни ОГПУнинг Қозогистондаги меҳнат посёлкаларига қабул қилиш режасида Ўрта Осиёдан Шортандин районига 2 минг киши киритилиши қайд этилган.⁴⁸ ОГПУ

⁴⁶ ЎзР ПДА. 58-фонд, 8-рўйхат, 229-иш, 81 – 83-варақлар.

⁴⁷ РФ ФХМА. 2-фонд, 11-рўйхат, 1309-иш, 16-варақ; 1313-иш, 79-варақ.

⁴⁸ Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.2. – С.474



махсус посёлкалар бўлимининг 1933 йил 19 июлдаги хизмат хатида шундай дейилган: «Шу йил 15 июндан 20 июнигача Ўрта Осиёдан Шортандин станциясига 500 оила – тахминан 2500 киши келиб меҳнат посёлкаларига қўшилади. Бундан ташқари, шу йил июль ойида Шортандин станциясига з йилдан 5 йилгacha қамоқ жазосига ҳукм этилган зо ооо кишидан иборат маҳбуслар келтирилади, улар ҳам меҳнат посёлкаларига қўшилади, уларнинг оиласлари ҳам кейинчалик келтирилади».⁴⁹ Маълум бўладики, Шимолий Қозоғистондаги махсус меҳнат посёлкаларидан сургун қилинган қулоқлар билан ГУЛАГ ва ИТЛ лагерларидан келтирилган маҳбуслар биргаликда кун кечирганлар, меҳнат қилганлар. Ўзбекистондан ҳам 2-тоифадаги, ҳатто 3-тоифадаги қулоқлар ҳамда Ўрта Осиё лагеридағи ўзбекистонлик маҳбуслар Қозоғистонга сургун қилинган.

Ўзбекистондан Украина, Шимолий Кавказ ва Шимолий Қозоғистонга сургун қилинганларнинг махсус посёлкалардаги турмуш ва меҳнат шароити азоб-уқубатларга тўла, уларга муносабат инсонийликка мутлақо зид бўлган. Бунга гувоҳлик берувчи ҳужожатлар бисёр. Жумладан, Одесса вилоятидаги пахтачилик совхозларида текшириш ўтказган В.Фейгин ССРХК қошидаги назорат комиссияси раиси Н.К.Антиповга ёзган мактуб⁵⁰, Шимолий Кавказ ўлкасига сургун қилинганлар ҳаётини шахсан кузатган Н.Жерлицин хотираларидаги⁵¹ манзаралар кишини даҳшатга солади.

1936 йил 19 февралда Шимолий Қозоғистон Шортандин районидаги 37-сон меҳнат посёлкасидан 28 киши имзоси билан Ўзбекистон ССР МИКга йўлланган илтимосномадаги қуйидаги сатрлар қатагонга айблов, ноинсоний тузум жабрини тортганлар қалб фарёди бўлиб янграйди:

«... 90 фойзимиз топширилган ишни эплай олмаяпмиз, шунинг учун ҳам оиласиз у ёқда

⁴⁹ Шамсудинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сургунидаги ўртдошлар қисмати. – Тошкент, 2009. – Б.115.

⁵⁰ Украина Республикаси Марказий давлат ва колектив ташкилотлари архиви (Бундан кейин УРМДВЖТА деб ёзилади). 1-фонд, 20-рўйхат, 6751-иш, 1 – 3-варақлар.

⁵¹ Жерлицин Н. Изгибы судьбы. Из истории села Николо-Александровского. – М., 2001. – С.256 – 257.

турсин, ақалли, қисқа муддат бўлса ҳам ўзимизни боқиши учун зарур бўлган меҳнат кунига эга эмасмиз. Манглай теримиз билан ризқ-насиба топа олмаганимиз сабабли жорий 1936 йилдан бошлаб очликка маҳкум этилганмиз, ҳеч бир жойдан ҳеч қандай ёрдам ололмаётганимиз сабабли секин-аста очликдан ўлишдан бошқа иложимиз қолмаган.

Ҳолбуки, бизлар яшашни, ишлашни, ўзимизни бардам тутиш учун бир бурда нонни ҳалол топиб ейишни хоҳлаймиз. Агар бардош бериш мумкин бўлган иқлимда ва ўзихтисослигимиз – пахтачилик бўйича ишлаганимизда социалистик давлатга кўпроқ фойда келтирган бўлар эдик. Шимолий Қозоғистонга кўчирилган 1523 нафар кишидан 185 кишигина тирик қолди. Қолган кишилар иқлимга ва биздан катта куч-куватни талаб этаётган меҳнатга мувофиқлашмаганлигидан, шунингдек, 40 градусли аёз ва бўронлардан вафот этиб кетдилар.

Биз шунга ишонамизки, ҳукуматимиз бизнинг бутунлай қирилиб кетишимиизга йўл кўймайди...»⁵²

ЎзССР МИК раиси ўринбосари Д.И.Манжара ушбу илтимосномани 1936 йил 8 июлда Фзкомпартия МК котиби Акмал Икромовга йўллайди.⁵³ Бироқ МК бу масалага эътибор Қаратмай, ишни кўриб чиқиши Республика Ер ишлари халқ комиссарлигига топширади. Масала бу ерда ҳам ўз ечимини топмайди. Комиссар ўринбосари М.Бисеров 1936 йил 20 июлда ЎзКП МКга йўллаган хатида шундай ёзган: «Шимолий Қозоғистоннинг Шортандин районидаги 37-меҳнат посёлкаси-даги 185 кишидан иборат ўзбеклар гуруҳидан Ўзбекистонга кўчириш тўғрисидаги ариза нусхасини сизга юбормоқдаман. Бунинг боиси шуки, бунга ўхшаш аризалар бизларга бир неча бор тушмоқда. Шунинг учун бу масалани Ўзбекистан КП(б) МК муҳокамасига қўйишини сўрайман».⁵⁴

МК хатни яна Ер ишлари халқ комиссарлигига ҳал этиш учун қайтаради. Комиссарлик қайта кўриб чиқиб, Шортандин районидаги ўзбек меҳнат сургунидагилар Қозоғистонда-

⁵² ЎзР ПДА. 58-фонд, 12-рўйхат, 608-иш, 139 – 140-варақлар.

⁵³ Ўша жойда.

⁵⁴ Кўрсатилган манба. 132-варақ.



ги «Ўзбексовхозпахта»га қарашли совхозларга жойлаштирилиши мумкин деб ҳисоблайди. Лекин масала ечимини топмай, бироқратик ёзишмалар ҳолида қолади. Фожиа шундаки, Ўзбекистон Республикасининг партия, совет, хўжалик ташкилотлари, раҳбарияти ўз фуқаролари додига қулоқ осмади, аниқроғи, уларнинг бирор чора кўришга қурби етмасди. Бу қаттол замоннинг, мустамлака юрт фожиасини тасаввур қилиш учун кичик бир мисол, холос.⁵⁵

Ўзбекистон халқи бошқа халқлар қатори фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабага катта ҳисса қўшди. Ўзбекистондан Украина, Шимолий Кавказга, Шимолий Қозогистонга, Ўрта Осиёнинг ички районларига сургун қилингандар, ГУЛАГ лагерларидаги ўзбекистонлик маҳбусларнинг ҳам буюк ғалабада муносиб улуши бордир.

Уруш тутагач, совет ҳукумати сургун қилингандарнинг ўз юртларига қайтишига рухсат берди. 1946 йил 10 августда СССР Министрлар Совети «Ставрополь ўлкасидаги маҳсус посёлкалардаги алоҳида режимни бекор қилиш тўғрисида» 1767-769 СС қарорини эълон қилди. Унга мувофиқ маҳсус посёлкалардаги алоҳида режим бекор қилинди, комендатуранлар тутатилиб, маҳсус посёлкаларда низомсиз қишлоқ хўжалиги артеллари тузишга рухсат берилди.⁵⁶ Шу ва бошқа қатор директив ҳужжатлар асосида бутун СССР ҳудудида сургун қилинган сабиқ кулоқларни озод этиш, ўз юртларига қайtarиш жараёни бошланди. Ўзбекистондан сургун қилингандар ҳам ўз юртларига қайтиш имкониятига эга бўлдилар. Ўзбекистоннинг ўзида ҳам маҳсус посёлкалардаги кўчирилгандар комендатура режимидан озод бўлдилар. ЎзССР Министрлар Совети раиси Н.А.Муҳитдиновнинг 1951 йил 21 декабрида СССР Министрлар Совети раиси Г.М.Маленковга ёзган хатида Ўзбекистонда 1931 – 1933 йиллардаги колхоз қурилиши даврида сургун қилинган дехқон оиласаридан 1951 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра 5361 киши, жумладан, 3430 катта ёшдаги ва 1931 болалар мавжудлиги, миллий таркибиغا

кўра ўзбек, тоҷик ва руслардан иборат бўлгани, уларнинг катта қисми кексайиб қолгани ҳолда Пахтачилик министрлиги тизимида 5654 киши ва Совхозлар министрлигига 1198 киши меҳнат фаолиятини давом эттираётганлиги кўрсатилган. Шунингдек, сургун қилинган дехқон оиласлари маҳсус посёлкаларда муқим ўрнашиб, ўз хўжаликлари асос согани, аксарият қисми колхоз аъзоси ва совхоз ишчилари эканлигини инобатга олиб уларни маҳсус ҳисобдан чиқариш ва маҳсус посёлка билан боғлиқ чекловларни бекор қилиш сўралган.⁵⁷ 1952 йил 7 январда СССР Ички ишлар министрлигининг 125/С хати билан Н.Муҳитдиновнинг таклифига ижобий хулоса берилган. СССР Министрлар Советининг 1952 йил 10 январдаги 119/37 С қарори билан «ЎзССР маҳсус посёлкаларидаги алоҳида режимни бекор қилиш тўғрисида»ги қарорига асосан СССР давлат ҳавфсизлиги министрининг 1952 йил 23 январдаги №19 буйруғи билан ЎзССР маҳсус посёлкаларидаги 1451 кишига нисбатан алоҳида режим бекор қилинди. 1954 йил 13 августда СССР Министрлар Совети «Собиқ кулоқлар ва бошқа шахслардан маҳсус посёлкалар бўйича чекловларни бекор қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга асосан 1929 – 1930 йилларда ёппасига колективлаштирилган районлардан сургун қилинган сабиқ кулоқлардан чекловлар олиб ташланди.⁵⁸

Шу тариқа 15 йил давом этган сургун ниҳоясига етди. Аммо ноҳақ қулоқ қилиниб, сургун этилган минглаб, ўн минглаб одамлар азоб-уқубатларининг захри узоқ вақтларгача кетмади. Фақат истиқлол туфайли юз минглаб дехқонлардан «кулоқ» тамғаси олиб ташланди, улар реабилитация қилинди. Уларнинг шу бугунги кунга эсон-омон етиб келганлари кексалик гаштини суриб, Тангри таолодан юрт тинчлигини, осойишталигини, халқимиз равнақини тилаб ҳаёт кечирмоқдалар. Уларнинг фарзандлари, набиралари Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, юрт бойлиги, моддий-маданий фарновлигини юксалтириш, демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш учун бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

⁵⁵ Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозогистон сургунидаги юртошлар қисмати. – Б.156 – 157.

⁵⁶ Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.3. – С.195 – 196.

⁵⁷ История СССР. 1992. №1. – С.141.

⁵⁸ Трагедия среднеазеатского кишлака... Т.3. – С.200.



КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШГА ҚАРШИ ДЕҲҚОНЛАР ҚЎЗГОЛОНИ

Музробjon Абдуллаев (докторант),
Шамсутдин Темиров

Резюме: Мақолада ёппасига коллективлаштиришга қарши ўзбек қишлоқларида юз берган оммавий норозилик ҳаракатлари моҳияти архив манбалари асосида ёритилган.

Калит сўзлар: коллективлаштириши, дехқонлар қўзголони, қулоқ қилиши, қишлоқ аксилиниқилоби.

Резюме: В статье на основе архивных источников освещается сущность массовых движений дехканских масс против коллективизации, раскулачивание, ссылка в узбекских кишлаках.

Ключевые слова: коллективизация, крестьянские (дехканские) движения, раскулачивания, кишличная контрреволюция.

Annotation: In this article the essence of mass movement of peasants against collectivization in uzbek kishlaks (village in Central Asia) is described on the base of archive sources.

Key words: collectivization, peasants' movement, dispossession of kulaks, counter-revolution.

Октябрь инқилобининг навбатдаги йиллигини нишонлаш арафасида, 1929 йил 7 ноябрда «Правда» газетасида Сталиннинг «**Буюк бурилиш йили**» номли мақоласи эълон қилинди. Унда социализм бутун фронт бўйлаб ҳужумга ўтганлиги, социалистик индустряни яратишда, якка дехқон ҳўжаликларини коллективлаштиришда, кишилар турмуши ва онгидаги катта инқилобий ўзгаришлар юз беришида, дехқонларнинг оммавий равишда колхозга киришида, қулоқларни синф сифатида тугатишда буюк бурилиш юз берганлиги қайд этилган. Биринчи 5 йиллик режа муддатини қисқартириш учун коллективлаштириш сари йўл тутилгани, социалистик курилишнинг барча жабҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилгани, жумладан, дехқонларнинг оммавий равишда колхозларга кираётганлиги алоҳида таъкидланган.

Ҳақиқий ахволга қарама-қарши тарзда, Сталин партия дехқонларнинг асосий қисмини янги социалистик тараққиёт йўлига олиб чиқишига

эришиди, ўртаҳол дехқонлар ҳам колхозга кира бошлади деб кўрсатган. Аслида, дехқон хўжаликларининг бор-йўғи 6 – 7 фоизи колхозларга бирлашган эди. Колхозлаштиришдаги нуқсон ва камчиликлар ҳақида лом-мим дейилмаган. Колхозлаштиришда сунъий тезлаштириш йўлидан борилган. Бунда Сталин қуидаги 2 мақсадни кўзлаган: **биринчидан**, индустрлаштиришнинг тенги йўқ, мислсиз дастурини амалга ошириш учун Совет давлати ўз қўлида иқтисодий ва сиёсий дастакни мужассамлаштириши керак эди. Коллективлаштиришни зўрлик билан амалга оширишгина ана шу дастакни бериши мумкин эди; **иккинчидан**, Сталин чинакам марксчи сифатида Лениннинг ҳозирча биз майда дехқонлар мамлакатида яшарканмиз, Россияяда коммунизмга нисбатан капитализм учун анча мустаҳкам иқтисодий база мавжуд деган фоясига амал қилган. Майда дехқонлар қишлоғининг социалистик шаҳар ортидан бориши учун Сталин қишлоқда колхоз ва совхоздан иборат йи-



рик социалистик хўжаликни ўрнатиш йўлидан боришини афзал кўрган.

Коллективлаштиришнинг «**кучайтирилган суръати**» асосида мамлакатни «қандайдир уч йилдан сўнг» дунёдаги энг фаллакор мамлакатга айлантириш кўзда тутилган, Сталин зўрлик билан коллективлаштиришга қарши турғанларнинг барчаси билан кескин кураш олиб борилишини уқтирган.

Коллективлаштириш жаҳон тажрибасида қўлланиммаган янги феномен эди. Коллективлаштириш ҳар бир оилани ўз гирдобига тортган. Колхоз тузуми 75 йиллик умрида маълум маънода ўзини оқлади, мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлади. Бироқ коллективлаштиришда жуда кўп хато ва қамчиликларга йўл қўйилди, маъмурий буйруқбозлик, куч ишлатиш органларининг зўравонлиги, қатағон амалиёти кенг қўлланилди.

1930 йили колхозларга 6,6 миллион якка хўжаликни (34 фоиз) жалб этиш, колхозлар сонини 56 мингга етказиш, шудгор, ҳайдалган ерларни, инвентар ва иш ҳайвонларини умумлаштириш режалаштирилди. Бу жараён ВКП(б) МКнинг 1930 йил 5 январдаги «**Коллективлаштириш суръати ва колхоз қурилишига ёрдам бериш тадбирлари тўғрисида**»ги қарори билан янада тезлаштириб юборилган. Шу қарордан келиб чиқиб Ўзбекистон Компартияси МК 1930 йил 17 февралда «Коллективлаштириш ва қулоқ хўжаликларни тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилгандан сўнг жараён янада кенг авж олди. 1930 йил 1 январигача дехқон хўжаликларининг 10 фоизи, 1 марта гача 44,8 фоизи коллективлаштирилди.

Коллективлаштиришда ихтиёрийликка амал қилинмади, зўравонлик, сургун ва қатағон қилиш амалиёти кенг қўлланилди. Оммани қўркув ва ваҳима қамраб олди. Улар ўз хўжаликларини қаровсиз ташлаб қочдилар, чорва молларини сўйиб юбордилар ёки бозорга олиб бориб арzonга сотдилар, фалла, озиқ-овқат маҳсулотлари кескин камайиб очарчилик юзага келди, одамлар қадр-қиммати оёқости қилинди. Буларнинг ҳаммаси ҳалқ оммасининг советлар ҳокимиятига қарши норозилигини келтириб чиқарди. Норозилик кучайиб, дехқонлар қўзголони ва дехқонлар урушининг келиб чиқиши ҳавфини туғдирди. Шундай бир пайтда «босмачилик»

ҳаракати қайтадан кўтарилиди. Бу ҳолат ОГПУнинг¹ 1929 йилги маълумотларида ўз ифодасини топган.

Андижон округи Тўрақўргон қишлоғидаги собиқ «босмачи» уйида таниқли қўрбошилар кенгашида Тоҷикистон ва Фарғонадаги «босмачилик» масаласи муҳокама қилинган. Андижон округи Қизил арвот қишлоғида қўнчилик ва дехқончилик билан шуғулланаётган собиқ қўрбошилар от сотиб олиб ўзларининг йигитлари билан алоқа ўрнатганлар. Тоҷикистондаги воқеалар муносабати билан Ўш оқругидаги собық «босмачилар» ҳаракатга тушиб қолишиган, уларга ёрдам бериб турған таниқли кишилар қурол сотиб олиб «босмачилар» тўдасини тузиб, совет ҳукуматига қарши чиқишига қарор қилганлар.

Қизилқия районида маҳаллий бой хўжаликлар эгалари йигилишини чақириб, Иброҳимбекдан хат олгани, унда қўшин билан Тоҷикистонга киргани ва тез орада Ўшга Афғонистондан Фарғона «босмачи» қўшинларининг собық қўмондони Шермуҳаммадбек (Кўршермат) келиши айтилган. Йигин аҳли «босмачилик»ни қўллаб-қувватлашини айтган. Шу райондаги собық қўрбошилар йигилишида қўзголонга ҳозирлик кўриш масаласи қўриб чиқилган. Қурол сотиб олиш учун маҳсус киши ажратилган.²

Коллективлаштириш жараёнида миллатлараро муносабатлар ҳам кескинлашди. ОГПУ маълумотларидан айримларини айнан келтиришни жоиз деб билдик:

«В Папском районе Ферганского округа участились столкновения между узбеками и киргизами на почве постоянных земельных споров. То же самое отмечено в Ходжентском округе. Между таджиками Исфаринского района и киргизами на почве водопользования имела место драка с участием со стороны киргизов до 100 человек. Среди узбеков националистической интеллигенции предстоящая чистка соваппарата встречена почти повсеместно враждебно. В выступлениях крупнейших идеологов отмечаются следующие моменты: «чистка будет чисткой узбеков; за неимением рабочих и крестьян ко-

¹ Объединенное государственное политическое управление (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси – БДСБ).

² «Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Т.7. – М., 2004. – С.259.



ренной национальности насаждают русских» (Андижан); «предатели, продавшись за карьеру, выбрасывают из учебных заведений узбекских детей» (Самарканد) и т.п. На этой почве фиксируются настроения в пользу басмачества: «Наш узбек, если недоволен властью, вооружается и организовывает басмачество, вот эту горячую кровь узбека и надо ценить; басмачество добьется освобождения мусульман» (Андижан).³

ОГПУнинг Сталинга йўллаган хатларидан бирида Ўзбекистоннинг Андижон ва Фаргона округларида аҳолининг буғдор ва маккага бўлган муҳтоҷлиги оқибатида норозилик чиқишлари юз бергани, бундан антисовет унсурлар фойдаланаётганлари акс эттирилган. Бу ҳужжатнинг ҳам аслини келтирамиз:

«Несмотря на то, что количество посевщиков хлопка в Узбекистане в текущем году увеличилось и пропорционально возросла потребность дехканства в привозном хлебе, завоз хлеба ограничен прошлогодними размерами. На этой почве создалось некоторое напряжение на хлебном рынке, в первую голову в Андижанском и Ферганском округах, где к июню месяцу количество пшеницы, выбрасываемой для снабжения хлопкоробов, значительно сократилось по сравнению с предыдущим периодом. В результате по Андижанскому округу норма снабжения хлопкоробов пшеницей сократилась с пяти до трех пудов, причем в первую очередь пшеница отпускается колхозникам и беднякам, не получавшим нормы в апреле и мае. Это решение вызвало широкое недовольство среди основных слоев хлопкоробов, в результате чего зарегистрирован ряд выступлений с требованием увеличить норму выдачи пшеницы.

В Курган-Тепе Андижанского округа толпа дехкан 200 человек отказалась от получения пшеницы по три пуда, требуя доведения до пяти пудов. С аналогичными требованиями выступала толпа дехкан в Манакском ширкате, причем, не добившись результатов, дехкане побросали членские книжки. В кишлаке Суфи толпа дехкан в 200 человек требовала выезда председателя КИКа и инструктора Хлопсоюза в Андижан – добиться увеличения нормы. На ст. Серово Ферганского округа в ширкат явилось 300 человек

с требованием немедленного снабжения хлебом». ⁴

ОГПУнинг «Басмачество и вооружённые антисоветские выступления в Средней Азии и Казахстане» номли Москвага йўллаган хатида 1929 йил сентябрь ўрталарида Андижон, Фаргона ва Самарқанд округларида муқаддас урушга чақиравчи мурожаатлар тарқатилгани, партиядан чиқарилганларнинг советларга қарши фаолияти кескин тус олётгани қайд қилинган.⁵

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ахборот-статистика секторининг Москвага йўллаган «Коллективлаштириш билан боғлиқ Ўрта Осиё Республикаларида дехқонларнинг оммавий чиқишлари тўғрисида»ги маълумотида 1930 йилнинг февраль – мартада Фаргона округида 43 та дехқонлар чиқиши бўлиб, унда 21 480 киши қатнашгани айтилган. Бағдод районида 25 – 28 февраль кунлари битта чиқиш бўлиб, унда 70 киши қатнашган. 1 – 5 марта 9 та чиқиш бўлиб, 4995 киши қатнашган. Шу давр ичида Бувайда районида 4 та дехқонлар чиқиши бўлиб, 3200 киши иштирок этган. Бундан ташқари, Чуст-Поп районида 20 – 25 февралдаги 2 та чиқишда 1000 киши, 26 февралдан 15 мартача 3 та чиқишда 700 киши қатнашган. Андижон округида шу муддатда 15 та дехқонлар чиқиши бўлиб, иштирокчилар сони 14 550 кишига етган. 10 марта Андижондан олинган маълумотда шундай ёзилган: «Айниқса, Ойим, Кўргонтепа, қисман Андижон районларида аҳвол кескин бўлган ...Бугун соат 19 дан ётпасига коллективлаштирилганлар Андижонга вакиллар билан келиб «колхозлар тарқатиб юборилсин, колхозчи ва ҳақсизлар рўйхати берилсин, камбагаллар йигинлари тугатилсин, ҳақсизлар тиклансин, қамоқча олинган қулоқлар озод қилинсин» каби шиорларни ўртага ташлаганлар». Избоскан районидан 3000, Ойим районидан 3000, Зеленский районидан 3000, Шахрихон районидан 3000 киши Андижон шаҳрига келиб, коллективлаштиришни тўхтатишини талаб қилган. Ўш округида 10 та чиқиш бўлиб, унда 5870 киши қатнашган. Жалолобод районидаги 4 та чиқишда 4600 киши қатнашган. Телеграф хабарига кўра, «Жалолободда 4 кун-

⁴ «Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Т.7. – М., 2004. – С.308.

⁵ «Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Т.7. – М., 2004. – С.450 – 451.



дан бери душман намойишлари бўлмоқда, унда бир неча юз отлиқлар ва 2000 га яхин дехқонлар қатнашиди. Жалолобод атрофидаги қишлоқларда батрак камбагаллар фаолларининг етакчилари ва экиши кампанияси вакиллари ур калтак-сур калтак, қирпичоқ қилиндишлар. Аксилинқилобий талаблар қўймоқдалар. Худди шундай чиқишилар Бозорқўргон районида ҳам рўй берди». Андижон округининг Косонсой районидаги 1 та чиқишида 100 киши, Жалақудуқдаги 3 та чиқишида 900 киши қатнашган.⁶ Бу ва бошқа чиқишиларда илгари сурилган шиор ва талаблар ГПУнинг тўғридан-тўғри берган маълумотларида келтирилган: «колхозлар тарқатиб юборилсин», «колхозчилар рўйхати берилсин», «бизларга колхозлар керак эмас», «бизларни зўрлик билан боришга мажбур этдилар – комиссияларни ур», «йўқ қилиш учун колхозчилар рўйхатлари берилсин», «колхоз керак эмас», «колхоз правленияси йўқ қилинсин», «колхозчилар рўйхатини беринг», «бизларни колхозга зўрлик билан ёзишди», «қамоққа оламиз, сургун қиласиз деб қўрқитишиди», «эндиликда эса колхоз қўнгилли ташкилот деб айтмоқдасизлар», «колхозлардан чиқиб кетамиз», «йўқолсин колхозлар», «умумлаштириш бекор қилинсин», «колхозларга қарши колхоздан чиқиш тўғрисида муҳрланган маълумотнома берилсин», «колхозлар тарқатиб юборилсин», «бизларга колхоз керак эмас», «коллективлаштирилишни хоҳламаймиз», «барча эски ва янги колхозлар тарқатилисин», «колхозлар тарқатилиб, ҳайвон ва инвентарлар умумлаштирилмасин», «колхозчилар рўйхати йиртиб ташлансин». Бу шиор ва талаблар кўпинча акслинқилобий талаблар билан қўшилиб кетган.

1930 йил 8 марта Жалолободдаги дехқонлар томонидан илгари сурилган шиор ва талабномалар қўйидагича бўлган: «колхозларга қаршиимиз, рўйхатлар қайтариб берилсин», «советлар қайта сайланисин», «ҳақсизларга аванс берилсин», «маҳаллий фаоллар қамоққа олинсин», «ҳақсизлар рўйхати йўқ қилинсин», «барча қамалганлар қўйиб юборилсин», «экин уруғлари қайтариб берилсин», «индивидуал соликлар қайтариб берилсин», «трактор мажбурияти йўқ қилинсин», «сув солиги йўқ қилинсин», «тирик ҳайвон контраксацияси тўхтатилисин», «камба-

галга ёрдам берилмасин», «ЗАГС йўқ қилинсин», «шариат бўйича яшашга рухсат берилсин», «қалинга рухсат берилсин», «кооперация йўқ қилинсин», «хусусий савдо очилсин», «тўловлар қайтарилигин», «пахта союз бадаллари қайтарилигин ва ундан кейин берилмасин», «пахта экишга мажбур қилинмасин», «миллийлар ишдан олинсин, улар руслар билан алмаштирилсин», «район советлари тугатилсин, фақат қишлоқ советлари қолдирилигин», «машина-трактор станциялари олиб ташлансин, агрономлар чиқариб ташлансин».⁷

Кўргонтепа район Бўйдоқ қишлоғидан 12 март куни қўл билан ёзилган мана бу мурожаат ГПУ маълумотида келтирилган: «Аффон йигитлари номидан мусулмон динини эътироф этиш, даҳрийлар билан яшамаслик».

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги раҳбарларидан В.А.Каруцкий 1930 йил 13 марта Тошкентдан Москвага тўғридан-тўғри йўллаган хатида Ўш округи Бозорқўргон райони Соқолди қишлоғи дехқонларидан боо киши пахта заводига, пахта сотиб олиш пунктига келиб, колхозни тарқатиб юборишни талаб қилгани, оломон орасида «Йўқ бўлсин совет ҳокимияти ва коммунистлар, комсомоллар, йўқолсин ҳалқ суди, қози судлари қайтариб берилсин, қамоққа олингандар, хукмга тортилганлар озод қилинсин» деган овозлар жўр бўлиб айтилганини хабар қилган. Колхозчилар рўйхатини олган оломон трактор станциясига келиб, станцияни яксон қилишга уриниб тракторчини калтаклашади. Кўзгалган бу оломон Оқбулоқ қишлоғини босиб олади. Мазкур қишлоқ аҳолиси ҳам юқоридаги талаблар билан чиқди, МТС фаоли, партия аъзоси ўлдирилди.⁸

1930 йил февралида Чуст-Поп районида кучли қўзғолон юз беради. Бундан хабар топган Ўзбекистон Халқ комиссарлари совети раиси Файзула Хўжаев, Ўзбекистон Компартияси МК котиби А.К.Лепа ва Ўзбекистон ГПУ раиси П.Ю.Перкон 21 февралда пойтахт Самарқанддан Кўқонга етиб келадилар. Улар 22 февралда Чуст-Поп районига ташриф буюрганлар. 22 февралда 500 кишилик оломон ширкатга қарши босқинчилик қилмоқчи бўлганида Файзула Хўжаев нутқ сўзлаб уларни тинчлантиришга эриша-

⁶ РИСТДА. 62-фонд, 2-рўйхат, 2258-иш, 1 – 7-варақлар.

⁷ РИСТДА. 62-фонд, 2-рўйхат, 2258-иш, 7 – 8-варақлар.

⁸ РФХХМА. 2-фонд, 8-рўйхат, 3-иш, 236 – 239-варақлар.



ди. Бироқ ахвол фавқулодда оғирлигича қола-верди. Шу боис ҳукумат вакиллари Чуст-Попга дархол қуроли күч келтирадилар. Ҳукумат аъзоларининг тушунтиришлари, жойга ҳарбий взвод етиб келиши ва галаён ташаббускорларининг қўлга олиниши оломондагиларнинг бир оз тинчланиб, ўз қишлоқтарига тарқаб кетишига сабаб бўлган.⁹ Чуст-Попдаги воқеалар Ўзбекистон Компартияси МК Ижроия бюросининг 26 февралдаги йигилишида кўриб чиқилди. Бу масалада воқеа шоҳиди бўлган Ўзбекистон Компартияси МКнинг иккинчи котиби А.К.Лепа¹⁰ маъруза қиласди. Ушбу маърузадан дэхқонлар қўзғолонининг айрим сабабларини билиш қишин эмас. Шу боис ундан иқтибос келтирамиз:

«Мне кажется, что в целом ряда районов этого перелома ещё не имеется. Этого нельзя упускать из вида. Мерить общесоюзными аришинами нельзя, надо учесть местные условия.

Разговоры у сандала дают следующую картину, середняки заявляют: «Мы не пойдем против колхозов, но дайте нам посмотреть хотя бы ещё годик, в чем преимущество колхоза».

Методы принуждения имеются в большей или меньшей мере почти во всех районах.

Методы прямого принуждения – начну с методов физического насилия: Председатель Чуст-Папского района Бурибеков был на хорошем счету. «Он проводил собрания опираясь на милиционеров. Устраивается собрание. Спрашивают: «Вы как – за колхозы?», Колебания. Милиционеры щелкают затворами. Опять спрашивают: «Вы за колхозы?», «Нет, – говорят, – не пойдем», тогда берется 400 человек из кишлака Мазар и выводятся на дорогу. Погнали по дороге, гнали 20 километров, устали и пишут заявления Бурибекову: «Сообщаем настоящим о том, что по делу коллективизации, согласно вашего распоряжения, трудящиеся дехкане Мазарского с/с или в Кокандский округ. Согласно этого распоряжения дехкане в долгих мучениях прибыли в Хурам-Сайский с/совет, устали и дальше не могут идти и остались на базаре, отдыхают». Ответ Бурибекова:

⁹ Шамсуддинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б.133 – 134.

¹⁰ А.К.Лепа кейинчалик Татаристон область партия комитетининг биринчи котиби бўлиб хизмат қилган, «Катта террор» даврида ўнг троцкичичи ва миллатчи блоки раҳбари сифатида қатағон қилинган.

«Жителям с. Мазар разрешаю вернуться обратно в кишлак Мазар». Никто до разбора инцидента специальной комиссией не будет привлечен к ответственности. Когда мы приехали в Папский район, Бурибеков встретил нас любезно на станции, со всеми поздоровался и поехал с нами к той самой толпе, которая собиралась. По дороге, узнав от милиционера что нам не безопасно, сбежал и спрятался в сарае. Арестован, судить будут в этом же кишлаке Мазаре.

Остальные методы принуждения. Больше всего заявлений что записывали в колхозы без согласия на то дехкан как это делалось? Например, в одном из кишлаков Багдадского района собрали дехкан. Одного из них задержали и с его слов внесли в списки все фамилии дехкан кишлака и переписали все имущество. И это считалось, что колхоз оформлен. В одном кишлаке Чуст-Папского района колхоз организовали в чайхане. Присутствовавшие записывали своих родственников.

В Кокандском районе 10 – 30% собирающихся на собрание решили также за целые кишлаки вопрос «о сплошной коллективизации».

Далее применялись следующие меры воздействия – заявления, что у него вступивших в колхозы отберут землю, лишат воды, выселят из района, продуктами снабжать не будут и ещё многое слушаев. «Мы не слышали ни одного заявления, которое бы не говорило об этих извращениях».

(Из доклада Лепы на Исполбюро ЦК КП(б)Уз. 26/II).¹¹

ОГПУнинг 5 марта 2566-сонли оператив маълумотида Жалолқудуқ райони қишлоқларида маҳаллий каллаварам, уқувсиз ходимларнинг совет ҳокимияти диний маросимларни ўтказишни тақиқлаётгани ҳақида ифвогарлик қилаётгандар, бунинг натижасида 1 март куни эрталаб район партия комитети биносига зоо кишилик оломон келиб диний маросимларни ўтказишга рухсат берилишини талаб қилганлари айтилган. 3 марта Найман қишлоғида экиш кампанияси вакилининг намоз ўқиш тақиқланади деган ифвогарлиги билан зоо кишилик оломон ўша вакилни судсиз жазолашга, район секретаридан эса ўч олишга ҳаракат қилган.

3 марта Бозорқўргон райони Оқмасжид қишлоқ советидаги вакил Васетский 18 та масжидни

¹¹ РИСТДА. 62-фонд. 2-рўйхат. 2258-иш, 13-варақ.



ёпган. Масжидни ёпиш учун Қирғизистон МИК аъзоси Бул Жагитовадан фойдаланган, Бул Жагитова эса ўша заҳотиёқ Қирғизистон МИК номидан Васетский тузган баённомани тасдиқлаган (ОГПУ маълумоти). Бу эса аҳоли ўртасида кучли норозилик келтириб чиқарган. Кўқон районида 10 та ўртаҳол масжидга қатнаганлиги учун колхозга қабул қилинмаган (Лепа маъруzasидан).

Бағдод райони Чувала қишлоқ советида йирик колхоз тузишда маъмурӣ усул қўлланилган. Колхозни ташкил этишда шундай тушунтирилган: «*Ким колхозга кирса қўй ёги ейди, ким колхозга кирмаса қизил қалампир ейди*». Комиссия ҳайвонларни баҳолаётганда оломон вакилни калтаклаган, рўйхатни ёқиб юборган, колхозга кирмасликка қасам ичган.

2 марта Жалолобод районида экиш комиссияси вакилининг колхозга кирмаётганларнинг буюмлари тортиб олинади деган иғвогарлиги учун 400 кишилик оломон совет ходимларини калтаклаган, селсоветни яксон қилган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги раиси Л.Н.Бельский 20 февралда марказга йўллаган маълумотида қуидаги умумлашган фикр келтирилган: «*Анализ положения таков: коллективизацией охвачен весь округ. 5 районов официально коллективизируемых, 6 соревнующихся на сплошной. Аппарат, руководители местъ не соответствуют задачей. Уполномоченные подобраны плохо, почти никто в районе не знает, что такое колхоз, как его организовать.*

*Решение перехода на сплошной проводилось аппаратурным путем в районе и узком активе кишлака. На сход приносился предрешенный вопрос для его оформления выбором правления колхоза. Состав правления проводился под давлением уполномоченного, зачастую из кулаков, бывших волостных управителей и исключённых партийцев. Рассяснения о колхозах массы сводились: записывается в колхоз обязательно; не записавшиеся лишаться воды, госснабжения обложат большими налогами и выселают из пределов Узбекистана. К тому же нажим в реализации хлопка вызвал массовое недовольство, которое было использовано кулачеством, духовенством.*¹²

Яна А.К.Лепанинг маъруzasидан парча келтирамиз: «*В одном месте на вопрос, как вам*

объясняли коллективизацию ответили: «*Все мы должны отдать в колхоз, за работу в день будем получать 20 коп. зимой и 50 коп. летом, вот так жить батраками мы не согласны*».

Второе – имеется опасность увеличения организаций крупных колхозов. В Ферганском районе создали колхоз в 400 хозяйств. Мы не создали ещё условий для таких крупных колхозов. Третье – организация колхозов в ряде районов, погоня за процентами коллективизации, явно не увязывалось с задачей обеспечения выполнения посевного плана. На внутри – организационную и хозяйственную работу колхозов почти не уделяется внимание. Тут серёзная угроза».¹³

Юқоридаги фикрлар, хужожат ва материаллардан аёнки, Фарғона водийсида партия ва совет ташкилотлари томонидан ўтказилиши лозим бўлган коллективлаштиришда йўл қўйилган кўпдан-кўп камчилик, нуқсонлар, қўлланилган зўрликлар, бу сиёсатни амалга оширувчиларнинг уқувсизлиги каби сабаблар билан қишлоқ аҳолисида кучли норозилик келиб чиқди. Коллективлаштиришга қарши исёнлар, ғалаёнлар кўтарилиди. Қишлоқда совет режимига, партия органларига ва уларнинг нотўғри олиб борилган аграр сиёсатига қарши инқилобий ҳаракат юз берди. Большевиклар уни «кишлачная контрреволюция» (қишлоқдаги аксилинқилоб) деб номладилар. Аслида, бу большевиклар тажовузига, уларнинг уқувсизлик билан ўтказилган коллективлаштириш сиёсатига, зўравонликка қарши кўтарилиган деҳқонлар инқилоби эди. Бироқ қизил империя жаллодларига қарши кўтарилиган қишлоқ инқилоби, деҳқонлар уруши совет салтанатининг қонли панжалари билан бўғиб ташланди. Большевикларнинг коллективлаштириш амалиёти Ўрта Осиёда, жумладан, олтин водий – Фарғонада зўравонлик билан жорий этилди.

Тақризи:
Соибжон Ҳошимов,
тарих фанлари номзоди,
доцент

¹² РИСТДА. 62-фонд. 2-рўйхат. 2258-иш, 17-варақ.

¹³ РИСТДА. 62-фонд. 2-рўйхат. 2258-иш, 18-варақ.



ҲАҚҚУЛ ХУСАНБОЕВНИНГ ФОЖИАЛИ ҚИСМАТИДАН ЛАВҲАЛАР

Рустамбек Шамсутдинов,
Соибжон Ҳошимов (докторант)

Резюме: Мақола 1937 – 1938 йиллардаги советларнинг «Катта террор» сиёсати қурбони Ҳаққул Ҳусанбоевнинг фожиали қисматига багишланган. Унда совет даврида махфийлик тамгаси остида сакланган архив ҳужжатлари илк бор эълон қилинмоқда.

Калит сўзлар: «Қизил Шарқ», «Дашноклар», «Катта террор», Бутунrossия Фавқулодда Комиссияси, Туркистон ЧКси, инқилобий комитетлар, Туркистон мухторияти, Ўрта Осиё бюроси, Фавқулодда қидирув комиссияси, «Оқ гвардиячилар», «Қизил армия», «Турон» аксилинқилобий ташкилоти.

Резюме: Статья посвящена трагической судьбе Хаккула Хусанбоева – жертве политики «Большого террора» проводимого в 1937 – 1938 годах советской властью. В ней впервые публикуются архивные документы советского периода сохранившихся под ярлыком «совершенно секретно».

Ключевые слова: «Красный Восток», «Дашнаки», «Большой террор», Всероссийская Чрезвычайная Комиссия, Туркестанская ЧК, Революционные комитеты, Туркестанская автономия, Средазбюро, Чрезвычайная следственная комиссия, Белогвардейцы, Красная армия, антиреволюционная организация «Туран».

Annotation: Article is devoted tragically destiny of Hakkul Husanboev – a victim of a policy of «the Big terror», spent in 1937 – 1938 in the Soviet power. In it for the first time will be published archival documents of the Soviet period remained under a label «top secret».

Key words: «Red East», «Dashnaks», «the Big terror», All-Russian Extraordinary Commission, Turkestan commission, revolutionary committees, Turkestan autonomy, Bureau of Middle Asia, Extraordinary commission of inquiry, Whiteguards, «Red Army», Antirevolutionary commission of «Turan».

Андижон фарзанди Ҳаққул Ҳусанбоев XX асрдаги большевизм ва унинг сиёсати, мафкураси, ғоясига ишониб, бутун умрини ўша режим йўлига сафарбар этган, лекин у тузумда қадр топмаган, аксинча, ундан мислсиз азоб-уқубат

тортган, оқибатда руҳан эзилиб, жисмонан йўқ қилинганд минглаб юртдошлардан бири эди. У ўзбеклардан биринчилар қаторида 1917 йил октябрида большевиклар партиясига аззо бўлган, советларнинг куч ишлатиш органларида



нуфузли мансаб пиллапояларидан кўтарилиган, совет ҳокимиятининг Туркистондаги лидери Федор Колесовдан тортиб большевизм асосчиси Владимир Ленинде арбоб билан шахсан танишиш, учрашиш, сұхбатлашиш имконига эга бўлган, Компартиянинг сиёсати ва амалиётини ўлкада жорий этиш борасида фидойилик билан кураш олиб борган, охир-оқибатда ўша маккор тузумнинг қурбони бўлган эди. Бу инсоннинг фожиали ҳаёт йўли вақт ўтиб сарғайиб кетган архив ҳужжатларида ўз аксини топган. Биз, ҳозирги ва келажак авлодлар, бундай сиймоларимизнинг қисматларидан воқиф бўлиш орқали бугунги озод ва обод, ҳур ва фаровон ҳаётни қадрлаш, уни асраб-авайлашни ўрганамиз. Хоҳ каттадир, хоҳ кичик тарихимиз, хоҳ фожиали, хоҳ қаҳрамонона ҳаёт йўлимиз бизнинг тарихимиздир. Ундан юз ўтира олмаймиз. Сиз муҳтарам журналхонларга тақдим қилинаётган ҳужжат ва материалларда ана шу жафокаш Ҳаққул Ҳусанбоев тақдиди гавдаланади.

Унинг 1932 йили ЎзССР Марказий Ижроия Комитети қошидаги собиқ қизил гвардиячилар ва партизанлар иши бўйича комиссияга тақдим этган таржимаи ҳоли архивда сақланиб қолган. Уни айнан келтирамиз: «Мен 1880 йили Андижон шаҳрида туғилдим. Отам Андижон уезди Ёрмозор волости Бешбўйноқ қишлоғида дехқончилик билан шуғулланган. Кейинчалик отам Олмаота шаҳрига кетиб қолади. Онам ҳар доим уй-рўзғор иши билан машғул бўлган.

18 ёшга тўлгунимча онам билан яшадим. 1898 йили «Кавказ ва Меркурий» фирмасида тунги қоровул бўлиб ишладим. 1900 йили Эски Марғилон – Тошкентдаги «Персидское товарищество» заводида ишчи бўлиб ишладим. 1909 йил охирида Қозон шаҳрига келдим, бу ерда биринчи бор яширин ташкилотда (Қозон шаҳри 2-Горная 5-йй, Алъамская буви) иштирок этдим. Сўнгра 1910 йилдан февраль инқилобига-



Ҳаққул Ҳусанбоев

ча Андижон уездидан чоризмга қарши яширин ташкилотда ишладим. Февраль инқилобидан октябрь тўнташигача бўлган даврда ҳар хил диний, миллий ва бошқа оқимлар билан кураш олиб бордим. Бу вақтда мен Андижон Эски шаҳрида ва унинг атрофида «Тўртинчи» ташкил этдим. 1917 йили Андижон Эски шаҳрида октябрь тўнташи чоғида уламочилар ва элликбошиларнинг фитнаси билан 12 большевик, жумладан, мени ҳам ўлдиришмоқчи бўлишади, мен оломон ичидаги қолганим туфайли танимай қолишиди. Шўроисломчилар ва бошқа ташкилотларни тарқатиб юбориши вақтида мени ҳушимдан кетгунча калтаклашган, новвойхона ишчилари томонидан кутқазиб қолинганман.

1917 йил 14 июлда Андижон шаҳрида мусулмон ишчи депутатлари совети ташкил қилдим. Октябрь тўнташи даврида Андижоннинг Эски шаҳри ва унинг теварак-атрофида ишчи

ва аскар депутатлари советлари ташкил қилдим.

1917 йил декабрида Фарғона вилоят ишчи ва аскар депутатлари советига аъзо бўлиб сайландид. 1917 йил декабрида Қўқон шаҳрида Туркистон ўлкаси ишчилар-ҳарбийларнинг съездидан бўлди, унда мен иштирок этдим ва съезднинг сўл қанотини қўллаб-қувватлаб чиқдим, съездда ўртоқ Полторацкий қатнашган эди.

1918 йил августига қадар Фарғона вилояти бўйича миллатлар иши бўйича комиссар бўлиб хизмат қилдим. 1918 йил сентябрида Туркистон Фавқулодда Комиссияси аъзоси бўлиб сайландим. 1918 йили Скобелев шаҳрида коалицион ҳукумат тузилиб, у 72 большевикни осиб ўлдиришга ҳукм қилади, аммо бу ҳукумат тарқатиб юборилгани туфайлигина мен ҳам сақланиб қолдим.

1918 – 1919 йиллари Фарғона вилоятида қизил гвардиячилар ва қизил партизанлар ташкил қилдим.

1919 йил январь воқеаларида Тошкент шаҳар станциясида мен оқ гвардиячилар томони-




дан калтакланғанман ва азобланғанман ҳамда отувга ҳұмқы этилғанман, қалъадан Белов отряди томонидан озод қилинғанман. 1919 йили Туркестон ЧКси топшириғига күра республика бүйіча ЧКнинг қатор филиалларини ташкил этдім, 1919 йил ноябріда Москва шахрига бориб Шарқ халқлари коммунистик ташкилотлари съездіда, шунингдек, Бутунrossия советларининг VII съездіда иштирок этдім. 1919 йил майда Туркестон ЧКси томонидан Фарғона вилоятидаги «Дашноқлар» партиясини қуролсизлантириш комиссиясига киритилдім. Уларни қуролсизлантиргандан сүнг мен Андіжон шахрида уезд-шаҳар революцион комитети раиси бўлиб қолдім.

Москвадан қайтгач үртоқ Фрунзе билан бирга Фарғона водийсіда босмачилик билан курашда қатнашдым, шунингдек, «Қызыл Шарқ» тарғибот поездіда ишладім. Ўша 1920 йилнинг ўзида Бутунrossия Фавқулодда Комиссияси томонидан телеграф орқали менга үртоқ Броидо билан бирга хизмат қилиш тақлиф этилди. Үртоқ Бокий кеттандан сүнг үртоқ Петерс билан Фарғона вилояти бүйіча ишладім. Шундан сүнг Самарқанд вилояти Жиззах уездіда Қызылқұм саҳролары ҳудудида ташкил қилинған Бухоро амири бандаларини излаб топиш бүйіча иш олиб бордим.

«...1920 йили Чимкент шахрида үртоқ Куйбышев ва Городецкийлар билан биргаликда Бухорони забт этиш режасини ишлаб чиқища қатнашдым. 1921 йили Аблиқ фронтида сиёсий раҳбар бўлиб ишладім. 1921 йил сентябрідан Помирда ҳарбий-сиёсий фавқулодда «учлик» аъзоси бўлдім, бу ерда Компартия ва совет ҳокимияти органларини ташкил қилдім, 1927 йили округ чорвачилик союзи ва унинг филиалларини туздім.

1929 йили Бухоро округи чорвачилик союзи раиси бўлиб ишлаб, Конимек қумликларида ва Ўртачўлда чорвачиликнинг филиали ва базаларини ташкил этдім.

1930 йили партияни тозалаш бүйіча округ комиссияси раиси бўлдім. Округ тутатилгач, Колхозсоюз ташкилий бюроси аъзоси раиси бўлдім ва жойларда колхозлар ташкил қилдім. 1931 йили ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўрта Осиё буюросида



инструкторлик қилдім. 1932 йилдан ҳозирға қадар Революция тарихи Ўрта Осиё музейи директори бўлиб ишламоқдаман».¹

У ўз фаолияти давомида кўпдан-кўп қаршиликларга, ҳужумларга, сиёсий-ғоявий фитналарга, куруқ туҳматларга дуч келганига қарамай, сабот, чидам, мустаҳкам иродада билан кураш олиб борган. Бу жараён ҳужожатларда ўз аксина топган.

¹ ЎзР МДА. 615-фонд, 1-рўйхат, 97-иш, 1 – 10-варақлар.



Постановление

1919 года 17 февраля. Волостной Исполком и Чрезвычайно-Следственная комиссия Чиназской волости слушали доклад Следственной комиссии члена Семенова согласно о приезде члена Чрезвычайной Следственной Комиссии Туркестанской Республики тов. Хусанбаева по борьбе с спекуляцией и мародерством и белогвардейцами для установления и подавления буржуазного класса белогвардейцев и восстановления Администрации Волисполкома на свои места, для установления порядка. При чем тов. Хусанбаевым было арестовано временное правительство белогвардейцев в количестве 9-ти человек. Согласно предписания Особой Комиссии по ликвидации белогвардейского в районах: Голодной степи, Чиназа, Пискента от 2-го февраля 1919 года №1.

Ввиду болезни тов. Хусанбаева и его отъезда в г. Ташкент от 17-го февраля все дела, по выступлению Белой гвардии приняты членом Следственной комиссии Чиназской волости тов. Семеновым.

В случае обнаружения белогвардейцев будут произведены расследования и дознания и будут в срочном порядке с дознанием препровождены в Чрезвычайно-следственную комиссию Туркестанской республики тов. Хусанбаеву. Так же просим тов. Хусанбаева препроводить и поручить нам арестованного, находящегося в г. Ташкенте в Следственной Комиссии – начальника охраны, как белогвардейца Миркамил Шарапова произвести расследование и дознание и препроводить в комиссию Сыр-Даргинский Штаб по принадлежности.

А так же принято от тов. Хусанбаева все прошения и заявления.

Член чрезвычайной следственной комиссии Чиназской волости Ташкентского уезда
Председатель комиссии (подпись по узбекски). Тов. Председателя комиссии.
Секретарь комиссии (подпись по узбекски).² Копия верна

ВИПИСКА

№ Газеты "ПРАВДА ВОСТОКА" от 14-го апреля 1927 года №84(1280)

ХУСАНБАЕВ - ПРТВ ЧЛНСТ.

В № 79 "Правды Востока", в отделе "Происшествия" была заметка "Арест басмача", сообщавшая о задержании Хаккула Хусанбаева, у которого нашли при обыске два револьвера.

Основанием для напечатания этой заметки послужило донесение милиции, обыск в квартире Хаккула Хусанбаева и найденное оружие. Информация об этом была получена в старогородской прокуратуре.

Согласно полученным от областной прокуратуры данными, факты обвинения против Хусанбаева совершенно не нашли себе подтверждения. Оружие, принадлежащее т.Хусанбаеву, выдано ему как активному работнику.

Тов.Хаккул Хусанбаев, принимавший участие в революции 1917г., участник подавления мятежа в январе 1919г., участник ликвидации сортавалского басмачества и т.д. Тов.Хусанбаев-участник всех краевых съездов.

В настоящее время он служит в Каракалпакской области, где состоит председателем сельхозсовета, членом Обкома и президиума Окружного Исполнкома.

Выписка верна. *Х.Нузев*

² РГАСПИ. Фонд 62, опись 4, дело 700, лист 246 – 246 об.



* * *

Справка

Настоящим удостоверяю, что знаю тов. Хусанбаева по работе в Средней Азии в годах 1917, 18 и 19.

Тов. Хусанбаев один из тех, кто первым встали на позицию организации трудящихся мусульман в союзе, на который Советы опирались на первых своих порах.

Тов. Хусанбаев являясь прекрасным организатором способствовал привлечению трудящихся мусульман на сторону Советской власти: привлечение это проходило в условиях ожесточенной борьбы с национальной буржуазией, что следовало тов. Хусанбаеву ненавистным для него.

Тов. Хусанбаев неоднократно получал полномочия от краевой Советской власти по организации секторов на местах, выполняя их в точности.

В соответствующие моменты революционного движения в Туркестане, в моменты решающих боев тов. Хусанбаев был в рядах бойцов, призывая трудящихся мусульман к борьбе за власть Советов.

Бывший Предсвнаркома Туркеспублик Ф. Колесов.

12 июля 1921 г.³

* * *

СРЕДНЕ-АЗИАТСКИЙ ЦК ВКП(б)

Хусанбаева Хакула – члена

КП(б) Уз.партбилет №

ЗАЯВЛЕНИЕ

Еще раз и может быть в последний я обращаюсь с просьбой рассмотреть мое личное дело и окончательно определить мою судьбу. Я неоднократно обращался с этой просьбой, но до сего времени травля меня продолжается, независимо от того, что я документами подтверждал и подтверждаю, что по происхождению, по своему партстажу и партработе и, наконец, на совработе я также такого отношения к себе не заслужил. Очевидно, что все эти заслуги и заставляют ЦК поручить мне ответственную работу, но работать мне не дают и интригой, и группировками добиваются моего снятия, не дают нигде работать спокойно и плодотворно.

В своих интригах они не стесняются пускать в ход все, вплоть до клеветы и лжи. Они пытаются порочить меня, как партийца, как гражданина, они не брезгуют даже вмешательством в мою семейную жизнь и т.д. и т.д. Их клевета в начале принимается за правду, дело расследуется и все обвинения, как ненужный, гнилой хлам отпадают. Ни одно из них порочащих заявлений в жизни не оправдалось. Все эти повторяющиеся факты клеветы должны в конце концов с очевидной ясностью показать, что против меня идет интрига и травля. Причем, травля эта идет сверху, а не снизу. Куда-бы меня не направляли на работу, отношение ко мне населения, всех работников, соприкосавшихся со мною в работе – могу охарактеризовать (на основании опять-таки документов) полным доверием, популярностью и уважением, может быть, подтверждена товарищами Петерс, Куйбишев, Элиава, Бокий и Сокольников, Любимов, все бывшие члены Турккомиссии.

За время своей революционной деятельности два раза подвергался избиениям и истязаниям. Первый раз в начале 1918 года в Андижане на собрании квартальных комитетов, за агитацию в пользу коммунистов, где спасли меня от убийства присутствовавшие на собрании

³ РГАСПИ. Фонд 62, опись 4, дело 700, лист 239.



рабочие; и во второй раз во время Осиповского восстания в Ташкенте в Старом городе не был арестован ни один коммунист из коренного населения, кроме меня. Во все времена, что я находился под арестом, надо мной издевались, водили меня по своему Старому городу на показ и избивали меня.

Принимая участие на всех партийных съездах и никогда не останавливался перед тем, чтобы раскрыть злоупотребления от кого бы они не исходили и какой бы пост эти лица не занимали. Также никогда не останавливался перед разоблачением тех или иных лиц, стремившихся пролесть через партию к власти и здесь я не щадил никого.

Последнее мое выступление было на II-м съезде Коммунистической Партии (б) Узбекистана по докладу ЦКК и РКК, где я в своем выступлении коснулся вопроса о группировках и указал, что тов. Файзулла Ходжаев также занимается созданием группировок, для чего им был командирован в К/Дарынинский округ Кадыр Хаяты (стенографический отчет II-го съезда КП(б) Уз). Вся моя работа и все мои выступления на всех собраниях и съездах, где я выступал открыто против всяких группировок, против всяких уклонов, создали целую группу лиц, недовольных мною и старающихся так или иначе, тем или иным способом, мстить мне, создавать против меня разные дела. Несмотря на то, что ни одно из этих дел не подтвердилось, несмотря на то, что никаких материалов против меня собрать не смогли и не смогут, такая травля меня продолжается и по сие время, так 8 апреля 27 г. я был арестован, как басмач, правда я был вскоре же освобожден (Правда Востока. №79 от 8/IV и №84 от 17/IV-27 г.), затем в начале 28 года против меня создано было целое дело с обвинением меня в пьянстве и попытке изнасилования раскрывшейся женщины. Это дело Контрольной Комиссии К/Дарыннского округа за недоказанностью было прекращено (Выписка из протокола №4 Заседания Парктройки К/Дарынского округа от 28/III-28).

Почти все время моей работы в К/Дарынском округе я был членом Исполбюро Окружкома и членом Президиума ОИКа, на каковые посты всегда выдвигался низами и всегда проходил по выборам. Последнее время К/Дарынским окружкомом против меня создана форменная травля, с обвинением меня: и в связи с байскими элементами, и в том, что я будто бы распространял слухи, что в ЦК КП(б) Уз. не все благополучно, что там отсутствует спайка в работе и зачастую происходят недоразумения, и что я препятствовал коренизации аппарата Оксельсоюза, где я был Председателем Правления и ещё в целом ряде неведомых мне преступлений, и как партийца, и по советской линии, как руководителя учреждения. Все эти гонения, все эти придирики заставили меня выехать из К/Дарынского округа в Самарканд.

По прибытии в Самарканд, я был направлен ЦК КП(б) Уз. членом Оргбюро Животноводческой кооперации и на первом Учредительном Съезде уполномоченных животноводческой кооперации моя кандидатура, по согласованию с ЦК КП(б) Уз., была выставлена в Председатели Правления Узбекживотводы Союза и на съезде прошла единогласно.

После избрания, по моему вступлению в работу – я выехал для проведения работы по контрактации шерсти и каракуля в Кенимекский район, я не успел уехать, как, по неизвестным мне причинам, я от этой работы был снят и на мое место назначен был другой товарищ.

И это произошло через какихнибудь 8 – 10 дней после выборов. За что и почему я снят, какая моя провинность, так мне до сих пор и неизвестно. Если я не соответствовал этому назначению, то ЦК КП(б) Уз. не должно было давать согласия на выставление моей кандидатуры, также, если бы имело место с моей стороны какое либо преступление или проступки, то и тогда не следовало бы выставлять моей кандидатуры.

Все это говорит о том, что здесь имело место выступление против меня, тем более, что мне известно, что в мое отсутствие в Самарканд приезжали т.т. Ирисметов и Скалкин, и что перед этим в К/Дарью ездил т. Файзулла Ходжаев.



Таким образом, получается, что ЦК КП(б) Уз. только что проведя меня на выборах, где присутствовали представители чарводарства всего Узбекистана, по неизвестным для меня причинам, не вызвав и не выслушав даже меня, снимает с работы, чем конечно, заставляет думать всех, что за мной есть какие-то проступки или уклоны от директив партии, или даже более – думать, что я устраниен за какое - либо преступление по службе. Считая такое явление ненормальным, я прошу ЦКК положить конец всем моим мытарствам. Рассмотреть мое дело и если действительно подтвердиться, что я имею за собой все эти преступления и проступки, о которых говорит К/Дарьинский окружком КП(б) Уз., или какие либо другие преступления, как известны другим лицам, или если вообще моя работа и моя тактика в работе не походит к условиям работы в Узбекистане, или исключить меня из партии, если мои проступки и преступления настолько велики, или же, если я более не могу быть использован на работе из-за неумения ориентироваться в современной обстановке Узбекистана, направить меня в распоряжение ЦКВКП(б) Уз.

Если же за мной никаких преступлений, ни проступков не имеется, я прошу ЦКК дать мне возможность продолжать работу в спокойной обстановке, избавив меня от издевательств и всевозможных дерзаний, и принести посильную пользу, как Партии, так и Соввласти.

16/XII-28 г.

Подпись

Хусанбаев.⁴

* * *

ДОПОЛНЕНИЕ

к поданному мною на имя ЦКК КП(б) Уз. заявлению от 16 декабря 1928 года

Для того, чтобы более ярче и нагляднее обрисовать корень всего того, что является причиной моих гонений, моей травли и т.д, я позволю себе изложить следующий факт, который и даст ответ затрагиваемому вопросу.

Нить имеет начало со времени Кокандских событий (начало 1918 года), когда по желанию реакционных мелко и крупно буржуазных слоев местного населения, при самом активном участии духовенства хотели препятствовать советизации б/Туркестана, а желали утвердить автономное правительство, т.е. буржуазно-национальное, что в некоторой степени им удалось. Данное автономное правительство (Кокандское), где был и т. Хидыр Алиев, который являясь сторонником этого правительства являлся делегатом от Андижана, обратилось к Ташкентскому Совету солд., рабоч. и крестьянск. депутатов, сдать власть Кокандскому автономному правительству, но Ташкентские рабочие отказали сдать власть, так как, в Кокандском автономном правительстве кроме буржуазных элементов никого не было (являлось буржуазным правительством, а не рабочим). Видя, что Ташкент не сдается, Кокандское автономное правительство решило созвать съезд в Ст. городе Коканде делегатов от организованных до этого на местах по Туркестану, в особенности по Фергане Советов солдатских рабочих и красноармейских совдепов.

На этот съезд приехали из Самарканда делегация, в числе коих были Фролов и Ходжи Сафи Джубабаев, из Ташкента Низамутдин Ходжаев и Салахутдин Мудмон Зида, от Андижана и со мной несколько других товарищей, приехали также из Ст. города Маргелана и Намангана, были из самого Коканда. Из собравшихся на созданный Кокандским Автономным Правительством съезд (собралось больше 100 человек), около 15 делегатов, в том числе и я, во главе т.т. Фролова, Ходжи Сафи Джубабаева выступившим против на этом съезде, с предложением разогнать и не признавать данное существующее Кокандское автономное правительство, как правительство, являющееся и буржуазным, имеющим в своем составе ярых сторонников исламизма, шовинизма, состоящих из

⁴ РГАСПИ. Фонд 62, опись 4, дело 700, лист 252, 256, 257, 258.



адвокатов, переводчиков, баев, духовных лиц и т.п. своры. К этому времени представителем из Ташкента (для выявления настроения данного съезда) приехал специально тов. Полторацкий. Он был очевидцем того, что происходило, в связи с нашим выступлением. Но к сожалению, благодаря слишком тонкой и хитрой (контрреволюционной) политики вождей Кокандского автономного правительства, которые умело били на натянутые тонкие струнки собравшейся темной мусульманской толпы и большинства из состава делегации, коем играли под их дудкой, мы потерпели урон, и даже подверглись угрозам со стороны толпы и большинства делегации. Увидя это, т. Полторацкий указав составу данного пр-ва, что свобода слова, как таковая для трудящихся на данном съезде заглушается, благодаря подобным угрозам, что не дает возможности желающим из рабочих (делегатов) высказаться в сторону непризнания Авт. Пр-ва, что в корне недопустимо.

Кокандское Автономное Правительство и, в частности состав делегации, кои были за существование данного пр-ва, дабы оправдать себя перед т. Полторацким вынуждено, скрепя сердце, решили съезд для большей безопасности перенести в русский город, в здание кинотеатра, не теряя надежды, что автономное Кокандское правительство останется, так как настроение большинства сводиться к этому, что нам и было выявлено. На 2-ой день данного съезда т. Фролов со всей Сармарканской делегацией бросили съезд и уехали. Мы – Андижанская делегация для выявления результатов данного съезда остались.

Тов. Полторацкий выявив настроение данного съезда, где определено за автономное правительство были сторонниками около 80%, а остальные 20% были против этого автономного пр-ва.

Он тоже бросил этот съезд и уехал в Ташкент. Перед отъездом мы, противники этого автономного пр-ва, он тоже в том, чтобы мы не падали духом, считает, что остальные 20% есть представители рабочего класса и они будут всегда иметь реальную поддержку со стороны Совета солд. раб. и красн. депутатов и закончил свой совет следующим: Работайте без устали приезда на месте, продолжайте выступать против своей байской буржуазии и его Кокандского автономного пр-ва. Все равно власти им не дадим.

Что нами, после приезда на места, в особенности в Андижане несмотря на то, что на данном съезде выбраны были большинством сторонники Автономного пр-ва (хотя и рабочие) (Низаметдин Ходжаев, Асалахатдин Муфта-зада, Уданаев, Сабир Юсупов и др.) было сделано примерно: первое – во время разгрома Кокандского автономного пр-ва, г. Андижан и Скобелев были отрезаны от Коканда и Ташкента. Председателем в это время Облисполкома в Скобелеве был т. Крутиков (работает на эксп. Отд. Узводхоза). Областным военным комиссаром был Т.Осипов, который тоже поехал в Коканд воевать против автономного пр-ва.

Тов. Крутиков к этому времени созвал чрезвычайный съезд рабочих депутатов, для обсуждения и передачи власти членам Кокандского автономного пр-ва, Хушбекиеву и Мир Адилу, где на этом съезде т. Усман Бабышев и я, а также несколько других товарищей выступили против этого предательства, на которое они были способны. Нас именовали, что дескать мы (выступавшие против сдачи власти около 5 человек) есть капля в море, нечего мол рассуждать, а надо власть передать Кокандскому правительству. Против передачи был и представитель крепости Скобелевской. Несмотря на наши настойчивые требования, о не сдаче все же большинство решило и, власть была передана Представителю Кокандского автономного пр-ва Хушбекиеву и Мир Адилу. Получив в этот же день бразды правления (власти), они незаметным образом организовали торжественное шествие с муллой и флагами и плакатами Кокандск. автон. п-ва. Оркестр играл национальный мотив. В числе оркестра был и б/Туркестанский Пред. СНК т. Исламов, который играя на инструменте, проявлял усердно свою радость этому торжеству. Было это приблизительно в 4 часа дня. Отходил из Скобелева в Андижан поезд. Убитые горем после такого предательства я, Бабышев и другие товарищи не желая смотреть на подобный митинг, сели на поезд и уехали в Андижан. Через 2-3 дня распространился слух, что Кокандское автономное пр-во разбито, а Скобелевское шествие разогнано.



К этому моменту приехали Андижанские купцы: Мир Камир Мир Муминбаев и Темурбеков для восстановления власти в пользу Кокандского автономного правительства. Я был в это время членом Ст. Андиж. городск. совета рабоч. солд. и крест. депутатов, Усман Бабышев был председателем Совдепа.

К этому же времени приехал со своим отрядом из Коканда через Наманган в Андижан т. Исааков. Он послал к нам в Мус. Совдеп несколько человек из отряда для поимки и доставки к нему Темурбекова и Мир Камил Мир Муминбаева. Согласно распоряжения отряда т. Исаакова мы с Бабышевым дали распоряжение вызвать в Совдеп. Темурбекова и Миркамил Мир Муминбаева, послав для этого несколько своих вооруженных рабочих. Тоже самое сделали в отношении других остальных Андижанских баев.

Но к сожалению, Темурбеков успел скрыться, Мир Камила Мир Муминбаева же сумели поймать, имевшего в царское время состояние и капитал около 40 000 рублей. С остальными пойманными крупными Андижанскими баями, последние нами были доставлены и переданы отряду т. Исаакова. Последних увезли на вокзал, ст. Андижан где Мир Камил Мир Муминбаева растреляли на вокзале же по распоряжению т. Исаакова, согласовав свое распоряжение с т. Колесовым (с. Ташкентом).

Остальных обложили контрибуцией.

Через некоторое время Андижанский совет солд. рабоч. и крест. депутатов получает благодарственную и приветственную телеграммы из Ташкента от тов. Колесова за активное участие и контактную нашу работу с большевиками, в деле свержения Автономн. Кок. Правительства и помощи местным рабочим массам. Это может подтвердить т. Рупин, работающий в настоящее время в Андижане, также и т.т. Исааков и Колесов работающие в Москве.

После, на 5-м Краевом съезде Советов, меня выбрали членом Туркправительства. До этого, т.е. до 5-го съезда, я уже работал в Ташкенте, когда т. Колесов будучи больным живя в Белом Доме, в маленькой комнате, лежа больным он всегда принимал меня и давал указания и советы, по тем или иным вопросам.

До 5-го съезда почти весь бывший состав Автономного Кокандского Пр-ва, также состав делегатов, выбранных в П-во на созванном П-вом в 1918 г. Съезде в Коканде припятались в разных городах. Большинство же их приютилось в старом городе Ташкента.

Когда же на 5-м съезде Советов объявили амнистию, они появились и стали работать.

Некоторые вступили в партию и работают по сие время. Между прочим на 4-м съезде Советов т. Тоболин форменным образом разогнал выступивших на трибуне б/предст. Авт. Кокандского Пр-ва, т.е. тех рабочих делегатов, кои были выбраны на съезде в Коканде в члены «рабочего» правительства, а также одного, кажется, с Чимкентского духовенства. Последние и разбежались и припятались. После этого я работал с т.т. Колесовым и Тоболиным в Фергане, в то время я был комиссаром по национальным делам.

С того же момента, я все время, в каждойдневной работе, на съездах и т.д. как только видел участников б/Кок. Правительства баев, переводчиков (активн. сторон. Кок. Пр-ва), я беспощадно выступал против них.

Но слишком большая наша отсталость в культурном и политическом отношении не давала полного успеха. Что имеет место и по настоящее время. Мои же выступления с того времени да-ром не пропали.

Присосавшаяся в партии и в соворганах категория тех бывших людей, видя во мне человека, который им не дает покоя, который знает их прошлое и т.д. и организовали и продолжают организовывать против меня травлю, гонение и т.п. дабы убрать меня со своей дороги, о чем и свидетельствует все вышеупомянутое мною объяснение.

28/1-29 г. гор. Самарканд.

(Хусанбаев)⁵

⁵ РГАСПИ. Фонд 62, опись 4, дело 700, лист 269 – 271.




* * *

В центральную контрольную комиссию коммунистической партии Узбекистана
От члена партии Хаккул Хусанбаева,
проживающего в гор. Самарканде

ЗАЯВЛЕНИЕ

Мой младший родной брат Абдул Азиз Хусанбаев со дня Октябрьской революции поступил в партию и принимал активное участие в партизанской войне в Фергане со стороны Соввласти для борьбы противокулацкого восстания и активно боролся с басмачеством до 1921 г. и в 1921 г. меня командировали в Памир, а брат Абдул Азиз, после моего отъезда увидел, что в Фергане и в особенности в Туркеспублике стали возглавляться люди, которые к Соввласти не имели никакого отношения, а наоборот, развивающие и усиливающие басмачество в лице Хидыр Алиева, Рахимбабаева и др, которые руководили Туркеспубликой, тогда брат, боясь дальнейшего оставания в Фергане от своей жизни он из Фергани выехал в Ташкент, после короткого времени, как активный борец Абдул Азиз был снова вызван в 1922 году и был назначен со стороны председателя Совнаркома Туркеспублики т. Атабаевым на должность командира 2-го эскадрона в гор. Андижан. Тогда тов. Рахимбабаев, Предревкому Начальником особого отдела т. Байбековым, начальником политбюро т. Худяковым, секретарем Угоркома т. Нимеровым, Военкомом Чанашевым и Сагдиевым, в то время Курбashi Кичик Шермат добровольно сдался с джигитами, перед сдачей курбashi был вызван в чрезвычайной бассовещание, в котором председательствовал т. Рахимбабаев и было вынесено постановление, чтобы после сдачи курбашей сейчас же безотлагательно обезоружить, и когда Шермат с шайками сдавался, был подан рапорт на имя Рахимбабаева о обезоружении басмачей, тогда, приняв





рапорт Рахимбабаев умышленно не дал распоряжение об обезоружении курбашей Шермата, а наоборот, он моего брата Хусанбаева со своим отрядом в кишлаке Файзабад, в сторону Асаки вместе на днях сдавшим Шерматовым послал в Хакитскую волость Андижанского уезда, чтобы переговорить и другими басмаческими шайками, которые как Шермат будто хотели сдаваться, тогда по дороге Шермат моему брату Хусанбаеву предложил остановиться в одном кишлаке, чтобы поесть и покормить лошадей, так как до басмачей ещё далеко, когда они вышли во двор Шермата, тогда ранее договорившиеся басмачи организовали засаду вокруг двора и когда, Шермат стал стрелять на маузере моего брата, то окружающие засады убили добровольцев милиционеров в числе 18 человек и сам Шермат с джигитами опять вернулись обратно бороться с Соввалостью. Из этой группы остался жив тов. Военком, один Кадыр Джан Мирзаджанов, ещё живой Усман Курбashi, который был комвзводом, сейчас живет в Андижане, который был красивый мальчик, его оставили живым и держа некоторое время, отпустили. Все обстоятельства я узнал, когда беседовал с тов. Сагадаевым 16-го марта 1929 года и в подтверждении правильности, как живой свидетель выдал мне официальную прилагаемую при сем справку, после чего безбоязненно можно дать оценку тов. Рахимбабаеву, что он является предателем и сторонником шайки курбашей, благодаря его тайному предательству против революции были убиты бойцы и он получил за борьбу с басмачеством коим образом орден «Красная Знамя», как герой и борец.

Прошу Вас срочно и безотлагательно расследовать это дело и раскрыть физиономию тов. Рахимбабаева. Добавляю, что я все время работал по Туркестанской и других округах, а также не имел никакой родственной связи и ввиду этого картина не была выявлена. ... Я сам работаю с начала Октябрьской революции активно и противник всякой буржуазии, а также все мои родственники работали, так же много моих родственников погибло на этой работе с басмачами, все родственники пострадали из-за меня.

17/III-29 года. Гор. Самарканد.

(Хусанбаев)⁶

* * *

1938 йил 4 январь. Тошкент шаҳридан «Ўрта Осиё тарихи ва Революция музейи» партия ташкилотининг навбатдан ташқари ёпиқ мажлиси кун тартибига қўйилган «Музей директори Ҳаққул Ҳусанбоев устидан тушган материаллар муҳокамаси» кўриб чиқилмоқда. Маърузачи Родионов музейдаги икки сурат – эскпонат тўғрисида тўхталиб ўтади. Суратнинг бирида подшоҳ Николай II портрети ва жандармериячилар билан 1916 йили Андижонда мардикоролди кампанияси ўtkазилиши ватанпарварлик намойиши тасвиirlangan бўлиб, намойишчилар олдида Ҳаққул Ҳусанбоев кетаётганлиги акс этган. Иккинчи суратда 1917 йил 26 – 29 ноябрь кунлари Қўқонда ўтказилган IV ўлка мусулмонларининг қурултойида Туркистан мухторияти эълон қилинган ҳолат, биринчи қаторда бошқалар қатори Ҳ.Ҳусанбоевнинг ҳам ўтиргани акс эттирилган. Маърузачи биринчи суратни шарҳлаб 1916 – 1917 йилларда Ҳаққул Ҳусанбоев Андижонда жадидчи сифатида фаолият қўрсатгани, Туркистан генерал-губернатори Куропаткин Андижонга келганида унга пешвоз чиқиб табриклаганини, иккинчи суратда эса 1917 йил 26 – 29 ноябрь кунлари Қўқонда ўтказилган IV ўлка мусулмонларининг қурултойида «аксилинқилобий» Қўқон мухторияти эълон қилинган ҳолат ва биринчи қаторда барча «халқ душманлари» билан бирга Ҳусанбоев ўтирганини айтади. Қўшимчасига, 1919 йил январидаги Осипов исёни юз берган вақтда Ҳаққул Ҳусанбоев осиповчиларга қарши кураш олиб бормаганлиги ҳақида маълумотлар борлигини таъкидлайди.

Йиғилиш Ҳ.Ҳусанбоевни партия сафидан ўчириш ва Республика халқ маорифи комиссарлиги музейлар бўлимиidan Ҳ.Ҳусанбоевни Революция музейи директорлигидан бўшатишни

⁶ РГАСПИ. Фонд 62, опись 4, дело 700, лист 274 – 274 об.



сүрашга қарор қиласы. У лавозимидан маҳрум бўлади, партия сафидан чиқарилади. 1938 йил 23 февралда Ҳаққул Ҳусанбоев ўзи яшаб турган Тошкент шаҳар Октябрь тумани Кўкча маҳалла Биринчи Оқлон кўчаси 6-йида ҳибсга олинади. 26 февраль куни уйи тинтув қилиниб «наган» револьвер, 1 дона патрон, 10-B 16854-рақамли паспорт, 1361807-рақамли партия билети, 67408-рақамли профсоюз билети, йўл ҳаракати учун берилган рухсатнома, 1291-рақамли шахсий шаҳодатнома ва 2 сурат хатланади. Уйни тинтув қилиш Аминов, Трегулов, Оғабеков томонидан амалга оширилади. Тинтув пайтида Ҳаққул Ҳусанбоевнинг хотини – 46 ёшли Мастура Файзиева, ҳеч қаерда ишламаётган 26 ёшли ўғли Қодир бўлган.

1938 йил 1 марта Ҳ.Ҳусанбоевни терговчи Аминов сўроқ қиласы.

Савол: Сиз чор охранкаси хизматида бўлганмисиз?

Жавоб: Йўқ, мен чор охранкаси хизматида бўлмаганман.

Савол: Сиз тоняпсиз, нотўғри гапирияпсиз, тергов чин кўрсатма беришни талаб қиласы. Чор охранкасидаги хизматиингиз ҳақида кўрсатма беринг.

Жавоб: Мен хотиним билан бирга тилмоч Сулаймон Келгинбоевда ҳовли тозалигига қаровчи хизматкор бўлиб ишлаганман, у эса Андижон уезд бошлиғида тилмоч бўлиб хизмат қиласарди. Бу 1914 йилда бўлган эди. Кейин эса айни шу хизмат билан шаҳар суди тилмоchi Акбар қозоқда хизмат қилдим. Шундан сўнг бир неча вақт қишлоқда яшадим. Кейин яна шаҳарга келдим ва Андижон Эски шаҳаридағи нотариус Пиразизовда оғзаки тилмоч бўлиб хизмат қилдим. Шунингдек, чор адвокати Пилиевда хат ташувчи бўлиб ҳам ишладим.

Савол: Сиз ўз хизматингизнинг фақат расмий томонинигина айтяпсиз. Сиз чор ҳукумати муассасаларида расман хизмат қилиб қандай хиёнат-иғвогарлик ишларини олиб борганингизни тўғридан-тўғри айтинг.

Жавоб: Мен хиёнат-иғвогарлик иши олиб бормаганман.

Савол: Сиз ўзингизни аксилинқилобий Қўқон мухториятига мансублигингиз тўғрисида кўрсатма беринг.

Жавоб: Ҳа, мен Қўқон мухторияти съездиде иштирок этганимни инкор этмайман. Съезд кетаётган кунларнинг бирида Қўқон мухториятчиларининг раҳбарларидан Ҳожи Сафо Жўрабоев иштирок этиб, у «Забирай чемадан, освободи Туркестан» деган аксилинқилобий чақириқ русларга қарши қаратилган эди. Агар тергов талаб этса, бу ҳақда батафсилроқ кўрсатма берардим.

Савол: Нима учун сиз ноқонуний йўл билан қурол сақладингиз?

Жавоб: Қурол менга партия аъзоси бўлганим учун хавфсизлик хизмати органлари томо-



Ҳаққул Ҳусанбоев қизлари билан



нидан 1928 йилдаёқ берилған зди. Шундан бери ҳужжат муддати ўтиб кетгани боис ноқонуний равишда қуролни сақладим.

Савол: Ўзингизнинг аксилиңқилобий, миллатчи ташкилотга мансублигингиз ҳақида күрсатма беринг.

Жавоб: 1917 йили мен Андіжон шаҳридаги «Турон» аксилиңқилобий, миллатчи ташкилоти аъзоси бўлганман.⁷ Бошқа аксилиңқилобий, миллатчи ташкилотда бўлган эмасман.⁸

* * *

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар ҳалқ комиссариига

АРИЗА

Менинг эрим Ҳусанбоев қўйидаги з асосий ҳолатда айбланиб НКВДнинг маҳсус кенгаши ҳукми билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

1. 1916 йили Андіжон шаҳрида чор ҳукумати ўзбеклардан фронт орқасидаги ишларга мардикорликка сафарбар қилди. Ҳар 8 хонадондан 1 мардикор олиниши белгиланди.

Бу сафарбарликка бизнинг оиласиздан эримнинг туғишиган укаси Абдурасул Ҳусанбоев ҳам тортилган зди. Чунки камбағал оиласиз бошқа бир кишини ёллаб мардикорликка юборишига қодир эмасди. Ваҳоланки, бой ва ўзига тўқ оиласар бундай ишларни қилаётган эдилар. Мардикорни фронтга кузатиб қўйиш маросими кучайтирилган соқчилик билан подшоҳ байроғи остида юз берганди ва бу ҳолат расмга олинган зди.

Ўз укасини қузатиб қўйишга чиққан эрим Ҳусанбоев бошқа кузатувчилар оммаси орасида турган чоғида расмга олинган. Кейинчалик Революция музейи директори бўлиб ишлаётганида бу суратни эрим Тошкентда топиб олган ва уни тарихий ҳужжат сифатида музей архивига топширган. Ўшанда бу сурат унинг ўзини айбдор қилиш учун бир дастак бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган зди.

Ҳусанбоевнинг душманлари бу суратни ўша даврдаги ватанпарварлик намойишини акс эттирувчи деб билишиб, уни бадиий жиҳатдан тартибга келтириб, ўнглаб 1930 йили партияда иккинчи марта тозалов ўтказилаётган пайтда Республика Фан комитетига топширишган. Эримнинг душманлари бундай ҳаракатлар қилишга мажбур бўлиб қолган эдилар. Чунки биринчи партия тозалови вақтида эрим Фан комитетида уларни миллатчи, Кўқон муҳторияти тарафдорлари сифатида фош этганди. Шунда эримнинг душманлари ва ҳалқ душмани Манжара икки соат давомида нутқ сўзлаб (буни тозалов материалларидан кўрса бўлади), қилган ҳужумларига қарамасдан, барибир, улар эримни партия олдида бадном қила олмаганлар, биринчи тозаловда ҳам, иккинчи тозаловда ҳам эримга айб қўйиб партиядан ўчира олмаганлар.

Мана, энди шу сурат ва эримнинг мардикорларни кузатишдаги иштироки уни айблаб, 10 йил қамоқ жазосига тортилишига асос бўлган айбларнинг бош нуқтаси бўлиб турибди.

Демак, НКВДнинг маҳсус кенгаши 1938 йили Манжара 1933 йилда қилиши лозим бўлган ишни бажарибди. Ёки бўлмасам, маҳсус кенгаши бу нуқтага фарқ қилмасдан, суриштирмасдан, ҳатто тозалов материалларини қараб чиқмасдан Манжара тарафдорларининг гапни ишонибгина бу масалага ёндашган.

Бундай айбни мен нотўғри деб ҳисоблайман ва Ҳусанбоевни қайта сўроқ қилишни ва тозалов материалларини қараб чиқиши илтимос қиласман.

НКВДнинг маҳсус кенгаши ҳам, прокуратура ҳам ҳозирга қадар ўша мардикорларни ку-

⁷ Ахир «Турон» жамияти ҳали совет ҳокимияти ўрнатилмаган 1917 йил апрелида Андіжонда ташкил топган зди-ку. Нега Ҳ.Ҳусанбоев бу жамиятни аксилиңқилобий ташкилот деб айтгани сирли бўлса керак ёки баённома сохталаштирилган ҳолда тузилганга ўхшайди. Эҳтимол, Ҳ.Ҳусанбоев гапничувалаштирилмай осонгина «Турон» жамияти билан чекланиб қолишни маъқул кўргандир.

⁸ Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 8.81 – 82.



затиши күчайтирилган соқчилик ҳолатида юз берганини ва 1916 йили эрим ҳали сиёсий жи-хатдан мутлақо саводсиз бўлганини тушунишни хоҳламаяптилар. Оз бўлса-да тарих билан танишиб чиқиш керак, шу бугунги кун нуқтаи назаридан фикр юритиб ҳукм чиқармаслик керак.

2. 1917 йили Андижон Эски шаҳарида «Турон» жамияти ташкил бўлган эди. Дастлабида унинг мақсади маҳаллий аҳолининг саводини чиқаришдан иборат бўлган. Бу жамиятда менинг эрим 2 ой давомида котиблик қилган. Қачонки бу жамият ўзининг сиёсий қиёфасини ўзгартириб олгач, унга бой ва муллаларнинг ўғиллари кириб олгач, бу жамият тарқатиб юборилган ва у эрим Ҳусанбоев бошчилигига тугатилган.

Жамият бор-йўғи икки ярим ой фаолият кўрсатган. Ушбу воқеа бўлганидан бери орадан 22 йил ўтганига, у вақтда Ҳусанбоев саводсиз ва ривожланмаган одам бўлгани, шу боис у вақтда жамиятнинг сиёсий физиономиясини тушуниб етишга ожизлик қилганига қарамай, бу факт ҳам Ҳусанбоевни айбдор қилиш учун хизмат қилмоқда.

3. 1917 йил декабрь ойи Андижон Эски шаҳар ишчилари томонидан Ҳусанбоев Қўқон муҳторияти вакиллари томонидан чақирилган ишчилар съездига вакил қилиб сайланади. Бу съездда ҳокимиётни ишчилар қўлига бериш тўғрисида масала кўтарилади. Бундай талаб билан чиққанлар қаторида Ҳусанбоев ҳам бўлган, бироқ улар озчиликни ташкил қиласди ва кўпчилик Қўқон муҳторияти томонига ўтиб кетади. Ҳусанбоев бу съездда муҳториятчи эмас, балки ишчилар съезди делегати сифатида қатнашган. Унинг бу съезддаги иштироки уни айбдор қилишда з-банд бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ҳам нотўғри, чунки эрим ҳеч қачон муҳториятчи ва миллатчи бўлган эмас. Бу ҳақда унинг Ленин ва Сталин партияси ишига садоқат билан сўнгги 20 йил давомидаги иш фаолияти далолат бериб турибди.

1921 йил май ойида Ҳусанбоевнинг укаси Эскадрон командири Абдулазиз Ҳусанбоевни босмачилар ваҳшийларча ўлдирдилар. Ундан олдин 1918 йили эса Андижондаги Ҳинд мозор қишлоғига унинг бошқа бир укаси, Чинобод волости ревкоми раиси Абдураҳим Ҳусанбоевни муҳториятчи, босмачилар ўлдирдилар.

1938 йили менинг эрим бо ёшлик кекса Ҳаққул Ҳусанбоевни НКВД кенгаши («учлиги» – Р.Ш.) юқоридаги фактлар учун 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этди ва мен уни шундан бери қўрганим йўқ. Ахир 22 йил муқаддам бўлиб ўтган воқеа учун 10 йил қамоқ жазоси бериш тўғрими? Сиз биласизки, 22 йил аввал эрим маълумотга эга эмасди, унинг сиёсий масала-ларга ақли етмас эди.

1917 – 1918 йиллар воқеаларининг душманлар томонидан бузиб кўрсатилишига, қаллоблик қилишига асосланибгина Ҳусанбоевнинг қамоқ жазосига ҳукм қилинишини ноҳақлик деб биламан. Ҳусанбоев кўп нарсани билгани учун ғанимлари қандай бўлмасин унинг озодликка чиқмаслигини хоҳлашяпти.

Ҳусанбоевни қайта сўроқ қилишни, 1933 йилдаги партия тозалови бўйича унинг ишини кўриб чиқишини ва ўзбек Ҳусанбоевнинг 1917 – 1918 йилларда ким бўлганини, яъни унинг ўша вақтдаги ҳолатини ҳисобга олишни сўрайман.

Ўзбекларнинг кўпи у вақтда масжидга қатнарди, эндиликда эса партия улардан ҳалол ва садоқатли ходим тайёрламоқчи.

Нега менинг эрим бо ёшда 22 йил аввал юз берган воқеа учун қамоқхонада ўлиб кетаркан?

Агар бошқа айблари бўлмаса, у ҳолда, Ҳаққул Ҳусанбоевни озод қилишни илтимос қила-ман.

Мастура Файзиева. 24 сентябрь 1939 йил. Тошкент шаҳри



* * *

Мастура Файзиева адолат истаб Ўзкомпартия Марказқұм биринчи котиби Усмон Юсупова, Олий Совет раиси Йўлдош Охунбобоевга, ССР НКВД комиссари Л.П.Берия номларига ҳам ариза билан мурожаат қылган. Л.П.Берияга ёзган хатида мана бу сатрлар бўлган:

«Менинг бо ёшли эрим Ҳаққул Ҳусанбоев, Революция музейининг собиқ директори Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг маҳсус кенгаши томонидан 22 йил аввал юз берган воқеа учун 10 йил қамоқча ҳукм этилди. Республика прокурорига бу ҳақда берган кўрсатмамни илова қилмоқдаман. Ҳусанбоевнинг шахсий душманлари маълумотига асосланиб унинг қамалишини тўғри эмас деб биламан.

Мен инқилобий хизматларим учун шахсий пенсия олиб турибман. 1921 йили Бутунrossия советларининг съездидаги вакил бўлиб қатнашганман, меҳнаткашларнинг улуғ доҳийсида, Ленинда бўлганман, у билан суҳбатлашганман.

1920 йили ўртоқ Куйбишевнинг тавсияси билан партияга кирганман, аммо отилиб кетган халқ душмани Икромов 1925 йили мендан партия билетини олиб қўйган ва партия аъзолигидан маҳрум қылган.

Ҳозирги вақтда мен иш қобилиятимни йўқотганман. Менинг кўрсатмамни ўқиб чиқишини ва қария Ҳусанбоев қолган умрини тинч ўтказиб, халқ фойдасига ишлаши учун уни озод қилишни илтимос қиласман. У бо ёнда, касалманд, ҳозиргача бир қанча аризалар бердим, лекин ҳеч қандай натижа йўқ. Ишни кўриб чиқишини тезлатиш ва уни озод қилишни жуда ҳам ўтиниб илтимос қиласман.

Мастура Ҳусанбоева. Тошкент шаҳри Московская кўчаси 20-үй».

Ўз навбатида, Ҳаққул Ҳусанбоев ҳам қамоқдан юқоридаги жойларга аризалар йўллаб турган. Аммо бу аризалар, кўрсатмаларнинг ҳеч қандай нафи, натијаси бўлмаган. Ўзбекистон ССР прокурори ўринбосари вазифасини бажарувчи Ярашенко 1942 йил 9 марта ана шу аризалар бўйича холоса тайёрлаган. Унда НКВД қошидаги учликнинг чиқарган ҳукми тўғри деб топилган. Қарорда: «Ҳаққул Ҳусанбоев аризаси оқибатсиз қолдирилсин, иш НКВДга сақлаш учун қайтарилсин», – дейилган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги терговчиси, давлат хавфсизлик хизмати кичик лейтенанти Ҳусанхўжаев маҳбус Ҳ.Ҳусанбоевнинг ва унинг аёли Mastura Ҳусанбоеванинг аризаларини кўриб чиқиб, 1938 йил 5 апрелдаги ҳукмни ўз кучида қолдириш, уларнинг аризаларини оқибатсиз қолдириш керак деган холосага келади. 1947 йили Ҳаққул Ҳусанбоев қамоқда вафот этади.

Ҳаққул Ҳусанбоев фаолиятининг айrim қирралари мустақиллик йилларида тарихчилар томонидан очиб берилган, унинг хотираси Тошкент ва Андижонда абадийлаштирилган, унинг номи билан кўчалар аталган.⁹

Тақризчи Д.Собирова, доцент

⁹ Шамсутдинов Р. Истиклол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.79 – 95.



ОТРЫВКИ ИЗ ВОСПОМИНАНИЙ ГАФУРА ХАЙДАРОВА

(Давоми. Боши аввалги сонларда)

За ним, по вертикали, через всю центральную часть детдома, был проложен неширокий утрамбованный земляной тротуар, который на две равные части разделял площадь. На северном конце тротуара размещалась крошечная, размером порядка двенадцать кв метров, электростанции с мощностью около 50 квт часов, как дизельная электросеть дореволюционного Ходжента, обслуживавшая, главным образом, центр детдома. Я очень любил эту станцию и задолго до начала пуска дизеля (часов в 5 вечера), ходил туда и с интересом наблюдал за процессом работы.

На станции работал всего один человек – высокий, не очень молодой, русский электрик, он не отгонял меня, со мной заводил одностороннюю беседу, ибо я ни единого его слова не понимал, но старался жестами и мимикой «разговаривать» со мной. Меня страшило и удивляло огромное колесо, пристроенное к боку дизеля, которое приводило в движение находившийся поблизости электрогенератор (динамик). Я поражался физической силе электромеханика, который раскачиваниями колеса то влево, то вправо, запускал мотор. Меня приводило в восторг мгновение включения рубильника, после которого зажигались сразу все лампочки.

За воротами, буквально у кромки оврага, находился очень большой артезианский колодец (водокачка), обеспечивавший все объекты детдома чистой студеной водой. Когда бывал у колодца, поражался таинству природы: кругом пески и солончаки, а под ними течёт животворная вода!

Он представлял из себя довольно сложный механизм. В середине площадки, где был вырыт сам колодец (по моим представлениям очень глубокий) на шарнирах стоял толстый деревян-

ный столб, чуть выше середины которого был сооружен большой деревянный круг (барабан). Обтянутый в несколько колец цепями, которые служили для спускания и вытягивания чана (большое деревянное ведро), к барабану присоединялось бревно длиной в три-четыре метра, посредством которого приводился в движение барабан вокруг её оси. Для вращения барабана, т.е. пуска чана в колодец и вытягивания его с водой использовалась ломовая площадь, но часто дежурные по кухне, работники скотного двора, банщики, прачки сами вращали барабан.

Поднятая вверх вода по желобку сливалась в объёмное деревянное корыто, а из неё вёдрами заполняли бочки, прикрепленные в специальные брички и лошади везли её туда, где ждали воды.

Словом, водоснабжение детдома исключительно зависело от «технического» состояния и бесперебойной работы колодца, поэтому мы старались, как зеницу ока, беречь этот источник жизни от всяких окаяний.

Во второй половине детдомовского двора, напротив административного центра, находилась преогромная постройка, которую правильно было именовать – парком сельскохозяйственных инвентарей. Что только там не хранилось – начиная от плуга и сеялок, кончая пилой и бороной, в амбаре было в большом количестве запчастей к сельхозинвентарям, строительные материалы, в частности штабелями лежали доски, полные ящики с гвоздями и т.п. Если бы не видел их своими глазами, то не сохранились бы в деталях в моей памяти.

Этот склад и находившиеся в нём орудия труда свидетельствуют о том, что хозяин хутора располагал большим массивом пашни, где широко применялась рабочая сила батраков и



издольщиков.

Руководство детдома почему-то не использовало весь этот арсенал сельхозорудия, превращая его в мёртвый капитал.

В углу центра была сооружена физкультурная площадка, которая со всех четырёх сторон была опоясана густой живой стеной из колючих кустарников и деревьями акации. Она состояла из волейбольной площадки, уменьшенного футбольного поля, беговых дорожек, а для малышей в углу площадки сооружена карусель-вертушка на верёвках, где жалеющих покататься было хоть отбавляй.

Там всегда было шумно и весело, ребячий хот и визг сотрясал небо. В будние дни на физкультурной площадке строго по урочному расписанию проходили занятия по физкультуре, обычно в утреннее время.

Ребята охотно шли на различные физкультурные секции, с большим желанием участвовали на соревнованиях по первенству в различных видах спорта (я, например, отлично катался зимой на самодельных коньках, которые сами же и мастерили). В детдоме устраивались и физкультурные олимпиады по легкой атлетике, нас не учили боксу и тяжёлой атлетике. Ребят, удостоивших подняться на почётные пьедесталы, директор детдома лично награждал благодарственными грамотами и т.д.

Буквально впритирку с физкультурной площадкой стояло приземистое, достаточно длинное безоконное строение, на дверях которого всегда висел замок. Идя на физплощадку, глядя на это «тайное» сооружение, часто задавал себе вопрос: что же там хранится? На свой вопрос вскоре нашёл и ответ. Когда дежурил по кухне, мне сказали, что я со своим напарником должен пойти к заведующему кладовой для получения сырья для приготовления обеда. Заведующий складом нас повёл к этим интригующим дверям и когда он открыл их и пригласил во внутрь, то я своим глазам не поверил, глядя на обилие продуктов питания, которые там хранились: картошка, лук, морковка, свекла, капуста и ещё кое-что другое лежали горками на земле или уложенные в ящики.

Самая главная примечательность этого

склада заключалась в том, что он охлаждался естественным холодом за счёт большой массы больших кирпичных льдов, сложенных в штабеля и покрытых сверху тонким слоем самана. Склад можно было считать природным холодильником. В душе благодарили нашего директора за проявление столь большой заботы о нас-сиротах. После увиденного на складе я понял причину хорошего вкуса блюд, которыми нас потчевали.

Почти одну треть центра детдома занимал пищевой блок, состоявший из кладовой 45 – 50 летний сухопарый мужчина (его имени никто не знал), темный брюнет с красным носом и редкими усами, беспорядочно торчащими над тонкой губой, вечно угрюмый, ворчащий себе под нос, смотрел на людей злым взглядом своих чёрных глаз.

Всегда был поддатым, поэтому дежурные столовой, имевшие дело с ним, очень его боялись, ни за что ни про что повышал на нас голос, если мы отказывались подписаться в получении продуктов для кухни – боже упаси, так дёргал за ухо, будто собирался его оторвать от тела.

На кухне поварихой работала Сайданисо хола, родом из Канибадама, чуть ниже среднего роста, дородная, белолицая, добрая, ноющая – о таких женщинах обычно говорят – она, когда надо, сумеет постоять за себя. Она имела двух сыновей – Нематджона и Муртазохона, которые считались детдомовцами, питались, обувались как мы, но спали у мамы; повзрослев, братья нашли своё место в обществе. Так, Нематджон после участия в Великой Отечественной войне продолжил военную стезю, работал военным комиссаром Пенджикентского военкомата, вышел на заслуженный отдых в чине подполковника. Сайданисо по возвращении из Ставрополя на родину прожила долгую жизнь в окружении детей и внуков и скончалась в конце 90-х годов, похоронена в Канибадаме.

Сайданисо готовила вкусно, ребята были довольны всеми приготовленными ею блюдами. Она работала одна, но с помощью дежурных. Каждый день пятеро детдомовцев несли вахту на пищевом блоке: двое непосредственно на



кухне, двое в столовой и один у очага в роли истопника.

Кухня и столовая были небольшого размера, где-то 50 – 60 кв м разделенные стеной на две части. Пища подавалась через маленкое оконечко. На кухне были наглоухо вмонтированы к стене от очага два больших котла, на одном из них варились первые блюда, а на втором кипятились воды. Вторые блюда, поджарка и т.п. готовились на другой посуде, самовара не было, чай заваривали в больших алюминиевых чайниках, которых разносили дежурные, они же сервировали столы.

Очень важную роль в изготовлении горячей пищи играл истопник. Ему поручались довольно тяжелые обязанности: заготовка

дров любым способом (нельзя забывать что в Николо-Александровске деревья и кустарники были с колючками) и представьте себе на минутку работу истопника по обработке этих дров с острыми и длинными как шило колючками; поддержка необходимой температуры в очаге, «регулировка» которой осуществлялась путём постукивания в стену, ибо топка и кухня были никакого козырка или навеса и ему приходилось «загорать» летом, «леденеть» зимою, мокнуть как курица в дождливую погоду. Но несмотря на незавидное положение истопника, у него было и преимущество в сравнении с другим дежурными – он перед уходом лично из рук шеф-повара получал в подарок большой кусок рафинада...

(Давоми бор)



АБДУЛЛАЕВ ҲАБИБ МУҲАММЕДОВИЧ

(1912 – 1962)

Рустамбек Шамсутдинов

(Давоми. Боши 2017 йил 1-2 сонларида)

Ҳ.М.Абдуллаевга қарши ҳужум қампанияси бо-йиллар бошларида ҳам катта кўламда олиб борилганидан тарихий ҳужжатлар далолат бермоқда. Бу сафарги ҳужумга ЎзКомпартия Марказкўми иккинчи секретари Ф.Е.Титов ва мафкура ишлари бўйича секретар Зухра Раҳимбобоева бошчилик қилганлар.

ЎзФА Президенти Ҳ.М.Абдуллаев устидан 1960 йил 7 апрель, 1 сентябрь, 1961 йил 12 апрель, 25 апрель саналари кўйилган имзосиз хатлар Марказкўмга келиб тушган. Бу хатларни текшириш ва Марказий Комитетга ёзма ахборот бериш учун Ф.Е.Титов кўрсатмаси билан F.Султонов, А.Поспелов, М.Аношкин, С.Бирюковдан иборат комиссия тузилган. Бу комиссия фаолият кўрсатиб 1961 йил 29 июнда ЎзКомпартия Марказкўми секретари Ф.Е.Титов номига «**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ражбар ходимлари устидан имзосиз хатларни текшириш натижалари тўғрисида маълумотнома**»ни тақдим этган.

ЎзКомпартия МК котиби Ф.Титов кўрсатмаси билан тузилган комиссия академиянинг барча ҳужжатларини текширган ва тегишли кишилар билан сұхбатлашган, улардан тушунтириш хатлари олган, имзосиз хатларда келтирилган далилларнинг бир қисми тасдиқлангани маълумотномада қайд этилган. Унда Ҳ.М.Абдуллаев ва вице-президент И.М.Мўминов кадрларни танлаш ва тарбиялашда камчиликларга йўл қўйгани, партия ташкилоти топшириклиарини бажармагани, илмий йўналишда шубҳали бўл-

ган шахсларни қўллаб-қувватлагани қаби қатор айблар келтирилган. Улардан айримларини келтирамиз:

1. СССР Олий аттестация комиссиясида Ҳ.Ш.Иноятовнинг докторлик диссертацияси кўриб чиқилаётганда Ҳ.М.Абдуллаев уни қўллаб-қувватлаган, ҳар томонлама ёрдам кўрсатган, Ҳ.Ш.Иноятовнинг нокамтар, амалпарастлигини ҳисобга олмаган, у диссертация ҳимоя килаётган пайтда Низомий номли Тошкент пединститутида доцент бўлган, диссертацияни шу институт ҳисобидан ёқлаган.

2. Ҳ.М.Абдуллаев И.М.Мўминов билан биргалиқда тарих фанлари доктори Яҳё Ғуломовни 3 йилдан ортиқ вақт мобайнида ЎзССР ФА Тарих ва археология институти директори лавозимида ишлатганлар, ваҳоланки, Яҳё Ғуломов ишчанлик хусусиятига кўра бу лавозимга мос эмас эди.

3. Кўчирмачи олим деб ном чиқарган Шомухтор Шомағдиевни Тарих институти директор ўринбосари вазифасида ишлатганлар.

4. Ишчанлик қобилияти ва илмий малакага эга бўлмаган юридик фанлар номзоди Ҳайдар Пўлатов 1958 йилдан Фанлар академияси аспирантурасининг философия кафедраси мудири вазифасида ишлаб келган. Марказий Комитетга аспирантлардан Х.Пўлатов ўқиётган лекцияларнинг даражаси паст эканлиги ҳақида бир неча бор шикоятлар келиб тушган. Партия органларининг танлов эълон қилиш орқали Х.Пўлатовни алмаштириш тўғрисидаги топшири-



фини Ҳ.М.Абдуллаев, И.М.Мўминов четга сурин келишмоқда.

5. Президент Ҳ.М.Абдуллаев ва И.М.Мўминов партия органлари тавсия этмаган юридик фанлар доктори Отабой Эшоновни Философия ва ҳуқуқ институти директори вазифасига қўйганлар.

6. ЎзССР ФА Тарих музейи директори Гуломқодир Рашидовни ўз хоҳишига қарши бу вазифадан олиб, Тарих ва археология институтига ўтиб ишлашга мажбур қилишган.

7. 1953 йил сентябрда ОАК Президиуми Ҳ.М.Абдуллаевнинг докторлик иши ҳақидаги масалани қўраётганда диссертант бошқа тадқиқотчиларнинг асарларидан нотўғри фойдаланган, умумий қоидани бузганига қарамай, ОАК Президиуми унга геология-минералогия фанлари доктори илмий даражасини бериш тўғрисидаги қарорини қайта қўриб чиқишга етарли асос топмаган.

8. Вице-президент И.М.Мўминов 1959/1960 ўқув йили учун аспирантурага қабул жараёнига масъул бўлишига қарамасдан, аспирантларни танлашда миллий таркиб мутаносиблигини таъминламаган. Қабул қилинган 165 аспирантдан 139 нафари ўзбек, 9 нафари рус, 5 нафари Ўрта Осиё миллатлари вакиллари ва 12 нафари бошқа миллат вакилларидан бўлган.

9. «ЎзССР ФА Хабарномаси» (ижтимоий фанлар туркуми) муҳаррири И.М.Мўминов ўз хоҳиши билан рус муаллифлари мақолаларини олиб ташлаб, нисбатан анча паст бўлган ўзбек муаллифларининг мақолаларини чиқарган.

10. Диссертациялар ҳимояси бўйича бирлашган илмий кенгаш раиси И.М.Мўминов ўзбек муаллифларининг диссертацияларини биринчи ўринга қўйиб иш кўрган. У раис бўлган 22 кишидан иборат кенгаш таркибида 17 нафар ўзбек, 4 нафар рус ва 1 нафар немис бўлган.

1958 йил 12 мартадан 1960 йил 22 апрелигача ижтимоий фанлар бўлими бирлашган кенгашида номзодлик диссертациясини ёқлаганларнинг таркиби 22 ўзбек, 6 рус, 4 тоҷик, 2 қозоқ, 3 татар, 2 яҳудийдан иборат бўлган.

«ЎзССР Фанлар академияси хабарномаси»да (Ижтимоий фанлар туркуми) 147 нафар муаллифнинг 200 га яқин мақолалари, илмий ха-

барлари, ахборотлари, тақризлари ва бошқа материаллари чоп этилган. Муаллифларнинг 92 нафари ўзбек, 35 нафари рус, 2 нафари қорақалпок, 5 нафари татар ва бошқа миллат вакиллари бўлган.

11. Фанлар академияси раҳбарияти штатлар ва молиявий интизомни қўпол равишда бузган, маблағлар ортиқча сарфланишига йўл қўйган.

12. Академия раҳбарияти партия ва ҳукуматнинг бошқарув аппарати ишини қисқартириш ва такомиллаштиришдан иборат талабига қарама-қарши молиявий интизом ва давлат маблағларини исроф қилиш йўлидан борган. Академия Президиуми ва институт ходимларидан 243 ходимга маош қўпайтириб берилган, 131 минг рубль давлат маблағи беҳуда сарфланган.

13. ЎзКомпартия Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг 1959 йил 17 деқабрдаги қарори билан академия ходимларига реализация учун 6 та ГАЗ-67 маркали енгил автомашина ажратилган. Ундан бири Ядро институти учун С.В.Стародубцевга, иккинчиси шу институт бош инженери Маҳкамовга, Институт директори У.Р.Орифовга берилган.

14. ЎзКомпартия Марказий Комитети бюросининг 1960 йил 9 апрелдаги «ЎзССР ФА илмий кадрлар билан ишлаш тўғрисида»ги қарорида олимлар орасида хусусий мулкчилик тенденцияси мавжудлиги кескин қораланишига қарамай, ФАдаги раҳбарлик ва масъулиятли лавозимлардаги қўплаб ходимлар хусусий мулкчилик тенденциясини, ўзидағи нокамтарликни намойиш қилишни давом этмоқдалар.

15. ЎзФА Президенти Ҳ.М.Абдуллаев Луначарский посёлкасида ўзига пишиқ гиштдан иккита ойнали айвони билан икки қаватли ҳовли-жой қурган.

16. ЎзФА вице-президенти С.В.Стародубцев ҳам Луначарский посёлкасида катта ҳовли-жой қуришни бошлаб юборган.

17. ЎзФА президиуми аъзоси, академ-секретари Ҳ.Ф.Фозилов Луначарский посёлкасида пишиқ гиштдан қўрғон қилинган икки қаватли уй қурилган.

18. ЎзФА президиуми аъзоси Убай Орифов хусусий ҳовли-жойи бўла туриб Луначарский посёлкасида иккиинчи ҳовли-жой қурилишини

бошлаб юборган.

19. ЎзФА академиги М.Т.Ўразбоев Тўқимачилик институтига тегишли, майдони 80 кв метрга яқин шинам уйда яшаётганига қарамай, Луначарский посёлкасида ўзи учун ҳовли-жой қуряпти.

20. Академик Ҳадича Сулаймонова, мухбир аъзолар С.А.Азимов, Э.Отахонов ва бошқалар ҳам ўзлари учун ҳовли-жойлар қуришга киришганлар.

21. Молиявий хўжалик ишлари бўйича президент ўринбосари С.Азизов Тошкентда (Сагбон кўчаси 1-тупик 84-уй) 5 хона шахсий уйига эга бўлгани ҳолда Оржоникидзе посёлкасида (Красновосточная кўчаси 1-тупик 14-уй) ўғли 23 ёшли Рихси Собирович Азизов номига уй-жой сотиб олиб берган.

22. Президентнинг сабиқ ўринбосари, кейин ЎзССР Давлат қурилиш қўмитаси раиси А.Алиев Оржоникидзе посёлкасида 85 кв м бўлган 5 хонадан иборат ҳовли-жой қуриб олган.

23. Академиянинг иш бошқарувчиси Д.Махкамов 1955 – 1956 йилларда фойдали майдони 79 кв м бўлган 4 хонали янги уй қуриб олган.

24. ЎзФАда 189 киши ишлайдиган Марказий тажриба устахоналаридан ташқаридағи 320 та штатдан иборат 11 механика устахонаси мавжуд бўлиб, уларда давлат бюджетидан маош тўланади.

25. Тўртта илмий-тадқиқот институти қошида 100 кишига яқин одам ишлайдиган тажриба конструкторлик бюоролари бўлгани ҳолда, шу йилнинг апрелида тажриба ишлаб чиқариш йўналишидаги конструкторлик бюроси тузилган.

26. Гўёки И.М.Мўминов фотокўргазмасидан академик Убай Орифовнинг рус ишчилари билан тушган фотосуратини олиб ташлаш ҳақида буйруқ бергани, институтлардан партбюоронинг қарори билан директорлар русларни ишга олгани учун айблангани, симфоник мусика муваффақият қозонолмаётганлиги, уни сон ва овоз манераси фойдасига қайта қуриб чиқиш зарур деб айтгани, Москвага малака оширишга юборилаётганда унинг таркиби ўзбеклардан иборатлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина хатни имзолагани, президент Ҳ.М.Абдуллаев яширин тарзда фоҳишаҳонага қатнашини

тегишли асос йўқлиги сабабли текшириш имкони бўлмаганини комиссия эътироф этишга мажбур бўлган.

Текшириш натижалари бўйича Фанлар академияси ЎзКомпартия Президенти Ҳ.М.Абдуллаев, вице-президент И.М.Мўминов ЎзКомпартия Марказий Комитетининг олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлимига чақирилиб, улар билан тегишли тартибда суҳбатлашиб, мана бу қарор лойиҳаси билан таништирилган:

1. Фанлар академияси президенти ўрт. Абдуллаев М.Ҳ., академик-секретар ўрт. Фозилов Х.Ф., академиклар ўрт. Арифов У.А. ва ўрт. Ўразбоев М.Т., ЎзССР Давлат қурилиш қўмитаси раисининг ўринбосари ўрт Алиев А., Фанлар академияси президентининг ўринбосари ўрт. Азизов С.А., Фанлар академиясининг сабиқ иш бошқарувчиси, ҳозирда Ядро физикаси институти директорининг ўринбосари ўрт. Махкамов М.М., мухбир аъзо ўрт. Азимов С.А. ва бошқалар хусусий уй-жойлар қуришда ортиқча ҳашамдорликка берилгани ва шу орқали хусусий мулкчилик қўринишларини юзага чиқарганларни, совет олими деган юқсак номни обрўзизлантирганларни учун КПСС сафидан ўчириш ва эгаллаб турган лавозимидан бўшатишгача бўлган кескин партиявий ва маъмурний жавобгарликка тортилсин.

Номлари қайд этилган ўртоқлар 10 кунлик муддат ичida эгаллаб турган тураржойларидан бирини Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси коммунал фондига топширсан.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Фанлар академиясидаги штатларни тартибга солиш, штатларни молиялаштиришдаги кўпол хатолар билан боғлиқ фактларга чек қўйиш бўйича тегишли чоралар қўриш топширилсин.

ЎзССР Фанлар академиясидаги молиявий-хўжалик ва штатлар интизоми билан боғлиқ жиддий камчиликлар тўғрисидаги материаллар тергов органларига топширилсин.

3. Шу йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон ССР ФА Президиумига муддатидан аввал қайта сайловлар ўтказиш мақсаддага мувофиқ деб ҳисоблансан.

4. Ўзбекистон КП МК фанлар, олий ўқув юрт-

лари ва мактаблар бўлимига ЎзССР ФА илмий ходимлари ўртасида ғоявий-сиёсий тарбияни кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш топширилсин.

Комиссия аъзолари: Г.Султонов, А.Поспелов, М.Аношкин, С.Бирюков

1961 йил 29 июнь

Бу ҳужжат ўша қуниёқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Ф.Е.Титога топширилади. Ф.Е.Титов 1961 йил 12 июлида ҳужжатта: «МК секретарлари таништирилсин. Ўрт. З.Раҳимбобоевага ушбу масала бўйича ўрт. F.C.Султонов билан бирга таклиф тайёрлашингизни сиздан илтимос қиласман Ф.Титов», – деб имзо чекади.

Бу топшириқ бажарилади. 22,5 бетдан иборат **«Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросига»** номли ҳужжат тайёрланади. Уни 1961 йил 3 декабрда З.Раҳимбобоева, К.М.Муртозаев, С.А.Азимов, F.C.Султонов, А.А.Поспелов, М.Ф.Аношкин, А.И.Бродова имзолаганлар.

1962 йил 22 январь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси йиғилиши бошланди. Кун тартибида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси масалалари. Йиғилишда қатнашганлар Раҳимбобоева, Абдуллаев, Абдураззоқов, Мусахонов, Мартинов, Муртозаев, Насриддинова, Наймушин, Федюнинский, Рашидов, Фозилов, Стародубцев, Азимов, Юнусов, Мўминов. У давр одатига кўра Бюро йиғилиши рус тилида олиб борилди. Биринчи бўлиб сўз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ҳабиб Муҳаммадович Абдуллаевга берилди. Нутқни айнан келтирамиз:

«т. Абдуллаев X. – Товарищи члены Бюро ЦК, за отчетный период, то-есть с 1956 по 1962 год – за пять с лишним лет – Академия наук с 1600 человек дошло до 8 тысяч, стала крупным, мощным научным центром. Конечно, немалая заслуга в этом деле принадлежит прежде всего партии и правительству, потому что такую щедрую помощь Академия наук никогда не получала, Академия выросла. Такой быстрый рост Академии вызвал одновременно и различные болезни. Вы знаете, что мы не были подго-

товлены к такому развороту работ, потому что принять самую огромную армию и столько институтов нам было трудно.

У нас были недостатки в подборе и в воспитании кадров, естественно были недостатки и в подготовке кадров. То, что говорилось здесь раньше в ЦК, о недостатках в подборе, расстановке и воспитании кадров – все это имело место.

Действительно, мы в отличие от многих Академий, я имею ввиду Украину, мы тянемся к тому, чтобы подойти к Украине, закавказских республик – соотношение кандидатов и докторов наук у нас недостаточно, мы больше идем со среднеазиатскими республиками, в то время как у нас было желание догнать наиболее передовые республики. Поэтому мы отстали. Не была проведена подготовительная работа в течение длительного времени. Надо было подготовкой кадров заняться не 2-3 года тому назад, а лет 10 тому назад. А мы взялись за это дело недавно. Поэтому мы очутились перед таким фактом: в Ядерном институте работает 1400 человек, а докторов наук всего 2, в Полимерном институте работает 300 человек, а доктор наук 1. В результате – все последствия некачественная работа.

Разве я могу спорить с кем нибудь, что не было таких случаев, выполняемая работа рядом научных сотрудников была на низком уровне, потому имело место факты разработки ряда неактуальных тем, иногда затягиваем сроки выполнения работ?

Поэтому во второй части, что у нас имеют место недостатки в разработке проблем – я тоже согласен.

Если посмотреть работу Академии в целом, то за пять лет проделана известная работа. Мы об этом сегодня докладывали. Приятно сознавать, что если даже сравнить 1960 с 1961 годом, то мы в 1960 году сумели обеспечить защиту 6 докторских и 54 кандидатских диссертаций, а в 1961 году – 13 докторских и 129 кандидатских диссертаций. У нас готовы к защите диссертаций 180 кандидатов и 19 докторов. Поэтому здесь имеется большой задел.

Я думаю, что в ближайшее время с помощью



Центрального Комитета и вопрос подготовки кадров можно будет наладить.

Но главное не в этом. Главный и серьезный недостаток заключался в том, что мы, члены Президиума Академии не дошли до каждого работника. У нас имеется неплодовитость людей, с отдачей плохо, еще не каждый чувствует, что за все это, что он получает, он должен отдать. Самое главное – мы не дошли до каждого научного работника. Это центральный вопрос.

Поэтому проект, с которым мы ознакомились надо несколько изменить, отразить эти

вещи, потому что независимо от того, кто будет руководить, постановление Бюро ЦК должно быть мобилизующим, направляющим, нацеливающим наш актив. Поэтому постановление надо поправить.

Вы знаете, что в 1960 году я перенес инфаркт, а в 1961 году – микроинфаркт. Сейчас я работаю. На любом участке, куда меня направят ЦК, я буду работать. Может быть целесообразно будет найти другого товарища, который будет более здоров и крепок. А я там, где будет нужно, буду работать».

(Давоми келгуси сонларда)



ЭРК ВА ҲУРРИЯТ КУЙЧИСИ

Наим Каримов,
филология фанлари доктори,
профессор

«Миллий руҳланиш – даҳоларнинг буюқ бешигидир». Америкалик мутафаккирлардан бирининг шундай пурхикмат сўзлари бор. Агар шу доно сўзлар билан «қуролланган» ҳолда Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ижодига назар ташласак, унинг руҳланиши негизида эрк ва ҳурриятнинг мунаввар ғоялари ётганини кўрамиз.

Туркистондаги миллий уйғониш ҳаракати ўтган аср бошларида, Чўлпон адабиёт оламига кириб келгунига қадар бошланган. Аммо 1914

иили ижоди «Туркистонли қардошларимизга» шеъри билан бошланган Чўлпон тез орада шу қутлуғ ҳаракатнинг пешқадам вакилларидан бири даражасига кўтарилиди.

Агар ўзбек халқининг шу даврдаги ижтимоий ва маданий савиясини кўз олдимизга келтиримоқчи бўлсақ, Чўлпоннинг шу шеърини эслаш ўринли бўлади. У «Туркистонли қардошларимизга» шеърининг қуидаги сатрларида дилидаги афсус-надомат туйғуларини ифодалаган эди:

*Илму маърифат ҳам ҳунардан қолди маҳрум бизни халқ,
Маърифатсизлик балосига йўлиқгон бизни халқ.*

*Бир киши миллатпарат ўлса, деюрлар «дахрий» деб,
Бир киши миллатни сўкса, иззат айлар бизни халқ.*

*Мактаб ўрнига очилди ҳар маҳалда¹ майхона,
Нафрат эттак нари турсин, шоду хандон бизни халқ.*

*Мактаба йўқ бир тийини, тўйга минг сўмлаб берар,
Чорасиз мушкул касалга мубталодир бизни халқ.*

*Ибрат олмайдир, бошига шунча кулфат келса ҳам,
Мисли бир калтак йўқотган кўрга ўхшар бизни халқ...²*

¹ Маҳал – «маҳалла» сўзининг жонли тилдаги қисқарган кўриниши.

² Чўлпон Асарлар. Тўрт жиллик. 1-жилд. Шеврлар. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б.14.



Чўлпон мансуб бўлган миллий уйғониш ҳаракати намояндалари ўз олдиларига ана шу халқнинг кўзини очиш, унинг бошини бириктириш, бирлаштириш ва миллий тараққиёт йўлидан етаклаш мақсадини қўйдилар. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдуқодир Шакурий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сингари маърифатпарварлар таълим тизимини ислоҳ қилиб, янги усул мактабларига асос солдилар. Фитрат Туркияда ёзган «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи баёноти» асарлари билан миллий уйғониш ҳаракатининг дастуриламалини яратди. Шу йилларда майдонга келган жадид матбуоти, адабиёти ва театри халқни ғафлат уйқусидан уйғотишга, унинг онгига миллий истиқлол ва миллий тараққиёт ғояларини қуишига катта эътибор берди. Чўлпон жадид матбуоти, адабиёти ва театри олдига тарих томонидан қўйилган шу улуг вазифани бажаришда, айниқса, фаоллик кўрсатди.

Андижонда туғилган, Тошкентда яшаган, аммо фалакнинг гардиши билан Кўқон, Бухоро, Самарқанд, Оренбург каби шаҳарларда ҳам хизмат бурчини ўтаган Чўлпон дастлаб чор, кейин совет ҳокимиятининг Туркистон халқлари бошига туширган кулфатларини маслакдош дўйстларига қараганда яхши билган ва чуқур ҳис қилган. У Москвада 1924 – 1927 ҳамда 1931 – 1934 йилларда яшаганида, Кўқонда Туркистон, Оренбургда Бошқирдистон ҳамда қозоқ тупроғида Алаш-Ўрда муҳторият ҳукуматларининг қонга ботирилишини ўз кўзи билан кўрганида нафақат шимолдан келган кишиларга хос рус шовинизмининг ҳам бошқа давлатларга қарши қаратилганлигига ишонч ҳосил қилди. 1918 йил бошларида отасига қарашли мол-мулкнинг мусодара этилиши, шундан кўп ўтмай бу мол-мулклар эгасининг тазиқ остига олиниши билан «Октябрь инқилоби» унинг уйи ва ҳаётига бўрон ўлароқ кириб келган эди. Шундай ғайриинсоний воқеаларнинг гувоҳи бўлган Чўлпоннинг Ленинни, Октябрни қабул қилиши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам 1917 йилга қадар ўз халқини маърифатли қилиш, ижтимоий ва ҳуқуқий онгини ошириш йўлида фаолият кўрсатган Чўлпон Октябрь воқеаларидан

кеинин халқини большевиклар зулмига қарши курашишга чақирувчи шеърлар, мақолалар, саҳна асарларини ёзди.

Шоир 1920 йил августида Бокуга Шарқ халқлари қурултойида қатнашиш учун бориб, Ҳазар бўйларида кезинар экан, шундай сатрларни ёзган:

*Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла
Оталарнинг тарихдаги хатосин;
Шул хатодан осувланиб, ёвларнинг
Эл кўксида сурган ишрат, сафосин...³*

Бу афсус ва надомат туйғулари балқиб турган сатрларда Чўлпон Амир Темурдан мерос бўлиб қолган мамлакат дарвозаларини рус мустамлакачиларига осон-гаров очиб берган оталардан нолиб, улар хатосини тузатиш лозимлигини ўқтиради. У ана шу фикрни ҳар бир асари қатига изчил равишда сингдириб боради. Шу тарзда унинг ижодида миллий истиқлол ғоялари Ҳазар денгизи тўлқинларидек секин-аста мавжланиб, сўнг «Бузилган ўлкага» сингари асарларида момогулдурак ўлароқ қудратли акс садо беради.

Чўлпоннинг шу йилларда ижод қилган бошка қаламкаш дўйстларидан фарқи шундаки, у миллий истиқлол учун ёзувчилик қалами билангина курашиб қолмади. У 1917 йилдаги Февраль инқилоби билан Октябрь тўнтариши ўтасидаги давр Туркистон халқлари учун тарихий имконият даври эканини теран тушунди. Шунинг учун ҳам ўлкадаги миллий истиқлол ғоясига қарши бўлган кучларни фош этиш ва Туркистон Марказий шўросини тузиш ишларида М.Беҳбудий, З.Валидий сингари илфор замондошлари билан бир сафда турди.

Афсуски, чор охранкаси ва ГПУнинг шу даврга оид махфий ҳужожатлари билан танишиш имкониятига эга бўлмаганимиз учун Чўлпоннинг Октябрь арафаси ва Октябрдан кейинги амалий фаолиятини фактлар асосида ёритиш қўлимииздан келмайди. Лекин Чўлпонни яхши билган ва у билан ҳамкорлик қилган Заки Валидий хотираларидан шу нарса маълум бўладики, Туркистон Марказий шўроси большевиклар, ка-

³ Кўрсатилган манба. – Б.58.

детлар ва эсерлар партиясининг халқ ўртасидағи таъсирини заифлаштириш ҳамда ўлқадаги сиёсий вазиятни қўлга олишга жиддий равища киришган. Большевиклар ҳокимиият тепасига келишлари мумкинлигини олдиндан сезиб Тошкент атрофида қурол-ярголар яшириш, миллий гвардияларни тайёрлаш мумкин бўлган қароргоҳларни барпо этишган. Чўлпон бу махфий ишлардан хабардор бўлибгина қолмай, уларнинг айримларида иштирок ҳам этган.

Октябрь тўнтариши юз бериши билан Марказий шўро ўз кучларини Кўқонда тўплаганида Чўлпон Туркистон мухториятининг ташаббускорларидан бири бўлди. У Мухториятнинг «Эл байроби» номли газетасини дўсти Ашурали Зоҳирй билан биргаликда чиқариб, янги миллий ҳукуматнинг Фарғона водийси ахолиси ўртасида обрў-эътибор қозониши ва қўллаб-куватлашиига муносиб ҳисса қўшди. Мухториятнинг норасмий мадҳияси «Озод турк байрами» шеърини шундай ҳаяжон билан ёздики, унинг юзлаб нусхаларда тарқатилган сўзларини бутун Кўқон завқ-шавқ билан кўйлади. Чўлпон мухториятнинг эълон қилиниши муносабати билан бўлиб ўтган кўп минг қишилик митингда сўзга чиқиб, нақароти «Аллоҳу акбар» сўзларидан иборат бўлган шеърини катта ҳаяжон билан ўқиди. Митингта тўпланган халқ эса бу шеърнинг нақарот сўзларини құдратли акс садо ўлароқ тақрорлади. Унинг сўзи шу кезларда, айниқса, катта таъсир кучига эга бўлди. У миллатнинг, миллий истиқлолнинг биринчи шоири сифатида шуҳрат қозонди. Халқнинг Чўлпонга бўлган ана шу ишончи ва муҳаббати уни янги-янги амалий ишларга илҳомлантириди.

Шу нарса ажойибки, «оталар хатоси»дан сабоқ олган жадидлар ўша йилларда ўз қобиқларига ўралиб қолмасдан, қўшни халқлар ва уларнинг илгор вакиллари билан яқин алоқада бўлдилар. Заки Валидий уларни ўзаро бирлаштириб турувчи ҳалқа вазифасини ўтади. Унинг атрофида бирлашган ўзбек, қозоқ, бошқирд ва татар мунаварлари Ўрта Осиёдан Волга бўйларига қадар чўзилган туркий заминда мазкур халқлар федерациясини барпо этиш ғояси билан яшадилар. Ана шу ғоя билан чангланган Чўлпон Туркистон мухторияти ту-

гар-тугамас Бошқирдистонга бориб, қардош туркий халқнинг «қизил» мустамлака кишанларидан халос бўлиши учун бошлаган курашига қўшилди.

З.Валидийнинг ёзиича, у Туркистонга келганидан сўнг ўзига маслақдош зиёлиларни топиб, улар ўртасида инқилобий руҳда сұхбатлар олиб борган. «Дўстона сұхбатларда сўзлаган фикрларим. – деб ёзган у, – сал ўтмай ўртоқларим, маслақдошларим томонидан шеърга солиниб, янгича ҳаётини давом эттирадиган бўлди. Шоир Чўлпон туркий халқ[арнинг] сайлов ҳукуқларини ҳимоя қилиш борасидаги курашимизни жуда чиройли бир манзумасида акс эттирди».⁴

З.Валидий фикрини давом этиб, яна бундай маълумотни берган: «...Кўқонда тузилиб, февраль ойида (1918 йилда) советлар томонидан тарқатиб юборилган Туркистон миллий ҳукумати аъзоларидан Убайдулла Хўжаев, шоир Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), кейинроқ Бухоронинг ҳарбий нозири бўлган Абдулҳамид Орипов, Тошкент зиёлиларидан Мирмуҳсин, Хива ва Бухородан келган айрим кишилар биз тарафда эди. Абдулҳамид Орипов менинг саркотибим бўлиб ишлади...

Миллий шоирларимиз Сайитғарай Мифоз, Шайхзода Бабич, ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон, қозоқларнинг ёш муҳаррири Беримжон ва бир зиёли қозоқ қизи бу ерларда яширин бўллимлар тузиб, Оренбургдаги марказ учун жуда қимматли маълумотлар тўплаб бериб турдилар...»⁵

Қўрамизки, Чўлпон кўп миллатли маслақдошлари оиласида ўзининг шоирлик «мақоми» билан ўйғун бўлмаган, аммо унинг истиқлол жангчиси сифатидаги «мақом»ига мос бўлган амалий ишларни бажарди. Агар тақдир бу халқларга 1918 йилиёқ ўз мустақиллигига эришиш имкониятини берганида, улар ҳозирги кунда жаҳоннинг ҳар томонлама тараққий этган мамлакатларидан бирида яшаётган бўлардилар. Чўлпон шу реал истиқболга ишонгани учун ҳам Оренбургга борди ва Бошқирдистон мухторият

⁴ Валид и Заки Тўғон. Айрилганни бўри ер. – Тошкент: Адолат, 1996. – Б.51. Афсуски, Чўлпоннинг Заки Валидий томонидан тилга олинган шеъри бизгача етиб келмаган.

⁵ Кўрсатилган манба. – Б.55 – 56.



ҳукуматининг разведка-ахборот хизматида сидқидилдан ишлади, ўзининг бу иши Туркистон ҳалқларининг эрк ва ҳурриятли келажаги учунлигидан мамнуният ҳиссини туйди.

Аммо большевиклар Туркистон мухториятини зўравонлик йўли билан тугатгандаридек, Башқирдистон ва Қозоғистон мухториятлари «оёғи»га ҳам болта урдилар. Шўроларга қарши ҳаракатда қатнашгани боис Чўлпоннинг на Тошкентда, на Фарғона водийсида тинч яшashi амри маҳол эди. Шунинг учун ҳам у 1921 йили Бухоро Ҳалқ Жумхуриятига бориб, «Бухоро ахбори» газетасига муҳаррирлик қилди.

Чўлпон Бухорода ишлаган кезларида З. Валидий ҳам шу ерда бўлиб, Туркистон миллий иттиҳоди (миллий бирлиги) ташкилотини тузиш ҳаракатида юрган. Унинг таклифи билан ташкилотнинг таъсис йиғилишида қатнашиш учун Харгуш қишлоғига Фарғона водийсида ҳаракат қилаётган «босмачилар»нинг вакиллари, Башқирдистон зобитлари ва бошқалар келишган. Афсуски, Валидий ўз хотираларида бу тадбирнинг қандай натижага билан тугагани ва унда Чўлпоннинг иштирок этган-этмагани ҳақида маълумот бермаган. Шунга қарамай, Харгушда яшаган шоирнинг бу йиғиндан хабарсиз бўлгани ёки ундан четда турганига ишониш қийин.

Чўлпон шундан бир йил аввал Бокуда Анвар пошшо билан учрашган ва унинг Ўрта Осиё ҳалқларининг озодлик йўлидаги интилишларига хайриҳоҳ эканлигини қўриб фоят мамнун бўлган эди. Агар унинг Бухорода бўлиб ўтган миллий озодлик учун ёзган қўйидаги сатрларига эътибор берсак, унинг аввалиг эътиқодида ҳамон қатъий тургани кундек равshan бўлади:

*Денгизлар қайнаса, тошса сувлари,
Кесилса йўлчининг истак йўллари,
Денгизга айланса ўнг ва сўллари,
Балки, юпатгуси ҳўлланган кўзлар?..*

*Ўйланган ўйларга кўнгил юпанмас,
Кўнгилнинг истаги ўй билан қонмас,
Айтарлар: бу тунда ёруғ шам ёнмас,
Чақмаса гугуртни асл ўгиллар...⁶*

Чўлпон тилга олган «асл ўғиллар» Фарғона водийси ва Сурхон кенгликларида гугурт чақиб, шўролар туфайли Туркистон тупроғига тушган зулматни қувиш йўлида ҳаракат қилаётган эдилар. Унинг умиди қисман шу ўғилларда эди.

1923 йили Андижонда нашр этилган «Дархон» газетаси хусусида турлича гап-сўзлар юради. Маълумки, бу газета Туркистон большевиклар партиясининг ташаббуси билан «босмачилар»га қарши курашиш мақсадида чиқарилган. Чўлпон эса мазкур газета нашрига маъсул кишилардан бири бўлган. Иzlанишлар шундан дарақ берадики, Чўлпон ва газетанинг расмий муҳаррири Абдулҳай Тожиев Андижонга етиб боришларидан аввал Кўқонга тушиб, таниқли маърифатпарвар Обиджон Маҳмудовнинг уйида яширин мажлис қуришган. Мажлисда бўлиб ўтган гап-сўзлар бизга маълум эмас. Тахмин қилиш мумкинки, унда «босмачилик ҳаракати»ни тугатиш мақсадида ҳукумат томонидан ташкил этилган газета ходимларининг шу масалада эҳтиёткорлик билан ишлаши лозимлиги баҳс боиси бўлган.

20-йиллар ўрталаридан совет мамлақатидаги вазият кескин ўзгара бошлади, истиқлол учун кураш йўллари батомом кесилди. Шундай шароитда Чўлпон ўз асрлари билан, жаҳон адабиётидан қилган таржималари билан ўзбек ҳалқини янги маданий юксаклиkkка олиб чиқиш учун барча чораларни кўрди.

Ҳалқимизнинг бугунги маданий-маънавий юксаклиkkка эришуви ва истиқлол меваларидан баҳраманд бўлишида мутафаккир ва мубориз шоир Чўлпоннинг хизматлари фоят катта. У XX асрнинг биринчи чорагида ўз асрлари билан мудроқ ҳалқни уйғотиш ишига қандай муҳим ҳисса қўшган бўлса, кейин ҳам ҳалқ ва Ватан озодлиги йўлида, миллий тараққиёт йўлида фидойиларча ижод қилиб, чин маънода мустақиллик учун олиб борилган курашнинг байроқдорларидан бири бўлиб қолди.

⁶ Чўлпон. Асрлар. Тўрт жиллик. 1-жилд. Шеърлар. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б.114 – 115.

ЧҮЛПОН – ОЗОДЛИК КУРАШЧИСИ

Рустамбек Шамсутдинов

2016 йил сентябрда Москвадаги Россия ижтимоий-сиёсий ташкилотлар тарихи давлат архивидаги фондлар билан танишиш чоғида ОГПУ Шарқ бўлими вакили Павловнинг 1928 йил 31 майда ВКП(б) Марказий Комитетига йўллаган «Доклад ОГПУ в ЦК ВКП(б) о политических настроениях в Узбекистане» номли ҳужжатни олиш учун буюртма берганимизда архив мутасаддиси бу ҳужжат эълон қилинган, шу боис ўша китобдан фойдаланишимиз мумкинлигини айтди ва бир оз вақт ўтгач «ЦК ВКП(б) и национальный вопрос» (В двух томах. Книга 1. 1918 – 1933 г. – М., 2005) номли китобни фойдаланиш учун менга тақдим қилди. Асарнинг 574 – 592-саҳифаларида юқорида эслатилган муҳим тарихий ҳужжат мавжудлигининг шоҳиди бўлдик ва ундан ксеронусха олишга эришдик. Ҳужжатда Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг ҳам фаолиятига даҳлдор айрим фикрлар бўлгани ойдинлашди. Китобнинг 579 – 580-бетларидан мана бу иқтибосни айнан келтирамиз:

«Видный националист, писатель-узбек, Чулпан, пишет: «Для изучения языка и происхождения таджиков, организована комиссия под председательством Бартольда, в которую входит и бывший миссионер Андижана Кузнецов. Комиссия нашла: таджикский язык схож с русским, таджики по происхождению очень близки к русским и иранцам. Таджики Ташкента – иранцы. Этот профессор на хорошем жаловании у

советской власти. Любят сеять раздор среди национальностей».

Бу ерда Чўлпон ўзбек ёзувчиси ва таниқли миллатчи деб эътироф этилмоқда. Тил ва тоҷикларнинг келиб чиқишини ўрганиш учун Бартольд раислигида комиссия ташкил этилган-

лиги, унга собиқ миссионер Кузнецов ҳам киргани, комиссия тоҷик тили рус тили билан ўхшаш, тоҷиклар келиб чиқиш жиҳатидан руслар ва эронийларга жуда ҳам яқиндир, Тошкент тоҷиклари бу эронийлардир деган фикрга Чўлпон эътиroz билдириб, бу профессор совет ҳокимиятидан яхши маош олади, шу боис улар миллатлар орасига нифоқ, адоват уругини экишини яхши кўрадилар дейиши билан миллий масалада пухта ва чуқур билимга эга эканини намойиш этмоқда. Туркистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи билимдони ҳисоблан-

ган академик В.В.Бартольд ва Андижон уезд халқ маорифи бошлиғи, фан доктори Пётр Кузнецовнинг фикрларини танқид остига олиш Чўлпоннинг нақадар сиёсий, тарихий билим доираси кенглиги, қалбидағи мустамлака зулмiga қарши нидоси кучлилигидан бир нишонадир. Ахир ўша Пётр Кузнецов 1913 йили Парижда «Марказий Осиёда цивилизация ва тиллар кураши» мавзудаги докторлик диссертациясида бутун мустамлака Туркистонини миллий озодлик тўлқини билан қоплаган машҳур 1898 йилги Андижон қўзғолони моҳиятини бошдан-оёқ қоралагани, бундай қоралашни ҳатто 1916 йили муҳожирлик-



Абдулҳамид Чўлпон
(1897 – 1938)



да юрган Ленин инкор этиб, Андижон қўзголони Чор Россиясининг Туркистондаги мустамлака-чилик сиёсати оқибати эканини, гарчанд бу қўзголон диний ниқобда, миллатчилик тусида бўлишига қарамай, қўзголон бошида диний арбоб турганлигидан қатъи назар, чукур демократик характерга эга эканлигини ёзган эди. Чўлпон Лениннинг қўзголон ҳақидаги бу фикридан хабари бор-йўқлиги бизга маълум эмас. Лекин Андижон фарзанди Чўлпон ўша машхур академик Бартольд, миссионер, амалдор, фан доктори Пётр Кузнецов қарашларига қарши фикр билдириши унинг том маънодаги озодлик курашчиси эканини кўрсатиб турибди.

Хўжатдаги мана бу иқтибосга эътиборингизни қаратамиз: «Чулпан: «Верно ли говорить Гази Юнус, что комитет мусульман в Индии обратился к английскому правительству с просьбой разрешить организацию мусульманских частей для освобождения мусульман Средней Азии от террора неверных?»

Чўлпоннинг Фози Юнуснинг Ҳиндистондаги мусулмонлар комитети инглиз ҳукуматидан Ўрта Осиё мусулмонларини дахрийлар қирғинидан озод қилиш учун мусулмонлардан иборат ҳарбий қисмлар ташкил этишни илтимос қилиб мурожаат этиши тўғрими деб берган саволи ҳам Чўлпоннинг сиёсий қарашлари қанчалик кенг эканлигини исботламоқда.

Чўлпоннинг қораламаларидан ҳам парчалар келтирилган. Улардан бирида агар сен ўз миллатинг тараққиёти учун ёзмас экансан, бу жазодир, бундай шароитда Ўзбекистон ҳаёти йўқ маънога эгадир, барча қийинчиликларга бардош беришга тўғри келади, миллатчиликни европаликлардан ўрганамиз, кўплаб ўзбек ходимлари русларнинг миллатчилиги ва мустамлакачилигидан шикоят қиладилар, масъул ходимлар ҳам шундай, бундай ҳолат бундан кейин ҳам сакланиб қолади, Усмонхон Эшонхўжаев ва Иноғомов Москвада Ўрта Осиё социалистик мустамлакадир, Ўрта Осиё бойлиги унинг учун сарфланмаяпти, совет ҳокимиятининг сиёсати аҳолининг миллий ва иқтисодий талабларига мувофиқ эмас, ҳозирги шароитда ўзбек мустақилликдан мутлақо маҳрум, у рус ва яхудийларнинг қулидир, шу боис Фарғонада босмачилик кучаймоқда, бу ҳаракат Ўрта Осиёнинг

бошқа районларига ҳам кўчиши мумкин. Хотин-қизларни озод қилиш бўйича ҳужум қампанияси асрий анъаналарни кўпол ва зўрлик билан йўқ қилишдир, таълим, мактаб, миллий адабиёт озод эмас, шаҳар ва қишлоқ учун солиқ миқдори тўлаб бўлмайдиган даражада. Кўплаб ўзбек ходимлари омма орасида обрўларини йўқотган, улар фақат Москва талабларининг ижрочилариидир, холос, ҳақиқий ўзбек зиёлилари қувғинда, қардошларимизнинг онгсизлиги ва аҳмоқлигидан фойдаланишмоқда.

Қораламалардан яна айримларини келтирамиз: аҳолининг жуда озчилик қисми ҳукуматни қувватлайди, миллий туйфуси бўлганлардан кўпчилигининг ахволи ачинарли, пахта, сен пахта! Сен тозадирсан, сотиб оловчи айғир, сотувчи бичилган одам... Коммунистларимиз бизларни ҳам, ўзларини ҳам сўқмоқда, ёшлардан чинакам социалистлар тайёрланмоқда, амал курсиси учун муштлашмоқда, ўзининг гуруҳ курашига москвалик талабаларни ҳам тортмоқда, Қизил Йўлдошнинг чиқиши Икромов сиёсатидир, мен шеър ёзишни ташладим, саҳнага бораман ва пъесалар ёзаман. Ўзбекистон ходимлари бир-бирини тажимоқда, натижада халқ зулм тортмоқда, буни кўриб туриб халқ номидан нидо қиласман, барча батраклар ва камбағаллар, ўртаҳоллар ва бойлар азбланмоқда.

Хўжатда ўзбек зиёлиларининг Чўлпонга берган баҳолари ҳам келтирилган. Масалан, ўзбек ва партия аъзоси Ойбек шундай ёзган: «Чўлпон – ўз миллати қайғусини куйловчи ҳақиқий шоир, ўз миллатининг мазлумона таассуроти остида ёзган. У мамлакатнинг мазлум ҳолати тўғрисида ёзган, миллий шеърлар ёзган, ўз руҳияти мухитида ёзган, ҳақиқий ўзбек шоири сифатида шеърларида ўз ҳалқининг мазлум ахволи тўғрисида дард билан ёзган, унга қарши ҳужум фақат ёт миллатчилик томонидан бўлиши мумкин».

Шокир Сулаймон Чўлпон ҳақида: «Чўлпон ва бошқаларга ҳужумлар бўлмоқда, балким, бутун ўзбек маданияти ҳалок бўлиши мумкин», – дейди.

Шу билан бирга, тоҷик миллатига мансуб айрим совет зиёлиларининг Чўлпонга нисбатан салбий баҳолари ҳам келтирилган.

2011 йил 11 – 21 сентябрь кунлари шогирдим Элёр Холмирзаев билан бирга Москвада илмий хизмат сафарида бўлдик. Сафар режасига кўра, биз 1938 йил 4 – 16 октябрь кунлари СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг Тошкентда бўлиб ўтган сайёр йигилишлари баённомаларини излаб топишмиз, ўша йигилишларда 400 дан зиёд ўзбекистонликлар устидан чиқарилган ҳукмлар билан танишиш, отувга ҳукм этилганларни номма-ном аниқлаш, улар ҳақидаги бор маълумотларни олишимиз керак эди. Шу мақсадда Москва шаҳри Малый Каретный тор кўчаси 12-йда жойлашган «Мемориал» ҳалқаро тарихий-маърифий хайрия ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш жамиятида бўлдик. Жамият раиси, профессор А.Б.Рогинский, унинг ёрдамчиси Я.З.Рачинский жамият архиви мудираси Алёна Козлова билан танишдик. Улар бисотида қатагон қилинганлар ҳақида маълумотларнинг электрон базаси бор экан. 2 миллион боо минг киши ҳақидаги маълумот дискини бизга беришди. Бундан ташқари, машҳур Лубянкадаги Россия хавфсизлик хизмати архивидан СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил октябрида Тошкентда ўtkазилган сайёр йигилишида отувга, 10 – 15 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган 490 қатагон қурбонлари рўйхатини ҳам қўлга киритдик. Ўша рўйхатнинг 146-нчида: «Сулаймонов (Чўлпон) Абдулҳамид Сулаймонович, 05.10.1938 йилда отувга ҳукм этилган, 05.10.1938 йил отилган, номери 28484, 7-жилд, 226-бет», – деб рус тилида ёзилган. Жамият раҳбарияти ана шу 490 қатагон қурбонларининг таржима ҳоли, ҳаёти ва фаолияти ҳақида 2-3 саҳифадан иборат материал тайёрлаб уларга жўнатишимизни сўради, бу материалларни ҳамкорликда нашр этамиз деган таклиф айтди. Биз кўндинг, шартнома туздик.

Архив мудираси Алёна Козловадан кўплаб китоблар, маълумотлар олиб танишдик. Жумладан, «Поэзия узников ГУЛАГА» (ГУЛАГ тутқунлари шеърияти) номли китобни қўлга киритдик. Бу китоб «Демократия ҳалқаро фонди. Россия XX асрда» номи билан 2005 йили Москвада академик А.Яковлев таҳрири остида нашр этилган экан. Китобни варақлар эканмиз, кўзимиз Чўлпон ҳақидаги мақола ва шоир шеърларига тушди.

Китобда мана бу сатрлар берилган: «**Абдулҳамид Чўлпон, 1893 – 1938. Абдулҳамид Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов)** шеър ёзишни билган маърифатли савдогар оиласда туғилган. Рус-тузем мактабини битиргандан сўнг отаси ўғлини мадрасада ўқишига юборади, бу жойда бўлаjak шоир араб, форс ва турк тилларини ўрганади. Инқилобий гоялар таъсири остида буюк миллий шоир бўлиш учун мадрасадан Тошкентга боради. Ва шундай ҳам бўлди.

Унинг ҳаётлиги чоғидаёқ у ҳақда буюк Навоийдан кейин ўзбек тили ва адабиёти шу қадар қудратли лирикани билмаган деб айтишган. «**Унинг шеърий нутқи ҳозирги замон ўзбек тилининг сарчашмасига йўл очиб берувчи калитдир. Ҳозирги замон ўзбек тили – бу Чўлпон тилидир**», – деб айтишган ўша замон танқидчиларидан бири. Чўлпон инқилобни¹ завқ-шавқ билан кутиб олади, ҳатто уни кўп асрлик анъанавий мумтоз шеърият шакларидан озод этиб ўзбек тилига олиб кирди. 1918 йили у Э.Потъенинг «Интернациональ»ини ўзбек тилига таржима қиласди, «ТуркРОСТА»-нинг бош муҳаррири бўлиб ишлайди.

1927 йилдан бошлаб унинг шеърларини босиш тўхтайди. Партия мансабдорлари бу шеърлар ўқувчилар учун зарарли деб ҳисоблайдилар. 10 йил ичида у Чехов, Тургенев ҳикояларини, Гоголь қиссаларини, Пушкиннинг «Борис Годунов», Шекспирнинг «Гамлет», К.Роцци, К.Кольдони, Ж.Б.Мольер пъесаларини ўзбек тилига таржима қиласди.

1937 йили қатагон қилинган».

Шу матндан сўнг Абдулҳамид Чўлпоннинг 1923 йили Андижонда битган «**Қиз қўшиги**» («Песня девушки»), 1924 йили Ўшда ёзган «**Қушнинг ҳадиги**» («Ужас птицы») шеърлари Т.Бек таржимасида рус тилида берилган. Бу китоб со-биқ Иттифоқ ва чет элларга тарқатилганидан биз фоятда фахрландик. Ҳар икки шеърнинг ёзилиш тарихи, унинг гояси ҳақида фикр юритмоқ учун ўзбекча ва русчада тақдим этишни лозим деб билдик.

¹ 1917 йилдаги Февраль инқилоби назарда тутилмоқда. Бу инқилобни эндиғина 18 баҳорни қаршилаган Чўлпон 1789 – 1793 йиллардаги буюк француз инқилобига ўшатган эди – Р.Ш.



Қиз қўшиғи

Ўксук кўнгил қуши
Тушди қафасга,
Сира етолмайдир
Эркин нафасга.
Қора кунлар тушди менинг бошимга.

Сиқиқ қафасларда
Яйрай олмайман.
Жаннат боғлар бор-ку,
Сайрай олмайман.
Ёмон кунлар тушди менинг бошимга.

Қип-қизил қон бўлиб
Кунлар ботадир...
Ёмон ҳидга тўлиб
Тонглар отадир...
Оғир кунлар тушди меним бошимга.

Жаннат каби боғлар
Булбулсиз қолган...
Осмон бўйи тоглар
Қулунсиз қолган...
Қийин кунлар тушди меним бошимга.

Кўз ёшимда ювсам
Юртнинг бағрини,
Тилим билан сўрсам
Оққан қонини...
Қонли кунлар тушди меним бошимга.

Ҳасратим кўп, элга
Айта олмайман.
Армоним кўп, дигъда
Жойлай олмайман.
Ўтли кунлар тушди меним бошимга.

Қафасларни бузиб
Учсам осмонга!
Кишиналарни узиб
Етсам жононга!..
Ёрсиз кунлар тушди меним бошимга.

Андижон, 1923 йил

Песня девушки

Птица души безутешной
заперта в клетке...
Ей и не снятся отныне
вольные ветки.
Черные дни мне на голову пали!

Это не райские куши –
злая темница...
Я не могу веселиться,
Щелкать, как птица.
Скверные дни мне на голову пали!

Красные эти закаты
кровью налиты.
Мутные эти рассветы
вонью пробиты,
Тяжкие дни мне на голову пали!

Нет соловьев – замолчали
В пекле раздора.
Горы огромного роста –
Всё без разбора.
Горькие дни мне на голову пали!

Край мой родимый слезами
Снова омою,
Кровь эту слизывать буду
С нежностью злюю...
Жуткие дни мне на голову пали!

О, никому не поведать,
Как я тоскую,
Как иссушают печали
Душу людскую!
Страшные дни мне на голову пали!

Мне бы сломать эту клетку –
Прянуть из круга.
Чтобы догнать в поднебесье
Милого друга!
...Дни без тебя мне на голову пали!

Перевод с узбекского Т.Бек



Қушнинг ҳадиги

Күш бечора кўрқадирким, уясидан айиргайлар,
Уясидан айримоқла қанотини қайиргайлар.

Майда симдан силлиқ қилиб моҳирона тўқилган бир
Қафас топиб, дарчасини очиб дерлар: «Масканга кир!»

Мискин қуш ҳам янги маскан чаккасига қўйиб олар,
Масканига кўз югурттар, теграсига назар солар

Ва кўрарким, маскан ўзи машинада кўйилмишидир,
Уни ҳозир қилмоқ учун кўп зеҳният сарф бўлмишидир.

Дарчалари маҳкамгина, пухтагина, хотиржамлик,
Сув ичгали, дон егали тешиклар бор кичик-кичик.

Симлар билан иши йўқдир, чиқмоқ учун учиб кўрап,
Ўрмонларнинг хаёлида ҳар томонга ўзни урад.

Фақат заиф вужудини қанча урсун деворларга,
Балки, унинг юмшоқ тани тўлиб кетсун ол қонларга.

Деворларнинг сезгиси йўқ, туйғуси йўқ, товуш бермас,
Тегра бутун руҳсиз гавда, «Нечун мундоқ бўлдинг?» – демас.

Унинг бутун тасаллиси тўлиб-тошиб сайрамоқдир,
Кўм-кўм дала, эслаб-эслаб йиғламоқдир, йиғламоқдир!..

Ужас птицы

*С ужасом бедная птица к гнезду приникает,
Если гнездовья лишат, то и крылья сломают...*

*О, как искусно сработана клетка из жести!
Дверцу закроют – и век оставайся на месте.*

*Бедная птица жилище свое изучает,
И удивляется, и головою качает.*

*И, озираясь в обители непостижимой,
Видит она, что сработана клетка машиной!*

*Слажена клеть хорошо, и хитро, и проворно,
Вот тебе дырочки – вот и водица, и зерна...*

*Нет! Не желает она оставаться в неволе,
Мечется страшно, о деле мечтая, о поле...*

*Как она хочет запеть без решетки и крыши,
Как она бьется о прутья то громча, то тише!*

*Сколько бы птица ни билась о стенку до крови,
Сколько б она ни мечтала о лиственном крове,*

*Стены бесчувственны и не хотят расступиться:
Им безразлично, чем убивается птица!*

*Все утешение – петь, наподняясь до края
Мыслю о лесе... о плакать, о петь вспоминая!*

Ўш, 1924 йил

Туркистон миллий шоири деган юксак, шаравфли ном соҳиби Абдулҳамид Чўлпон 1917 йил она шаҳри – Андижонда «Турон кутубхонаси» ва «Маориф нашри»ни ташкил қилиб, маҳаллий миллат кишиларини истиқлол учун курашга сафарбар этиш борасида таҳсинга сазовор ишлар қилган. Айни пайтда, Чўлпон Биринчи жаҳон урушида Россия подшоҳлик армиясига асир тушиб, сўнгра Туркистонга сургун қилинган туркиялик зобитлар, зиёлилар билан истиқлол йўлида яқиндан алоқада бўлган.

Биз 1994 йил сентябрида Анқарадаги туркий халқлар тарихини ўрганишга бағишлиб ўтказилган конгресда бўлганимизда Адана шаҳри-

да яшаётган Али Бодомчининг 1975 йили Истанбулда нашр этилган **«1917 – 1934. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар пошшо»** номли китобини олган эдик. Унда мана бу сатрлар бор: **1918 йили бир қироатхона очилди. Кенг зали ҳам бўлган бу қироатхонанинг идоравий ҳаётида Туркистон миллий бирлигининг Андижондаги вакили этиб Ҳусайн Ниёзий, Усмонхон Эшонхўжа ўғли, Вали Мақсудий, З.Аъзам, Фозилбек Отабек ўғли, Абдулҳай Маҳдумлар сайландилар. Қироатхона халқ мактаби вазифасини бажаарар эди. Ҳар оқшом усмонли зобитлар куннинг муаммолари, маданий-сиёсий ва тарихий**



мавзуларда халққа маъруза қиласидар. Рус ташвиқотлариға ишонмасликка ва қўрбосишиларга ёрдам кўрсатишга даъват этадилар.

Усмонли зобитлар Андижонда бўлган пайтларида шаҳарнинг машхур бой-савдо-гарларидан миллий шоир Абдулҳамид Чўлпоннинг отаси Сулаймон афандининг уйида меҳмон бўлар эдилар».

Чўлпон буюк шоир ва адаб, айни вақтда, истиқлол курашчиси ҳам эди. Қалби фифонга тўлган Чўлпон мана бу мисраларни битган:

*Кулган бошқалардир,
Йиглаган менман.
Ўйнаган бошқалар,
Инграган менман.
Эрк эртакларини эшиштган бошқа,
Қуллик кўшигини тинглаган менман.
Эркин бошқалардир, қамалган менман,
Ҳайвон қаторида саналган менман.*

Буюк истиқлолчи Чўлпон Андижонда жадидчилик ҳаракатига асос согланлардан бири сифатида ўз шеърларида рус мустамлакачилигини беаёв қоралаб, Туркистон истиқлолини ифодалаб халқни унга даъват этди. Унинг «Қўзғолиш» шеърида мустамлакачиларга бўлган нафрят шундай ифодаланади:

Ай сен мени ҳақиқат кўрган, тубан деган афанди!

*Ай устимда бир умрга хўжа бўлмоқ истаган,
Ай бўйнимга кишин солиб ҳалокатга судраган,
Кўзларингни заҳарлатиб ўйнамагил, бас энди!*

Кишинларинг занг босгандир, сергак бўлким, узилур,

Томиримда қўзгалишининг ваҳший қони гупурди.

*Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди,
Ё битарман, ёки сенинг салтанатинг бузилур!*

Ай! Сен мени қул ўрнида ишилатувчи афанди!

*Титра, қўрқум, боғлиқ қулинг бош кўтарган куч энди.*²

1917 – 1923 йилларда қизил ёв босқини, тажовузи билан вайронага айланган Фарғона ҳолатини тасвиirlab «Гўзал Фарғона» шеърини битди. Шўролар даврида бу шеър матбуот юзини кўрмаган. 70-йилларда бу шеърни Чўлпонни яқиндан билган марҳум Асқар Акбаровдан эшитгандим. 1994 – 1995 йилларда Олмония ва Туркияда бўлганимда «Гўзал Фарғона» турк ва олмон нашрида эълон қилинганига шоҳид бўлганман.

Турк тарихчиси Али Бодомчи «Қўрбошилар» асарида мазкур шеърни айнан келтирган.

Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг 1922 йил 15 май, 31 июль қарорларида ўзбек тилида чиқаётган «Қизил Байроқ», «Туркистон» республика газеталарида Усмонхон Эшонхўжаев билан Абдулҳамид Чўлпон бирга хизмат қилганларни, Усмонхон Эшонхўжаев муҳаррир, Чўлпон эса унинг ўринбосари бўлгани қайд этилган. Кейинчалик А.Чўлпон 1927 йили ўзбек зиёлиларининг қурултойига ёзган аризасида 1920 йилга қадар Туркистон Россия телеграф агентлиги, «Қизил Байроқ», «Туркистон», «Бухоро ахбори» газеталарида масъул лавозимларда хизмат қилганини ёзган эди.

А.Чўлпон 1923 йил баҳоридан Андижонда ташкил топган «Дарҳон» газетасида хизмат қилган. Бу газетанинг юзага келиши шундай бўлган.

1923 йил май охирида Андижон шаҳрига бронепоездда СССР Қуролли Кучлари Бош қўмондони, Ҳарбий инқилобий қенгаш раиси С.С.Каменев, Фарғона қўшинлар гуруҳи штаби бошлиғи В.Д.Соколовский, қўмондон А.И.Тодорский, Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети раиси Иномжон Хидиралиев ва бошқалар келадилар. Бунга сабаб шуки, ўша пайтда советларга, қизил армияга қарши қуролли жанг олиб бораётган миллий озодлик курашчилари Андижон уездидаги катта кучга эга эдилар, улар фаол ҳаракат қилаётгандилар. Шу боис ана шу ҳаракатга чек қўйиш учун Андижонда ҳарбий

² Чўлпон н. Асарлар. Тўрт жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б.118.

инқилобий кенгаш ташкил этилади. Унинг раиси А.И.Тодорский эди. Шунингдек, Исоқжон Фозиев раислигига Андикон уезд-شاҳар ҳарбий инқилобий комитети ташкил топади. Унинг таркиби Абдураззоқов, Степаненко, Тодорский, Куприянов, Раҳматуллаев, Абдушоаҳмедовдан иборат эди.

Москвадан келган С.С.Каменев Андикондан Тошкентга қайтгач Туркистон Компартияси Марказий Комитети ийғилишида маъруза қилиб, Андикондаги аҳволни яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинишига эришади.

Жумладан, Андиконда ўзбек тилида газета чиқариш, босмахона барпо этиш, унга зарур бўлган жиҳозлар, анжомлар, техникавий кучлар, журналист ходимлар, матбаачиларни Тошкентдан келтириш зарурлиги кўрсатилган эди. Марказий Комитет қарорига мувофиқ Туркистон Марказий Ижроия Комитети, Халқ Комиссарлари Совети зудлик билан амалий-ташкилий тадбирлар белгилайди. Тошкентдан Андиконга босмахона анжомлари, материаллар, асбоб-ускуналар, қоғоз келтирилади.

Андиконда ўзбек тилида «Дархон» газетаси чиқа бошлайди. Унга аввалига Абдулҳай Тоҷиев, сўнгра Инқилобий Комитет раиси Исоқжон Фозиев муҳаррирлик қиласди. Шунда Абдулҳамид Чўлпон ҳам Марказий Ижроия Комитети йўлланмаси билан Андиконда ўзбек тилидаги матбуотни асослаш ва ривожлантириш учун бу ерга юборилган эди.

А.Чўлпон «Дархон» газетасида муҳаррир ўринбосари бўлиб хизмат қилган. Аммо Исоқжон Фозиев инқилобий қўмита раиси бўлганлиги туфайли муҳаррирликни тўлалигича Чўлпонга топшириб қўйган эди. «Дархон»нинг амалдаги муҳаррири Чўлпон бўлган. Бу газета Фарғона области ҳарбий инқилобий совети ва Андикон уезд-шаҳар инқилобий қўмитасининг органи сифатида чиқа бошлаган ва маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалган.

Бир вақтлар ҳамюртимиз, академик, ёзувчи, драматург Комил Яшиннинг уйида «Дархон»нинг бир неча сонини кўрган эдим. Ҳозирда борми-йўқми, хабарим йўқ. «Дархон» газетасининг ҳамма сонларини топиш, уларни ўрганиш орқали Чўлпоннинг газетачилик, журналистик

фаолиятининг янги қирраларини билиш мумкин эди.

Газета саҳифаларида Андикон, Фарғона водийсидаги муҳим воқеалар ўз аксини топган. Унда расмий ҳужжатлар ҳам эълон қилиниб турган. Масалан, «Дархон»да 1923 йил 23 августда Туркистон ҳукумати ва давлатининг 130-сонли қарори ўзбек тилида, арабча ёзувда эълон қилинган. Унда совет муассасаларида иш юритувда, хат-ёзишмаларда тезроқ маҳаллий тилга ўтиш тадбирлари кўрсатилганди. Барча декрет ва қарорлар рус, ўзбек, туркман ва қозоқ тилларида эълон қилиниши, жойларда ижроқўмлар аҳолининг миллий таркибига қараб иш юритув қоғозларини миллий тилларда олиб боришлари мажбурийлиги, қишлоқдан тортиб республика идораларигача иш юритишни маҳаллий тилларга кўчириш қатъий талаб этилганди. Маҳаллий тилларда иш юритишга ўтишнинг бошқа тадбирлари ҳам қарорда ўз ифодасини топган.

И.Хидирилиев, А.Исломов ва Шутемов имзолаган бу ҳужжат «Дархон»да ўзбек тилида эълон қилинган. Шу боис «Дархон» чойхоналарда, карвонсаройларда, бозорларда, масжидларда, маҳаллаларда қўлма-қўл бўлиб ўқилган.

Айни шу «Дархон» газетаси буюк шоир, публицист, ёзувчи Чўлпонни бадном этиш учун бошланган ҳужум кампаниясида ғанимлар кўлида дастак бўлди, ундан ғаразли мақсадларда фойдаландилар.

1932 йил май – июнь ойларида республика даги бир гурӯҳ адлия ва суд ходимлари устидан суд бўлди. Улардан бири Андиконда маъмурӣ органларда раҳбарлик лавозимларида ишланган, 1924 – 1927 йилларда Фарғонада суд идораларида хизмат қилган Шамси Бадриддинов эди. Суд жараёнда Чўлпонга ҳам ноҳақ айблар қўйилган. Қўқонда инқилобий қўмита котиби Маҳмудхон Аҳмадхоновнинг уйида аксилинқилобий мажлислар ўтказгани, уларда Чўлпон қатнашгани ва ўзининг аксилинқилобий шеърларини ўқиб бергани ҳакида уйдирма айблар тақалган.

Чўлпон бундан хабар топгач дарҳол Тошкентга хат йўллайди. Айни вақтда, 1932 йил 27 майда ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўрта



Осиё бюроси раиси К.П.Бауманга, Ўзбекистон Коммунистик (болжевиклар) партияси Марказий Комитети биринчи котиби Акмал Икромовга, Республика Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси Файзулла Хўжаевга баённомалар жўнатади. Уларда Чўлпон Андижонга келиб «Дархон» газетасида ишлагани ҳақида, жумладан, шундай ёзганди: «Аҳмадхонов инқилобий қўмита котиби лавозимини эгаллаган чоғда Кўқон (у лавозимини эгаллаган жойда) у ёқда турсин, хатто бутун Фарғона музофотида ҳам мен йўқ эдим. Мен Тошкентда эдим (1919 йилдан то 1923 йилгача). Фарғонага (Андижонга) босмачилик ҳаракати узил-кесил тугатилаётган бир паллада фронтнинг ўзбекча газетасида ишлаш учун келганман (1923 йил). Мен Фарғонага Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг сафарбарлиги ва Туркистон ҳарбий инқилобий кенгаши йўлланмаси бўйича ўртоқ Тожиев Абдулҳай билан бирга борганман. У «Дархон» фронт газетасининг муҳаррири эди, мен эса техник муҳаррир ҳамда адабий ходим эдим. Ўз вақтида бу газета жуда яхши баҳоланганд. Менинг ундаги ишим ҳақида А.Тожиев, Тодорский (Фарғона фронтининг собиқ қўмондони), Султон Сегизбоев (Фарғона вилояти партия қўмитаси котиби), Шомансур Алихўжаев (вилоят инқилобий қўмитаси раиси), Биксон ва бошқалар билишади...»

Шундан беш йил ўтиб бутун советлар ҳудуди бўйлаб «Катта террор» бошланганд. 1937 йил 13 июлда А.Чўлпон қамоққа олинади. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигидаги Давлат хавфсизлиги бошқармаси 4-бўлим тезкор вакили, давлат хавфсизлиги лейтенанти Н.И.Тригулов Чўлпонни тергов қилиш чоғида уни ваҳшийларча азоблаб, «Дархон» газетасида ишлаганида аксилиниқилобий фаолият кўрсатганини тасдиқлаб имзо чекишига мажбур қиласди. Н.И.Тригулов тайёрлаган баённомада Чўлпон номидан мана бу сатрлар жой олганди: «Абдулҳай Тожиев, мен, Ваис Қориев Фарғонада эканимизда Обид Чатоқнинг (кўқонлик жадидчи Обиджон Маҳмудов – Р.Ш.) уйида ўтиришида бўлдик. Обид Чатоқ; НЭП (янги иқтисодий сиёсат – Р.Ш.) сиёсатига ўтилди, энди босмачиларга қарши ҳеч қандай чора кўришининг ҳожати йўқ, чунки босмачилик

харакати «ўз-ўзидан тугайди», босмачилик – бу шўро ҳукуматининг зўравонлик сиёсати натижасидир. НЭП бу сиёсатга барҳам берганни учун халқ ҳам босмачиликдан воз кечади», – деб Абдулҳай Тожиев, Обид Чатоқнинг фикрларини маъқуллади».

Яна ўша ўтиришда «афв» мазмунидан «Дархон» номли фронт газетасини тузишга қарор қилинди. Бу газета миллатчилик ғояларини таширди, жумладан, мен ҳам (унга) миллатчилик мазмунида бир неча шеърлар ёзганман».

Буюк Чўлпон зо-йилларда Андижонда нашр этилиб турган «Пахта фронти» газетаси билан ҳам ҳамкорлик қилган. У Самарқандда, Тошкентда, Бухорода, Москвада бўлган вақтларида ҳам ҳар гал Андижонга келганида «Пахта фронти» газетаси ва унда хизмат қилаётган ходимлар билан яқин алоқада бўлган.

Аммо 1937 йил 13 июлда Чўлпон қамоққа олиниб тергов бошланганида терговчилар уни ҳар жиҳатдан айблаш мақсадида «Пахта фронти» газетасидаги айрим ходимларининг ёлғон, бўхтонларини ташкил этдилар. Чўлпоннинг «халқ душмани» эканлигини асослашда унинг «Пахта фронти»даги энг яқин кишиларидан ҳам ёлғон кўрсатмалар олинади, улар далил сифатида жиноий ишга тиркаб қўйилади. Чўлпоннинг бу газетадаги иштироки аксилиниқилобий, миллатчилик ташвиқоти олиб борганликка йўйилади.

Ўша мудҳиш кунларда, бутун республика матбуотида Чўлпон «халқ душмани», «ватан хоини», «буржуа миллатчиси», «туркпараст», «исломпараст» каби ёрликлар билан дўппослангаётган бир шароитда «Пахта фронти» газетаси ҳам четда қола олмаган. 1937 йил 20 сентябрь сонида «Иккюзламачи мунофиқларга большевик матбуотида ўрин йўқ» сарлавҳали мақола эълон қилинган, унда Чўлпон шахсияти зўрма-зўраки танқид этилганди. Мақолада, жумладан, шундай сатрлар бор:

«... Улар ўзларининг разил ҳаракатларини беркитиб тилёғламалик билан мунофиқлик қилиб келганлар. Газетанинг секретар ўринбосари Козим Ниёзов, идора ходими Фатҳиддин Ашуралиевларнинг кимлиги маълум. Бири Октябрь инқилобидан бўён совет ҳукуматига

тиш-тирноғи билан қарши курашиб келган.

Аксилинқилобчилар ташкилотининг актив аъзоси ва бошлиқларидан бири Ҳусанхон Ниёзийнинг ўғли пантуркистлар билан алоқани маҳкам боғлаб советлар ҳокимиятига ҳозиргача ҳам зимдан қарши иш кўриб келган Ҳасанхоннинг жиянидир. Яна бири эса бир вақтлар меҳнаткашларнинг бошида қонли қамчисини синдириб келган, бир неча меҳнаткашнинг турмушини хонавайрон қилган Салоҳиддин мингбошининг арзандасидир.

«Пахта фронти» бошқарувига жойлашиб олган мана бу башаралар ҳозиргача ўзларининг қилмишларини яшириб келдилар. Газетанинг собиқ муҳаррири Бекмирзаев (Боймирза – Р.Ш.) бу ифлосларнинг кимлигини суриштирамай ишга олди ва доим кўкларга кўтариб келди. Булар Салоҳиддин мингбошининг уйидагутиришлар қилишиб, унда советларга қарши фикрларни ўртоқлашиб юрдилар. Ашуралиев (Фатҳиддин – Р.Ш.) халқ душмани Чўлпондан доим таълим олиб келди. Чўлпон Андижонга келганида уйига меҳмонга чақириб келажак иш учун йўл-йўриқлар олган. Ҳатто Чўлпоннинг Андижонда нима иш қилганини, қаерларда бўлганини била туриб буни яшириб келди. Аксинча, уни яқингача ҳам ҳамма ерда баланд овоз билан: «Чўлпондай киши Ўзбекистонда йўқ, бўлиши мумкин эмас», – деб мақтаб юрди, қаочонким Чўлпоннинг аксилинқилобий сирлари «очиб» ташланганидан кейин тўнини тескари кийиб олиб, ҳамма жойда Чўлпонни ёмонлай бошлади.

Ҳатто Чўлпон ҳақидаги катта мақоласини босишга ҳам улгурди. Ашуралиевнинг иккюзламачилиги, мунофиқлиги Қ.Ниёзовга маълум эди. Уни Чўлпон билан қанчалик ҳамтовоқ эканини биларди. Шунинг учун ҳам унинг мунофиқлиги, иккюзламачилик тактикасини сезиб туриб мақоласини атайин газетада бостиради».

Чўлпонга ва унинг яқинларига қарши қаратилган бу мақола атайин буюртма билан уюштирилгани ва бошдан-оёқ тўқима эканига ҳеч шубҳа йўқ.

Мақолада Козим Ниёзов, Фатҳиддин Ашуралиев, Салоҳиддин мингбоши шахсиятига қи-

линган бўхтон ҳақида бир оз тўхталиш лозим.

Ака-ука Ҳасанхон ва Ҳусанхон Ниёзовлар жадидчи, миллатпарвар, маърифатпарвар, мустақиллик учун курашган Андижон фарзандлари-дир. Уларнинг ҳаёт йўли 2001 йили Тошкентда «Шарқ» нашриётида босилган «Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар» номли китобимизнинг 306 – 325-бетларида қисман ёритилган.

А.Чўлпон НКВД ертўласида тергов қилинаётган вақтларда Ҳасанхон ва Ҳусанхон Ниёзовлар ҳам қамоқда терговда эдилар. Ҳасанхон учликнинг 1937 йил 13 ноябрдаги қарори билан отувга ҳукм қилинган. Ҳукм ўша қуниёқ ижро этилган.

Ҳусанхон Ниёзов 1938 йил 8 августда Андижонда қамоққа олинади, 1941 йил 20 ноябрда отувга ҳукм этилади, 1942 йил 23 апрелда СССР Олий суди Ҳусанхон Ниёзов ишини кўриб чиқиб, унга берилган отув ҳукмини бекор қилиб, 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштиради. У узоқ Магаданда 1947 йили вафот этади.

Ҳусанхон Ниёзов қамоқдалигига терговчнинг саволига жавобларидан бирида шундай кўрсатма берган: «Бу вақтга келиб Тошкентдаги миллатчилардан Илҳомжон Исмоилов, Сайдулла Каримов, Шорасул Зуннунов, Абдулҳамид (Чўлпон) Сулаймонов ва бошқалар билан мен мунтазам алоқа тиклай олдим...»

Ҳа, тўғри Салоҳиддин мингбоши Ашуралиев чор пошшоси ҳукмонлиги даврида Андижонда хизмат қилган маҳаллий амалдорлардан бўлган, мингбошилик қилган, маҳаллий аҳоли орасида катта ҳурмат қозонган. Советлар ҳокимияти даврида ҳам масъул лавозимларда ишлаган, масалан, Андижон Эски шаҳар милицияси бошлиғи вазифасида хизмат қилган.

Зо-йиллар бошларида Санкт-Петербургда С.М.Киров отиб ўлдирилгач, барча жойларда гумон остидаги одамлар қамоққа олинган. Қатагоннинг янги тўлқини бошланган эди. Шундай Андижонда Салоҳиддин мингбошининг ҳам уйи тинтуб қилинib, ўзини ҳибсга олиб ОГПУ ходимлари Тошкентга олиб кетади. Эл орасида обрў топган, унинг ҳурматини қозонган кишилардан совет режими ҳадиксираб, уларни аҳоли орасидан юлиб олиб, турли хил бўхтонлар, ясама айблар билан қамоқ жазосига, ҳатто



отувга ҳукм қилган. Салоҳиддин мингбоши ҳам ўшалар қаторида қурбон бўлганлардан эди.

Унинг ўғилларидан Фатҳиддин ҳақиқатан ҳам Чўлпоннинг дўсти, маслақдоши бўлган, у ҳам «Пахта фронти» газетасида ишлаган. Чўлпон ҳар доим Андижонга келганида Фатҳиддин хонадонида бўлар, кўплаб суҳбатларда қатнашарди. Ана шулардан келиб чиқиб «Пахта фронти» газетасида Чўлпонга қарши мақолалар ёзган ғанимлар ота-боланинг номини булғаш учун уларни Чўлпон одамлари деб кўрсатмоқчи бўлишган. Фатҳиддин Ашуралиев Иккинчи жаҳон урушида мардларча ҳалок бўлган, Салоҳиддин мингбоши эса зо-йиллар бошларида Тошкентга олиб кетилгани бўйи Андижонга келмаган. Уни ё отиб юборишган, ё қамоқ жазосига ҳукм этиб, ГУЛАГ лагерларидан бирига жўнатишган. Бу жумбоқни ечиш устида ҳозирда иш олиб бормоқдамиз.

Таниқли адабиётшунос олим Наим Каримов «Чўлпон» номли маърифий романида (2003) Абдулҳамид Чўлпоннинг Андижондаги яқин кишилари сифатида Абдумуталиб Қаҳрамонов, Бурҳон Машрабий, Боқи Маҳмудий, Исоқ қори Каримов, Расулжон Раҳимов, Салоҳиддин Сайфийнларни тилга олиб ўтади. Олим ёзади: «Чўлпон 1936 йил сентябрининг бошларида Андижонга келиб, кўёви Маҳаммад Назаровнинг уйида Абдумуталиб Қаҳрамонов, Бурҳон Машрабий, Боқи Муҳаммадий сингари ёру дўстлари билан давра қуриб, дўстлар дийдорига тўймоқчи бўлди...» Бу жойда Абдумуталибнинг фамилияси нотўғри берилган, унинг фамилияси, аслида, Қорамандиев бўлган (қаранг: Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.325 – 331). Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги учлик 1937 йил 13 ноябрда Абдумуталиб Қорамандиев, Ҳасанхон Ниёзов, Абдужалил Ҳайдаров, Домуллажон Баҳриддинов, Фаттоҳ Азизов, Зокиржон Нусратов (Нусрат Зокир)ларни отувга, Бурҳон Машрабий, Исоқ қори Каримов, Мадамин Ваҳобов, Маҳмудхон Низомов, Боқи Маҳмудий, Салоҳ Сайфий, Файзула Султонов, Самандарбой Мўминбоев, Исмоилжон Алимов, Асқар Қаюмов, Расулжон Раҳимий, Абдуқодир Абдугофуров, Маҳмудбек Қозиев,

Расулжон Султонов, Султонмасъуд Холботиров, Султонмаҳмуд Холботиров, Маҳмудбек Мусин, Аҳмаджон Ҳакимов, Саидхон Шодмонов, Мирсоат Мавлонов, Ҳожи Ақбар Мўминов, Шукур Ҳакимовларни 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этади. Бу 28 нафар Андижон зиёлилари, маърифатчиларининг қўпидан тергов камералирида ўтказилган қўйиноқ сўровларда Чўлпонга қарши бўхтон, ифво, сохта кўрсатмалар олишга эришилган, улар бир-бирига туҳмат қилишга мажбурланган. Улардан айримларини келтирамиз.

1937 йил 18 октябрда терговчи Ҳафизовга Андижон шаҳар Ишчилар шаҳарчаси 27-уйда яшовчи, 4-сон мактаб директори, тугалланмаган олий маълумотли Носир Шокиров шундай кўрсатма берган: «... Бундан ташқари, Маҳмудий 1936 йил сентяброда, Чўлпон Андижонга келганида улар Чўлпон томонидан таклиф қилиниб, уларга Чўлпон ўз китобларидан парчалар ўқиб берган, Чўлпоннинг уйида яхши зиёфатда бўлганлар...»

Ёзувчи, драматург, Андижондаги Охунбоев номидаги театр директори Расулжон Раҳимий ҳақида тайёрланган айблов холосасида унинг «халқ душманлари» Муҳиддин қори Ёкубов, Сулаймонов Чўлпон билан яқин алоқадалиги кўрсатилган.

Махбус Абдулҳай Аюбов 1937 йил 28 октябрда Расулжон Раҳимий ҳақида терговчига кўрсатма бериб, унинг 1936 йилнинг июль кунларидан бирида миллатчи ёзувчилар хусусидаги суҳбатда Р. Раҳимий: «Чўлпон Ўзбекистон шоири ва ёзувчилари орасида чиндан ҳам юлдуздир. Агар Робиндрант Тагор Ҳиндистонда буюк асарлар яратган бўлса, Чўлпон эса бизда ана шундай қимматли асарлар яратди», – деб айтган, у: «Чўлпонни бекордан-бекорга миллатчи деб танқид қилишмоқда, шуни унутмаслик керакки, сиёsat билан адабиёт орасида катта фарқ бор, ҳар нарсаларга сиёсий нуқтаи назардан ёндашавермаслик керак», «... сиёsat адабиётга аралашмаслиги керак», – деб айтган (қаранг: Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар... – Б.407).

Шуни таъкидлаш жоизки, терговчилар маҳбус Чўлпоннинг ўзидан ҳам унга маслақдош,

бирга хизматда бўлганлар ҳақида тұхматона кўрсатмалар беришни талаб қилганлар. 1937 йил 10 августда терговчи Чўлпондан таниқли раҳбар ҳодимлардан андижонлик Усмонхон Эшонхўжаев тўғрисида кўрсатма олишга уринади. Чўлпон эса ҳамشاҳри, дўсти, маслақдоши (ахир газета ва журнallарда у билан бирга ишлаган, Андижондаги тараққийпарварлар ташкилотида ҳам бирга бўлган) Усмонхон ҳақида маълумот беришга мажбур бўлган, уни шунга мажбур қилишган. Чўлпон эса виждан амрига қарши бормай, Усмонхон тўғрисида тұхматона фикр айтмайди. Ўша вактда қатагон машинаси аллақачон «фош» этган масалалардан ташқарига чиқмай, айтмасликнинг ҳеч иложи йўқ, арзимас маълумотларни келтиради. Масалан, Чўлпон «Миллий иттиҳод» ташкилоти ўз йиғилишларини «гап»га тўпланиш кўринишида ўтказиб турган, бу йиғилишларда ташкилотнинг таниқли раҳбари, хусусан, Мунавваркори Абдурашидхонов, Обидчатоқ Маҳмудов, Абдулҳай Тоқиев, Усмонхон Эшонхўжаевлар иштирок этди деб кўрсатма берган. Ёки Усмонхон Эшонхўжаев ташкил этган ва муҳаррирлик қилган «Инқилоб» номли ўзбек

тилидаги журналда Чўлпоннинг ўзи Фози Юнусов, Фитрат, Усмонхон Эшонхўжаев ва бошқа таниқли аксилинқилобчилар, пантуркчиларнинг асарлари доимий равишда босилиб турар эди деб айтади (Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати архивида сақланаётган Усмонхон Эшонхўжаевнинг шахсий ишидан).

Ҳа, қалби ва онги, бутун вужуди, ақлу заковати халқ, миллат манфаатига бағишлиланган инсон қудратли куч – юксак маънавият осмонида ҳамиша ёргу юлдуз каби порлаб тураверади. Буюк шоир, толмас курашчи, истиқлол жарчиси Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон миллий маънавиятимизнинг ёргу юлдузларидан биридир. Унинг бой, бетакрор мероси ўзбек миллатининг ўчмас, мангу барҳаёт мулкидир. Уни асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказиш сизу биз учун ҳам қарз, ҳам фарзdir.

Буюк Конфуций айтганидек: «Ягона ва энг муҳим хато аввалги хатоларни тузатмаслиkdir». Илоҳим, буюк истиқлолимиз инъом этган миллий, тарихий қадриятларимиз, маданий, адабий меросимиз барқамол авлодни яратишидек улуғвор, муқаддас ишга доимо хизмат қилаверсин.



ЧҮЛПОННИНГ 1937 ЙИЛ 7 – 8 АПРЕЛДА ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ*

Ўртоқлар! Мени кечирасизлар, мен ўзимга боғлиқ бўлмаган сабаб билан доимо бошим оғриқ ҳолда сўзлашга мажбур бўламан. Шунинг учун, балки, истаган фикримни гапира олмасман. Мен шу ерда ўртоқ Берегин¹ айтган сўзлардаги уч масала бўйича жавоб беришим керак. Шундан кейин ўзимнинг ҳам айтатурган сўзларим бор. Ўртоқ Берегин хатоларимни кўрсатиб бериб яхши қилди. Мен бу хатоларни шу мажлиисда ўз устимга оламан.

Модомики биз ўз-ўзимизни танқид қиласиз, албатта, мен ҳам ўз айбларимни бўйнимга олишим керак бўлади. Ўз-ўзини танқид қилишдан аввал шуни англаш керакки, биз ҳеч қайсимиз хато ва камчиликлардан холи эмасмиз. Ким бўлмасин, мен хато қилмайман деса, нотўғри бўлади. Бизнинг бу мажлиисимиз ўзимизда бўлган хатоларни айтиб беришимиз

учун чақирилган. Шунинг учун бор хатоларни айтиб, ўз-ўзимизни танқид қилишимиз керак.

Бу ерда бир нарсани айтиш керак. Ёзувчилар ўртасида икки хил хато тушунча бор: 1) мажлис бошқа; 2) хусусий гаплашиш бошқа деган. Биз ҳамма вақт ўзаро суҳбатлашганимизда бир-биримизнинг камчиликларимизни кўрсатамиз, айтамиз. Лекин бу ерга, минбарга чиқсан вақтда ҳаммамизнинг тилимиз тутилиб қолади. Мен бу ерда ўтирган ўртоқлар орасида Ўйғуннинг² гапини жуда яхши тингладим. У кўп нарсаларни айтди. Лекин шунга қарамасдан, Ўйғуннинг айтмасдан қолган гаплари ҳам кўп. Чунки ўзаро сўзлашганда айтилган нарсаларни мажлисларда ҳам очиб ташлаш керак.

...Улом Зафарий³ тўғрисида шуни айтишим керакки, у мени Союз боғига⁴ излаб келган. У кишининг мени нима учун излаб келганлигининг сабабини айтиб бераман. Менда қанд қасали бор. Мен ўзимнинг шу қасалимни тузатиш учун Москвада ҳам, бошқа жойларда ҳам тиббий муассасаларга бордим. Шу қасалимга ҳеч қаерда яхши даво топа олмаганимдан кейин табиблар менга шотут ейиши маслаҳат бердилар. Мен ўзимни зиёли деб ҳисоблашимга қарамай, шу маслаҳатга ишониб Зафарийдан уйидаги шотутдан олиб келишни сўраган эдим. У кечаси мен ухлаб қолганимдан кейин келиб, менинг хонамга кирмай, Сўфизоданинг⁵ хонасига кирган экан.

Шу қуннинг эртасига мени Сўфизоданинг хонасига чақириб келишди. Биз у ерда суҳбат-

² Ўйғун (асл исм-шарифи Раҳматулла Отакўзиев, 1905 – 1990) – шоир ва драматург. Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси (1974). Ўзбекистон халқ шоири (1965).

³ Улом Зафарий (1889 – 1938) – шоир ва драматург. «Ҳалима» мусиқали драмаси музалифи. Ўзбек мусиқий драма театрининг асосчиридан бири.

⁴ Союз боғи – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг боғи назарда тутилмоқда. Бу боғ ўтган асрнинг 30-йилларида Тошкент шаҳрининг Инжиқобод деган жойида (Олой бозоридан юқориоқда) бўлган.

⁵ Сўфизода Муҳаммадшариф (1880 – 1937) – намангандик шоир. Биринчи Ўзбекистон халқ шоири (1926).

лашиб ўтиридик. Шу вақт (шотут тўғрисида сўз бориб, унинг менга фойдали эканлиги ҳақида сўз борганда) ўртоқ Шамс⁶ бу ишнинг ярамаслигини айтди. Шундан кейин Шамс мени чақириб танбеҳ берди. Унинг танбеҳи тўғри эди. Мен шу вақтда ўртоқ Шамсга ўзимдаги камчиликларни тутатиш учун одамларнинг танқидига ва ёрдамига муҳтож эканлигимни айтдим.⁷

Бу иккинчи мартаба бўлган ўз-ўзини тузатиш масаласи.

Агар бизни шу икки-уч кун ичида тузатиб, одам қиласиз десангиз, хато бўлади. Сиз бизни чақириб, англатиб, жамият ичига олиб кириб тузатингиз. Биз янги турмушга йўл солганмиз. Лекин бу йўлда камчиликларга йўл қўйсак, сизлар ҳам жавобгарсиз.

Зафарий масаласи шундан иборат. Буни ўша вақтда Берегин ҳам билмаган эди...⁸

Иккинчидан, нотиқлар цитаталар тўғрисида ҳам нимадир дедилар. Мен буни англай олмадим. Англаганимда жавоб қайтарган бўлардим.

Мен классик асарларни кўп ўқийман. Форс шоирларининг энг гўзал байтларини ёзиб олганман. Ҳозир шулардан баъзи бирларини ўқиб бераман...⁹

Агар шулар заарли бўлса (сизлар бу байтларнинг заарли эканлигини асослаб берсангиз), мен хатоимни бўйнимга оламан. Мен Ҳофиз ва бошқа шоирларнинг асарларини ўқийман.

Энди энг оғир масала – Чўлпон ўзини кўрсатмади деган нозик масала.

Менинг Москвадан келганимга икки йил бўлди. Бунинг эллик фоизини «скидка» қиласиз. Чунки мен кўп вақт касал бўламан. Мен одамликдан чиққанман. Буни ҳам билишингиз керак. Мана шу икки йил орасида мен нима иш қилдим? «Она» романининг иккинчи бўлимини таржима қилдим. Бу тўғрида ҳаммадан мақтov сўзларни

⁶ Шамс, Ҳусайн Шамс (1903 – 1943) – ишчилар орасидан чиққан ёзувчи. Ўша вақтда Ёзувчilar уюшмаси котиби.

⁷ 1937 йилдаги қирғин арафасида тұхмат ва маломат тошлари остида яшаган Чўлпон ўзбек адабиётiga тасодифан кириб қолган ва Ёзувчilar уюшмасининг раҳбар лавозимларини эгаллаган чаласавод муллалар билан ҳисоблашиб яшашга мажбур бўлган.

⁸ Шу ва бошқа ердаги уч нуқталар (...) стенографистларнинг алмашиш турганини билдиради. Улар алмашаётган вақтда нотиқнинг айрим сўзлари ёзилмай, фикр англашилмай қолган.

⁹ Чўлпон ўқиган байтлар стенографистлар томонидан ёзиб олинмаган.

эшитяпман. Бу ҳам биринчи бўлимча келади. Жуда катта нарса. Ундан кейин Горькийнинг «Егор Буличев»ини, Пушкиннинг «Дубровский», «Борис Годунов»ини таржима қилдим. «Жўр»¹⁰ деган шеърлар тўпламини нашриётга топширдим. Лоҳутийнинг «Оврупо сафари» достонини таржима қилдим. Бундан ташқари, Эски шаҳарда чиқатурган «Театру»¹¹ газетасига қатнашиб тураман. Ундан кейин «Муштум»да ишлайман. Агар сизлар шуни ҳам кам десаларингиз мени «халтура» қилишга мажбур этган бўласиз. Мен сизлардан тарбия кутаман, халтурага олиб боришингизни кутмайман.

Менинг хатоларим кўп, лекин сизларнинг ташаббусларингиз билан мен шу хатоларни тузатаман.

Мени йигирма бир йилдан бери қандай тарбия қилдингиз? Мен ҳозирги кунгача Союзнинг аъзоси эмасман. Бунинг сабабини англамайман. Ариза берганимга анча вақт бўлди. Бунинг учун менинг шеърларимни таҳлил қилиш керак экан. Мен келганимдан бир ой кейин «Соз» деган шеърий тўпламим чиқди. Мен миллатчи бўлсам, «кора» бўлсам, нима учун шу тўпламимни сўзбошилиз чиқардингиз? Бу ерда сўкиш керак эди. Ёшлар Чўлпоннинг асарини бевосита олиб ўқимасдан, восита билан ўқиши керак эди. Мен ўзим бошсўз ёзиб чиқарсан бўлармиди? Бўлмас эди! Нима учун менинг – миллатчининг асари сўзбошилиз чиқди? Ундан кейин менинг романим чиқди. Бу ҳам сўзбошилиз чиқди. Мана шунга ярим йил бўлди. Ҳеч қаерда бир оғиз ҳам сўз йўқ. «Ёш ленинчи»да бир мақола ўқидим. У ҳам мақтовдан иборат. Мен унинг муаллифига раҳмат айтмайман. Чунки менга ҳеч нарса бергани йўқ. Мен Москвадан келганимдан кейин шу асарни Союзда ўқимоқчи бўлдик. Биринчи мажлисда 11 киши, иккинчи маротаба 7 киши, учинчи маротаба 4 киши келди. Шунда ҳам раҳбарликдан ҳеч ким бўлгани йўқ. Фақат ўртоқ Ойдин¹² бўлди. Мана бу ҳам эски миллатчини тарбия қилиш!

¹⁰ «Жўр» номи билан тайёрланиб нашриётга топширилган шеърлар тўплами Чўлпон қамоққа олинганидан сўнг ёндириб ташланган.

¹¹ «Ҳамза» театрининг оз ададли газетаси. Театр директори Зиё Сайд муҳаррирлигига чиққан. Газетанинг айрим сонлари Москвадаги марказий кутубхонада сақланади.

¹² Ойдин (асл исм-шарифи Манзура Собирова, 1906 – 1958) – ёзувчи ва жамоат арбоби. «Ўзбекистон хотин-қизлари» («Саодат») журналининг биринчи муҳаррири.



Мен хато қилмасдан ишлай олмайман. Менинг хатоларимни тузатишларинг керак. Мен айтдимки, менга (асарларим ҳақидаги) фикрмурлоҳазаларингизни айтиб беринглар. Мен буни ўзим тузатиб чиқаман дедим. Менга яширин маҗозларни тузатишни топширишди. Мен уларни тузатиб чиқдим. Шу роман босилиб чиққандан кейин ҳам шунча замон бўлди. Мана шу хусусда бирор нарса йўқ. Бир йигилиш қилиб, менинг асаримни яхшилаб танқид қилиш керак эди. Мен ҳам шундай йигилишнинг ўтишига рози бўлиб турган эдим. Мен шундай йигилишни ҳозиргача кутаман. Ҳолбуки, ҳеч нарса бўлмаётир.

Энди шеърлар хусусида. Мен кўлимдан келганча шерлар ёзиб келаётирман. Улар баъзи бир журнallарда, баъзи бир газеталарда босилиб келаётиби. Мен такрор айтаман: бу шеърларнинг руҳини ўзгартириш тез бўлатурган «процесс» эмас. Шу қийинчиликни енгиб ўтиш керак. Бу нарса, масалан, «Соз»да озроқ бўлса, «Жўр»да кўпроқ. «Октябрь инқилобини қарши олганда» шеъри тўғрисида ўртоқ Юсупов¹³ «дуруст» деди. Лекин шеър ҳали ҳам босилмасдан ётиби. Шу шеър чиққунича сизлар мен сўкиб ёта берасизлар. Аммо у чиққандан кейин масала бир оз енгиллик топар деб ўйлайман. (*Кулги овозлари*.) Чунки унда аввалги шеърлар(им)га қараганда хийла ўзгаришлар бор.

Мен Москвадан келганимда Ақмал ака¹⁴ мени қабул қилиб айтдики: «Сиз ҳозир шеърларингизнинг бадиий томонини кўйиб, кўпроқ сиёсий томонларига аҳамият беринг», – деб. Шундан кейин сайловларга бағишилаб шеър ёзиб олиб борганимда: «Сиз лирик томонлардан ёзмабсиз», – дейишиди. Бу қийин бир нарса бўлди. Лекин мен бу қийинчиликларни ҳали енгиб ўтаман. Сизнинг танқидингиз, аямслигингиз орқасида, «домулла...» деб у ёғини айтмасдан кўйишингиз орқасида тузатаман.

Энди икки оғиз сўз «Ҳамлет»¹⁵ тўғрисида.

¹³ Юсупов Усмон (1900 – 1966) – давлат ва сиёsat арбоби. 1937 – 1950 йилларда Ўзбекистон КП(б) МКнинг биринчи котиби.

¹⁴ Ақмал ака – Ақмал Икромов (1898 – 1938) – Ўзбекистон КП(б) МКнинг шу йиллардаги котиби.

¹⁵ «Ҳамлет» – В.Шекспир трагедияси. Ҳамза номидаги ўзбек драма театрига «академик» мақоми берилганидан сўнг театрга шу мақомга муносаб спектакларни саҳнага кўйиш вазифаси топширилган. Театр жамоаси Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедиясини саҳналаштиришга қарор қилган ва бу асарни таржима қилиб беришни Чўлпондан сўраган. Чўл-

«Ҳамлет» спектакли Лондонда довруғланди, у ҳақида кўп гапирдилар. Лекин ҳеч қаерда таржимонни эсламадилар. Мен: «Ўзим ҳақимда кўп гапиринглар», – деб талаб қилмайман, лекин таржимонни ҳам ранжитмаслик керак. Нега энди: «Фалончи ўртоқ мана бундай катта бир нарсани таржима қилди», – деб айтиш мумкин эмас? Бу билан сизлар таржимонни ранжитяпсизлар, ахир! Кўп вақтлар ўзим елиб югуриб: «Таржимага фамилиямни кўйинглар», – деб юрдим. «Она» романининг таржимасида бўлса таржимоннинг номини техник редакторнинг фамилияси билан ёнма-ён қўйишиди.

Яна бир масала бўйича ўртоқ Берегинга шуни айтай. «Ҳамлет» пьесасини менга беришдан илгари бошқа бирорвга берилиган экан. Лекин у истамаганидан кейин «Ҳамлет» таржимасини менга берганлар. Биз уни Ўйғур билан бирга ишладик. Пировардида газетада чиқдики «Ҳамлет»нинг таржимаси Чўлпоннинг ҳеч бир иштирокисиз саҳнага чиққан деб. Тўғри эмасми, Зиёд ака?

З и ё С а и д и й. Ўйғур билан сизнинг ўртангизда бўлган.

Ч ў л п о н. Кейин араб сўzlари устида ҳам гап бўлган... Лекин бу ёлғон... Мен арабпараст эмасман!.. Мен миллатчи эмасман!.. Мен арабчани ёмон кўраман!! Қуриб кетсин араб сўзлари!! (*Кулги*.)

«Ҳамлет» театрда қўйилганидан кейин афишада Шекспирнинг асари эканлиги айтилди-ю, лекин бирор марта таржимоннинг номи ёзилмади... Охири ўзларингиз ёзмаганингиздан кейин, театрга бориб: «Таржимоннинг номини ёзингиз», – деб Зиё Сайдийга ялиниб юрдим.

Мана шу «Ҳамлет» ўйналиб бўлгандан кейин, спектакль Ўзбекистонда, Москвада катта муваффақият қозониб турган бир вақтда ўртоқ Назир Тўракуловнинг¹⁶ мақоласи пайдо бўлиб қолди. Мен асарни русча насрый таржимадан

пон «Ҳамлет»ни юксак савиядга таржима қилганига қарамай, «миллатчи» шоирлардан ҳисобланган учун театр спектакль афишасига унинг номини ёзишдан чўчиган. Чўлпон «халқ душмани» сифатида отиб ташланганидан кейин эса афишаларда мазкур асарнинг таржимонлари сифатида дастлаб Шайхзода, кейин Мирзакалон Исмоилий номлари ёзилган бўлсада, театр Чўлпон таржимасидан фойдаланган.

¹⁶ Назир Тўракулов (1892 – 1937) – давлат ва жамоат арбоби. Кўқонда туғилган. Журналист ва дипломат. «Ҳамлет»га тухмат» деб номланган мақоласи «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1936 йил 27 июль сонида босилган.

ўигрлан бўлсам, у Лозинский таржимасини олиб, Чўлпон таржимаси ҳеч нарсага ярамайди деб мени сўқди... Менга эса газетада ўзимни ҳимоя қилишга керакли ўрин беришмай, фақат қисқача хатимнигина босдилар ва ҳатто Союзга жавоб ёзишимга ҳам имкон берилмади... Назир Тўракулов эса мени совет матбуотида ишлатилмайтурган сўзлар билан ҳақорат қилди... Ўртоқ Берегиндан ҳам ҳеч бир овоз чиққанийўқ. Ахир ўртоқ Берегин шу асарнинг редактори эди-ку! Редактор ҳам жавобгарми ё йўқми? Мен минг бир жойга бош урдим. Хайриятки, Санжар¹⁷ бор экан, таржиманинг оригинални бошқа эканлигини айтиб берди. Шунинг учун бу ерда редакторларга ҳам «жавобгарлик» сўзини тушунтириб қўйиш керак.

Энди, ўртоқлар, ёшлар ижоди тўғрисида бир оғиз сўз айтмоқчиман...

Ўртоқ Туйғун¹⁸ менга бир шеърини берди. «Шутўгрида фикрингизни беринг, мен яқинда бостираман», – деди. Мен ёлғон гапирсан, бу мажлиснинг шаънига келишмас эди. Унинг ижоди бадиий жиҳатдан жуда паст савияда туради. Агар ўша вақтда унга шундай десам, у мендан аразлаб қоларди. Ўртоқ Туйғун бу ерда: «Менинг еттита асарим бор», – деди. Мана шундай ёшларга тарбия бермасдан, ҳали ёш ёзувчиларнинг – эндинина ёза бошлаган кишиларнинг еттита асари босиб чиқарилгани тўғри эмас... Масалан, биз саноатни қайтадан қурдик. Завод ва фабрикаларга жуда мураккаб машиналар келтирилди. Бу машиналарни малакаси кўтарилмаган ишчиларига ишониб берилмайди-ку! Худди шунингдек, шеърни ҳам танлаб, ўйлаб чиқариш керак. Мен ўйлайманки, ўртоқ Туйғун асло хафа бўлмайди. Уни кўпроқ тарбия қилиш ўрнига ҳадеб шеърини бостира беришган... Демоқчиманки, бундан кейин ёшларнинг асарларини текшириб, созларини чиқариш керак. Мана бу масалада ҳам раҳбарларимиз кўпроқ ўйлашлари лозим бўлади.

¹⁷ Санжар Сиддик (асл исм-шарифи Босит Сиддиков, 1902 – 1938) – таникли таржимон ва журналист, ўзбек таржимашунослиги асосчиларидан бири. Унинг «Тұхматга ўшаган танқид» мақоласи «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1936 йил 16 август сонида босилган.

¹⁸ Туйғун (исми Шукуржон, отасининг исми номаълум, 1909 – 1981) – шоир ва драматург. Андижонда туғилган. Ижоди 1928 йилдан бошланган. «Баҳодир», «Мұхабbat», «Хикмат» каби пьесалар муаллифи.

Энди икки оғиз сўз шеър техникаси тўғрисида.

Боя Уйғун тарафидан мисолга келтирилган Элбекнинг¹⁹ формалистик тарафларига эътибор қаратмоқчиман. Биз кўп шоирларнинг шеърларини олиб қараганимизда вазн масаласи чатоқлигини кўрамиз. ҲаттоFaфур Гуломда ҳам вазн масаласида чатоқликлар учрайди. У менга «...»²⁰ деган шеърини ўқиб берди. Шунда вазнни қаттиқ бузатурган нарсалар бор. Мен: «Шуни тузатиб чиқинг», – десам, «Бу тўпламимни бериб олай, 1937 йилда чиқатурган тўпламимни хатосиз чиқараман», – деди. «Бу бўлмайди», – десам, «Йўқ, мен буни мана бундай қилиб айтиб бераман», – деди. «Ахир мен ҳам ўқувчиман, мени қийнаманг», – деди. Демак, Faфур Гуломдек катта шоирларимизда ҳам шундай камчиликлар бор, лекин бу ифрат тарафга (ҳаддан ошиш) олиб бормасин... Шеърда қофия, вазн ҳам муҳим аҳамиятга эга. Лекин, шу билан бирга, шеърнинг руҳи (ғояси) ҳам эсдан чиқарилмасдан, шакл билан мазмун уйғунлашиши керак. Руҳдан (ғоядан) ажралган шеър шеър бўлмайди. Менинг қийнамаларим шундан бўлса керак.

Икки оғиз сўз Машраб²¹ тўғрисида... Машраб – ўзи яшаган жамиятнинг камчиликларини қаттиқ танқид қилган одам. Шу нарсани ҳозирга қадар ёлғон деб келадилар. Машраб омма ўртасида кенг тарқалган. Аммо уни тарғиб қилишда газета мақолалари билангина кифояланиб бўлмайди. Союз билан бирга Тил ва адабиёт институти ҳам бу масалага эътибор бериши керак. Машрабда «Бухоронинг битта дарвозасини қінғир деганлар коғир бўлади» деган шеър бор. Бу шеър мутавозий (кибрисиз, одоб доирасида). Бундай шеърларни яхши ўрганиб, таҳлил қилингандан кейингина халқнинг қўлига берилсин. Бўлмаса, халқ адашиб қолиши мумкин. Бу, айниқса, ёшларга ёмон таъсир кўрсатиши мумкин...²²

*Наурга тайёрловчи
Наим Каримов*

¹⁹ Элбек (асл исм-шарифи Машриқ Юнусов, 1898 – 1942) – шоир ва педагог. Чўлпоннинг сафдошларидан бири.

²⁰ Сценографистлар Faфур Гулом шеърининг номи ва ундан келтирилган сатрларни ёза олмаганлар.

²¹ Машраб (асл исм-шарифи Бобораҳим Мулла Вали ўғли, 1649 – 1711) – ўзбек мумтоз шеъриятининг машҳур намояндаси, мутафаккир шоир.

²² Стенограмма шу сўзлар билан тугаган.



ЧҮЛПОН АСАРЛАРИДА ТИЛГА ОЛИНГАН ТАРИХИЙ ШАХСЛАР

Рустамбек Шамсутдинов

Андижон фарзанди Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чүлпон XX аср ўзбек адабиёти тараққиётида ўзига хос катта ўринга эга бўлган, юрт ва миллат тақдирни, келажаги учун бор ақлу заковатини, ҳаётини, бутун борлигини бахшида этган толмас қурашчи, буюк адаб ва шоир сифатида тарихимизда ўчмас из қолдирган. Унинг қисқа, лекин мазмундор ҳаёт йўли ҳозирги ва келажак авлодлар учун жуда ҳам аҳамиятлидир.

Чүлпон ўзбекларнинг XX асрдаги катта феноменларидан бири сифатида мустамлака Туркистонда миллий зулмга қарши озодлик байрофини баланд кўтариб ана у шу муқаддас қураш йўлида қурбон бўлган. Шу боис ҳам уни ва унинг порлоқ хотирасини ҳалқимиз ардоқлаб келмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида Чүлпоннинг бой ва хилма-хил меросини ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этишда катта ютуқларга эришилди. 2016 йили Чүлпон асарларининг 4 жилдлик тўлиқ нашри китобхонларга тақдим этилди. Чүлпоннинг шеърлари, мансуралари, шеърий хатлари 1-жилдда, роман ва ҳикоялари 2-жилдда, драмалари ва таржималари 3-жилдда, адабий-танқидий ва публицистик мақолалари 4-жилдда берилган.¹

¹ Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик / Тахрир ҳайъати: Наим Каримов, Дилмурод Куронов, Санжар Назаров. – Тошкент: Akademnashr, 2016.

Ушбу тўпламни таҳлил қилишдек ўта масъулиятли вазифадан биз йироқдамиз. Биз мазкур ахборотда Чўлпоннинг ана шу 4 жилдлик асарлар тўпламида тилга олинган тарихий шахслардан ўзимизга маълум бўлгандлари ҳақида айrim маълумотларни келтиришни ният қилдик.

1. «Икки йўқотиш» номли мақолада шундай сатрлар бор: «Туркистон жадидларининг отаси ҳисобланган Маҳмудхўжа Беҳбудий билан бир қаторга қўйилган ўшлиқ Мирзо Фозилнинг ўзи ким эди? Мирзо Фозилбек Қосимбеков ўз замонасининг юксак маданиятли кишиси бўлган. У қирғиз, ўзбек, туркман тиллари билан бир қаторда рус ва турк тилини ҳам яхши билган. У шарқшунос, маърифатчи эди. Фозилбек 1896 йили полковник Грушевский бошчилтигидаги Россия география жамиятининг аъзоси сифатида таржимон бўлиб Афғонистон ва Туркияга борган».

XX аср бошлари ўзбек адабиётида муайян из қолдирган Мўминжон Мұхаммаджон ўғли Тошқин ўзининг «Турмуш урунишлари» (Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2015) ҳужожатли романида Ўшга келгани ҳақида ушбу сатрларни ёзган: «Ўшға келиб Мирфозил ҳожи деган бир тараққий-парварнинг далолати ва Тошкент ёшларидан мулла Тангриқул ҳожи деган бир воғурушнинг сўраши бўйича бу ернинг жамияти хайрияси томонидан очилған мактабига муаллим бўлдим. Бунда Тангриқул ҳожи, Мирзо Фозил Мулла Болтахон, Мулла Парпихон ҳам Ҳалим Охун деган ёшларнинг файрати, фикри очик бир неча муллаларнинг қизиқтириши билан бо га яқин бола йифилади. Андижонлик Абдулҳамид

Сулаймоннинг ҳам бу ерда бир ҳовлиси ва бир дўйонлари бор учун кўб келиб кетадир ва кўп гурунглости турамиз».

Мирзо Фозил Қосимбек ўғлининг йўш шаҳридаги уйи барча миллат камбағаллари учун доим очиқ бўлган. Фозилбек фарзандлари тарбиясига жуда катта эътибор берган. Уларнинг барчаси турли соҳаларда жамиятнинг илфор, таникли кишилари бўлиб етишган.

2. Чўлпоннинг «Андижонда янги бонк» хабарномасида шундай дейилган: «Андижонда мусулмон қитъасинда «Девони Матқобил ширкат бонки», яъни «вриминний кридит» очмоқга қарор берилди. Ҳозирги аъзоси 180 нафар бўлуб, 130 дан зиёдаси мусулмонлардур. Сармояси 28 минг сўмдур. Машварат аъзолари олти нафар бўлуб, ярми мусулмонлардан: Эшонхон маҳзум Одилхўжа ўғли, Зуннунбой Кутлуғбой ўғли, Мирҳайдарбой Миркомил ўғиллари дур. Идора аъзолари з нафар русдур. Азбаски, бизга замонага тааллуқдор, илмдан хабардор кишийўқдур. Тафтиш аъзолари уч нафар бўлуб, бири Саъдуллахўжа Турсунхўжа ўғли жаноблари дур. Бонка келар ҳут ойинда очилса керак» (4-жилд 161-бет). Тилга олинган шахслардан 2 нафари ҳақида қисқача маълумот келтирамиз:

а) Зуннун мингбоши Мулла Кутлуг Сўфиев 1877 йили Андижон шаҳрида туғилган, Андижонда ўз уйига эга бўлиб, Ёроши волости Полосон қишлоғида 50 таноб, Олтинкўл волости Тоҷик қишлоғида 25 таноб, Ўш уезди Қашқар қишлоқ қишлоғида 20 таноб, Ойим волостида 25 таноблик Оқмасжид далаҳовлиси, жами 125 таноб ерга эга бўлган. 5 йил Қорасув волости бошқарувчиси бўлиб хизмат қилган. Суд ва терговга тортилмаган, қарзлари йўқ каби маълумотлар Андижон вилоят давлат архивида сақланмоқда. Жумладан, Андижон шаҳар сабик бош мингбошиси Зулунбой Кутлуқовнинг Фаргона области ҳарбий губернаторига ёзган хати ҳам сақланмоқда. Унинг ўғли Зулунов Аҳмадбек aka (Андижон шаҳрида 1913 йил 15 марта туғилган) Андижонда обрўли хизматчи бўлган, унинг ўғилари марҳум Баҳодиржон, ҳозирда Андижоннинг тараққиётига муносаб ҳисса қўшаётган Зафаржон Андижон шаҳрида истиқомат қилмоқда;



Саъдуллахўжа Турсунхўжаев

б) Саъдуллахўжа Турсунхўжаев 1891 йили Тошкент шаҳрининг Мерганча маҳалласида дехқон оиласида дунёга келган, рустузем мактабида ўқиган, Оренбургда савдо билан шуғулланаётган тоғаси Юнусхон Сиддиқхўжаевнинг ёнига бориб ишлай бошлаган. Сўнгра Финляндияда, кейинчалик Андижонда хусусий дўйонлар очиб, ипакли маҳсулотларни сотиш билан машғул бўлган. У Андижоннинг ижтимоий-сиёсий, маданий-мағкуравий ҳаётида жуда катта ўрин тутган. 1917 йил февралида Андижоннинг Жомеъ масжиди олдидаги майдонда оқ подшо таҳтдан ағдарилганлиги ҳақидаги хабарни эълон қилган, Андижонда, Тошкентда, Бухоро, Хоразмда қатор раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган. Унинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти, шахсий варақалари ва бошқа қатор ҳужожатлар ҳозирда Москвадаги РГАСПИ (РИСТДА)да сақланмоқда. Яқинда унинг Туркистон коммунистик партияси партияда тозалов ўтиказувчи марказий комиссияга тақдим қилган рус тилидаги таржимаи ҳоли ўша архивдан топилди. Ундан кичик парча келтирамиз: «... В дни Февральского переворота я был в Андижане, так как мы первыми получили известие о перевороте в Петрограде, редакции сейчас же приступили к организации революционных аппаратов, арестовав русских и туземных чинов администрации и организовав Совет рабочих и солдатских депутатов. Первое время нам приходилось всего необходимости руководить из Андижана почти всей работой революционной Ферганской области, так как в Ташкенте генерал Куропаткин задержал на 18 часов известие о перевороте в Ташкенте».

3. Чўлпоннинг «Умид сиздан! Мухторият эълон этилди!» мақоласида: «Мухторият фойдаси учун Андижонда бўлган тиётрларда Туркистоннинг ўз турк боласи, гимназия шогирди,



Санжарбек Қосимбеков

16 ёшлик Санжар Фозилбек ўглиниң Мухторият байрови ила унинг остига қилган ажойиб бир манзаралик расмининг Амирко усулида ауксион (мазоида) 1200 сўмларга сотилиши, қаҳрамон ходими Кўчкорбой афандининг буюк ҳамият билан ул расмни олиши, бошқаларнинг ҳам бу ишка яхши аҳамият бершилари...

Булар ҳаммаси, ҳаммаси қоронгу кечаларда ялтираган юлдузлардир...

Булардан умид, булардан шимон, булардан руҳ кўринадир.

Булар бизнинг истиқболимизнинг чақириклири, аломатлари, белгилари идир» (175-бет).

Китобнинг изоҳида шундай ёзилган: «Санжар Фозилбек ўгли – XIX аср охири – XX аср бошлиарида дунёга келган андижонлик талантли ёшлардан бири. «Таржимон» газетасига юборган ва шу газетада босилган шеър билан И. Гаспиринскийнинг назарига тушган. Унинг кейинги тақдиди ҳақида бирор маълумот учрамайди» (306-бет).

Биз Санжарбек Фозилбек ўгли ва Кўчкорбой афанди ҳақида бисотимиздаги маълумотларни келтиришни лозим билдиқ.

Санжарбек Мирзо Фозилбек ўгли, асли, ўшилик, 1902 йили туғилган, унинг отаси Мирзо Фозилбек Қосимбеков, юқорида Чўлпон таъкидлаганидек, Туркистондаги маърифатчи Маҳмудхўжа Беҳбудий даражасидаги шарқшunos табаррук зот эди.

Фозилбек Қосимбековнинг ўгли Санжарбек Қосимбеков Ўш мадрасасида ўқиган, кейин Андижондаги рус-тузем мактабини битирган, Андижондаги олий бошланғич билим юритида таҳсил кўрган. Ёшлигиданоқ Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш олиб борган. Унинг саъи-ҳаракати билан Андижон ва Ўшда ўқитувчилар жамияти тузилган, унинг устав ва дастури ишлаб чиқилган, раҳбар комитети сайланган. Ўш ва Андижон уездидан, кейин-

чалик Хўжанд уезди совет ва партия ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида жўшқин фаолият кўрсатган Санжарбек Қосимбеков 1924 йил 8 ноябрда душман ўқидан ҳалок бўлган. Фозилбек Қосимбековнинг Козимбек, Анварбек исмли ўғиллари ва Ойимхон исмли қизи бўлган. Козимбек Андижон давлат педагогика институти директори, тарих кафедраси доценти лавозимида умрининг охирига-ча хизмат қилди. Анварбек ҳам ҳалқ маорифи тизимида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган. Уларнинг авлодларидан айримлари ҳозирда Ўш, Андижон ва Тошкентда истиқомат қилмоқда.

4. Профессор Бегали Қосимов шундай ёза-ди: «Аксарият жадидларнинг фаолиятлари фидоийлик намуналари эди. Улар орасида «ко-фири»лик тамғасини олмаганлари жуда кам». Ўшандай тамға олганлардан бири Кўчкор Олимов эди. У шаҳарнинг Кигизчи-лар маҳалласида (Қизил Карвон кўчасида) таваллуд топган, эски мактабда, рус-тузем мактабида ўқиб, Туркияда шуҳрат топган «ёш турклар» маъри-

фий, сиёсий ҳаракати тарафдори эди. Туркиядан қайтиб келгач Андижонда жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашди, европача ўқиш ва ўқитишини, илму фанни, илгор техника, ҳур фикрни кенг тарғиб этади.

Кўчкор Олимов Андижоннинг ўша вақтдаги энг маданиятли кишиси эди, рус қизига уйланади, кийиниши ҳам русча эди. Шу боис бўлса керак, уни «Кўчкор ўрис» деб аташган. 1920 йили Кўчкор Олимов бир гуруҳ мартабали кишиларга бош бўлиб Андижон уездидан совет-



Козимбек Қосимбеков



Кўчкор Олимов

ларга қарши кураш олиб бораётган қўмондон Парпибек қўрбоши билан сулҳ тузиш учун Қўқон қишлоқдаги қароргоҳига борган аммо сулҳ ҳақидаги бор таклифлар рад қилинади. Қўчкор Олимовнинг Парпи қўрбоши билан олиб борган музокаралари натижаси ҳақида асли андижонлик, муҳожирликка чиқиб кетган Мусо Туркистоний «Улуг Туркистон фожиаси» китобида шундай ҳикоя қилган: «... Элчиларни Парпи қўрбоши ҳузурига ҳозир қилишиди. Суҳандон Қўчкор сўз бошлаб сулҳга таклиф қилиб келганинни, сулҳ миллат учун осойиш-ором бўлишини, мужоҳидлар ҳам аро ва осуда ҳол умр кўчиришларини айтади.

Парпи қўрбоши бу азиз меҳмонларни эъзоз икром қилишга буюрди, истироҳат қўлсунлар, сафар ҳордиқлари чиқсан, деб амр қилди. Элчилар кўп ҳурмат билан меҳмонхонадан зиёфатхонага жўнатилди. Улар Парпи қўрбошининг фармон ила истироҳат хоналарида абадий истироҳатга жўнатилдилар. На бир киши кўрди ва на бирор бу ҳақда бир нарса билди, ҳануз мажҳуддур. Элчиларнинг ҳаммаси ҳануз истироҳатдадурлар».

Андижон вилояти давлат архивида Қўчкор Олимовнинг онаси Нусрат буви Мусабоевага ўғлиниң ҳалок бўлиши муносабати билан нафақа тайинлаш учун тайёрланган шахсий иши сақланмоқда. 1931 йили Андижон шаҳар собиқ Қизил гвардиячилар ва Қизил партизанлар жамияти Қўчкор Олимовнинг фожиали ўлимидан сўнг уни собиқ қизил гвардиячи ва қизил партизан деб эътироф этади. Онаси Нусрат буви Мусабоевага нафақа тайинлайди.²

5. Маълумки, Аҳмад Заки Валидий Тўғон «Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи» номли хотираларида 1914 йил Андижонга Назир Тўракулов билан бирга келганини айтади. У Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) билан учрашгани тафсилотига алоҳида тўхталган: «Кейинчалик ўзбекларнинг энг буюк замонавий, миллий шоири бўлган Чўлпон ўша пайтлари ёш эди. Менга тарих китобимни ўқиб илҳомланганини ва фикрлашиш мақсади борлигини билдириб, мактуб йўллаб Андижонга, уйларига меҳмонга таклиф этганди. Назир

Тўрақул билан бирга уйларига борганимизда бой-бадавлат отаси Сулаймон: «Бола отасининг рухсатисиз уйга меҳмон чақириши мумкинми?» – деб бизни совуқ қаршилади. Абдулҳамид уйда йўқ эди, кейинроқ келди. Биз Абдулҳамид ҳақиқатан ҳали ўспирин бўлса-да, уни етук бир киши сифатида қабул қилган эдик. Биз меҳмонхонага кетмоқчи бўлганимизда отаси: «У ҳолда тушлик қилгандан сўнг кетарсизлар», – деди. Абдулҳамид отасига бир сўз айтмади. Абдулҳамид ёнидаги дўсти билан гаплашаётгани учун отаси ундан ўринли равища ранжиган эди. Мен эса мавлоно Румийнинг қўйидаги шеърини айттим, яъни: «Булбуллар энг яхши сайроқи қушлардир, аммо уларнинг ёнида бошқа қушлар ҳам жим турмайди». Сулаймон ота заки одам эканлар, бундан жуда қувонди. Бизни аввал анча совуқ қаршилаган Сулаймон отанинг фикрлари дарҳол ўзгарди ва: «Сиз энди ўғлимининг эмас, менинг меҳмоним бўлғайсиз», – деб лутф айлаб меҳмонхонага қетишимизга рухсат бермади...³

Чўлпоннинг «Бошқармага хат»ида айтилишича, «Қизил Ўзбекистон»нинг «шу йил 27 июль сонида Назир Тўракуловнинг «Ҳамлет»



Тўракулов Назир
Тўракулович

таржумаси тўғрисида бир мақоласи босилиб чиқди». Шу муносабат билан Чўлпон кўпчиликка з нарсани билдиришни лозим топган. Биринчисида «Назир ака «Ҳамлет» таржумасини, келтирган мисолларига қараганда, русча таржумаларининг тизилмалиси (назмлиси) билан солиширган. Ҳолбуки, мен таржума қилған нусха сочмали (насрли) бўлуб, инқилобдан бурун босилган. Мен таржумага кирмасимдан бурун у нусхани инглиз адабиёти билгичларидан ўртоқ Лан инглизчаси билан

³ Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Хотиралар. Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи. – Тошкент: Истиқлол нури, 2014. – 5.111 – 112.

² Андижон тарихидан лавҳалар. – Андижон, 2008. – 5.83.



солишириб чиқиб, кўп жойларини мумкин қадар аслига яқинлаштириб берган. Мазкур нусха ҳали ҳам ўртоқ Ланнинг кутубхонасида сақланади. Мен ана шу нусхадан бўлган таржума учунгина жавобгарман».⁴

Тўракулов Назир Тўрақулович

(1892 йил октябрь – 1937 йил 3 октябрь)

Давлат, сиёsat арбоби, тилшунос олим ва дипломат, миллати қозоқ, Қўқондаги рус-тузем мактабини (1905), савдо билим юртини (1913) тутатган. Москва савдо институтининг иқтисод факультетида ўқиган (1913 – 1916). 1-жаҳон уруши пайтида Фарбий фронтда (Минск яқинида) Бутун Россия Земство иттифоқининг йўрикчisi (1916). «Эркин дала» яширин ташкилоти раҳбари (1916). Эсерлар партиясининг аъзоси (1918).

1918 – 1919 йилларда Қўқондаги совет идораларида турли лавозимларда, Туркистан АССР маориф халқ комиссари (1920), Туркистан АССР МИК раиси (1920 йил сентябрь – 1921 йил август), Туркистан КП МК масъул котиби (1921 – 1922). Туркистан МИК хуzuридаги Қирғиз (қозоқ) бўлими раиси (1921 – 1922). Туркистан «Қўшчи» ўюшмасининг ташкилотчilariдан бири.

1928 йили Н.Тўракулов элчилик ишига жалб қилинади ва СССРнинг Ҳижоз давлатидаги (хозирги

Саудия Арабистони) бош консули ва муҳтор элчиси вазифаларида ишлайди (1928 – 1936). У Шарқ халқлари тарихи ва маданиятини яхши билганлиги учун ислом оламида шуҳрат қозонди. Н.Тўракулов Москва ва Ленинграддаги Шарқ халқлари институти илмий ходими ва проректори (1936 – 1937) бўлиб ҳам ишлади.

⁴ Чўлпон. Асарлар 4 жилдлик / Тахрир ҳайъати: Наим Каримов, Дилмурод Куронов, Санжар Назаров. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б.51.

У қанчалик совет ҳукуматига, большевиклар партиясига содик бўлмасин, мустабид тузумнинг қонли қатағонидан қутулиб қола олмади. 1937 йил 15 июня қамоқقا олинди ва отувга ҳукм қилинди (1937 йил 3 октябрь). 1958 йили оқланган.⁵

5. Ўзбекистон ёзувчиларининг 1937 йил 7 – 8 апрель кунларида бўлиб ўтган йиғилишида сўзлаган нутқида Чўлпон Берегин Қурбон Оллаберганович номини тилга олиб ўтади.⁶ **Берегин Қурбон Оллаберганович**⁷ 1904 йил декабрида Хивада мардикор оиласида туғилган, мусулмон мактабида, сўнгра Хивадаги мадрасалардан бирида ўқиган, ўқиши билан бирга мардикорлик қилган. Тадқиқотчи Мадраҳим Маҳмудовнинг мақоласида шундай сатрлар бор: «Хива хонлигининг Хонқа беклигидаги Навхаск қишлоғида асли рус, аммо ота-бобоси шу ерда кўпдан яшаганлиги сабабли ўзбеклашиб кетган Оллаберган Берегин оиласи ўзининг 1,5 таноб ерига экиб, дәҳқончилик қилар ва оила тебратарди».⁸

Шаҳар атрофидаги қишлоқлардаги бойларнинг буғдой, беда каби экинларини ўриб бериб, бошқа юмушларини бажарган. Отаси билан бирга Қорақумдан саксовул олиб келиб сотарди, кейинчалик ёғ жувозларни тузатиш эвазига тириклик қилишган.

Қурбон балоғатта етганида Хива советлар босқини остида қолган эди. Шунда у болалар уйида, Янги Урганчдаги интернатда ўқиган, з ойлик педагогика курсини битириб ўқитувчилик қилган. Қозон шаҳридаги ярим йиллик ҳарбий-сиёсий мактабда ўқиган. Хоразмга қайтиб келиб, 1922 йил 15 январида фавқулодда комиссияда, сўнгра Давлат сиёсий бошқармасида (ГПУ) хизмат қилган.

1922 августида уни Москвадаги Шарқ халқлари коммунистик университетига ўқишига

⁵ <http://e-tarix.uz/shaxslar/hukumdlorlar/270-hukmdorlar.html> // Маҳмудов М. Барҳаёт сиймолар (Қатағон қурбонлари ҳақида лавҳалар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – Б.26 – 35.

⁶ Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б.52.

⁷ Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (Биринчи китоб). – Тошкент: Sharq, 2012. – Б.75 – 77.

⁸ Қаранг: Маҳмудов М. Барҳаёт сиймолар (Қатағон қурбонлари ҳақида лавҳалар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – Б.139 – 149.

юборишади. Хива шаҳар комсомол ячейкасида котиб бўлади, 1923 йили Ҳазорасп район комсомол комитетига секретар қилиб сайланади. 1923 йил декабрида Тошховуз область комсомол комитети мафкуравий бўлимига мудирлик қиласиди, тез орада Хоразм комсомоли марказий комитетида инструктор бўлиб хизмат қиласиди, 1924 йили партияга қабул қилинади. 1925 йил 11 июнда К.Берегин Хоразм область комсомол комитети биринчи секретари лавозимига кўтарилади, айни вақтда, «Инқилоб куёши» газетасига муҳаррирлик қиласиди.

1925 йил апрелидан 1929 йил августигача Хоразм округ партия комитетининг бюро аъзоси бўлди. 1929 йил 23 майда Қ.Берегин Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ихтиёрига чақириб олиниб, Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлигининг коллегияси аъзоси ва оммавий ишлар бўлими мудири лавозимига ҳамда «Маориф ва ўқитувчи» журнали таҳририяти аъзолигига тавсия этилган.

Қ.Берегин 1931 йили «Коммунистик маориф учун» номли ўқитувчилар газетасига масъул муҳаррир, ўша йил октябрдан Республика давлат матбуоти бошқармасига раис бўлади. У «Китоб ва инқилоб», «Қурилиш», «Совет адабиёти» журналларининг ҳам муҳаррири бўлган, ЎзКомпартия Марказий Комитетининг маданий тарғибот бўлими матбуот қисмига раҳбарлик қиласиди, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи раиси лавозимида фаолият кўрсатган.⁹

Аммо «Катта террор» бошланиши муносабати билан бошқалар қатори Қурбон Берегин ҳам қатагон обьекти бўлиб қолди. 1937 йил июнида ЎзКомпартия VII съездиде таниқли арбоблар каби унга ҳам миллатчи ва халқ душмани деб айб қўйилди. 1937 йил август охирида бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёзувчилар союзи бошқармасининг IV пленумида унга «миллатчи ва аксилинқилобчиларнинг ҳомийси» деган тухмат ёпиширилди, уни ҳатто Ёзувчилар союзи аъзолигидан ҳам ўчирдилар. ЎзКомпартия Марказий Комитети бюросида уни партия сафидан чиқардилар.¹⁰

⁹ Маҳмудов М. Барҳаёт сиймолар (Қатағон қурбонлари ҳақида лавҳалар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – Б.96 – 105.

¹⁰ Маҳмудов М. Барҳаёт сиймолар... – Б.105.

«Эртаси куни, – деб ёзади тадқиқотчи М.Маҳмудов, – ҳибсга олинган Қ.Берегин кўп вақтгача бедарак кетди. Унга 1938 йил 5 октябрда Тошкентда бўлган суд томонидан олий жазо белгиланиб, ҳукм ижро этилган».¹¹

Аслида эса Ўзбекистон ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги республика бўйича сиёсий элитага мансуб кишилардан 155 киши 1-категория бўйича, 10 киши 2-категория бўйича айланганлар рўйхатини СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига юборган. СССР НКВД давлат хавфсизлик бошқармаси 8-бўлим бошлиги Цесарский ўзи имзолаган «**СССР Олий суди ҳарбий коллегияси судига тегишли шахслар рўйхат**»ини 1938 йил 28 марта ВКП(б) Марказий Комитетига тасдиқлаш учун юборади. Рўйхатга И.Сталин, В.Молотов, Л.Кагонович, А.Жданов, К.Ворошилов имзо қўйганлар.¹² Ана шу рўйхат бўйича 24-ўринда Қурбон Оллаберганинович Берегин бўлган.

СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилиши 1938 йил 4 – 16 октябрь кунлари бўлиб ўтади. Ҳарбий коллегия 1938 йил 4 октябрда Қурбон Берегинни отувга ҳукм қиласиди, ҳукм ўша куни ижро этилган (Бу ҳақда қаранг: Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қатагон сиёсати ва унинг оқибатлари (Биринчи китоб). – Тошкент: Sharq, 2012. – Б.75 – 77).

6. Китобнинг «Андижонда маориф ишлари» (230-бет) сарлавҳаси остида ушбу сатрлар ёзилган: «Савнарком олдида тузулган Маорифга ёрдам қўмитасининг йўлида ишламак учун ижрокўм қошида Маорифга ёрдам бюроси тузулди. Доимий бўлган бюронинг умумий ҳайъати шу ўртоқлардан иборат: Раҳматулла ўғли (ижроқўмдан),

¹¹ Кўрсатилган манба. – Б.149.

¹² Репрессия 1937 – 1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. – Ташкент: Шарқ, 2005. – С.215 – 228



Султон Мас'уд
Холботиров



Бесров (фирқақўмдан), Касаткин (маорифдан), Эшонхўжа ўғли (ёш коммунистлардан), бир киши касабалар ташкилотидан.

Бюро ишга киришиди.



Усмонхон Эшонхўжаев

айрим маълумотларни келтиришни лозим билдик.

Султон Масъуд Холботиров 1888 йили Андижон шаҳрида туғилган. Унинг отаси Рӯздорбий Холботир ўғли сув иншоотлари бўйича назоратчи бўлган ва умрининг сўнгига икки-уч йил давомида Андижон шаҳрида бош оқсоқол бўлган. 1898 йилги Андижон қўзғолони муносабати билан маҳаллий халқ бошига чор мустамлакачилари томонидан солинган мислсиз оғир мусибатларнинг олдини олишга ҳаракат қилган, аҳволи танг аҳолининг қони беҳуда тўкилмаслиги учун курашган. Бу ҳақда Фозилбек Отабек Қози ўғли ўзининг «Дукчи Эшон воқеаси» асарида тўхталиб ўтади. Чор маъмурлари Рӯздорбий Холботир ўғлини маҳаллий аҳоли тарафини олгани учун шаҳар бош оқсоқоллигидан бўшатади. У 1899 йили вафот этган.¹³

Усмонхон Эшонхўжаев 1899 йил 14 октябрда Андижонда таваллуд топган, катта ҳаёт, истиқлол учун кураш йўлини босиб ўтган. Андижон, Тошкент, Самарқанд, Москва, Шимолий Кавказда раҳбарлик лавозимларида ишлаган, ўзбек миллий матбуоти асосчиларидан бири. У Москвадан туриб Тошкентга, Ўрта Осиё бюроси раиси И.А.Зеленскийга йўллаган хатларида,

ўткир публицистик мақолаларида, анжуман, қурултойлардаги нутқларида истиқлол руҳидаги фикр-ғояларни барабалла айта олган. Ўша мустабид шўро тузуми ҳайбаракаллачилари Усмонхон Эшонхўжаевнинг истиқлол йўлидаги ибратли курашини тан олганлар.

Туркистон Компартияси органи – «Қизил байроқ» газетаси 1922 йил сентябрида «Туркистон» деб қайта номланди. Шунга бағишилаб газета муҳаррири Усмонхон Эшонхўжаев мақола эълон қилди.

23 ёшли ўзбек большевиги Усмонхон Эшонхўжаев 1922 йили ўзи муҳаррир бўлган «Туркистон» газетасида эълон қилинган мақоласида шундай ёзган эди: «Туркистон буюк ижтимоий ўзгаришлардан сўнггина озодликка чиқади, аммо бу озодлик фақат номиганинадир, бизнинг инқилоб – бу фақат формадир, тўла маънодаги озодликни биз ҳозир ҳам кўрмаяпмиз». Шу ҳаққоний фикр орадан 8 йил ўтиб, 1930 йил июнида бўлиб ўтган Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партияси V қурултойи минбарида туриб аёвсиз танқид қилинганди. 1938 йили кўплаб миллий ходимларимиз, зиёлиларимиз қаби Усмонхон Эшонхўжаев ҳам қатағон қиличидан ўтказилди. СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 4 октябрдаги сайёр сессияси ҳайъати қарори билан у отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни кечқурун ижро этилган. Шунда у эндиғина 39 ёшга тўлган эди.

1957 йил 1 августда СССР Олий суди томонидан Усмонхон Эшонхўжаев реабилитация қилинди.¹⁴

(Давоми келгуси сонда)

¹³ Бу ҳақда қарант: Шамсутдинов Р. Иқтиқлол йўлида шахид кетгандар... – Б.199 – 207.

¹⁴ Кўрсатилган манба. – Б.338 – 375.

КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

Холиқулов Р.Ш.,
доц., СамДУ «Ўзбекистон
тариҳи» кафедраси мудири

Мустақиллик советлар томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилиш тарихини холисона ўрганиш учун зарур шароит яратди. Ўрта Осиёда бу мавзуни янгича тадқиқ этишини академик Р.Х.Аминова бошлаб берган эди. Бу ишни проф. Р.Т.Шамсутдинов давом эттириди. Унинг бевосита раҳбарлигига қатор монографик тадқиқотлар, ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари, номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Мазкур муаммони ўрганишда Андижонда ўзига хос илмий мактаб шаклланди. Шу мактаб тадқиқотчиларидан бири тарих фанлари номзоди Баҳтиёр Расуловдир. Унинг «Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929 – 1959 йиллар)» номли монографияси ҳам ўша мактаб маҳсулидир.

Монография кириш, тўртта боб, ҳулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Кириш қисмida мавзунинг дол зарблиги ишончли исботланган. Муаммонинг ўрганилганлик дарражасини тадқиқ қилишда, бошқа монографиялардан фарқли ўлароқ, мавзуга оид рус ва хорижий тилларда чоп этилган асарлар билан бир қаторда кўплаб ўзбек тилида араб алифбосида нашар қилинган қитобларни ҳам шарҳлаб берган.

Биринчи бобда коллективлаштириш гоясининг вужудга келиши, колхозлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонларнинг гоявий, маф-

куравий ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиб, мавзунинг назарий методологик асосларини очиб беради. Муаллиф қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш гояси иқтисодиётнинг ўзига хос ички қонуниятларига мувофиқ эмас, балки большевикларнинг мафкуравий манфаатлари натижасида вужудга келган деган асосли ҳулоса чиқарган. «Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсатига ўтиш большевистик режимнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий мақсадлари ифодаси бўлиб, колхозлар тимсолида деҳқонларни сиёсий ва маъмурий назорат қилиш шаклини яратиш бўлган», – деб таъкидлайди муаллиф.

Иккинчи бобда советларнинг ёппасига коллективлаштириш сиёсати ўзбек қишлоқларида асрлар давомида шаклланган ижтиёмий муносабатларга зид равишда мажбуран амалга оширилгани қайд қилинган. Қишлоққа нисбатан синфий ёндашув ёппасига коллективлаштириш жараёнида жуда катта хатоликларни, қонунбузарликларни келтириб чиқарганлиги таъкидланган.

Монографияда мажбурий коллективлаштиришга қарши деҳқонларнинг норозилик чиқишлиари ва оммавий ҳаракатлари кенг ва бирламчи манбалар асосида ёритилганлигини алоҳида қайд этиш керак. Монографиянинг янгиликларидан бири ҳам шу масаланинг батафсил ёритилишида деб ҳисоблайман. Ишда деҳқонларнинг юқори идораларга жамоавий шикоятлари, ҳайвонларни оммавий сотиш, сўйиш, ўз хўжалигини тарқатиб юбориш оммавий тус олганлиги, колхозларга очиқдан-очиқ қарши чиқиш, коллективлаштиришга қарши ташвиқот юргизиш, аёллар галаёни, исёнлар, совет режимига қарши қуролли ҳаракатлар содир бўлганлиги аниқ далиллар асосида баён этилган.



Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929 – 1959 йиллар) / Б.Расулов; масъул мухарир Р.Т.Шамсутдинов; З.М.Бобур номидаги АндДУ, ЎзРФА Тарих институти. – Тошкент: Шарқ, 2012. – 368 б.

Водийнома 3/2017 105



«Совет хокимиятининг Ўзбекистондаги қулоқлаштириш сиёсатининг моҳияти» деб номланган учинчи бобда «қулоқлар» тавсифи берилган. 1920 – 1930 йилларда «муштумзўр», «қулоқ» номлари остида қишлоқ аҳолисининг катта бир қисми турли чеклашлар, сиқув, сиёсий қатағонларга дучор этилди. «Муштумзўр», «қулоқ» атамаси расман қишлоқ аҳолисининг ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи ўзига тўқ, ишбителармон қисмiga ва диндорларга нисбатан татбиқ қилинганлиги, амалиётда эса мажбурий коллективлаштириш сиёсатидан норози бўлган қамбағал ва ўртаҳол деҳқонлари ҳам «қулоқ», «қулоқнинг думи», «ёт унсур» тамғалари остида сиёсий қатағонларга учраганлиги қайд қилинган.

Совет ҳукумати тадбиркор деҳқонларга «қулоқ» тамғасини босиш орқали фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини чеклаганлиги ишончли манбалар асосида очиб берилган.

Шунингдек, бу бобда тарихий асарларда деярли ёритилмаган меҳнат лашкарлари тўғрисида, яъни чақирав ёшидаги сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг фарзандлари меҳнат лашкарлари қисмларига, қурилиш ишларига уч йил муддатга чақирилиб оғир меҳнатга солинганлиги ёритилган.

Монографияда «қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсати»даги қонунбузарлик ва зўравонликларни кўрсатишга алоҳида эътибор берилган. Муаллиф «қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсати»нинг мазмун-моҳияти ўзек қишлоқларида Иттифоқнинг галла етиштирувчи марказий районларидан деярли фарқ қилмаганлигини таъкидлаган. Шу билан бирга, Ўзбекистонда Иттифоқнинг марказий районларига нисбатан айrim ўзига хос хусусиятлар мавжудлиги, булар асосан ер-сув ислоҳоти ва пахта сиёсати билан боғлиқ бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ишда бой-қулоқ ҳўжаликлари якка тартибда солиққа тортилганлиги, мажбуран пахта, пилла, галла топшириш мажбуриятлари юқланганлиги, мажбуриятни бажармаганлар қатағон қилинганлиги, мол-мулки мусодара этилиб, ўзи озодликдан маҳрум қилинганлиги биринчи бор кенг, аниқ мисоллар билан батафсил ёритилган.

Тўртинчи бобда Ўзбекистонда қулоқ оиласарининг сургун қилиниши масаласи тадқиқ этилган. СССР ҳукумати ва ВКП(б) томонидан

қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда «қулоқлар» уч тоифага бўлинганлиги, 1-тоифадагилар концлагерларга қамалгани, айримларига нисбатан олий жазо қўлланилгани, 2-тоифалилар яшаб турган районидан ташқарига сургун қилинганлиги, 3-тоифалилар яшаб турган райони доирасида маҳсус ерларга кўчириб жойлаштирилганлиги қайд қилинган. Большевикларнинг коллективлаштириш сиёсатидан норози бўлган фаол деҳқонларни сургун чораси орқали йўқотишга эришилганлиги, уларнинг мол-мулки мусодара қилиниб колхозларга берилганлиги, ўзлари эса Украина, Шимолий Кавказда пахтачиликни ривожлантиришда, Шимолий Қозоғистонни ўзлаштиришда арzon ишчи кучи сифатида ишлатилганлиги таъкидланган. «Қулоқ» оиласарини сургун қилишда репрессив метод ва механизmlар қўлланганлиги аниқ мисоллар билан кўрсатилган.

Асарда Ўзбекистондаги сургун ўташ жойлари – маҳсус посёлкаларнинг вужудга келиши, уларда «қулоқлар»нинг оғир, машаққатли меҳнати, маданий-маиший хизматнинг қониқарсизлиги илк бор батафсил юритилган. Ўзбекистондаги маҳсус посёлкалар коллективлаштириш жараёнида қатағон қилинган деҳқон оиласарининг жазо маскани вазифасини ўтаганлиги таъкидланган.

Монографияда «собиқ қулоқлар»нинг сургундан озод қилиниши масаласи ҳам атрофлича тадқиқ этилган. «Собиқ қулоқлар»дан чекловларнинг олиб ташланиши 1946 йили Шимолий Кавказдан бошланганлиги айтилган. 1954 йили 1929 – 1933 йилларда ёпласига коллективлаштириш даврида сургун қилинган «собиқ қулоқлар»дан чекловлар олиб ташланганлиги, 1934 йил ва ундан кейин сургун қилинганлар 1959 йили батамом озод бўлганлиги кўрсатилган. Шундай қилиб, монографияда Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнида қатағон қилинган қулоқларнинг фожиали тақдидири мукаммал ёритилган.

Б.М.Расуловнинг «Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи. 1929 – 1959 йиллар» номли монографиясида кўп масалалар биринчи бор таҳлил қилинган. Илмий нуқтаи назардан салмоқли хуносалар қилинган. Умуман, бу асар фанга кўшилган муҳим ҳиссалардан биридир.



ТАҚДИМОТ



2017 йил 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида бўлганидек, Тошкентда ҳам Иккинчи жаҳон уруш қатнашчиларини эъзозлаш, уларга совға-салом бериш, улар шаънига самимий дил сўзларини айтиш чинакам байрамона тус олди. 9 май куни Тошкентда ўтказилган камтарона парадни кўрган фахрийлар жанг майдонларида кечган йилларини, катта машаққатлар ва қурбонлар эвазига эришилган ғалаба қунларини эслаб, уларни бало-қазолардан сақлаб қолган Аллоҳга ҳам, озод ва обод Ўзбекистонда яшаётганларига ҳам шукроналар айтдилар.

Наим Каримов,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

Шу куннинг эртасига, 10 май куни улар яна Республика «Нуроний» жамғармасига тўпландилар. Шу куни улар Андижон давлат университети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори, тарих фанлари доктори профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» китоби биринчи жилдининг тақдимотига таклиф этилган эдилар.

Жамғарма раиси, юридик фанлари доктори Шуҳрат Жалилов ҳозир бўлганларни Хотира ва қадрлаш куни билан яна бир марта табриклар экан, андижонлик тарихчи олимнинг қутлуғ кунга катта совға билан келганлигини айтди. У «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» китобини даст кўтариб, шу китобдаги қарийб ҳар бир хабар, ҳар бир мақола, ҳар бир шеър бомба ва снарядлар портлаб, милтиқ ва автомат ўқлари эса ёмғирдек ёғилиб турган окопларда ёзилгани, улар фронт газеталарида чоп этилиб, ўзбек жангчиларининг қўлларига теккани, уларда жанговар руҳни уйғотганини айтди. Сўнгра китобдан олган таассуротларини муҳтасар баён қилгач филология фанлари доктори, профессор Наим Каримовга сўз берди.

Олим Москвада илмий сафарда бўлган вақтларида пойтахтдаги Марказий давлат кутубхонасининг газеталар фондида ўзбек тилидаги бир неча фронт газеталари билан танишгани, ўзбек шоир ва ёзувчилари ижодини ўрганган даврида эса уларнинг республика раҳбарлари топшириғига биноан фронт газеталари учун жангчиларни ғалаба йўлида қаҳрамонона курашга илҳомлантирувчи шеърлар, қўшиқлар, фронт ортида кечаётган воқеалар ҳақида, урушга кетган йигитлар ўрнида қолган қизлар ва аёлларнинг мардона меҳнат қилаётганлари ҳақида мақолалар ёзиб берганларини, шу асарлар фронт газеталарида босилгани ва жангчиларнинг уларни кўз ёш тўкиб ўқиганларини



айтди. Шу газеталардаги материалларнинг китоб шаклида нашр этилишини орзу қилиб келганини билдириди.

«Жаҳон адабиёти» журнали бош мұхаррири Шұхрат Ризаев китоб мұаллифининг камёб фидойи тарихчи олимлардан бири эканы, Ўзбекистон тарихи ва совет даври қатағон сиёсати масалалари билан шуғулланиб, 20 дан зиёд катта китоблар ёзгани ва улар жамоатчилік томонидан юқори баҳоланганини айтди.

– Тиниб-тinchимас олим ҳар доим бизни ўзининг янги бир йұналишдаги изланишлари ва тадқиқтлари билан ҳайратта солади. Бу сафар у биз учун янги мавзуга құл уриб, күпчилік нінг хотирасида чиқиб кетген фронт газеталарини топиб, улардаги материалларни күчириб, уч жиілік «Иккінчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» китобининг биринчи жылдини Хотира ва қадрлаш куни араfasида зерттегізінде ҳавола этиб турибди, – деди Шұхрат Ризаев.

Тақдимотда қатнашган Дурбек Мирзаев мазкур китобнинг яратилиш тарихи билан таништириб, унинг Р.Шамсутдинов башчылық қылған «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция

хайрия жамғармасининг илмий-ижодий ишларидан бири эканлиғи, шу китобни нашрға тайёрлаш жараёни ёш тарихчилар учун катта мактаб бўлғанлигини завқ билан сўзлади.

Тақдимотда қатнашган таниқли тарихчи олим Сотимжон Холбоев ҳам китобдан олган таассуротлари ва китобнинг нафақат уруш қатнашчилари, балки тарихчиларнинг ёш авлоди учун ҳам катта совға бўлгани ҳақида гапирди.

Жамғарма раиси Шұхрат Жалилов тақдимотни яқунлаб: «Рустамбек Шамсутдинов томонидан нашрға тайёрланган «Иккінчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» китобининг Хотира ва қадрлаш куни араfasида чоп этилиши мамлакатимизнинг маданий ва маърифий ҳаётида катта воқеа бўлди. Биз мұаллифнинг илтимоси билан китобнинг жамғармага берилиган 200 та нусхасини Хотира ва қадрлаш қунининг нишонланишига бағишлиланган кечамизда уруш қатнашчиларига совға қилдик. Улар бу китобни энг катта ҳадя сифатида қабул қилдилар», – деди.

Тақдимот йиғилганларда катта таассурот қолдириди.